

ЎЗБЕК ИСТОНИНИ
МУСТАҚИЛАККА
ЭРИШИШ ТАРИХИ:
1980-1990-ЙИЛЛАРДАГИ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ОМИЛЛАР

63,3(54)
У-17



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ


..... 7
сий

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИККА
ЭРИШИШ ТАРИХИ:
1980–1990-йиллардаги ижтимоий-сиёсий,
иқтисодий ва маданий омиллар

..... 12
..... 34
..... 41
..... 49

Илмий тўплам

..... 53
..... 62
..... 69



..... 74
..... 80
..... 91

ТОШКЕНТ
«TURON-IQBOL»
2019

..... 95

УДК: 94(575.1)

КБК 63.3(5Ў)

Ў 43

Ўзбекистоннинг мустиқилликка эришиш тарихи: 1980–1990-йиллардаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва маданий омиллар. [Матн]: илмий тўплам / масъул муҳаррирлар: М. Раҳимов, О. Абдимўминов. – Тошкент: “TURON-IQBOL”, 2019. – 360 б.

Масъул муҳаррирлар:

Мирзохид Раҳимов – тарих фанлари доктори, профессор;
Ойбек Абдимўминов – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таҳрир хайъати:

с.ф.д. Г.И. Юлдашева, т.ф.н. Ш.Э. Эргашев, т.ф.н. Б.А. Пасилов,
т.ф.н. Ш.М. Рахматуллаев, т.ф.н. А.Р. Қажомов, т.ф.н. И.М. Шамсиева, с.ф.н.
Ф.Х. Усарова, т.ф.н. Х.А. Буриева, PhD. А.Т. Замонов,
PhD. К.Қ. Сагдуллаев

Такризчилар:

т.ф.д., проф. Х. Юнусова, т.ф.н. Б. Пасилов

Ушбу илмий тўпламда Ўзбекистоннинг мустиқилликка эришиш арафасида ва мустиқилликнинг дастлабки йилларидаги мураккаб сиёсий вазият, ўтиш даврида ижтимоий ва иқтисодий ҳолат, ушбу даврдаги маданий ҳаёт ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг қўлга киритилиши, ижтимоий-сиёсий ислохотлар, ташқи алоқаларнинг йўлга қўйилиши каби масалалар фанлараро ёндашув асосида ёритиб берилган. Китоб Ўзбекистоннинг энг янги даври тарихи билан шуғулланувчи тарихчи, сиёсатшунос олимлар, тадқиқотчилар, шунингдек, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари учун мўлжалланган.

Илмий тўплам «ПЗ-20170928749 Ўзбекистон мустиқилликка эришининг тарихий шарт-шароитлари: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ Илмий-методик кенгашининг 2019 йил 31 майдаги қарори билан нашрга тавсия этилган.

Тўпламда келтирилган маълумотларнинг аниқлиги ва билдирилган фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъулдирлар.

© ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи
масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, 2019
ISBN 978-9943-14-636-5 © «TURON-IQBOL», 2019

МУНДАРИЖА

Сўзбоши 7

I БОБ. МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА РЕСПУБЛИКАДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ. ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН

<i>Қ.К. Ражабов</i>	Ўзбекистондаги янги сиёсий-мафкуравий вазиятнинг шаклланишига қайта қуриш сиёсатининг таъсири 12
<i>Ш.Эргашев</i>	Қайта қуриш: ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий зарурият 34
<i>Р.Р. Назаров</i>	Ферганские события 1989 года в контексте этнической политики СССР в период перестройки 41
<i>Ш.С. Фафоров</i>	Пахта иши: Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилиши 49
<i>Х.А. Буриева</i>	Ўзбекистонда қайта қуриш ва ўтиш даврлари жиҳатлари хусусида 53
<i>Н.С. Расулова</i>	Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистондаги сиёсий ҳаракатлар ва партиялар фаолиятига назар 62
<i>Ж.А. Мустафоев</i>	Ўзбекистонда XX асрнинг 80-йилларидаги инқироз: «пахта иши» 69

II БОБ. XX АСРНИНГ 80–90-ЙИЛЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ

<i>С.Р. Давлетов</i>	XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик муаммолари 74
<i>Ш.М. Рахматуллаев</i>	1980-йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти: режали тизим оқибатлари 80
<i>М.М. Алиханов</i>	Мустақиллик арафасида иқтисодий муаммоларнинг зиёлилар томонидан матбуотда ёритилиши 91
<i>К. Ганиев</i>	Ўзбекистонда 1980-йилларнинг иккинчи ярмида мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг оқибатлари 95

<i>А.А. Ерметов</i>	XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг ички ишлар органлари фаолиятига таъсири	100
<i>А.Р. Қаюмов</i>	Ўзбекистон қишлоқларида янгича мулкчилик муносабатларининг қарор топиши	106
<i>А.А. Ерметов, У. Маматқаримов</i>	Мустақиллик арафасида Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий вазият	116
<i>С.И. Дониев</i>	Қайта қуриш йилларида Қашқадарё вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар	127
<i>А.Н. Нурматов</i>	Мустақиллик йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари (Фарғона водийси мисолида 1991–2000-йиллар)	134
<i>Ж.А. Перемкулов</i>	Тошкент вилояти саноат шаҳарларининг иқтисодий аҳволи (XX асрнинг 80–90-йиллари мисолида)	141
<i>Х.Х. Раҳмонов</i>	Мустақиллик арафасида ўзбек маҳаллаларида ижтимоий ҳаётнинг айрим масалалари	147
<i>Э.А. Раҳмонов</i>	Ўзбекистонда XX асрнинг 90-йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш (Фарғона водийси мисолида)	157
<i>Ш.Ю. Салимов</i>	1990-йилларда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари	165
<i>Ш. Туланбоев, А. Дадабоев</i>	XX асрнинг 90-йилларида Наманган вилоятида атроф-муҳитни асраш муаммолари	174
<i>Д.О. Хайдаров</i>	Совет даврида Ўзбекистондаги урбанизация жараёнлари: йўналишлари ва оқибатлари	177

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ АРАФАСИДА ВА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

<i>Д.Н. Раҳматуллаева</i>	Мустақиллик арафасида театр санъатида тарихий мавзу	184
<i>М.С. Исакова, З.Х. Абдулладжанова</i>	Мустақиллик арафасида Ўзбекистон архивларининг бошқарув ҳолати	192
<i>И.М. Шамсиева</i>	Наврўзга қарши «коммунистик уруш»: тарих ҳақиқати ва сабоқлари	196
<i>Ф.Х. Усарова, Н.Б. Абдусаттарова</i>	Миллий мафкура шаклланишининг эволюцияси	202

<i>Б.Б. Аббасов</i>	Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архиви фаолияти 209
<i>Д. Мамажонов</i>	«Қайта қуриш» даврида маданий соҳадаги давлат сиёсатининг айрим жиҳатлари 215
<i>Б. Халмуратов, С. Аҳатжонов Т. Хатамов</i>	XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда туризм тараққиёти: муаммолар ва ечимлар 222
<i>Ў.Қ. Хошимов</i>	Ўзбекистонда халқ таълими тизими: муаммолар, тажриба ва ютуқлар (1991–1997-йй.) 228
<i>Д. Чориева</i>	Ўтиш даврида Ўзбекистонда мактаблар моддий-техник базасининг ҳолати ва муаммолари 237
	«Қайта қуриш» даврида Қорақалпоғистон Республикаси маданият муассасалари фаолиятига доир айрим жиҳатлар 245

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҚЎЛГА КИРИТИЛИШИ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР

<i>Р. М. Қаршиев, Ш.Э. Тоштуров, И.А. Қулжонов, Ф.Қ. Усмонов А.М. Джумашев</i>	Давлат суверенитетини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар юзасидан баъзи мулоҳазалар 253
<i>С.У. Нуржанов</i>	Принятие декларации о государственном суверенитете Республики Каракалпакстан 262
<i>О.Э. Ҳайдаров</i>	Проблемы роста периодической печати Каракалпакстана на рубеже 1990-х годов 268
<i>Ж.Б. Саломов</i>	Президентлик институтининг таъсис этилиши – миллий мустақиллик сари муҳим қадам 275
<i>Ж.Ж. Акрамов</i>	Роль института Президентства в процессе становления политических институтов в Республике Узбекистан (1991–1995 гг.) 280
<i>Т.А. Аметов</i>	Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистонда ижро ҳокимияти модернизацияси 286
	Трансформация в политической системе Республики Каракалпакстан 291

V БОБ. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

<i>М.А. Рахимов, О.Б. Абдимўминов</i>	Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон ва БМТ муносабатларининг йўлга қўйилиши ҳамда ривожланиши 299
<i>Ғ.Р. Мирзаев</i>	Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари маданий ҳамкорлиги 309
<i>С.А. Рахимов</i>	Многостороннее военное сотрудничество в рамках СНГ и формирование национальной армии Узбекистана в 1990-е годы 315
<i>О.Б. Абдимўминов, А.Ш. Муллаев</i>	XX асрнинг 80–90-йилларида Ўзбекистон тарихий-маданий меросининг халқаро тарғиб этилиши (ЮНЕСКОнинг Ипак йўли – мулоқотлар йўли Халқаро дастури мисолида) 325
<i>Д.А. Ташкенбаева</i>	Современные зарубежные центры по изучению истории Центральной Азии 332
<i>Ю.Б. Кушанова</i>	Ўзбекистон ва Франция маданий-гуманитар муносабатларининг яқин тарихдаги таҳлили 340
<i>С.Р. Толибова, Ш.Н. Хайтбаева</i>	XX асрнинг 80–90-йилларида Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг маданият соҳасидаги алоқалари 345
<i>С.Р. Усаров</i>	Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистоннинг Осиё–Тинч океани минтақаси давлатлари билан иқтисодий алоқалари хусусида 351
<i>С.Я. Умаров</i>	Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон ва Германия сармоявий ҳамкорлиги 354

СЎЗБОШИ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш жараёни Ватанимиз тарихининг долзарб масалаларидан бири бўлиб, уни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва ёритиб бериш олимларимиз олдида турган муҳим вазифадир. Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши – бу Ватан тарихидаги ноёб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий воқелик бўлди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бево-сита мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш жараёни билан боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, мустақиллик арафасида бутун собиқ Иттифокда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам қизгин ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар юз бераётган эди. Қайта куриш даврида бошланган ижтимоий фаоллик туфайли аҳоли турмуш шароитининг пастлиги, пахта яккаҳоқимлиги, ижтимоий ҳимоялашдаги камчи-ликлар, халқ хўжалигидаги турғунлик, Орол муаммоси, қишлоқ хўжалигининг инқироzi, экологик танглик, аҳолини ер ва уй-жой билан таъминлаш, ишсизлик каби жамиятда тўпланиб қолган ижтимоий муаммолар очиб ташланди. Шунингдек, фан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларининг ислохотга муҳтожлиги маълум бўлди, адабиёт ва санъатда миллий тил ва мустақиллик масала-лари кўтарилди бошланди. Бир гуруҳ зиёлилар ташаббуси билан 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида» қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу республикада халқ руҳини тиклаш, миллатни жипслаштириш ва уйғотиш учун катта тurtки бўлиб хизмат қилди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда Президентлик институтининг жорий этилиши ва 1990 йил 20 июнда Мустақиллик Декларацияси-нинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган улкан қадамлар бўлди. 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» қонуннинг қабул қилиниши мамлакатнинг ҳуқуқий ва амалий мустақиллигини таъминлади.

Бироқ мустақил давлат ва янги жамиятни куриш осон кечмади. Турли соҳаларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар мустақилликнинг дастлабки йилларида жуда кескин намоён бўлди ва бугун ўтиш даври деб номланаётган ҳолатни вужудга келтирди. Ўзбекистонда ўтиш даври қийинчиликлари ва муаммоларини

босқичма-босқич, тадрижий босиб ўтишга қаратилган бир қатор дастурлар ишлаб чиқилди.

Республикамизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар ўтиш даврида тўпланиб қолган ва айниқса ижтимоий соҳада ҳал этилмаган муаммолар ечимига ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишга қаратилган. Шу сабабли мамлакатнинг мустақилликка эришиш тарихи ва истиқлолнинг дастлабки йилларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий қиёфасини ўрганиш ва беғараз таҳлил қилиш бугунги кунда тобора долзарблашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Миллий ўзлгимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур»¹, – дея таъкидлади.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши ва суверен давлат сифатидаги дастлабки йиллари тарихини Ўзбекистоннинг энг янги тарихи контекстида тадқиқ этиш бир қатор илмий муаммоларни ҳал қилишни ҳам тақозо этади.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини даврлаштириш борасида бир неча ёндашувлар мавжуд. Жумладан, кўнлаб илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар ҳамда манбаларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан, айрим қарашларга асосан эса бу масала «Мустақиллик Декларацияси»нинг қабул қилиниши билан боғланган. Бошқа бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг 1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий кўмитасининг биринчи котиби этиб сайланишини мустақиллик сари ҳаракат учун асос деб ҳисоблаб, шу санани энг янги тарихнинг бошланиши сифатида қарашади. Бу борада, жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш, XX асрда мустақилликка эришган Осиё мамлакатлари олимларининг илмий қарашларини ўрганган ҳолда яхлит фикрни илгари суриш мақсадга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

мувофиқ. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш даври тарихини илмий таҳлил ва тадқиқ этиш бу масалани янада ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини умумжаҳон тарихи билан боғлиқ равишда, глобал тенденцияларни инобатга олган ҳолда ўрганиш лозим. Чунки, XX асрнинг 90-йилларида жаҳон тарихи учун ҳам муҳим бўлган воқеа ва ҳодисалар юз берди. Варшава Шартномаси блокининг тугатилиши, СССРнинг парчаланиши, Германиянинг бирлашуви, Афғонистондан совет қўшинларининг олиб чиқилиши, Ироқ ва Югославиядаги воқеалар, фан ва техника кашфиётлари, халқаро муносабатларда илиқликнинг вужудга келиши каби жараёнлар шулар жумласидандир. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон тарихининг ажралмас қисми сифатида шу жараёнлар билан боғлиқ ҳолда қиёсий таҳлил қилиш лозим бўлади.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш жараёни тарихини фанлараро ёндашув асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга масалалардан биридир. Мураккаб даврнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий қиёфасини ёритиб беришда тарихчи, иқтисодчи, сиёсатшунос, жамиятшунос, ҳуқуқшунос, файласуф, санъатшунос ва бошқа гуманитар соҳа олимларининг имкониятларини бирлаштириш ва ишга солиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, мустақилликка эришиш тарихини Ўзбекистоннинг энг янги тарихи контекстида ёритиб берувчи маълумотлар, ҳужжатлар ва материаллар манбаини янада бойитишга хизмат қилади ва давр тарихини батафсил ҳамда ҳаққоний кўрсатиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва мустақилликнинг дастлабки йиллари тарихи бўйича хорижий адабиётларни ўрганиш ва уларда ёритиб берилган масалаларни таҳлил қилиш ҳам давр тарихини объектив кўрсатиб бериш учун жуда муҳим. Марказий Осиё тарихи билан шуғулланувчи нуфузли хорижий илмий марказларда минтақанинг таркибий қисми сифатида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари ёритилган илмий мақолалар, китоблар ва турли нашрлар чоп этилмоқда. Уларда билдирилган фикр ва қарашларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини халқаро миқёсда кенг

тарғиб қилишга ёрдам беради. Бу ўз навбатида мамлакатнинг ташқи имиджини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, бугунги кунда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва энг янги тарихи бўйича янги авлод адабиётларини янада кўпроқ яратиш, ўқувчи-ёшлар, талабалар ҳамда кенг халқ оммасига мамлакатимизда кечаётган тарихий ўзгаришлар ва модернизация жараёнларининг моҳиятини тушунтириш, илмий ва илмий-оммабоп тарзда очиб бериш вазифаси қўйилмоқда. Бу ҳозирги глобаллашув даврида давлатимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тушунишда, мамлакатимизда инсон омилини янада ривожлантириш ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини англашда ёшларимизга ёрдам беради.

Кейинги йилларда мустақиллик арафасида Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг турли соҳалари, мустақилликнинг қўлга қиритилиши билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар юзасидан хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение, газета, журнал ва интернет нашрлари, ижтимоий тармоқларда турли фикр ва муносабатлар билдирилмоқда, ўша давр сиёсатида муҳим роль ўйнаган кишилар билан суҳбатлар ташкил этилмоқда. Бу, албатта, яхши. Бироқ мавжуд материаллар асосида бу давр тарихини илмий тадқиқ этиш, унинг объективлигини таъминлаш ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»¹ қарорида тарихчи олимлар олдига мамлакатимиз мустақилликка эришганлигининг буюк тарихий аҳамиятини англаш ва чуқур ўрганиш вазифаси қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказда «ПЗ-20170928749 Ўзбекистон мустақилликка эришиши-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги № 3105-сон Қарори.

нинг тарихий шарт-шароитлари: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида ушбу масалаларни чуқурроқ ўрганишга эътибор қаратилган.

Ушбу тўпلامга киритилган илмий мақолаларда мустақиллик арафасида республикадаги сиёсий вазият, «қайта қуриш» даврида Ўзбекистон, ўтиш даврида ижтимоий ва иқтисодий ҳолат, маданий ҳаёт, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг бошланиши, халқаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши ва ривожланиши каби масалалар ёритиб берилган.

М.А. Раҳимов,
тарих фанлари доктори, профессор,
О.Б. Абдимўминов,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

І БОБ. МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА РЕСПУБЛИКАДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ. ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИ СИЁСИЙ-МАФКУРАВИЙ ВАЗИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ҚАЙТА ҚУРИШ СИЁСАТИНИНГ ТАЪСИРИ

*Қ.К. Ражабов, ЎзР ФА Тарих институти грант раҳбари,
тарих фанлари доктори, профессор*

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида мамлакатимиз ва жаҳонда «қайта қуриш» тушунчаси кенг истеъмолга кирган бўлиб, у СССРда тоталитар тузумни ислохотлар йўли билан ўзгартиришга қаратилган ҳаракатни англаган. Қайта қуриш сиёсатининг мақсади ва вазифаси мамлакатда тўпланиб қолган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва мафкуравий соҳалардаги муаммоларни қайта қуриш йўли билан ҳал этишдан иборат бўлган.

Совет жамиятида бошланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишнинг моҳиятини белгилаб берган ислохотлар ўн йиллар давомида етилиб келди. Бу ислохотларнинг зарурийлиги XX асрнинг 60–70-йилларида жаҳонда, аниқроғи, ривожланган мамлакатларда юз берган чуқур технологик ўзгаришлар, инсоният цивилизациясининг ривожланишида сифат жиҳатидан янги босқич – постиндустриал жамиятга ўтиш билан белгиланган эди.

Кўпгина омиллар 1985 йил арафасига келганда СССР ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан чуқур тушкунликни бошдан кечираётгани, реал социализм амалга ошмаганидан далолат берар эди. Совет жамиятида турмуш даражаси ва сифати, унинг давомийлиги, кишиларнинг ўртача умр кечириш даражаси, хусусан, болалар ўлими, аҳолини кенг истеъмол моллари ва хизматлари билан таъминлаш кўрсаткичлари бўйича СССР нафақат ривожланган давлатлардан, балки тараққиёти ўртача даражадаги мамлакатлардан ҳам анча орқада қолиб кетди.

Совет жамиятидаги таълим, иш малакаси, ижро интизоми юқори индустриал жамият ва замонавий технологияларга қўйилган талабларга жавоб бермас эди. Бу даврга келиб социализмнинг барча жиҳатларини, унинг иқтисодий асосларини, ижтимоий ҳаётини,

сиёсий тузумини, маънавий соҳасини янгилашнинг қатъий зарурияти сезила бошлади. Аммо янгиланиш жараёнининг йўллари, шакллари ва моҳияти дарров англаб олинмади. Кўп нарсаларни совет жамияти тараққиётининг «қайта қуриш» деб ном олган тарихий босқичи жараёнида аниқлаш, тузатиш ва қайта кўриб чиқишга тўғри келди.

КПСС етакчиси ва СССР раҳбари К.У. Черненко вафоти (1985 йил 10 март)дан сўнг КПСС Марказий Комитети Бош қотиби лавозимига сайланган Михаил Сергеевич Горбачёв орадан 40 кун ўтгач, ўзининг ғоявий принциплари ва янги йўлини илк марта кенг жамоатчиликка эълон қилди. 1985 йил 23 апрелда Москвада бўлган КПСС Марказий Комитетининг Апрель пленумида у қилган маърузасида бу фикрлар айтилди¹. Хуллас, КПСС МКнинг Апрель пленуми совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш йўлини эълон қилди. Иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, жамиятда ошкоралик ва демократияни қарор топтириш, М.С. Горбачёв томонидан илгари сурилган қайта қуриш сиёсати вақт эътибори билан 1953–1956, 1964–1965, 1982–1983-йиллардаги ислохотлардан кескин фарқ қилиб, 1985 йилда совет жамиятини комплекс тарзда янгилаш заруриятини биринчи маротаба эътироф қилган эди. Қайта қуришнинг асосий таркибий қисмлари ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва туб иқтисодий ислохот ўтказишдан иборат эканлиги эълон қилинди.

Ҳозиргача кўпчилик тадқиқотчилар томонидан мамлакатимиз ва хорижда 1985 йил 23 апрель куни СССРда қайта қуришнинг бошланиш санаси деб эътироф қилиб келинмоқда. Аслида совет жамиятидаги қайта қуриш жараёнлари бу санадан бошлангани қайси даражада ҳақиқатга мос тушади? Ҳозир шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтилади.

М.С. Горбачёв Апрель пленумида сўзлаган «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида» номли маърузасида аслида муаммонинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратган эди: «Мамлакатнинг тарихий тақдири, ҳозирги дунёда социализмнинг позициялари бизнинг бундан буён ишни қандай олиб боришимизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу илмий-техника революцияси

¹ «Совет Ўзбекистони», 1985 йил 24 апрель.

ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиб, социалистик хўжалик юритиш формаларини ҳозирги шароитлар ва талаб-эҳтиёжларга мувофиқлаштириб, социал-иқтисодий тараққиётни анча жадаллаштиришга эришишимиз лозим. Бошқача йўлнинг ўзи йўқ...

Ҳозир мамлакат иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қандай қилиб ва нималар ҳисобига эриша олади, деган масала асосий масала бўлиб турибди. Биз Сиёсий бюрода шу масалани кўриб чиқиб яқдиллик билан, бунинг учун реал имкониятлар мавжуд, деган хулосага келдик. Ўсиш суръатларини, шунда ҳам талай даражада ўсиш суръатларини жадаллаштириш вазифасини бемалол бажарса бўлади, бунинг учун фақат экономикани интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни бутун ишимизнинг марказига қўйиш, бошқарув ва планлаштиришни, структура ва инвестиция сиёсатини қайта қуриш, ҳамма жойда уюшқоқлик ва интизомни кучайтириш, фаолият услубини тубдан яхшилаш зарур»¹.

Маърузада Совет Иттифоқида юзага келиб қолган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий танг ҳолатдан чиқишнинг аниқ йўли белгиланмай ва ислохотлар дастури ишлаб чиқилмай ушбу ҳолатдан кутулиш ва янги сиёсий бурилиш яшаш учун мавжуд имкониятлардангина тўғри фойдаланиш назарда тутилган ҳамда унга умид қилинган эди. Шунинг учун пленумда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш орқали мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш йўли эълон қилинди. Хуллас, бу пленумда партиянинг қайта қуриш сиёсати эмас, аслида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш йўли эълон қилинди. Шунингдек, сиёсий раҳбарият кўпгина муаммоларни ҳал этиш йўли-иқтисодий ўсиш суръатларида вужудга келган пасайишни мамлакат машинасозлигининг қолоқлигини бартараф этишдан иборат деб билган эди. Уларнинг фикрича, куч-ғайратни ана шу муҳим йўналишларга қаратиб, совет иқтисодиётини нисбатан қисқа муддат ичида янги марраларга олиб чиқиш, сўнгра эса ижтимоий омилларни ҳам фаоллаштириш, хусусан, совет кишилари фаровонлигини ошириш мумкиндек туюлган эди. Шу билан бирга халқ хўжалигини бошқариш структурасини такомиллаштириш,

¹ Горбачёв М.С. Танланган нутқлар ва мақолалар. Том 2. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1988. – Б. 174.

меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклларини рағбатлантириш кўзда тутилган эди.

М.С. Горбачёв томонидан фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан 1985 йил 11 июнда КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда қилинган «Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи» номли маърузада¹ биринчи марта қайта қуриш сиёсатининг айрим жиҳатларини тўғри кўрсатишга ҳаракат қилинган: «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва бошқариш системасини, бутун хўжалик механизмини чуқур қайта қуришни қаттиқ талаб қилади...

Хўжалик бошқаришни қайта қуришнинг асосий йўналиши бизга равшан. У ҳам бўлса социалистик хўжалик афзалликларидан тўлароқ ва ҳар томонлама фойдаланишдир. Биз демократик централизмни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидан боришимиз керак. Бошқариш ва планлаштиришда марказлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, корхона ва бирлашмаларнинг хўжалик мустақиллигини ва масъулиятини анча кенгайтириш, раҳбарлик қилишнинг, хўжалик ҳисоби ва товар-пул муносабатларининг янада эпчилроқ форма ва методларидан, иқтисодий воситалар ва омилларнинг ҳаммасидан актив фойдаланиш – қайта қуришнинг моҳиятидир. Марказ билан жойларнинг куч-ғайратлари бирлиги, социалистик хўжалик юритишнинг хилма-хиллиги ва қайишқоқлиги, омманинг ташаббусини кенг ривожлантириш – муваффақиятга эришишнинг ишончли калитидир»².

Бу пайтда партия раҳбари бўлган мамлакатдаги биринчи сиёсий шахснинг сўзларига диққат билан қаралса, унда келгусида ҳам СССРда Марказнинг раҳбарлик роли сақланиб қолиши, республикалар унинг талабларига бўйсунishi, хуллас, марказлаштириш сиёсати ифодаланган. Фақат бу сиёсат эндиликда «қайта қуриш ва тараққиётни жадаллаштириш» каби дабдабали иборалар билан чирмалган ҳолатда айтилди ва йиллар давомида такрорланди. Шу билан бирга бу маърузада яқин ўтмиш тарихига «тургунлик» деб нотўғри баҳо берилган.

¹ Қаранг: «Совет Ўзбекистони», 1985 йил 12 июнь.

² Горбачёв М.С. Танланган нутқлар ва мақолалар. Том 2. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1988. – Б. 302–303.

Бу йилларда совет жамиятини қамраб олган қайта қуриш даврини қуйидаги 2 босқичга ажратиш мумкин.

Қайта қуришнинг биринчи босқичи (1985–1986-йиллар) – маъмурий-ташкилий тадбирларнинг анъанавий усулларда олиб борилиши билан изоҳланади. Мазкур босқичда илмий-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида жамиятда туб иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва унинг асосида инсон омилини фаоллаштириш мўлжалланган эди.

Бу пайтда СССРнинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон ССР ҳам мамлакатдаги қайта қуриш жараёнларига тортилди, унинг қонуниятларига амал қилди.

Қайта қуришнинг дастлабки даврларида асосий эътибор мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилди. Шунинг учун ҳам 1986 йил 1 март куни КПСС XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан қабул қилган резолюциясида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига махсус эътибор қаратилган эди. Ўша давр руҳини кўрсатиш ва кайфиятини билиш учун ҳужжатдан парча келтирамиз: «Партия фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштиришни, техниканинг энг юқори унумдорликни ва самарадорликни таъминловчи янги туркумланини, принципал жиҳатдан янги технологияларни кенг жорий этиш вазифасини халқ хўжалигини интенсивлашнинг асосий воситаси сифатида олдинга суради. Съезд фан ва техниканинг энг замонавий ютуқлари негизида халқ хўжалигини техник жиҳатдан чуқур реконструкциялашни амалга оширишни биринчи даражали вазифа сифатида ўртага қўйди. Ҳар бир тармоқ, корхона ва бирлашма ишлаб чиқаришни муттасил янгилаб туришнинг аниқ программасига эга бўлиши керак. Ишнинг моҳиятини юзаки тадбирлар ўтказиш билан, ярим-ёрти қарорлар қабул қилиш билан алмаштирадиган, техникавий реконструкция гоясининг ўзини бузадиган раҳбарлардан қатъий масъулият талаб қилиш даркор»¹. Хуллас, қайта қуришнинг дастлабки даврларида асосий эътибор мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилди. Аммо бундай жараённи ижтимоий муносабатларни такомиллаштирмасдан амалга


¹ КПСС қайта қуриш тўғрисида. Ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1990. – Б. 13.

ошириш мумкин эмаслиги тезда аён бўлиб қолди. Шунинг учун 1986 йилда қайта куриш ва ижтимоий муносабатлар масаласига алоҳида эътибор қаратишга мажбур бўлинди. Бундай сиёсатнинг марказида эса жамиятни демократлаштириш, маъмурий-буйруқбозлик ва бюрократизмга, қонунсизликка қарши кураш турар эди.

Бу даврда бутун Совет Иттифоқида бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам дастлаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда маълум ўзгаришлар юз бера бошлади, кишиларнинг ижтимоий фаоллиги ошди, демократия сари айрим қадамлар ташланди, миллий ўзликни англаш жараёни бошланди. Аммо туб ўзгаришлар ва барча соҳаларда ҳақиқий ислохотларни амалга ошириш йўлидаги уринишлар муваффақият қозонмади. Статистик кўрсаткичларда қайд этилишича, 1986 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодий аҳволи янада ёмонлаша бошлади, 1987 йил январдан ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари пасая борди, иқтисодиётда инқирозли ҳолат юзага келди. Қайта куришнинг биринчи босқичи шу тарзда кутилган натижани бермади.

Қайта куришнинг иккинчи босқичи (1987–1989-йиллар) – жамиятнинг барча жабҳаларини комплекс тарзда ислоҳ қилишни кун тартибига қўйди. Хуллас, бундай вазифа коммунистик мафкура томонидан 1987 йил январда янада аниқлаштирилди. Москва шаҳрида 1987 йил 27–28 январда бўлиб ўтган КПСС МКнинг Пленумида М.С.Горбачёв «Қайта куриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида» маъруза қилди. Унда сиёсий ислохотларнинг асосий мақсади ошкоралик ва кадрлар сиёсатини тўғри юритиш асосида совет жамиятини тўлиқ демократлаштиришга эътибор қаратилди. Кейинчалик М.С.Горбачёв ўзининг қайта куриш ҳақидаги машҳур китобида бу ғояларини давом эттирди¹. Бироқ сиёсий тузумни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, кенг халқ оммасининг сиёсий ва тарихий жараёнларда иштирок этиши Марказ учун кутилмаган оқибатларга олиб келиши натижасида Москва томонидан сиёсий ва иқтисодий ислохотлар боши берк кўчага киритиб қўйилди. Оқибатда 1989 йили нафақат қайта куришнинг иккинчи босқичи, балки СССР аҳолиси, шу билан бирга, бутун тараққийпарвар инсоният умид кўзи билан қараётган қайта куриш сиёсатининг ўзи ҳам

¹ Горбачёв М.С. Қайта куриш ва янгича фикрлаш мамлакатининг ва бутун дунис учун. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1988. – 320 бет



бутунлай мағлубиятга учради. Бу ҳолат ҳам СССР инқирозини тезлаштирди ва унинг парчаланишига олиб келди.

Қайта қуриш ошкоралик, демократия ва фикрлар хилма-хиллигининг маълум маънода кучайишига имконият яратди. Аммо мамлакатда туб демократик ўзгаришларни амалга ошириш, бошланган ислохотларни охирига етказиш мумкин бўлмади. Зўрайиб бораётган иктисодий танглик, сиёсий бошбошдоқлик ижтимоий адолатга сиёсий йўл билан эришиш мумкинлигига ишончсизлик уйғотди¹.

Ҳуллас, совет жамиятида қайта қуриш бошланган пайтда СССРда танглик ҳолати кескин кучайди, у мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Мустабид совет тузуми шароитида давлат мулки монополияси ва бошқарувида маъмурий-тақсимлаш тизими ҳукмронлиги тобора кучайиб борди, натижада ишлаб чиқаришнинг усиш суръатлари, ялпи маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди. ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат самараси ва шу қабилардан бегоналашуви янада ортиб борди. Халқ хўжалигини таназзулга олиб келган чуқур издан чиқиш жараёнлари, халқ ижтимоий манфаатларининг назар-писанд қилинмаслиги каби бошқа омиллар билан биргаликда КПССнинг улкан, бироқ кутилаётган натижаларни бермаётган иктисодий сиёсати бутун ижтимоий-сиёсий тизимнинг оқсашини олдиндан белгилаб берди².

Қайта қуришнинг мағлубияти қуйидаги уч сабаб билан изоҳланади. Биринчидан, қайта қуришнинг аниқ, изчил, илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган стратегия ва тактикаси ҳамда ягона дастури йўқ эди. Иккинчидан, коммунистик партия раҳбарлари (партократия) қайта қуриш ғалабасидан манфаатдор эмас эдилар. Улар ҳар қандай демократия ва ошкоралик тоталитар тузумнинг кушандаси эканлигини яхши билишарди. Учинчидан, М.С. Горбачёв ғояси асосида қайта қуришни амалга ошириш мумкин эмас эди. Социализмга хос синфий муносабатлар, давлат мулкчилиги, миллий ва ижтимоий соҳадаги сиёсат, якка партиявий раҳбарлик, коммунистик

¹ Алимов И., Ражабов К. Ўзбекистон мустақиллик йўлида (1985–1991-йиллар) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Ўзбекистон Республикаси. – Тошкент: ЎЗМЭ нашриёти. 2006. – Б. 18-

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: «Шарк». 2000. – Б. 624.

мафкура, маъмурий-буйруқбозлик тизими умуман демократия билан келиша олмас эди.

Маълумки, қайта қуриш юқоридан бошланди. Мазкур жараённинг бошланиш пайтида жамият аъзолари унга жуда катта умид боғладилар. Рўй бераётган ўзгаришлар, айрим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар кишиларда эртанги кун ва порлоқ келажакка ишонч руҳини яна уйғотди. Дастлабки даврда қайта қуриш раҳнамолари, яъни юқорининг кўйи билан муносабатларида маълум келишувчилик ва хайрихоҳлик сезилди.

Лекин кейинчалик вазият буткул ўзгарди. 1986–1987-йиллардан бошланган иқтисодий инқирознинг кучайиши, ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги укувсизлик, демократик жараёнлар ва ошкораликнинг ярим йўлда қолиб кетиши – буларнинг барчаси жамият аъзоларида қайта қуришга бўлган муносабатни ўзгартирди. Қайта қуришнинг учинчи йилида унинг тўлик мағлуб бўлиши кўзга аниқ ташланиб қолди. Амалий ишлар, фойдали тадбирлар ўрнига сиёсий жабҳадаги турли тадбирлар: сиёсий сафсатабозлик, қуруқ ваъдалар, сўз билан иш бирлигининг йўқлиги жамиятдаги лоқайдлик ҳолатини янада кучайтирди. Ижтимоий фаоллик ўрнини сусткашлик, давлат ва партия сиёсатига ишонмаслик, бешарқлик, лоқайдлик ва совуққонлик эгаллади.

Шунингдек, қайта қуриш ошкоралик, демократия ва фикрлар хилма-хиллигининг маълум маънода кучайишига имкон яратди. Айнан шу йиллар одамларнинг ижтимоий фаоллиги ошиб, турли партиялар ва норасмий уюшмалар ҳам ташкил қилинди. Бироқ бундай жараёнларни маданий шаклда халқаро андозалар асосида олиб бориш имкони бўлмади. Бунинг устига йгтифоққа нисбатан Ўзбекистонда республика раҳбарияти демократия ва ошкораликнинг кучайишига турли тўсиқлар қўйди. Бунга кўпроқ коммунистик мафқуранинг яккаҳоқимлиги, маъмурий-буйруқбозлик тизими асоратлари таъсир қилар эди. Натижада том маънодаги ошкораликка эришиб бўлмади, демократия эса амалда навбатдаги сиёсий ўйинлар кўринишини олди. Фикрлар хилма-хиллигининг турли кўринишлари эса юқорининг сиёсий ва ғоявий масалаларда хурфикрлилик ва демократияни таъкиб этиши асносида юз берди.

Ана шундай шароитда Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги сиёсий раҳбарияти Марказ олдида ўзининг укувсизлигини кўрсатди. Ўзбе-

кистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарияти Марказдан қочиш ва уни инкор этиш сиёсати ўрнига кўпроқ унга яқинлашиш ва мустаҳкам бирлашиш йўлини танлади. Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбарияти Марказ вазифаларини тезроқ уддалаш, республиканинг Иттифоққа боқиманда эканлиги тўғрисидаги сохта фикрларни тасдиқлашдан ва такрорлашдан нарига ўтмади. Ижтимоий ва маънавий соҳада эса миллийликнинг ҳар бир кўриниши интернационализм моҳиятига ёт эканлигини исботлашга ҳаракат қилинди. Бу нарса ўзбек тилининг мақоми, ислом дини, миллий урф-одатлар, анъаналар ва диний маросимлар, хусусан, Наврўз байрамига муносабатда яққол кўринди.

Бу пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология масалалари бўйича секретари бўлиб турган Раъно Абдуллаева ҳамда 1985 йили Тошкентга 15 йиллик танаффусдан кейин Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри лавозимида қайтган Рафиқ Нишонов Марказ топшириқларининг асосий ижрочилари бўлган. Рафиқ Нишонович Нишонов 1986–1988-йилларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси, 1988 йил 12 январдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатди. Кейинчалик СССР тарқалгач, Р. Абдуллаева ва Р. Нишонов Тошкент ва Москвада яшаб, хотиралар ёзиш билан шуғулланишди ҳамда ўз эсадаликларида Совет Иттифоқи ва КПСС емирилганлигидан ташвишланганликларини ошқора баён этишди¹.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов кейинчалик ёзган «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» (1993 йил август) асарида совет жамиятида амалга оширилган қайта қуриш сиёсати ва ислохотларнинг самара бермагани тўғрисида қуйидагича батафсил тўхтаб ўтган эди: «Консерватив маъмурий тизим, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг ҳаддан ташқари мафкуралаштирилганлиги доирасида кейинчалик иқтисодиётни ислох қилиш йўлидаги бошқа уринишлар ҳам (1979 йилги режалаштириш тизимини ислох қилиш, 1987 йилги хўжалик

¹ Қаранг: Абдуллаева Р. XX век и развал великой державы – СССР. – Москва: «Вернисаж», 2002. – 168 стр; Унинг ўзи. Преодоление ада. Составители: Ф.Мамаджонова, Г. Резниченко. – Москва, 2009. – 176 стр; Деревья зеленеют до метелей. Рафиқ Нишанов рассказывает Марине Заваде и Юрию Куликову. – Москва: «Молодая гвардия», 2012. – 368 стр.

механизмини ислоҳ қилиш ва бошқалар) кам самара берди. Айниқса, сўнгги ўн йиллар мобайнида сохта обрў орттириш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экономика ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди. Натижада иқтисодиётни батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий маблағлар такчиллигининг дахшатли тарзда ўсишига, ташқи қарзнинг кўпайишига олиб келди. Тайёрга айёрлик, боқимандалик кайфиятларини келтириб чиқарди. Марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари хўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига туртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди.

80-йилларда иқтисодий инқирознинг кучайиб бориши сабабларини очиш, уни бартараф этиш йўлларини топиш борасидаги уринишлар ҳам муваффақиятсизликка учради. Ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиш сабаблари ривожлантиришнинг экстенсив омиллари тугаганлигидадир, деб юзаки тушунилганлиги устувор тармоқларни алоҳида ажратмасдан, халқ хўжалигининг барча соҳаларини бир вақтнинг ўзида ривожлантириш туғрисида нотўғри қарор қабул қилинишига сабаб бўлди. Бу ҳол, пировард натижада, чекланган маблағларнинг пароканда бўлиб кетишига, молия ва таъминот тизимининг батамом издан чиқишига олиб келди, инқирозни чуқурлаштирди.

Қайта куриш сиёсати даврида иқтисодиётда жуда кучли бузилишлар рўй берди. Инқироз сабаблари ва омилларини тўлиқ тасаввур этмаган, ўзгартиришларнинг аниқ-равшан дастурига эга бўлмаган бутун иқтисодий сиёсат эмпирик характерда бўлиб авантюрадан иборат экспериментлардан, ҳар томонга оғишлардан бошқа нарса эмас эди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг турлича ёндашувларга асосланган дастурлар лойиҳаларининг кўплиги ислоҳотларнинг аниқ мақсади йўқлигидан, уларни рўёбга чиқариш муддатлари «беш юз кун» деб белгилаб қўйилиши эса зарур ўзгартиришларнинг туб моҳияти ва ниҳоятда мураккаблиги тўла англаб етилмаганлигидан далолат берар эди»¹.

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 280–281.

Совет жамияти ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифати, фан-техника тараққиёти бўйича бирин-кетин ўз мавқеини қўлдан бой бера бошладди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларига нисбатан орадаги фарқ хавфли равишда ортиб борди. Совет иқтисодиёти жаҳонда бу борада юз бераётган янгиликларга бутунлай эътибор бермайдиган бўлиб қолди, маҳсулотнинг сифати ва рақобатга дош беролмаслиги билан орқада қолиб кетди. Хўжалик организмига совет ҳокимияти йилларида ўрнашиб қолган бундай иллатлар ёки тўғанок механизми¹ Ўзбекистон иқтисодиётига яна ҳам кўпроқ зарар етказарди. Йўл қўйилган қўпол хатолар, нуқсонлар, маданий хўжалик юритиш принципларининг тўғридан-тўғри бўзилиши натижасида иқтисодиёт олға томон силжишида энг муҳим бўлган йўналишлар барбод бўла бошладди.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг бир томонлама (пахтачиликка) ихтисослашганлиги, инсон соғлиги учун зарарли бўлган кимё ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарининг ўйламасдан аҳоли зич яшайдиган жойларда қурилиши, кишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда кимёвий моддалардан, зарарли пестицидлардан кенг фойдаланиш атроф-муҳит, атмосфера, шунингдек, миллионлаб кишилар яшаб турган жойларнинг экологик аҳволини мураккаблаштириб юборди. Орол денгизининг шиддат билан қуриб бориши аҳволни янада қийинлаштирди. Бу ҳол бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаси учун экологик муҳитни халокат ёқасига олиб келди.

Афсуски, Ўзбекистонда пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда асосан қўл кучидан фойдаланилди. 1984 йилга келиб пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш борасида механизациялаш даражаси 1981 йилдаги 67 фоизга нисбатан атиги 30 фоизни ташкил қилди². Қайта қуриш даври ва ундан кейин Ўзбекистонда бу кўрсаткич 5–10 фоиздан ҳам пастга тушиб, пахта ҳосили ойлар давомида (сентябрь–декабрь) асосан хашарчилар кучи ёрдамида қўл билан териб олинди. Ўзбекистонда пахта териш машиналарининг янги турлари узоқ йиллар давомида яратилмади, эскилари эса яроқсиз ҳолатга келиб ишдан чиқиб кетди.

¹ Қаранг: Аксенов Ю. Тўғанок механизми ва революцион қайта қуриш // Совет жамияти тарихи саҳифалари. Фактлар, муаммолар, одамлар. – Тошкент: «Ўқитувчи». 1991. – Б. 412–422.

² Ўзбекистон МДА, 837-фонд. 41-рўйхат, 6559-иш, 7–11-варақлар.

Бу йилларда ишлаб чиқариш соҳасида ҳам пасайишни кўриш мумкин. 1986 йили Ўзбекистондаги 321 та корхона ва ташкилотлар давлат режасида кўрсатилган вазифаларни бажара олмади, натижада 347,7 млн рубль миқдоридаги маҳсулот етказиб берилмади, саноатда 225 та энг муҳим маҳсулот турларидан 86 таси бўйича давлат режаси бажарилмай қолди¹.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳада ҳам муаммолар тобора тўпланиб борган. Бу даврда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасаларининг маблағ билан таъминланганлик даражаси 40 фоизга яқин эди².

Ана шундай шароитда 1986 йил 25 февраль – 6 мартда Москвада Кремлнинг Съездлар саройида КПССнинг XXVII съезди ўтказилди. Унда КПСС МК Бош секретари М.С.Горбачёв сиёсий маъруза ва СССР Министрлар Советининг раиси Н.И.Рижков «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986–1990-йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» маъруза қилди. Съездда КПССнинг янги тахрирдаги Программаси ва Устави қабул қилинди.

М.С.Горбачёв ўзининг сиёсий маърузасида партия (КПСС) тўғрисида махсус тўхталиб ўтди. У коммунистик партиянинг жамиятдаги раҳбарлик ролини қўйидагича таърифлайди: «Янгичасига ишлаб, партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини оширайлик. Партия ишини қайта қуришнинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир партия ташкилоти – республика ташкилотидан то бошланғич ташкилотгача КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми йўлини амалга ошириш учун фаол курашмоғи, изланиш, ўз фаолиятининг форма ва методларини янгилаш муҳитида яшамоғи керак»⁴.

Бу маърузада КПСС раҳбари М.С.Горбачёв Ўзбекистоннинг собиқ ва ўша пайтдаги раҳбариятини асоссиз равишда қўйидагича танқид қилади: «Танқид ва ўз-ўзини танқиднинг йўқлиги нати-

¹ Ўзбекистон МДА, 837-фонд, 41-рўйхат, 7159-иш, 11-варак.

² Ўзбекистон МДА, 837-фонд, 41-рўйхат, 6556-иш, 43–44-ваваклар.

³ Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2015. – Б. 247.

⁴ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1986. – Б. 88.

жасида келиб чиккан салбий жараёнлар Ўзбекистонда жуда кескин намоён бўлди, лесак хато қилмаймиз. Республиканинг собиқ раҳбарлари ҳаётдан ажраиб қолиб, фақат ютуқлар ҳақида гапириб камчиликлар туғрисида лом-мим демасликни одат қилиб олди, ҳар қандай танкидий мулоҳазалардан эса асабийлашадиган бўлиб қолди. Республика партия ташкилотида интизом бўшашиб кетди, принципсизликни, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлашни ва амал-парастликни бирдан-бир принцип қилиб олган шахслар ҳурмат кўра борди. Лаганбардорлик. «мартабаси улуг кишиларни» беҳад мақташ кенг ёйилди. Буларнинг ҳаммаси ишга зарар келтириши турган гап эди. Экономикада ва социал соҳада аҳвол кескин ёмонлашди, турли фирибгарлик, ўғрилик, порахўрлик авж олди, социалистик қонунчилик қўпол равишда бузилди.

Базиятни соғломлаштириш учун КПСС Марказий Комитетининг аралашувига тўғри келди. Республикага ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди. Партия, давлат, хўжалик ишининг кўпгина участкалари кадрлар билан мустаҳкамланди. Бу чора-тадбирларни Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари маъқулладилар ва фаол қўллаб-қувватладилар.

Бошқа бир нарса ҳам ташвиш туғдирмоқда. Республикада камчиликлар дафъатан пайдо бўлиб қолгани йўқ, улар йиллар давомида тўпланиб келди. кичик нуқсонлар катталашиб борди. Ўзбекистонга Иттифоқ органларининг ходимлари, шу жумладан, Марказий Комитет ходимлари бир неча марта бордилар, улар рўй бераётган аҳволни сезмасликлари мумкин эмас эди. Номақбул тартиб-қоидалар ҳақида республика меҳнаткашлари марказий органларга дарғазаблик билан ёзган эдилар. Аммо бу сигналлар тегишли даражада кўриб чиқилмади»¹.

Бу пайтга келиб Ўзбекистонда Шароф Рашидов сиёсий фаолияти ва хотирасига қарши оммавий кампания бошланди. Бу кампаниянинг бошида 1985 йилда Тошкентга қайтган ҳамда 1986 йил декабрдан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси лавозимини эгаллаган Рафик Нишоннов турди. Хусусан, у 1987 йил апрелда Тошкентда В.И. Ленин таваллудига бағишлаб ўтказилган йиғилишда қилган маърузасида ўзбек халқининг оташин фарзанди

¹ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — Тошкент: «Ўзбекистон». 1986. — Б. 91–92.

² Қаранг: «Совет Ўзбекистони». 1987 йил 23 апрель.

бўлган Шароф Рашидов учун таҳкирли бўлган «шароф рашидовчилик» атамасини ўйлаб топди ҳамда кейинчалик ёзган хотираларида ҳам Ш.Рашидов сиёсий фаолиятини асоссиз тарзда қоралаш билан шуғулланди¹.

Бу даврда Ўзбекистон янги раҳбарияти ўз фаолиятида йўл қўйган айрим жиддий хатолар республикадаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳволни баттар чигаллаштирди. Ана шундай масалалардан бири ислом дини таъсирига қарши кураш ҳамда ўзбек халқининг анъанавий байрамларидан бири бўлган Наврўзнинг тақиқланиши бўлди.

Тарихдан маълумки, асрлар давомида ўзбек халқи ислом динига эътиқод қилган. Совет режими ва коммунистик мафкура ўзининг ҳукмронлик йилларида динга, хусусан, ислом динига қарши курашда катта натижаларга эришган бўлса ҳам, халқимиз ўзининг диний эътиқодини сақлаб қолди. 1985–1986-йиллардан бошлаб Ўзбекистонда «ислом дини қолдиқлари» ва бошқа диний маросимларга қарши оммавий кураш эълон қилинди. Бу ишнинг бошида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология масалалари бўйича секретари Раъно Абдуллаева турди. Марказнинг бевоқифлиги мададига таянган бу мафкура хоними нафақат ислом динига, балки Наврўзга қарши ҳам «коммунистик уруш» эълон қилди.

XX асрнинг 80-йиллари бошлари ва ўрталарида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмитанинг қарори асосида ислом динини назорат қилиш бўйича белгиланган тадбирлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР партия ва ҳукумат идораларида диндорлар ва диний муассасалар ўз фаолиятида ҳукумат қабул қилган қонунларга қанчалик риоя қилинишини назорат қилувчи комиссияларнинг фаолиятини янада кучайтириш талаблари белгиланди. Унга кўра комиссиялар ўз фаолиятида коммунистик мафкура ғояларига, яъни динга қарши аёвсиз курашда атеизмга қатъий риоя қилишлари шарт эди². Натижада Ўзбекистонда таркибига жами 6500 кишини бирлаштирган 587 та ана шундай комиссия иш олиб борди³. Ҳар бир вилоятда ташкил этилган доимий комис-

¹ Қаранг: Деревья зеленеют до метелей. Рафик Нишанов рассказывает Марине Заваде и Юрию Куликову. – Москва: «Молодая гвардия», 2012. –368 стр.

² Ўзбекистон МДА, 2456-фонд, 1-руйхат, 658-иш, 58-варак.

³ Ўзбекистон МДА, 2456-фонд, 1-руйхат, 658-иш, 26-варак.

сиялар таркибига жамоат ташкилотлари вакиллари мунтазам равишда жалб қилинди. Масалан, бу пайтда Фаргона вилоятида 150 та, Қашқадарё вилоятида 137 та, Сурхондарё вилоятида 60 та, Тошкент вилоятида 23 та, Бухоро вилоятида 20 та, Қорақалпоғистон АССРда 24 та ана шундай комиссиялар ташкил этилди¹.

1985 йил 25 июлда Ўзбекистонда хотира куни белгиланиб, у ҳар йили март ойининг сўнгги якшанбасида нишонланадиган бўлди. Шунингдек, сунъий равишда «Навбахор» байрами ўйлаб топилди. Ўзбекистонда биринчи марта 1986 йил 30 мартда Хотира куни ўтказилди². Совет режими ва коммунистик партиянинг тазйиқи билан машҳур шоирлар «Навбахор» байрамига атаб махсус шеърлар ёздилар. 1986 йил баҳорида Ўзбекистонда Наврўз байрамини ўтказиш тақиқланди. Шаҳар ва қишлоқларда Наврўз байрамини ўтказишга уринган оддий аҳоли куч ишлатиш органлари томонидан қаттиқ жазога тортилди.

Кейинчалик Ўзбекистонда Наврўз нишонланадиган 21 мартдан 21 апрелгача бўлган кунлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан «Инсонийлик ва табиатни эъзозлаш ойлиги» деб эълон қилинди. Шу муддат ичида Хотира куни, Биринчи пушта, Биринчи экин, Дон, майса ва сув куни, болалар учун Бойчечак байрами ва бошқа сунъий равишда ўйлаб топилган маросимларни ўтказиш белгиланди.

Ҳолбуки, Наврўз – янги кун бўлиб, у минг йиллар давомида нафақат ўзбек халқи ўртасида, балки тожик, озарбайжон, афғон, форс ва бошқа Шарқ халқлари ўртасида ҳам кенг нишонланган ҳамда янги йилнинг биринчи куни сифатида байрам қилинган. 1986 йил мартда эса қўшни Тожикистон ва Озарбайжонда Наврўз тантанали нишонланган эди.

Ўзбекистонда маҳаллий партократия томонидан Наврўзга қўйилган тақиқлар 4 йил давом этгач, 1989 йил февралда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссиясида Наврўз байрамини тиклаш масаласи кўриб чиқилди³. 1989 йил

¹ Ўзбекистон МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 658-иш, 39–70-варақлар.

² Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). 5-нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2015. – Б. 238–240.

³ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссиясида // «Совет Ўзбекистони», 1989 йил 26 февраль.

март ойида Ўзбекистонда Наврўзни нишонлашга ҳукумат органлари сўнгги йилларда биринчи бор тўсқинлик қилмади. 1990 йилдан бошлаб республика янги сиёсий раҳбариятининг қарори билан Ўзбекистонда Наврўз байрамини нишонлаш анъанаси қайта тикланди. 1990 йил 21 мартда (21 март бу гал тасодиф сифатида якшанба кунига тўғри келган эди) илк марта Ўзбекистонда Наврўз миллий байрами дам олиш куни деб эълон қилинди¹.

Ўзбекистонда ҳам жамият ҳар томонлама демократиялашувининг эълон қилиниши энг аввало социалистик тузум доирасида халқ ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқаришнинг ривожланишини талаб қилар эди. Шунинг учун ҳам бу ҳолат совет сайлов тизимини такомиллаштириш, депутатликка номзодларнинг шахсий ва ишчанлик фазилатларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилишни таъминлаш орқали амалга оширилиши лозим эди. Бироқ 1987 йил 21 июнда бўлган Ўзбекистонда халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва район (шаҳар) халқ судларига халқ судьялари сайлови ҳали бу жараён демократиялашувдан анча узоқ эканлигини кўрсатди. Мазкур сайловда маҳаллий Советларга 106 484 киши сайланган бўлиб, улардан 37 709 нафари, яъни 35,7 фоизи ишчилар, 29 209 нафари ёки 27,7 фоизи колхозчилар эди². Шу нарса аниқки, Ўзбекистон ишчилари таркибида маҳаллий миллат вакилларининг улуши доимо озчиликни ташкил қилганлиги маълум. Республика ишчилари орасида 1985 йили ўзбеклар 45,7 фоиз бўлса, аҳоли таркибида уларнинг миқдори 70 фоиздан ортиқ эди. Демак, сайланган депутатлар орасида ўзбек миллатига мансуб ишчилар яна ҳам озчиликни ташкил қилган³.

Қайта қуриш сиёсатининг ижтимоий ва сиёсий соҳадаги асосий зиддияти, айниқса, унинг дастлабки босқичида КПССнинг раҳбарлик роли ва унинг мутлақ яккаҳокимликка интилишида ўз ифодасини топди. Қайта қуриш тўғрисида коммунистик партия раҳбари М. Горбачёв қанча сафсата сўқмасин, энг аввало, унинг ўзи ва партократия жамиятда партиянинг мутлақ ҳокимлигини қўлдан беришни истамас эди.

¹ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 21 март.

² «Правда Востока», 27 июня 1987 г.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 660–661.

1988 йил 28 июнь – 1 июлда Москвада Кремлнинг Съездлар саройида КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М.С.Горбачёв «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» маъруза қилди. Конференцияда мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида қайта қуришни чуқурлаштириш лозимлиги таъкидланди¹. Бирок айнан партия тарихида ярим асрдан кейин илк бор ўтказилган ушбу конференцияда ҳам совет федерациясини демократик принциплар асосида қайта қуриш масаласига тўхталиб ўтилар экан, «социалистик қардошлиқ негизи» бўлган «республикаларнинг ноёб иттифоқи»ни заифлаштириб қўйиш мумкин деган гоаявий ақидалар билан муаммони ҳал қилиш одатдагидек расмиятчилик томонига буриб юборилди. Шунингдек, иттифоқдош республикалар ўртасидаги бевосита, яъни Марказнинг иштирокисиз алоқалар ўрнатиш масаласига, уни «ҳукуқий жиҳатдан чуқур англаб чиқиш»ни талаб қилади деб баҳона қилинди. Конференция иттифоқдош ва автоном миллий республикаларда рус тили ва миллий тил, яъни икки тиллиликни ёқлаб чиқди². КПСС конференциясининг қайта қуриш масаласига бундай ёндашуви партиянинг сиёсий ва гоаявий ҳукмронликни қўлдан бермаслигидан далолат эди. Бунинг устига конференцияда ўзаро мунозара қилган демократлар йўлбошчиси Б.Н.Ельцин билан партюкратия раҳбари Е.К.Лигачёв ўртасидаги мунозарада М.С.Горбачёв тарафкашлик билан Е.К.Лигачёвни қувватлагач, жамиятда ва кенг халқ оммаси ўртасида «йўлбошчи»нинг ҳақиқий қиёфаси очилиб қолди. Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ҳам 1988–1989-йиллардан бошлаб СССР давлати раҳбари ва КПСС етакчиси М.С.Горбачёвнинг нуфузи кескин тушиб кетди. Бу пайдан бошлаб ўзбек халқи, хусусан, зиёлилар ва талабалар коммунистлар ҳамда совет раҳбариятига мутлақо ишонмай қолишди.

Ўзбекистон ССРдаги иқтисодий ва экологик кескинликни юмшатиш, миллий ўзликни англаш, Марказ томонидан ўтказилаётган тазйиқни бўшаштиришга бўлган уринишларни, республикага энг

¹ Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. – Б. 253.

² Қаранг: «Правда», 5 июля 1988 г.

мақбул ва хос бўлган йўллари белгилашга интилишнинг ҳар қандай кўриниши маҳаллийчилик ва миллатчилик деб қаралди ҳамда унга қаттиққўллик билан барҳам берилди. Ҳатто марказлашган ҳолда ажратиладиган маблағлар ва ресурсларни чеклашгача борилди.

Қайта қуриш жараёнида туб ислохотлар ўтказишда сустанлик қилиш мамлакатдаги ички вазиятнинг кескинлашуви ҳамда давлат бошқарувида ёмон оқибатларга олиб келиш хавфини тугдирмоқда эди¹. Расмий партия ҳужжатларида «қайта қуриш – совет жамиятини ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи, унда яшовчи миллатлар ва халқлар манфаатлари тақозо этган ҳаётини зарурийат» сифатида таърифланди. Ўша йиллардаги партия ва ҳукумат ҳужжатларида жамиятни турғунлик иллатларидан тозалашга, уни инқилобий янгилашга, оддий инсон эҳтиёжларига диққат-эътиборни кучайтиришга чақириқлар янги куч билан янгради.

Шунингдек, раҳбарликнинг эскириб қолган шакллари ва усуллари, тўғаноқ механизми ва танглик ҳолатларининг мавжудлиги, жамиятда ошқора танқиднинг, фикрлар хилма-хиллигининг, ҳокимият тузилмаларида ва иқтисодий бошқаришда демократиянинг, Марказ билан миллий ўлкалар манфаатларида оқилона нисбатнинг йўқлиги, инсон омилининг етарли даражада ҳисобга олинмаслиги қораланди².

Бироқ мазкур тўғри мулоҳазалар асосан қоғозда қолиб кетди. Москва миллий республикаларга нисбатан илгариги сиёсатини давом эттиришдан воз кечмади.

Қайта қуриш концепцияси авваламбор ноилмий бўлиб, у мағлубиятга маҳкум эди. Қайта қуриш борасидаги дастлабки тажрибаларнинг кўрсатишича, мамлакатнинг сиёсий раҳбарияти биринчи кундан оқ қайта қуриш мафқурасини ишлаб чиқишда ниҳоятда ибтидоий нуқтаи назар билан ёндашди. Қайта қуриш концепцияси кардош иттифоқдош республикаларнинг ҳаётини манфаатлари ва муаммоларини чуқур илмий таҳлил қилиш ва уларни ўрганишга асосланмаган эди. Бу республикаларнинг миллий манфаатлари тўғрисида эса дастлаб мутлақо фикр билдирилмади. КПСС етакчиси ва СССР раҳбари М.С.Горбачёвнинг (у 1988 йил 1 октябрда

¹ «Правда», 5 апреля 1987 г.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустанлақчилиги даврида. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 627.

А.А.Громико ўрнига СССР Олий Совети Президиуми раиси лавозимини ҳам эгаллаган эди) 1987 йилда русча, 1988 йилда ўзбекча нашр этилган «Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун» китобида «Социалистик миллатлар иттифоқи–ноёб ҳодиса»¹ деб оғиз кўпиртирган ҳамда дабдабали шиорларни ўртага ташлагани билан аслида СССР мустақил республикалар иттифоқидан иборат эмас эди. СССРда етакчи сиёсий куч Совет Иттифоқи Коммунистик партияси (КПСС) бўлиб, барча масалалар Марказда ҳал қилинган ва асосий директивалар бу ердан жойларга юборилган. Рус тили амалда СССРда давлат тили бўлиб, барча расмий учрашувлар ва ҳужжатлар шу тилда олиб борилган.

Мамлакатда қарор топган хўжалик юритиш тажрибаси СССР раҳбариятига социализм ривожланиб борган сари мулкчилик муносабатларининг тузилиши оддийлашади, унинг турли-туман шакллари бир-бири билан яқинлашиб қўшилиб кетади, иқтисодий жараёнлар давлат тасарруфига ўтади, деб даъво қилишларига имкон берди. Ана шунга асосланиб марказлашган раҳбарлик усуллари узлуксиз кучайиб бориши лозим, деган узоқни кўзловчи хулоса чиқарилди. Буларнинг ҳаммаси социалистик ижтимоий тузумнинг, истисносиз, барча ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулкчилиги сақланиб қолган тақдирдагина, КПССнинг жамиятдаги сиёсий етакчилиги ҳеч нарса билан чекланмаган шароитдагина шундай бўлиши мумкин эди. Бошқача айтганда, қайта қуриш тажрибаси фақат партиянинг ижтимоий-сиёсий раҳбарлигини мустаҳкамлашни, жамиятни социалистик асосда ташкил этишни янада такомиллаштиришни, унинг фақат қисмангина, шунчаки, пардоз бериш тарзида косметик янгиланишини назарда тутган эди.

Эскича услубда ёндашувлар таъсири шунга олиб келдики, ҳатто амалдаги хўжалик юритиш механизмини шунчаки ўзгартиришга қаратилган оддий бир концепция ҳам таклиф қилинмаган эди. Мўлжалланган ислоҳотларнинг туб моҳияти ва хусусиятлари тўғрисидаги тасаввур ҳам қарор топмаган эди. Жамият ҳаётини тубдан қайта қуриш йўлидаги асосий тўсиқ совет режими иллатлари, унинг тоталитар характерга эга эканлиги, совет иқтисодиёти самарасизлиги, қайта қуриш мафкурачиларининг мавжуд тузумни

¹ Қаранг: Горбачёв М. Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун. – Б. 138–143.

ўзгартиришга қодир эмаслиги ва буни мутлақо истамаслигида эди¹.

Ўзбекистонда кўплаб туманлар ва шаҳарлар номлари XX аср 80-йиллари охирларида ҳам совет давлати ва коммунистик партиянинг раҳбарлари, маҳаллий инқилобчилар ва коммунистлар, ҳатто «инқилобчи шаҳарлар ва ойлар ҳамда муҳим саналар» шарафига қўйилган эди. Тошкент шаҳридаги 11 та туманнинг 9 таси бу пайтда қуйидагича номланган: Ленин, Фрунзе, Куйбышев, Киров, Октябрь, Наримонов, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Ҳамза². Ўша даврда фақат Чилонзор ва Сергели туманларининг номи дахлсиз қолди.

Шунингдек, Тошкент вилоятида Калинин (ҳозирги Зангиота), Оржоникидзе (ҳозирги Қибрай), Коммунистик (ҳозирги Юқори Чирчиқ); Бухоро вилоятида Свердлов (ҳозирги Жондор), Андижон вилоятида Ленин (ҳозирги Асака), Москва (ҳозирги Шаҳрихон), Комсомолобод (ҳозирги Улуғнор); Фарғона вилоятида Фрунзе (ҳозирги Данғара), Киров (ҳозирги Бешариқ), Ленинград (ҳозирги Учкўприк), Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа); Самарқанд вилоятида Советобод (ҳозирги Нуробод), Большевик (кейинчалик Гўзалкент); Сирдарё вилоятида Ворошилов (ҳозирги Сайхунобод), Ильич (1992 йилдан Шароф Рашидов; 2004 йилдан Сардоба), Комсомол (ҳозирги Мирзаобод); Сурхондарё вилоятида Гагарин (ҳозирги Музработ), Ленин йўли (ҳозирги Қизириқ); Жиззах вилоятида Октябрь (ҳозирги Зафаробод); Қашқадарё вилоятида Ульянов (ҳозирги Касби), Усмон Юсупов (ҳозирги Миришкор); Қорақалпоғистон АССРда Ленинобод (ҳозирги Қанликўл) сингари номланган ана шундай «қизил» туманлар бўлган. Бундан ташқари, Андижон вилоятида Ленинск (ҳозирги Асака), Ильичевск (ҳозирги Қорасув), Советобод (ҳозирги Хонобод); Самарқанд вилоятида Красногвардейск (ҳозирги Булунғур); Жиззах вилоятида Ульяново (ҳозирги Даштобод) шаҳарлари ҳам бор эди. Бу ўринда Ўзбекистондаги худди шундай эгизак номлар билан аталган ўнлаб шаҳарчалар, юзлаб қишлоқ шўролари (қишлоқ фуқаролар

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 628–629.

² Кейинчалик бу туманларнинг номлари мос равишда шундай ўзгартирилди: 1990 йилдан Бектемир; 1992 йил май ойидан Миробод, Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур; 2005 йилдан Учтепа; 2010 йилдан Олмазор; 2014 йил 29 августдан Яшнобод.

йиғинлари) ҳамда қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар тўғрисида гапириб ўтирмадик. Хуллас, бундай ҳолат нафақат Марказнинг мустамлакачилик сиёсатидан, балки маҳаллий раҳбарларнинг уларга содиқлигидан ҳам далолат беради.

Хуллас, қайта қуришни амалга оширишдаги қарама-қаршилик ва ноизчилликлар натижасида ХХ асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида бўҳронлар кучайиб кетди. Бунга шу даврда турли республикаларда бўлиб ўтган сиёсий воқеалар, мустақиллик учун кураш, миллий низоларнинг айрим жойларда ихтилофли тус олиши ҳам мисол бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Ислон Каримов кейинчалик –1990 йил 24 февралда Тошкентда СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган кенгашда сўзлаган нутқида қайта қуриш сиёсатидан ўзбек халқининг ҳам, Ўзбекистон янги раҳбариятининг ҳам ҳафсаласи пир бўлганлигини ҳамда СССР таназзулини қуйидагича ифодалаган эди: «Бизнинг сайловчиларимиз, оддий кишилар шундай бир ҳаққоний савол бермоқда: митингбозликдан иборат сафсатабозликлар ва оммавий тартибсизликлар, иқтисодий ва ижтимоий ағдар-тўнтарлар, миллатлараро жанжаллар ва ижтимоий можаролар, инсонларнинг қурбон бўлиши ва ур-йиқитлар наҳотки қайта қуришнинг муқаррар йўлдошларию камчиликлари бўлса? Жамиятимизни инқилобий тарзда янгилашдан иборат партия эълон қилган сиёсатдан халқ шунини кутганмиди, ахир? Йўқ, буни кутмаган эди, албатта...

Қайта қуриш одамлар орзу қилган нарсаларни, қайта қуришдан иборат ўзгартишлар йўлида уларга ваъда қилинган нарсаларни беришига тобора камроқ кишилар ишонмоқдалар. Одамларнинг ишончи ва эътиборидан маҳрум бўлиш эса, ҳар қандай ҳокимият учун ҳалокатдир. Ҳамиша шундай бўлган, ҳаёт қонуни шундай!»¹.

Таниқли сиёсатшунос олим Леонид Левитин ўзининг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарида Совет Иттифоқидаги қайта қуриш сиёсати ва унинг Ўзбекистонга таъсири ҳақида қуйидагича мулоҳазаларни ёзиб қолдирган: «...Қайта қуриш жараёнида социализмни ўзгартириш ғояси Россиядан ташқаридаги

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 129.

(ва қисман унинг ичидаги) рус бўлмаганлар учун руслаштиришдан воз кечиш ҳамда этник-миллий маданиятларнинг тикланишига ўхшаб кўринди. Ҳақиқий ўзгаришлар жараёни турли республикаларда турлича кечди. Айримлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам, она тили ҳуқуқларини кенгайтиришдан иборат камтарона истаклар билан қаноатланган бўлишса, бошқалар тула давлат мустақиллигига эришиш режаларини туза бошлаган эди. Айрим республикаларда коммунистик партиялар иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар дастурини олға сура бошлаган ва кўп партияли тизимни макбул деб ҳисоблай бошлаган бўлсалар, бошқаларда у совет тизимини сақлаб қолиш истехкоми бўлиб қолаверди. СССРни қайта қуриш бўйича миллий сиёсий элиталарнинг коммунистик руҳдаги ва ҳатто ўртача демократик кайфиятдаги вакиллари тасаввур қилган умумиттифоқ сиёсатини ўтказиш ҳали бошланмаган ҳам эди. Кейинчалик Горбачёв, сўнг Назарбоев томонидан тарғиб қилинган Суверен республикалар Евроосиё иттифоқи рус бўлмаган кўпчилик халқлар томонидан маъқулланмади...

Қайта қуриш барбод бўлаётганини кузатиб турган барча кишилар учун Совет Иттифоқини демократиялаш унинг парчаланиши билан баробар эканлиги тушунарли бўлмоғи лозим. Кўлида армия ва давлат хавфсизлиги органлари бўлган КПСС аппаратидан ташқари республикалар бирлашувини сақлаб тура олишга қодир ҳеч қандай куч йўқ эди. Партаппаратнинг қулаши Совет Иттифоқининг муқаррар ҳалокатини билдирарди».

Хуллас, қайта қуриш СССРда тўпланиб қолган муаммоларни тўла ҳал этишга хизмат қилмади. Мустақиллик, демократия ва эркинлик гоёларига тўғри келмаганлиги туфайли ҳам амалий самара бермади. Натижада у КПССнинг ҳалокати ва СССРнинг тугашига муайян туртки берди. Бироқ қайта қуриш Ўзбекистон ССРдаги янги сиёсий ва мафкуравий вазиятнинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бу ҳолат, хусусан, 1989 йилда Ўзбекистон сиёсий раҳбариятига янги шахслар келгач, ўз самарасини берди.

¹ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислон Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалаи. – Тошкент: «Ўзбекистон». 2001. – Б. 134–135.

КАЙТА КУРИШ: ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЗАРУРИЯТ

*Ш. Эргашев. УзР ФА Тарих институти катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди*

СССРда 1930-йиллари шаклланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизимни ислох қилиш учун бир неча марта ҳаракат қилинди. Шундай уринишлардан биринчиси И. Сталиннинг ўлиmidан сўнг бошланган ислоҳот бўлди. Унинг ташаббускорлари И. Сталиннинг сафдошлари, демак унинг даврида йўл қўйилган хатолар ва жиноятларга шерик шахслар бўлиб, уларнинг ислоҳотчилик имкониятлари чекланган эди.

Шунга қарамасдан, бошланган иқтисодий ислоҳотлар натижасида 1954–1958-йиллари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 8 %ни ташкил қилди. 1953–1958-йиллари колхозларнинг пул даромадлари 3 мартадан кўпроққа ўсди¹.

1956 йил февралда бўлиб ўтган КПСС XX съездида Н.С. Хрущёв Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари тўғрисида нутқ сўзлади. Бу нутқ ўзининг барча камчиликларига қарамасдан, совет тоталитар давлатининг характерини, Сталин ва унинг шериклари амалга оширган жиноятлар кўламини англаш жараёнини бошлаб берди. Жамиятда ўта очиқ бўлмасида, бу муаммолар кенг миқёсда муҳокама қилина бошланди. Аммо иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги хатолар мамлакатда озик-овқат маҳсулотларининг танқислигини келтириб чиқарди, ислоҳотчи Н. Хрущёвнинг обрўси тушиб кетди.

1964 йили ҳокимиятга келган Л. Брежнев ва А. Косигин ислоҳотларни давом эттиришда Н. Хрущёв йўл қўйган хатоларни инобатга олишни лозим топди. КПСС МКнинг 1965 йил март ва сентябрь Пленумлари қарорлари янги ислоҳотларни бошлаб берди. Март Пленуми эътиборни қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг механизмларига қаратди. Уни ижтимоий ва шахсий манфаатлар уйғунлиги асосида, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш эвазига ислох қилишга интилди. Аммо бу режалар

¹ XXII съезд Коммунистической партии Советского Союза. 17–31 октябрь 1961 г. Стенографический отчет. Т. I. – М.: «Политиздат», 1962. С. 81.

ҳам тўлиқ амалга ошмади ва 1970-йилларнинг иккинчи ярмидан совет жамияти чуқур инқироз ҳолатига кириб келди, илғор мамлакатлардан ортда қолиб кетди. Масалан, 1970-йиллар охирига келиб СССР меҳнат унумдорлиги бўйича АКШдан қишлоқ хўжалигида 5 марта, саноатда 2,5–3 марта орқада эди. Исрофгарчиликка, сарф-харажатга асосланган иқтисодиёт жамиятни издан чиқарди. Иқтисодиётда вужудга келган танқислик шу даврда жаҳон бозорида нархи кескин ошган нефть ва жамиятни оммавий сарҳуш ҳолатига олиб келган ароқ савдоси ҳисобига ёпилди. Л.Брежнев даврида ароқ савдоси 100 млрд рублга ошиб, 170 млрд рублни ташкил қилди. Халқнинг омонат кассаларида сақланаётган маблағлари ҳам бюджет камомadini қоплашга сарфланди¹.

1982 йил 10 ноябрда Л.Брежнев вафот этди. Совет жамиятининг инқирози чуқурлашган шароитда сайланган янги Бош қотиб Ю.Андропов бу иллатларга қарши жадал кураш бошлади. У раҳбарлик қилган 15 ой ичида 18 нафар иттифоқ вазирлари, 37 нафар иттифоқдош республикалар, ўлкалар ва вилоятлар партия комитетларининг биринчи қотиблари алмаштирилди. Янги Бош қотиб Л.Брежневдан юқори маданияти, касбий маҳорати ва шахсий камтарлиги билан ажралиб турарди. Аммо Ю.Андропов ҳам шу тузумнинг, мавжуд муҳитнинг маҳсули эди. У бошқаришда қаттиққўллик, авторитар, буйруқбозлик усулларида фойдаланди².

1980-йилларнинг ўрталарида СССР ташқаридан жуда қудратли давлат бўлиб кўринар эди. Ер шарининг 1/6 қисмини эгаллаган 22.4 млн кв. км ҳудудда 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра 286,7 млн киши истиқомат қиларди. Мамлакат нисбатан кучли иқтисодиёт, чексиз табиий бойликлар ва албатта мустақкам мудофаа қудратига эга эди. Аслида эса мамлакатда кўплаб хал қилинмаган муаммолар тўпланиб қолган бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг сифат кўрсаткичлари йил сайин пасайиб борарди. Меҳнат унумдорлиги амалда ўсишдан тўхтаган эди. Ўша даврдаги ҳисоб-китобларга қараганда, тартибсизлик, лоқайдлик, ўғирлик ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан мамлакат бир йилда 240 млрд рубль зарар кўрарди. Бу бир йиллик зарар СССР 1941–1945-йиллардаги урушда

¹ Горбачёв М. Новая политика в новой России // «Свободная мысль». 1992. № 3.

² Қаранг: Эргашев Ш., Бобоматов Т. XX аср: тақдирларда ақс этган тарих. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2016.

кўрган зарарнинг 1/3 қисмига тенг эди. Шунингдек, нефть савдосидан олинаётган (1970-йиллари 180 млрд долларга нефть сотилган) жуда катта маблағ ҳам самарасиз сарфланди. Ривожланаётган мамлакатларга катта беминнат ёрдам кўрсатилди, Афғонистондаги урушга йилига ўртача 3—4 млрд рубль харажат қилинди. 1989 йили бюджет дефицити 92 млрд рублни ташкил қилди, бу ялпи миллий маҳсулотнинг деярли 10 %га тенг эди¹.

КПСС МКнинг 1985 йил Апрель Пленумида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш курси янги раҳбарият ва бутун совет жамиятининг мақсади деб эълон қилинди. Илмий-техник прогресс, машинасозликни техник қайта қуроллантириш ва инсон омилини фаоллаштириш, яъни меҳнат интизомини ва ишчиларнинг ташаббускорлигини ошириш бу курснинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида қаралди. Коммунист ислохотчилар оммавий коррупция ва масъулиятсизлик, мамлакат ва партия раҳбарияти обрўсининг тушиб кетиши каби тенденцияларни ҳам енгиб ўтишига ишонарди.

Шу тариқа пайдо бўлган қайта қуриш сиёсати дастлаб Л. Брежнев даврида шаклланган тизимни мукамаллаштириш, социализмнинг айрим бўзилиш ҳолларини тўғрилашни кўзда тутган эди. Шу сабабли иқтисодда меҳнат ва технологик интизомни яхшилашга, жавобгарликни ошириш ва раҳбар кадрларни кенг миқёсда алмаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Кенг омма томонидан қўллаб-қувватланган бу қадамлар ўз натижасини бермаслиги мумкин эмасли. 1985—1986-йиллари меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ўн биринчи беш йилликнинг ўртача йиллик кўрсаткичларига нисбатан саноат ва қурилишда 1,3 марта, қишлоқ хўжалигида — 2, темир йўл транспортида — 3 марта юқори бўлди². Ижтимоий соҳани ривожлантиришга ажратиладиган капитал маблағлар ҳам анча оширилди.

Бу дастлабки муваффақиятлар раҳбариятда эйфория ҳолатини, декретлаштиришнинг, тўғри буйруқларнинг кучига ишончни

¹ Қаранг: История России с древнейших времен до начала XXI века: учебное пособие для студентов вузов / Гобинов М.М., Горский А.А., Данилов А.А. и др. — 6-изд., пересмотр. — М.: «Дрофа». 2005 С. 596—601.

² Қаранг: История России с древнейших времен до начала XXI века: учебное пособие для студентов вузов / Гобинов М.М., Горский А.А., Данилов А.А. и др. — 6-изд., пересмотр. — М.: «Дрофа». 2005. — С. 595.

келтириб чиқарди. КПССнинг XXVII съездида қабул қилинган партиянинг янги таҳрирдаги дастурида 1980 йилга келиб коммунизм куриш ҳақидаги банд олиб ташланди, социализмни такомиллаштириш курси эълон қилинди ва 2000 йили ҳар бир совет оиласини алоҳида хонадон ёки шахсий уй билан таъминлаш ҳақида анча дадил вазифа кўйилди.

1985 йил май ойидан ичкиликбозликка қарши кенг кампания бошланиб, маъмурий-тақиқ ва мафкуравий йўллар билан қисқа вақт ичида рус халқининг асрлар давомида шаклланган анъанасини ва унинг бошқа совет халқларига кўрсатган салбий таъсирини йўқ қилиш кўзда тутилди. Дастлаб бу кампания ижобий самара берди, салкам оммавий кайф ҳолатига тушган жамият ҳушига кела бошлади. Расмий маълумотларга қараганда, аҳоли жон бошига ўртача йиллик алкоголь истеъмол қилиш 1985 йили 7,2 литрга (1980 йили – 10,6 л.), 1988 йили эса – 3,7 литрга қисқарди. Аммо 1989 йилдан у яна ўсишни бошлади. Қўлбола ароқ тайёрлаш кескин кўпайди. Ундан тушган яширин (нолегал) даромадлар 1989 йили 23 млрд рубль, 1990 йили – 35 млрд рублга етди. Мамлакатда қанд танқислиги бошланди. Ясама алкоголь истеъмол қилиш кескин ошиб кетди. Бу кампаниянинг дастлабки тўрт йилида давлат хазинасига алкоголь савдосидан тушадиган даромад 70 млрд рублга камайди¹.

Умуман олганда мамлакат халқ хўжалиги эски тизим бўйича ишлашда давом этди, буйруқбозлик, сиёсий кампаниябозлик, ура-урачилик усуллари кенг қўлланилди. 1987 йилдан раҳбарият консерватизм, ислоҳотларга қарши кучлар тўғрисида очик гапира бошлади. КПСС МК Январь (1987 й.) Пленумида М. Горбачёв Қайта куриш ва партиянинг кадрлар сиёсати мавзусида маъруза қилди. Унда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш эмас, энди ижтимоий ҳаётни демократлаштириш вазифасини кўйди ва ошкоралик курсини эълон қилди. Ошкоралик туфайли ўзгаришларнинг муҳим омилига, ғоялар ва орзуларнинг ифодачисига айланган матбуот жамиятнинг интеллектуал озод бўлишида, ўтмишни ва юз бераётган ҳодисаларни англашида жуда катта роль ўйнади². 1986 йил Чернобиль атом электро-

¹ Қаранг: «Экономические науки», 1992, № 3. – С. 24.

² Қаранг: Перестройка: ленинская концепция социализма. – Ташкент: «Узбекистан», 1989. – С. 245.

станциясида юз берган ҳалокат ҳам совет жамиятидаги мавжуд тартибларни қайта кўриб чиқишга ундади. Дастлаб ҳалокатнинг даҳшатли оқибатларини яширишга уриниш раҳбарлик усуллари эскирганлигини кўрсатди ва тизимга қарши кучли маънавий зарба бўлди. Жамиятни, сиёсий ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш эмас, мутлақо қайта қуриш лозимлигини кўрсатиб берди.

1988 йил бўлиб ўтган КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференциясида советлар тарихида биринчи марта кун тартибига сиёсий тузумни чуқур ислоҳ қилиш тўғрисидаги масала қўйилди. Бу конференцияга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнидаги одатдан ташқари демократизм партиянинг жамиятни ислоҳ қилишдаги ролига ишончни оширди. Конференция қарорларида социалистик кадриятлар билан либерализмнинг айрим доктриналарини уйғунлаштириш кўзда тутилди. Хусусан, ҳукуқий давлат қуриш ва ҳатто ҳокимиятнинг бўлиниш принципини қабул қилиш ҳақида эълон қилинди.

М.Горбачёв томонидан таклиф қилинган конституциявий ислохотларни муҳокама қилиш ва 1989 йилги сайлов кампанияси жамиятдаги муҳитни сезиларли даражада ўзгартирди. Пайдо бўлган демократик ҳаракат ўз минбари ва ташкилий шакллариغا эга бўлди.

1988 йил декабрда СССР Олий Совети сайлов тизими ва советлар тузилишидаги ўзгаришларни маъқуллади: иттифоқ ва Россия даражасида Халқ депутатлари съезди қайта тикланди. Шу ўзгаришлар асосида 1989 йил баҳорда ўтган СССР халқ депутатлари сайлови совет ўлчамлари бўйича ўта демократик руҳда ўтди. Асосан амалдорлар кўпчилик ўринларни эгаллаган бўлса-да, А.Д.Сахаров, Г.Х.Попов, А.А.Собчак, Ю.Н.Афанасьев каби кўзга кўринган демократлар ҳам сайланиб, йиғилишларда ташаббусни ўз қўлларига олди. Уларнинг ҳаракати туфайли КПСС ўзининг етакчилик роли ва обрўсидан айрилиб борди. М.Горбачёв ҳам энди СССРдаги энг демократик ислохотчи туюлмади қолди.

1988 йили жамиятда илк ижтимоий-сиёсий ташкилотлар пайдо бўлди. Май ойида Демократик иттифоқ ўзини КПССга муҳолифатдаги партия деб эълон қилди. Апрель ойидан оммавий сиёсий ташкилотлар – халқ фронтлари пайдо бўлди. Дастлаб Болтиқ бўйи республикаларида пайдо бўлган бундай ташкилотлар кейин бошқа республикаларда ҳам тузилди. Ўзбекистонда бир гуруҳ зиёлилар

ташаббуси билан 1988 йил ноябрда Бирлик халқ ҳаракати, 1990 йил апрелда Эрк сиёсий партияси тузилиб, тез орада анча оммавий сиёсий кучга айланди, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, долзарб экологик муаммоларни ечиш, пахта яккаҳоқимлигини бартараф қилиш, жамиятни сиёсий демократлаштириш жараёнини кучайтириш ташаббуслари билан чиқди. Ўзбек халқининг қадр-қимматини тиклаш ва уни ҳимоя қилиш тадбирлари бошланди. 1989 йил 21 октябрда Давлат тили тўғрисида қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий совети сессиясида Ўзбекистоннинг Мустақиллик декларацияси қабул қилинди.

Бу демократик жараёнлар таъсирида коммунистик партия ва унинг раҳбари бўлиб турган М.Горбачёвнинг обрўси тушиб борди. Бу обрўсизликнинг ўрнини қоплаш учун СССРда президентлик лавозимини жорий қилишга қарор қилинди. 1990 йил мартда Халқ депутатларининг III съезди М.Горбачёвни СССР Президенти этиб сайлади. Президентликнинг жорий қилиниши ва М.Горбачёвнинг бу лавозимдаги фаолияти аҳволнинг янада кескинлашувини бартараф эта олмади. Аҳоли орасида партия фаолиятдан оммавий норозиликлар, корхоналарда иш ташлашлар бошланиб кетди. Бунинг устига иттифоқдош республикалар бирин-кетин ўз мустақиллигини талаб қила бошлади. 1991 йил бошига келиб Болтиқбўйи республикалари амалда СССР таркибидан чиқди. Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида намойишчиларга қарши армиянинг қўлланилиши барча демократик кучларни газабга келтирди.

М.Горбачёв бошчилигидаги гуруҳ янги Иттифоқ шартномаси устида ишлашни давом эттирди. 1991 йил 23 апрелда Ново-Огарёвода бўлган РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон раҳбарлари йигилиши мамлакатда аҳволнинг нисбатан барқарорлашиш жараёнини бошлаб берди. Аммо жамиятда демократик ҳаракатлар ва либераллар кучайиб борган сари уларга қарши консерватив кучларнинг ҳам жипслашуви юз берди.

Консерватив кучлар 1991 йил 19 августга ўтар кечаси Фавкуллодда ҳолат давлат комитети (ГКЧП) тузилганлиги тўғрисида эълон қилиниб, унга вице-президент Г.Янаев, Бош вазир В.Павлов, СССР Мудофаа вазири маршал Г.Язов ва КГБ раиси В.Крючков,

Ички ишлар вазири Б.Пуго ва яна бир қанча кишилар кирди. ГКЧП мамлакатнинг бир қатор ҳудудларида фавқулодда ҳолат эълон қилди, 1977 йилги конституцияга хилоф равишда фаолият юритаётган ҳокимият тизимлари тарқатиб юборилди, муҳолифатдаги партия ва ҳаракатлар фаолияти тўхтатилди, оммавий ахборот воситалари устидан қатъий назорат ўрнатилди, Москвага қўшин киритилди¹.

ГКЧПга қарши ҳаракатга демократик кучлар етакчилик қилди. Улар 19 август куни Россия фуқароларига мурожаат билан чиқиб, ГКЧП ҳаракати ғайриконституцион тўнтариш, унинг қарорлари ноқонуний деб эълон қилинди. Мамлакатнинг бир қатор минтақалари ГКЧП қарорларини бажаришдан бош тортди. Г.Язов Москвадан қўшинларни олиб чиқиб кетишга қарор қилди. 21 август куни Россия Олий Советининг фавқулодда сессияси очилди. 22 август куни ГКЧП аъзолари қамоққа олинди. Август воқеаларидан кейин обрўси тушиб кетган КПСС фаолияти тўхтатилди. Унинг мулки национализация қилиниб, пул ҳисобига тақиқ қўйилди.

ГКЧП кунларида ҳамма республикаларнинг раҳбарлари ҳам унга қарши чиққан эмас. Уларнинг бир қисми ГКЧПни очиқ ёқламаган бўлса-да, уни зимдан қўллаб-қувватлади, қарорларини бажаришга киришди, ҳатто бажармаганларни жазолади. Фақат ГКЧП ағдарилгандан сўнг уларнинг аксарияти катта жасорат билан уни қоралади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 21 августда фармон қабул қилиб, унда ГКЧП директивалари конституцияга хилоф деб эълон қилинди².

Шундай қилиб, совет жамияти жиддий инқироз ҳолатини бошдан кечираётган бир пайтда уни шу инқироздан олиб чиқиш ва барқарор ривожланишга ўтишнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий омили сифатида пайдо бўлган «қайта қуриш» сиёсати учта асосий босқични босиб ўтди:

1985–1988-йиллар (КПССнинг XIX партия конференциясигача) – бу босқичда мавжуд партиявий-сиёсий тизим доирасида ўзгаришлар ва ривожланиш йўлларини излаш давом этди;

¹ Мунчаев Ш. и др. Отечественная история. – М., 1994. – С. 416–417.

² Қаранг: Новейшая история Узбекистана: Учебник / Под. ред. д.и.н., проф. М.А.Рахимова. – Ташкент: «Адабиёт учкунлари», 2018. – С. 78.

1988–1990-йиллар – КПССнинг XIX партия конференциясидан сўнг сиёсий тизимни ислоҳ қилиш бошланди, парламентаризм қарор топди ва кучайди;

1990–1991-йиллар – бу босқичда иттифокдош республикалар ўртасида дезинтеграция жараёнлари кучайди ва СССР тарқалиб кетди.

Қайта куриш йиллари кириб келган ошкоралик совет жамиятининг маънавий покланиши йўлида қадам бўлди. Совет кишилари ўн йиллар давомида йиғилган муаммоларни муҳокама қилишга киришди, Сталин давридан бери тақиқлаб келинган асарлар нашр қилинди. Архивлар очилиб, сталинизмнинг, совет тоталитар тузумининг ҳақиқий башараси очиб ташланди. Энди кўпчилик, айниқса илғор зиёлилар, бу тузумни ислоҳ қилиш эмас, ундан воз кечиш лозимлигини англаб етди.

ФЕРГАНСКИЕ СОБЫТИЯ 1989 ГОДА В КОНТЕКСТЕ ЭТНИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ СССР В ПЕРИОД ПЕРЕСТРОЙКИ¹

*Р.Р. Назаров, старший научный сотрудник
Института истории АН РУз, кандидат философских наук*

Специфической особенностью Ферганского межэтнического конфликта 1989 года являлось то, что одной из его сторон были турки-месхетинцы, этническая группа, о которой до данного конфликта большинство населения СССР, наверное, даже не знало.

К моменту выселения из Грузии турки-месхетинцы проживали в 212 селах южной Грузии². Вместе с турками были выселены также курды, хемшины (армяне-мусульмане), азербайджанцы (те же турки, в советское время записанные как азербайджанцы). Выселение не коснулось этнических грузин-мусульман: аджарцев, лазов, джавахов, ингилойцев. Основными регионами выселения

¹ Автор благодарит своих друзей и коллег из России, Грузии, Армении, Азербайджана, помогавших ему копиями опубликованных и архивных материалов, а также ценными советами.

² Панеш Э.Х., Ермолов Л.Б. Турки-месхетинцы (историко-этнографический анализ проблемы) // «Сов. этнография», 1990. № 1. – С. 16.

грузинских мусульман были назначены Узбекистан, Казахстан и Кыргызстан¹. Депортация началась 15.11.1944 г. и продлилась до января 1945 г. Всего было выселено 115,5 тыс. человек². В пути и в первые месяцы после высылки погибло 15432 чел. К началу 1953 г. в ссылке в Центральной Азии находилось 86663 переселенцев из Грузии, в т.ч. 66823 турка (77,1 %)³.

Изначальная этнокультурная близость и длительное проживание совместно с узбеками привели турков к быстрому овладению узбекским языком. Как отмечал ещё в 70-ые годы XX в. социологист Ф.Ф. Алиев: «Узбекским свободно владеют турки Узбекистана, можно сказать, любого возраста. К нему нередко прибегают даже в семье, в домашнем кругу. Узбекским языком в той или иной степени пользуются и турки, проживающие в некоторых районах Чимкентской области Казахской ССР... Определенная часть сельской турецкой молодежи получает на узбекском, казахском и киргизском языках высшее и среднее специальное образование»⁴.

В 1989 г. в бывшем СССР проживало 207,5 тыс. турок-месхетинцев, причем основная масса была сосредоточена в трех центрально-азиатских республиках: 106,3 тыс. (51,2 %) – в Узбекистане, 49,6 тыс. (23,9 %) – в Казахстане, 21,3 тыс. (10,3 %) – в Кыргызстане⁵. С учетом небольших групп в турок в Таджикистане (768 чел.) и Туркмении (227 чел.)⁶ можно суммировать, что в регионе проживало 86,2 % всего турецкого населения бывшего СССР. Турки-месхетинцы были достаточно хорошо интегрированы в этнокультурную панораму республик Центральной Азии, вплоть до конца 80-ых гг. никаких серьезных инцидентов между ними и коренными этносами не возникало. Это же отмечалось и после трагедии: «языки народов схожи, подавляющее большинство турок-месхетинцев учились в узбекской школе»⁷.

¹ Хуршут А. Турки // «Литературный Киргизстан». 1988. № 12. – С. 102–111.

² Согласно подсчетам Комиссии при Временном организационном комитете (ВОК) по возвращению на родину месхетинских турок // См. Панеш Э.Х., Ермолов Л.Б. Указ. соч. – С. 16, 24.

³ Турки-месхетинцы: долгий путь к реабилитации. Сб. документов. Сост. Н.Ф. Бугай. М., 1994. С. 24, 38–45, 67

⁴ Алиев Ф.Ф. Очерки по лексике языка турок Казахстана. Алм., 1978. – С. 7.

⁵ Союз. 1990. № 32. – С. 13.

⁶ Союз. 1990. № 32. – С. 13.

⁷ «Ферганская правда» (далее – ФП), 17.06.1989.

Одним из серьезных факторов, повлиявших на рост напряженности в Ферганской долине явилось резкое ухудшение социально-экономического положения в регионе, в частности, рост безработицы. В 80-ые гг. в среднем ежегодно трудовые ресурсы Ферганской области увеличивались на 22, 4 тыс. чел. К концу 80-ых гг. основная масса незанятых была сосредоточена в Узбекистанском (27,3 тыс. чел.), Ферганском (26,5 тыс. чел.), Ахунбабаевском (15 тыс.), Ташлакском (14,2 тыс.) районах области¹.

Необходимо учитывать и общую социальную ситуацию в республике. Как отмечалось в Решении Ферганского облисполкома № 408/19 от 26.10.1989 г. «за последнее время в республике значительно усилилась социальная напряженность, возросла преступность, ослаблена общественная, государственная, трудовая дисциплина. Аналогичное положение отмечается и на территории Ферганской области. В структуре преступности увеличилось число умышленных убийств, посягательства на здоровье и личную неприкосновенность граждан, разбойные нападения, грабежи...². Иными словами, искры межэтнического конфликта попали на уже подготовленную почву. Непосредственно в ходе конфликта и сразу после него был начат учет людских и материальных потерь.

По данным на 15 июня 1989 г. погибло 93 человека, в т.ч. 64 турка-месхетинца, 17 узбеков, 12 человек других национальностей. Свыше 1000 человек получили ранения и травмы. Сожжено более 700 строений, 168 транспортных средств. В процессе наведения порядка ранено 173 военнослужащих внутренних войск, 57 работников милиции, 1 из которых скончался³. Характер ранений был самым различным. Так, рядовой В. Филин был обожжен горючей смесью, старший лейтенант Ю. Клебановский был ранен вилами, рядовой В. Швиндт получил ранения камнями и т.д.⁴. По данным на 16.06.1989 г. установлено, что сожжено и разгромлено 1051 здание, в т.ч. 750 домов, изъято 7718 единиц оружия⁵. По данным на 17.06.1989 г. было уже выявлено, что погибло 97 человек, сожжено

¹ ФП. 17.06.1989.

² Там же. Л. 187.

³ «Правда Востока» (далее – ПВ), 16.06.1989.

⁴ ФП. 14.06.1989.

⁵ «Правда», 16.06.1989.

и разгромлено 750 жилых домов, 27 административных зданий, 274 автомашины¹. Было изъято 8161 единица огнестрельного и холодного оружия, задержано за хулиганские действия 452 человека, за нарушение комендантского часа – 2886 человек². К 21.06.1989 г. было изъято уже 8970 единиц оружия, установлена гибель 98 человек³. По данным бывшего члена Правительственной Комиссии Ш.З.Зиямова, в результате межэтнического конфликта, в общем, погибло 107 человек, свыше 1000 человек получили ранения разной степени тяжести, были сожжены сотни домов⁴.

Существуют разные версии анализа причин конфликта. Достаточно однозначно формулирует свою точку зрения Ш.З.Зиямов. Он полагает: «О том, что события были глубоко и тщательно спланированы, а поджоги и убийства осуществлялись организованными уголовными, экстремистскими элементами, направляемыми из единого центра не вызывало сомнений уже в ходе самих событий в Ташлаке, Маргилане и Коканде. По нашему мнению, в Ферганских трагических событиях были замешаны спецслужбы бывшего Союза, разыгравшими «турецкую карту». В условиях начавшегося развала тоталитарного государства, они стремились к тому, чтобы сильнее «привязать» Узбекистан к Центру»⁵. На наш взгляд, прямое участие спецслужб СССР в организации данного конфликта – вопрос очень гипотетический. Скорее было бы логичнее обвинить их в попустительстве, преступной халатности, бездействии. Считать, что какая-либо спецслужба способна сама по себе, на пустом месте раздуть сколько-нибудь масштабный конфликт – по меньшей мере нерационально. Это все равно, что утверждать, будто длившееся в регионе полтора десятка лет басмаческое движение было всего лишь результатом действий английской разведки, как писали некоторые советские авторы. Тем более, что и сам Ш.З. Зиямов не отрицает наличия объективной основы возникновения конфликта: «для разжигания Ферганских трагических событий подстрекатели использовали тяжёлое экономическое положение населения Куvasая и в качестве

¹ ФП. 17.06.1989.

² ФП. 17.06.1989.

³ ФП. 21.06.1989.

⁴ Зиямов Ш.З. Межнациональные отношения и межэтнические конфликты в Центральной Азии// *Central Asian Studies*. 2003. № 8. – С. 154.

⁵ Там же. – С. 154.

основного виновника такого положения представили турков-месхетинцев»¹.

Несколько иные данные о причинах конфликта и о числе мигрантов приводит МОМ (Международная организация по миграции). По её данным: «Несмотря на культурную близость к узбекам, месхетинцы сохраняли на протяжении всех лет национальную самобытность, воздерживались от смешанных браков, селились компактно. В последние годы традиционная этническая конкуренция между узбеками и месхетинцами ужесточилась из-за нехватки земли и работы»². В результате этнического конфликта погибло 90 человек, 1000 человек было ранено, разрушено около 600 домов, около 60 тыс. месхетинцев покинуло Узбекистан³. По данным МОМ, из этого потока мигрантов основная масса – 48 тыс. человек переселилось в Азербайджан, где им была оказана определенная материальная поддержка, а в ноябре 1991 г. предоставлен официальный статус беженцев⁴. Интересы месхетинцев в Азербайджане представляют две главные организации – Культурный центр «Ахыска» и Общество «Ватан». Кроме того, ещё 5 тыс. месхетинцев переехали в Азербайджан из России, главным образом с Северного Кавказа, где они подвергаются гонениям со стороны шовинистически настроенных казаков⁵.

Примерный масштаб событий можно увидеть также по тому, что Постановлением Ферганского обкома партии и Облисполкома № 225/11 от 16.06.1989 г. «О награждении Почетной грамотой Обкома партии и Облисполкома медицинских работников» было награждено 36 человек: министр здравоохранения Узбекистана С.М. Бахрамов, его заместитель Ш.Ш. Шавахабов, хирурги, врачи СЭС, фельдшеры, заведующие аптеками, медсестры, водители машин скорой помощи, летчики санитарной авиации и т.д. из Ферганы, Андижана, Ташлака, Маргилана, Коканда⁶. Формулировка звучала следующим образом: «За проявленную самоот-

¹ Там же. – С. 156.

² Миграция населения в странах СНГ. – Женева: МОМ, 1996. – С. 153.

³ Там же. (На наш взгляд, данные МОМ – неполны. – Р.Н.)

⁴ Там же. – С. 29.

⁵ Там же.

⁶ ГАФО. Ф. 1124. Оп. 15. Д. 387. Л. 44–46.

верженность и четкие действия по оказанию помощи раненым и пострадавшим в дни трагических событий в Ферганской области»¹.

События внесли свою корректировку и в деятельность органов государственной власти. Об этом красноречиво свидетельствует принятое в июне 1989 г. решение: в связи «со сложившимся чрезвычайным положением в области в эти дни в результате чего все ответственные работники, курируемые данной отраслью были привлечены для организации питания и обеспечения товарами первой необходимости турок-месхетинцев, а также военнослужащих внутренних войск МВД СССР, обсуждение планового вопроса «О ходе выполнения Ферганским горисполкомом решения Облисполкома от 15.11.1988 г. № 438/21 «О неотложных мерах по улучшению торгового обслуживания населения» – снять с повестки дня»².

Интересным документом является Постановление Ферганского Обкома партии и Облисполкома «О награждении Почетными грамотами Областного комитета партии и Областного исполнительного комитета» от 10.08.1989 за № 282/15, из которого мы можем сделать определенные выводы о масштабах участия войск в решении межэтнического конфликта³. Данным Постановлением были награждены, как указано в тексте «за активное участие в поддержании общественного порядка, а также проведенную агитационно-пропагандистскую, политико-воспитательную работу в трудовых коллективах, учебных заведениях, по месту жительства населения» воинские коллективы двух военных училищ (Высшего политического училища МВД СССР им. Ленинского комсомола и Пермского высшего военного командного училища), пяти полков внутренних войск МВД СССР (в/ч 3186, 3641, 5425, 5429, 7574), а также почему-то Центрального музея внутренних войск МВД СССР (видимо, за хорошую агитационно-пропагандистскую работу)⁴.

После конфликта было принято решение об изъятии у населения, в учреждениях и организациях различного оружия. В течении года, к 1 августа 1990 г. было изъято 10123 единицы огне-

¹ Там же. Л. 44.

² ГАФО. Ф. 1124. Оп. 15. Д. 388. Л. 2.

³ ГАФО. Ф-1124. Оп. 15. Д. 387.

⁴ ГАФО. Ф-1124. Оп. 15. Д. 387. Л. 25.

стрельного оружия, в т.ч. – в организациях и на предприятиях 5778 единиц, у населения – 4345 единиц¹.

14 апреля 1990 г. было принято решение Облисполкома № 163/11 «О состоянии работы комиссий городских и районных исполкомов по определению и возмещению нанесенного материального ущерба туркам-месхетинцам». За 1989 г. было введено в строй 862 дома, осталось на 1.01.1990 г. 371 дом, из них 253 дома подлежали полному восстановлению, 118 требовали ремонта. В первом квартале 1990 г. восстанавливалось 13 домов, из них 2 – были сданы. На выплату единовременных пособий было израсходовано 5288,9 тыс. руб., на компенсацию за нанесение имущественного ущерба 9762,1 тыс. руб., на выплату за домостроения – 7764,9 тыс. руб.² Особая сложность социально-экономической ситуации в Фергане неоднократно подчеркивалась многими авторами: Ферганская область занимает 1,5 % территории Узбекистана, где проживает 11 % населения республики. Здесь ресурсы – земельные, водные и т.д. – не дают обществу возможностей прежнего, экстенсивного развития. Все региональные проблемы подспудно должны включать в себя и учитывать демографический фактор, причем в его самой острой, ферганской форме³

Одним из косвенных последствий Ферганского межэтнического конфликта явилось то, что было принято Постановление Совета Министров Узбекистана № 390 от 20.11.1989 г. «О разработке Государственной республиканской программы учета трудовых ресурсов с целью полной трудовой занятости», или просто Программа «Занятость». В соответствии с данным Постановлением было принято Решение Ферганского облисполкома № 509/25 от 23.12.1989 г., в котором, в частности, было отмечено: Сложившаяся демографическая ситуация в Ферганской области, требования совершенствования форм и методов хозяйствования, повышения уровня жизни населения выдвигают рациональное использование трудовых ресурсов в одну из наиболее актуальных проблем, имеющих острое социально-экономическое и политическое значение. В области принимаются определенные меры по обеспечению занятости

¹ Там же. Ф-1124. Оп. 15. Д. 452. Л. 22.

² Там же. Д. 442. Л. 180.

³ Кульчик Ю.Г. Республика Узбекистан в середине 90-х годов. М., 1995. – С. 17.

быстрорастущих трудовых ресурсов, однако масштабы этой работы и её направленность ещё не полностью реализуют конституционное право на труд всех трудоспособных граждан, что отрицательно влияет на уровень благосостояния народа, обостряет морально-психологическую обстановку в городах, районах, поселках и кишлаках. Необходимы кардинальные меры, способные преломить негативные тенденции о занятости населения и использовании трудовых ресурсов¹.

Резюмируя различные версии причин конфликта, мы бы хотели выделить ряд моментов: на 1989 год пришлось резкое обострение межэтнических отношений на всем пространстве бывшего СССР: обострился Карабахский конфликт, прошли конфликты в Абхазии, в Молдове (Приднестровье и Гагаузии), в Казахстане (Новоузенский конфликт), резко ухудшились межэтнические отношения в Прибалтике, Крыму и т.д. В этом смысле Ферганский конфликт отличался лишь масштабом жертв и разрушений; к концу 1980-ых гг. социально-экономическое положение на всей территории СССР, а в Центральной Азии в особенности достигло своей кризисной отметки. Низкий жизненный уровень населения, массовая безработица, дефицит – все это отнюдь не способствовало улучшению межэтнических отношений.

Окончательно последствия Ферганского межэтнического конфликта удалось преодолеть после 1991 г., т.е. после провозглашения независимости Узбекистана. К счастью, провокаторам не удалось рассорить между собой узбекский и турко-месхетинский народы. Далеко не все турки-месхетинцы покинули Узбекистан, многие из них укоренились в республике. В настоящее время функционируют пять турецких культурных центров: Турецкий национальный культурный центр Узбекистана «Ахыска» (во главе с У.И. Салмановым), Бухарский областной турецкий НКЦ, Навоийский областной турецкий НКЦ, Самаркандское областное отделение Республиканского Турецкого НКЦ, Ташкентский городской турецкий НКЦ.

¹ Там же. Д. 370. Л. 146.

ПАХТА ИШИ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ПОЙМОЛ ЭТИЛИШИ

*Ш.С. Гаффоров, Самарқанд давлат тиббиёт институти
профессори, тарих фанлари доктори*

Мустақиллик арафасида Ўзбекистонда «пахта иши», кейинчалик «ўзбеклар иши» деб номланган сиёсий компания бўлиб ўтди. СССР Фанлар Академияси олимлари ўтказган ҳисоб-китобларга кўра аслида қўшиб ёзишлар бутун мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 3 %га тенг бўлган. Хом ашё етказиш соҳасида эса қўшиб ёзишлар 5 фоиздан 25 фоизгача бўлган¹. Масалан, 1983 йилда Озарбайжонда 667 та саноат корхонаси ва қурилиш ташкилотларида қўшиб ёзишга йўл қўйилган. Молдавияда эса қўшиб ёзишлар ниҳоятда авж олган².

1983 йил сентябрида СССР Бош прокурори А.Рекунов топшириғига кўра, СССР Прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Т. Гдлян бошчилигида мамлакатнинг турли минтақаларидан тўпланган 200 кишидан иборат тергов гуруҳи тузилиб, Ўзбекистонда фаолият бошлайди³.

Марказдан республикага юборилганлар эса маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олмай, ўзбек халқининг миллий манфаатлари, маданияти, кадр-қимматини ҳисобга олмаган ҳолда иш тутдилар. Ўзбекистон ССР КП МК, Республика Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Прокуратураси, Ўзбекистон ССР ИИБ каби муҳим бошқарув бўғинлари шундай кадрларнинг қўлига ўтади. Улар республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб юборади. Натижада, «Ўзбекистон – тергов усуллари ўтказиладиган майдон»га айланиб қолади⁴. Гдлян гуруҳи ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ Марказ кўрсатмасига таяниб, маъмурий бошқарув аппаратида ишлаётган, туб миллатга мансуб раҳбар ходимларни ҳибсга ола бошлайди. Гуноҳи

¹ Немелов Н., Попов В. На переломе экономическо перестройки в СССР. – М.: Изд. АПН, 1998. – С. 44.

² На пороге кризиса: нарастающих явлений в партии и обществе – М.: Изд. Полит. лит., 1990. С. 118.

³ Лиханов Д. Кома: «Огонёк» журналы, 1989 йил, №4, 21-бет.

⁴ «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1990 йил 3 февраль.

ҳали исботланмаган кишилар қамокларда ашаддий жиноятчилар билан бирга ушлаб турилади. Улар шафқатсизларча калтакланиб, руҳий азоблар билан қўрқитилиб, терговчилар аввалдан тайёрлаб қўйилган ҳужжатларга имзо чекишга мажбур этилади¹. Бир неча ўнлаб кишилар далиллари бўлмаса ҳам ва уларнинг жиноятга дахлдорлиги аниқланмаган бўлса ҳам, судланган ва қамокқа олинган, изоляторларда қонунда белгиланган 3 кун ўрнига 20 кунлаб сақланган. Айбланаётганларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, кўп болали оналар қамалган. Масалан, А.Каримовнинг иши юзасидан 21 нафар қариндошлари, Худойбердиевнинг иши бўйича 15 нафар қариндоши, Усмонхўжаевнинг 9 нафар қариндоши, 11 нафардан болалари бўлган Долиева ва Матғалиева, 9 нафар боласи бўлган Алимова ва бошқаларга ҳам жиноий иш очилган².

Гдлян гуруҳи томонидан ҳаммаси бўлиб 800 дан кўпроқ жиноий иш тергов қилинди. Шу ишларга кўра 5000 дан ортиқ киши судланди. Улардан 600 дан ортиғи раҳбар ходимлар, 10 нафари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони эди. Жумладан, Ўзбекистон ССР КПМҚ нинг 4 нафар котиби, 8 нафар вилоят партия қўмитасининг котиби, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси, Ўзбекистон ССР Пахтачилик Вазири, ИИВлигининг 20 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган³. «Пахта иши» деб номланган қатағонга миллий тус берилиб, у «Ўзбеклар иши»га айлантирилди⁴. Ўзбекистон КП МҚнинг 1984 йилдаги 16-плениуми Марказнинг «Соғломлаштириш» борасидаги тадбирларини қувватлаган ҳолда, республикада юзага келган салбий вазиятда партия кўрсатмаларига тўла амал қилмаганлиги учун зиёлиларни ҳам айблади.

Марказ кадрлар сиёсатини оғишмай амалга оширишда ўзга миллатга мансуб бўлган раҳбар ва кадрларга нисбатан таъқибларни амалга оширган. Худди шу йилларда республика раҳбариятига сиёсий иродаси бўш кишиларнинг келиши натижасида Марказдан 400 га яқин «Кадрлар тўдаси» юборилди. Мамлакатга «қонун

¹ «Правда» газетаси, 1989 йил 21 май.

² СССР Прокуратурасининг Т.Гдлян бошчилик қилган тергов гуруҳи фаолияти билан боғлиқ бўлган материалларни текширувчи комиссиянинг ахбороти. «Совет Ўзбекистони» газетаси. 1989 йил 27 декабрь.

³ «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1989 йил 27 декабрь.

⁴ Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш. – Тошкент: «Шарк», 2001 йил. – Б. 72.

посбонлари» сифатида гўёки адолат ўрнатиш учун келган «десантчи»лар томонидан қонунбузарлик ва жинойтлар содир этилган.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистонда иқтисодий, демографик муаммолар ҳам мавжуд эди. Хусусан, Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси собиқ Иттифокдаги республикалар ичида энг паст ҳолатга келиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда Республика аҳолиси 70 фоизига яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиши учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни пайтда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизига яқинигина шундай аҳволда кун кечирган. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ҳам мураккаб бўлиб қолди¹.

Қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши натижасида кўплаб сув омборларининг қурилиши, умуман сув исрофгарчилиги туфайли Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларидан Орол денгизига қуйиладиган сув ниҳоятда камайиб кетди. Оқибатда Орол денгизи 1960 йилдаги ҳолатига нисбатан 1990 йилда 14,5 метрга пасайди, сувнинг ҳажми 54 фоизга қисқарди². Сув қирғоқдан 70–100 км гача чекинган жойларда бўронлар натижасида йилига 50–70 минг тоннагача туз атмосферага кўтарилганлиги кузатилди³. Орол бўйида экологик аҳволнинг ёмонлашуви, жумладан ичимлик суви билан таъминлашнинг қониқарсизлиги, сувдаги минераллашувнинг ошиши натижасида қишлоқ аҳолисининг 87 фоизи ҳар хил касалликларга чалиниши аниқланган. Масалан, Қорақалпоғистонда ичтерлама юқумли касаллиги билан касалланганлар собиқ Иттифок даражасидан 23 баробар кўп бўлган⁴. Агар Японияда ҳар минг нафар туғилган чақалоқдан бир ёшгача 5 таси ёки Канадада 7 таси ўлган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 39 тани, Қорақалпоғистонда 60 тани ташкил этган⁵.

XX асрнинг 80–90-йилларида Ўзбекистонда етиштирилган пахта хом ашёсининг 93–94 фоизи, олтиннинг барчаси Марказга олиб кетилган.

¹ Каримов И. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1993. – Б. 18.

² «Ҳаёт ва иқтисод» журнали, 1991 йил, №2. – Б.56.

³ Шалимов А.И. Экология: тревога нарастает. – Л.: «Лениздат», 1989. – С. 53.

⁴ Судьба природы – наша судьба. – М.: 1990. – С. 223.

⁵ Охрана здоровья в СССР. – М.: «Финансы и статистика», 1990. – С. 12.

Шўро даврида шахсий чорва ҳам «хусусий мулкчилик» сифатида давлат томонидан шафқатсизларча талон-тарож қилинди. Миллионлаб шаҳар, айниқса қишлоқ аҳолиси уй-жойсиз ва томорқасиз қийналиб яшади. Кўпгина муаммоларнинг негизи айнан шу масалага бориб тақалишини билган Республика раҳбари бу соҳага алоҳида эътибор қаратди: «Қаранг, бугунги кунда қишлоқларимизда 240 минг оиланинг ери йўқ, 1 миллион 800 мингдан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кенгайтиришга муҳтож бўлиб турибди»¹.

1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси МҚ Биринчи Котиби этиб Ислом Каримов сайланиши, юқоридаги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишининг олдини олган дастлабки чоралар кўришга олиб келди. Дастлаб 1989 йил 17 августда Ислом Каримов бошчилигида Республика ҳукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида, аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш муҳокама қилинди. «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш» хақида қарор қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4.5 кўпайтириш назарда тутилган эди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989–90-йилларда 1,5 миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Ўзбекистонда «пахта иши» билан боғлиқ бўлган қонунбузарликларни фош этиш, бегуноҳ кишиларни оқлашда мамлакатнинг янги раҳбари Ислом Каримов бошчилигида кенг кўламли ишлар бошланди. Бу ишлар Марказдан ҳеч қандай руҳсат сўрамасдан, мустақил тарзда олиб борилди. Шундай мураккаб шароитда иттифокдош республикалар ичида биринчи бўлиб, Республика Бош Прокурори Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига кўра тайинланди. Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Бош Прокурор олдига республикамиз манфаатларини ҳимоя қилиш, биринчи навбатда, «Пахта иши» бўйича ноҳақ қамалган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш масаласини қўйди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 12 сентябрда «Пахтачиликда қўшиб ёзишда йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган киши-

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 289.

ларни афв этиш мақсадида ҳужжатлар тайёрлайдиган комиссия» ташкил этди¹. Бу комиссия тергов ҳужжатларини Ўзбекистонга қайтариб, минглаб ишларни қайта ўрганди. Узоқ давом этган машаққатли кураш натижасида 2940 кишининг ҳақ-ҳуқуқи қайта тикланди, 1015 киши асоссиз судланганлиги аниқланди². Ноқонуний равишда ҳибсга олинган ватандошларимиз озодликка чиқарилди.

«Пахта иши» тўғрисида Ислом Каримов шундай деган эди: «Пахта иши» деб аталмиш масалани кўриб чиқишда йўл қўйган жиддий хатолар ва нуксонлар, бу масалага ўйланмай-нетмай ёппасига ёндашувлар, кўпинча эса иқтидорли одамларни асоссиз равишда актив фаолиятдан четлаштириш, буларнинг ҳаммаси жуда кўплаб одамлар ва уларнинг оилалари тақдирида машъум роль ўйнагани халққа жуда ёмон таъсир қилди»³.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик арафасида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига эришиши муносабати билан ўз ниҳоясига етиб адолат қарор топди. Бу воқеаларнинг бегуноҳ жабрдийдалари мустақиллик туфайли оқланди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЎТИШ ДАВРЛАРИ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА

*Х.А. Буриева, ЎзМУ ўқитувчиси,
ЎзР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ илмий ходими,
тарих фанлари номзоди*

Муайян ҳудуд, ўлка, давлатнинг тарихий ривожланиш даврларини тадқиқ этишда уларда кечган воқеаларга холис баҳо бериш зарур шартлардан саналади. Бунда турли манбалар, мавжуд тадқиқот ишларида келтирилган маълумотларга таяниш зарур. Зеро, манбалар ўша даврнинг кўзгуси сифатида ҳодисаларни акс эттириб

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви. «Пахта иши» бўйича маълумотнома. 2-том, 24-варақ.

² Ўша жойда. 8-варақ.

³ Янгиланиш нишонлари // «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1989 йил 27 сентябрь.

турса, олимларнинг тадқиқотларида тарихий жараёнлар атроф-лича талқин қилинади ва зарур ҳулосалар мужассамланади. Айни вақтда ҳам манба, ҳам тадқиқот, ҳам методологик асос бўлиб хизмат қилувчи адабиётларни ўрганиш алоҳида самарага эга. Жумладан, ушбу турдаги нашрларга давлат раҳбарларининг асарлари, нутқлари қайд этилган китоблар киритилади. Бу адабиётлар давлатнинг тараққиёт модели асослари, ўзига хос хусусиятлари, ислохот дастурлари, ривожланиш босқичлари, ўтмиши, ҳозирги замон ва истикболи хусусидаги қарашлари, шунингдек, киёсий таҳлил, фактлар, камчиликлар ҳамда ютуқлар қайд этилгани билан муҳим.

Бу борада мамлакатимиз тарихида бўлиб ўтган ва ҳозирги замонда кечаётган жараёнларни изоҳлаб, илмий ва амалий жиҳатдан асослаб, кенг оммага тушунарли тарзда ёритиб берувчи раҳбарий адабиётларни қайд этиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида эътироф этилиши, бунга эришишдаги машаққатли йўлни босиб ўтиши, суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши, ўзининг давлатчилик тарихида мутлақо янги бўлган тизим, бошқарув шакли ва иқтисодиётга ўтиши ва қисқа давр мобайнида ижобий натижаларга эришиши тўғрисидаги маълумотлар мамлакатимиз Президентлари асарларидан ўрин олган. Шунингдек, ўлкамизда кечган тарихий воқеалар мамлакатнинг халқаро муносабатлари соҳасида ҳамда муайян даврларда чет элларда, кўшни ҳудудларда рўй берган тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган¹.

Ушбу тарихий асарларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларнинг муаллифлари (давлат раҳбарлари) ўз замонасида бўлиб ўтаётган жараёнларнинг нафақат иштирокчиси, балки уларнинг ташкил қилувчи, бошида турувчи лидери сифатида иштирок этадилар. Бу эса турли вазият ва воқеликларнинг объектив ва субъектив жиҳатларини ёритишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон давлати тарихида мураккаб даврлардан ҳисобланган «қайта қуриш», «ошкоралик», ҳамда «ўтиш» даврлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов асарларида ўз аксини топган. Республиканинг раҳбари сифатида унинг зиммасига юкланган масъулият пухта ўйланган тараққиёт дастурини ишлаб

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 448.

чиқишни тақозо этарди. Зеро, республикамиз ўша даврда собиқ Иттифоқ таркибида бўлиб, мавжуд эски тизим доирасида янгича услубда бошқарувни амалга ошириш ушбу йилларда жуда қийин кечиб, инсондан катта журъатни талаб қиларди.

Собиқ шўролар даврида Иттифоқнинг барча республикаларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётда мавжуд камчиликлар, хатоликлар, муаммоларни «қайта қуриш ва ошкоралик даври» деб аталмиш қисқа тарихий давр (1985–1989-йиллар) мобайнида, айниқса давлат бошқарув механизми ва иқтисодиётни эскича услубда юритиб, шунчаки ишлаб чиқариш тартибига бир қанча ўзгартиришлар киритибгина бартараф қилиб бўлмаслиги аниқ намоён бўлган.

Қайта қуриш сиёсатининг мақсади ва вазифаси СССРда тоталитар тизимни ислоҳ қилиш йўли билан мамлакатда тўпланиб қолган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва мафкуравий соҳалардаги муаммоларни «қайта қуриш» ва «жадаллаштириш» йўли билан ҳал этишдан иборат эди.

1985 йил 23 апрелда бўлиб ўтган КПСС МК пленумида (КПСС МК Бош котиби М.С.Горбачёв бошчилигида) мамлакатни инқироздан олиб чиқиш учун ўзига хос йўл-йўриқлар белгиланган ва асосан иқтисодий соҳада янгича жараёнларга ўтиш дастури белгилаб берилган¹. Жумладан, биринчи босқичда (1985–1987-йиллар), ижтимоий-иқтисодий ривожланишни «жадаллаштириш» мақсад қилиниб, ишлаб чиқариш корхоналарига илмий-техниквий ютуқларни жорий қилиш, корхоналар фаолияти самарадорлигини уларнинг техник таъминотини янгилаш, улардаги илм-фан ва техника билан ўзаро алоқани кучайтириб, ишларни ташкил этиш вазифалари белгиланган.

Мазкур босқич ўзини оқламай, кутилган натижага олиб келмагач, навбатдаги – иккинчи босқичга ўтилган (1987–1988-йиллар) ва бунда ишлаб чиқариш маҳсулотларининг сони эмас, балки сифатини ошириш каби услублардан кенг фойдаланиш раҳбарият томонидан қатъий белгилаб берилган. Ушбу талаблар ижобий самарага олиб келиши мумкин эди, албатта, бироқ бир неча ўн йилли-

¹ История Узбекистана. Учебник для студентов высших учебных заведений. Отв.редакторы: Р.Х. Муртазаева, Т.И. Дорошенко. – Ташкент: «Fan va texnologiya», 2011. – С. 269.

клар давомида яратилган ишлаб чиқариш муносабатлари механизмининг иқтисодиётга анча чуқур ўрнашгани бундай янгича усулларни татбиқ этишга тўсқинлик қиларди. Шу боис, белгиланган вазифалар бажарилмаган ва давлат, жамият инқирозга юз тутиши жараёнлари тобора кучайиб борган.

Ўчинчи босқичда (1988–1989-йиллар), ниҳоят, сиёсий тизимни ўзгартириш кераклиги масаласига эътибор қаратилган. Бунда ҳам тўғри йўл тутилмаганлигини давлатда инқирозий ҳолат кучайганлигида кузатиш мумкин. 1989 йилга келиб собиқ Иттифок таркибидаги республикаларнинг мустақилликка эришиш учун кураши бошланган, Марказдан тобелликни барҳам топтириш дастурларини амалга оширишнинг чоралари ишлаб чиқилган. Бунда, албатта, мазкур даврда республикаларда ҳукуматни бошқарган ва айни вақтда эски тузум, консерватив қарашларга қаршилик кўрсатиш сиёсати йўлини танлаган гуруҳлар ва шахсларнинг таъсири ҳамда хизматлари катта аҳамият касб этган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов ўз нутқларида «қайта қуриш» даврига таъриф бераркан, унинг можароли вазиятлари хусусидаги маълумотларни қайд этган ва бундай ҳолатлар Иттифокнинг барча ҳудудларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам рўй бераётганига эътибор қаратган: «Қайта қуриш жумҳуриятимиз ҳаётининг ниҳоятда мураккаб, зиддиятли, кўп жиҳатдан машаққатли даврига тўғри келди. Ўлкамиз пахтанинг миқдори кетидан қувиб ҳолдан тойган эди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа қашшоқлашиб кетган, деҳқонларнинггина эмас, бутун аҳоли, унинг барча табакалари, жумладан, болалар ва ўсмирларнинг ҳам тинка мадори қуриган эди, улар ўқишдан қолиб, соғлиқларига путур етиб, пахта далаларида азият чекишар эди... Ўзбекистоннинг бошига тушган кулфатни унинг айби дейишга уринишди. «Ўзбек иши», «Пахта иши» деб аталмиш гаплар бунга мисол бўла олади. Жумҳурият, унинг меҳнаткашлари пахтанинг ялпи ҳосили кетидан қувишнинг азоб-уқубатидан, партия, давлат нормалари ва қонунлари, ижтимоий адолат тузумларининг айниб кетиши ва бузилишидан ҳали нафасларини ростлаб олмай туриб, худди ўша пахта билан боғлиқ қонунсизлик ва хўрлашнинг тегирмон тоши уларнинг бошида яна айлана бошлади... Ижтимоий-иқтисодий норасолик, демография вазияти ва ишсизликнинг кўпайиб бориши, экология

танглиги, халқнинг маънавий жиҳатдан ҳақоратланиши жуда қалтис вазиятни вужудга келтирди. Экстремист кучлар эса вазиятни кескинлаштириш, одамларни оммавий тартибсизликларга тортиш, ижтимоий ва миллатлараро нифоқлар ва тўқнашувларни чиқариш учун шу ҳолатдан фойдаландилар»¹.

Айни вақтда Биринчи Президент Ўзбекистондаги ишларнинг аҳволи республиканинг ўзигагина хос бўлган бир қанча муаммоларнинг намоён бўлиши билан мураккаблашганини фактлар асосида кўрсатиб берган. Жумладан, принципиал аҳамиятга эга бўлган баъзи энг жиддий муаммолардан қуйидагилар кўрсатилган: 1) *Республикада демографик вазиятнинг мураккаблиги*. 1980–1989-йилларда аҳоли сони 4,5 млн кишига ёки 30 % кўпайди ва 20 млнга етди; аҳолининг ўсиш суръатлари умумиттифоқ суръатларига қараганда уч баробардан зиёд. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 млн 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 %ини ташкил этади (аслида кун кечириш учун 85 сўм зарур бўлган); 2) *Республика халқ хўжалиги бир ёқлама, ҳаддан ташқари номақбул ихтисослаштирилгани*. Натижада шундай аҳвол вужудга келганки, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилиб, тайёр маҳсулот, биринчи навбатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлар эса арзимас салмоққа эга бўлган. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг талайгина ҳажми республикадан олиб кетилмоқда, айни вақтда эса аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8–9 млрд сўмликка яқин тайёр маҳсулот олиб кетилган (1989 йил); 3) *Ишлаб чиқарувчи кучлар ва, аввало, саноат объектлари тартибсиз равишда жойлаштирилгани*, аниқроғи, бу масалада ҳар хил ўзбошимчалик, буйруқбозлик қарорлари асосида, кўпинча илм-фан вакиллари, билимли ва обрўли мутахассисларнинг тавсиялари мутлақо эътиборга олинмаган.

Республика саноат салоҳиятининг 50 %га яқини жойлаштирилган Тошкент ва Тошкент вилояти шаҳарлари, Фарғона, Андижон, Қўқон, Навоий шаҳарлари ҳамда республиканинг бошқа бир қанча минтақалари мисолида ана шундай жойлаш-

¹ Каримов И.А. Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1990. – Б. 15, 19.

тириш салбий таъсир ўтказган. Бундай жойлаштириш республиканинг иқтисодиёти ва аҳоли пунктларининг экологиясига катта зиён етказган; 4) *Республикадаги социал аҳволнинг, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо қониқарсизлиги*. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи – ичимлик сув билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминлангани, албатта нормал ҳолатдан анча йироқ (Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг XVI пленумида сўзланган нутқдан. 1989 йил 19 август)¹.

1980-йилларнинг ўрталаридан бошланган қайта қуриш маданий ҳаёт соҳасини ҳам қамраб олган, сабаби, узоқ йиллар давомида собиқ совет тузуми миллий республикалар маданиятини деярли инкор этиб, мамлакатда ягона «социалистик маданият»ни шакллантириш борасида олиб борган ғайриилмий маданий сиёсати маданиятда ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бўлгани каби тушкунлик, тургунлик механизмини юзага келтирди. Шу боис ҳам таълим, фан, маданият ва санъат соҳаларида «қайта қуриш», яъни мамлакат раҳбариятининг таъбири билан айтганда, унинг «ривожини жадаллаштириш» керак бўлди.

Қайд қилиш лозимки, қайта қуриш даврида миллий ўзликни англаш, маданий меросни тиклаш учун муайян шароит ва имкониятлар яратилган бўлса-да, аммо коммунистик мафкураининг тазйиқи пасаймаган. Бу йилларда аҳолини маданият масканларига жалб этиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб борилган ишлар савияси ҳам пасайиб кетди. Маданий қурилишга нисбатан иқтисодий йўналишга қўйилган қандайдир норентабел юклама, фойда келтирмайдиган соҳа сифатида муносабат шаклланди. Маданиятни моддий жиҳатдан таъминлаш ҳажми камайди. 1988 йилга келиб Ўзбекистонда 500 га яқин йирик қишлоқларда маданият уйлари, 1 мингдан ортиқ аҳолига эга бўлган аҳоли пунктларида оддий маданият ўчоқлари йўқ эди. Она тилида китоб нашр қилиш бўйича Ўзбекистон СССРда энг охириги ўринда турар эди².

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 46–48.

² Мамажонов Д.С. Ўзбекистонда қайта қуриш даврида маданий ҳаёт (1985–1991-йиллар). – Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б.13.

Умуман олганда, Ўзбекистонда, Собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари сингари, қайта қуриш даврида иқтисодий ва сиёсий инқироз жуда кучайган ва давлат, жамият тараққиёти танг ҳолатга келиб қолган. Марказий ҳокимият заифлашиб, мамлакат бошқарувини назорат қилаолмай қолган, республикаларда миллий ўзликни англаш тенденциялари тобора фаоллашиб, ҳатто этник можаролар тўқнашувларга олиб келган, республика ҳукумат доиралари эса Марказга бўйсунушнинг барча шаклларига барҳам беришга интилиб, Иттифоқ таркибидан чиқиб кетишни асосий мақсад қилиб қўйган ва бунга доир жадал ҳаракат бошлаган.

«Ҳар биримиз оғир ва вазмин бўлишимиз керак. Бошимизга тушган бу синовлар, ноаниқ давр ва шароитдан авваламбор ақл ва идрокимизни бир жойга йиғиштириб, инсоф ва виждонни йўқотмасдан, саросимага тушмасдан чиқишимиз керак... Ўзбекистон жумҳурияти, унинг раҳбарияти қайта қуриш даврида ҳам ҳеч қачон бировнинг гапига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баъзи бир жумҳуриятлардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақириқлар, даъватлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ», – дея кўрсатмалар берган Биринчи Президент И. Каримов 1991 йил 20 август куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаш раёсати, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган қўшма мажлисда қилган мурожаатида¹.

Қайта қуриш сиёсатини Иттифоқ тарихида шунчаки самарасиз ўтган ислохотлар, деб ҳам бўлмади, зеро, у улкан ўзгаришларнинг содир бўлишига жиддий туртки бўлган. Қайта қуришни амалга оширишдаги қарама-қаршилик ва ноизчилликлар натижасида XX аср 80-йилларининг охири – 90-йилларнинг бошидан мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги бўҳронлар кучайиб кетган. Бунга шу даврда турли республикаларда бўлиб ўтган сиёсий воқеалар, миллий низоларнинг айрим жойларда ихтилофли тус олиши мисол бўлади. Қайта қуриш СССРда тўпланиб қолган муаммоларни тўла ҳал этишга хизмат қилмади. Мустақиллик, демократия ва эркинлик ғояларига тўғри келмаганлиги туфайли ҳам амалий самара бермади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 23.

Охир-оқибатда КПССнинг ҳалокати ва Совет Иттифоқининг бутунлай тугашига муайян туртки бўлди¹.

Совет Иттифоқи парчаланиши оқибатида унинг таркибидаги республикалар суверенитетга эришиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтганлари маълум. Албатта, янги давлат қуриш, янги тизим барпо қилиш ҳукумат ва халқ олдида турган мураккаб вазифа бўлган ва мазкур тарихий жараён ҳар соҳада кузатилган қийинчиликлар, машаққатлар билан кечган.

Ўзбекистоннинг қайта қуриш давридан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида (асосан 1990–1995-йиллар қамраб олинади) самарали иқтисодиётга ўтиш учун ҳукумат томонидан иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳаракатлар дастурини аниқлаб олиш кераклиги ва бунда аввало Ўзбекистон ресурслари ҳамда имкониятларига янги баҳо берилиши шартлигини Биринчи Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаган. «Сиёсат–иқтисодиётнинг мужассам ифодаси» ҳақидаги қоида долзарблигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Республика ҳудуди, ундаги имкониятлар Иттифоқ ва жаҳон бозори учун қанчалик зарурлиги масаласини унутмаслик лозим эди. Афсуски, қайта қуриш ва ундан аввалги даврларда ҳам Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитларидан мутлақо етарли фойдаланилмаётганлиги кузатилган.

Мамлакатимизда ўтиш даврида Иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун қуйидаги омиллар республика раҳбарияти (И.А.Каримов) томонидан белгиланган².

Ўзбекистоннинг бой табиати, ери ва сувидан оқилона фойдаланиб, экин майдонлари ва турларини кўпайтириш, бозор талабини ҳисобга олиб, қандай экинлар экишни республиканинг ўзи белгилаб олиши, бунда янги ерларни ўзлаштириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, бу ишларга маблағ топиш.

Ҳудудимизнинг ер ости бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланиш йўллари қайта кўриб чиқиш ва уларни айнан республика, халқимиз манфаатлари йўлида сарфлаш, бунинг таклифларини ишлаб чиқиш.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Қайта қуриш. – Тошкент, 2005. Т.10. – Б. 578–579.

² Каримов И.А. Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1990. – Б. 30–37.

Мамлакатимизнинг энг катта бойлиги – бу унинг аҳолиси, меҳнат ресурслари эканини доимо назарда тутиб, ишлаш учун шароит ва имконият яратиб бериш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги замонавий усуллари татбиқ этиш.

Халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартириш, хом ашё ресурсларини айнан республиканинг ўзида қайта ишлашга эришиш.

Кичик корхоналар, филиаллар ва цехларни ривожлантириб, уларни иш кучи ортиқча районларга жойлаштириш; кичик корхона ва цехларда тайёрланадиган маҳсулотлар бозорнинг ўзгарувчан талабларига тезроқ мослашиб, кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш имконини беришини назарда тутиш.

Район марказларида, кичик шаҳарлар ва посёлкаларда кўп соҳали саноат комбинатлари куриш истиқболли иш эканини ҳисобга олиб, уларда халқ хунармандчилиги сингари унутилган соҳаларни қайта тиклаш билан бир вақтда аҳоли учун зарур моллар, маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар яратиб бериш.

Замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг фан ютуқлари ва меҳнат кўп сарфланадиган тармоқларини жадал ривожлантиришга кескин бурилиш яшаш; шу жумладан, машинасозлик, радиоэлектроника, ускунасозлик корхоналарини тубдан янгилаш ва янгиларини куриш ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш вазифасини белгилаш.

Республика аграр секторини тубдан қайта ташкил қилиш, бунда Марказ зўравонлигидан воз кечиб, пахта якккаҳоқимлигига қарши изчил кураш олиб боришни давом эттириш.

Қайта ишлаш саноати корхоналари курилишини жадаллаштириш; бунинг натижасида янги корхоналар курилиб, озиқ-овқат моллари ресурслари анча кўпайтирилади ҳамда аҳолини бу моллар билан таъминлашни яхшилайдиган, уларни Иттифоқ ички бозорида ва жаҳон бозорида фойда билан сотиш имкони кенгайтирилади.

Қишлоқнинг ижтимоий ҳаётини қайта куриш; бу борада қишлоқни қашшоқликдан қутқариш, бунда давлат томонидан изчил ёрдам берилишини йўлга қўйиш: сув таъминоти, газ таъминотини яхшилаш, инфраструктурани ривожлантириш учун марказлаштирилган капитал маблағлар қидириб топиш.

Ташқи иқтисодий имкониятлар самарадорлигини кескин ошириш.

Ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш, халқаро муносабатлар соҳасида конституцион ҳуқуқларнинг тўла-тўқис амалга оширилиши учун шароитлар яратиш.

Чет элларда республика ваколатхоналарини очиш.

Тарихдан бизга маълумки, юқорида белгиланган вазифалар XX аср 90-йилларидан босқичма-босқич амалга оширила борди. Суверен давлатда, унинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ташқи ҳамда ички сиёсатда улкан ишлар амалга оширилиши ўз натижасини берганини бугунги кунда эришилган натижаларда кузатиш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудудида қайта куриш ҳамда ўтиш даврларида кечган жараёнлар моҳияти ўша давр манбалари, шу жумладан, мамлакат Биринчи Президенти И.А. Каримов сўзлаган нутқлари, асарларида ўз аксини топган. Ушбу маълумотлар республика ҳаётида кечган муаммоларни ҳал этишда давлат томонидан белгиланган дастурлар, кўрсатилган йўл-йўриқлар, тавсиялар хусусида тушунча беради. Шу жумладан, ўлкамизда XX аср охирларида кечган турли тарихий воқеалар моҳиятига таҳлиллар, хулосалар тақдим этади.

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

*Н.С. Расулова, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти тарих фанлари номзоди, доцент*

Маълумки, сиёсий бирлашмалар, партиялар турли сабабларга кўра шаклланади. Улар жамиятдаги маълум бир ижтимоий фарқланиш натижасида, маълум бир қатламларнинг алоҳида иқтисодий ва сиёсий манфаатлари доирасида тузилади. Шунингдек, партиялар халқ ичидаги ижтимоий норозилик оқидамида, расмий ҳокимиятга қарши туришида ҳам пайдо бўлади.

XX асрнинг иккинчи ярмида КПССнинг бутун халқ манфаатларини ифодалашга уриниши, халқ партияси ниқоби остида сиёсий

ҳокимиятни монополлаштириши оғир оқибатларга олиб келди. 1980-йилларнинг ўрталарига келиб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳада йиллар давомида тўпланиб келган муаммолар юзага чиқди.

Бундай вазиятда коммунистик партия иш услубининг янги шакллари жамиятда излаб топиши жиддий ўзгаришлар қилиши керак эди. Ана шу ҳаракатлар маҳсули сифатида 1985 йил апрелида ўша вақтдаги давлат раҳбари Михаил Горбачёвнинг қайта қуриш сиёсати дунёга келди.

Қайта қуриш сиёсати мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш борасида маълум ижобий силжишларга олиб келди. Турли-туман ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этувчи жамоат бирлашмалари, жумладан, партия ва ҳаракатлар тузила бошланди. Бутун собиқ Иттифоқ бўйича ижтимоий-сиёсий бирлашмалар, ташкилотларнинг сони кескин кўпая борди ва 1990 йил охирига келиб 300 дан ортиб кетди¹.

Ўзбекистон ҳам бу жараёнлардан четда қолмади ҳамда республикада кўппартиявийлик тизими шаклланишининг янги тарихий босқичи бошланишига сабаб бўлди. Қайта қуриш даврида республикада турли йўналишлардаги ўнлаб янги жамоат ташкилотлари тузила бошланди. Ўзбекистонда сиёсий йўналишдаги гуруҳ ва оқимлар асосан 1988 йилнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлади. Улар кейинчалик турли шиорлар остида ўз ҳаракат ва бирлашмаларини шакллантира бордилар ҳамда йиллар давомида йиғилиб келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни байроқ қилиб, сиёсат майдонига кириб келдилар. 1980–1990-йиллар бўсағасида шаклланган ижтимоий-сиёсий бирлашмалардан қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: Бирлик Ўзбекистон демократик ҳаракати, Интерсоюз, Эрк, Тўмарис, Ўзбекистон озод ёшлари каби сиёсий ташкилотлари, Ижодкор зиёлиларнинг Сайқал демократик ҳаракати, Суверен Қорақалпоғистон ҳаракати, «Офтоби Суғдиёна», «Сурқаш», «ФАН» каби маҳаллий йўналишидаги ҳаракатлар ва бошқалар.

1989 йил августда ташкил топган «Интерсоюз» ҳаракати мамлакатнинг рус тилида сўзлашувчи аҳолиси манфаатларини кўзлар эди.

¹ Абдунабиев А. Многопартийность – форма политической организации общества. – Ташкент: «Ўзбекистан», 1991. – С. 77.

Ушбу ҳаракат Ўзбекистон аҳолисининг демократик хоҳиш-истакларини қўллаб, турли кўринишдаги миллатчилик ва экстремизмга, бюрократияга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва қонунларининг поймол қилинишига қарши курашган.

1989 йилнинг ўрталарида ташкил топган «Ўзбекистон демократик ҳаракати» уюшмаси В.Сраджев, М.Хаджимухаммедовлар томонидан тузилган бўлиб, ҳаракат ҳужжатларида ушбу уюшманинг асосий мақсади инсонларга муносиб турмуш даражасини таъминловчи ва ижтимоий адолатни кафолатловчи демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятни босқичма-босқич иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳ қилиш бўлган. Ушбу ҳаракат «Эркинлик ва тенг ҳуқуқчилик, уларнинг кадр-қиммати ва ҳуқуқлари учун» деган шиор остида «Фуқаро» (Гражданин) газетасини нашр қилган. 1989 йилнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилояти жамоат-маданий бирлашмаси тузилди. Бирлашманинг асосий мақсади ҳудуддаги умумдемократик жараёнга ўз ҳиссасини қўшиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, тожиклар ва тожик тилли халқлар миллий-маданий ҳаётини ривожлантириш эди. Ушбу бирлашмани Бухоро, Сурхондарё ва бошқа вилоятларнинг аҳолиси кенг қўллаб-қувватлаган.

1989 йил давомида «Бирлик» раҳнамолигида қатор ҳаракат ва бирлашмалар ташкил этила бошланди. Жумладан, «Тўмарис» аёллар ҳаракати шоира Г.Нуриллаева раҳбарлигида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнини топа бошлаган эди. Талабалар иштирокида (асосан ТошПИ ва ТошДУ) ташкил этилган Ўзбекистон озод ёшлари мустақил бирлашмасининг раҳбари С.Бекжонов ва А.Джураевлар эди. Юқорида номлари келтирилган иккала бирлашма аъзолари вақти-вақти билан бирлашма етакчиларининг нуқтаи назарлари баён этилган мурожаатнома ва варақалар чоп этиб тарқатишган.

Республикадаги бу ва бошқа ижтимоий-сиёсий тузилмалар ўзларини асосан, ошкоралик, шунингдек, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни ўта марказлаштиришга қарши кескин чоратадбирлар кўриш тарафдорлари сифатида намоён эта бошладилар. Айни вақтда уларнинг фаолиятида, айниқса етакчиларининг шиорларида миллатчиликка берилиш ҳоллари кузатилган¹.

¹ Абдунабиев А. Многопартийность – форма политической организации общества. – Ташкент: «Ўзбекистан», 1991. – С. 70.

1980-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар, айниқса жамоат ташкилотларининг фаоллашуви, сиёсий фаолиятининг кескин кўтарилишларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муҳолифат ҳаракатининг маркази бўлди. Ўша вақтда бу ерда асосан экология масалалари – Орол фожияси, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигининг таъсири ва шунга ўхшаш бошқа мавзулар муҳокама қилинди. Ўқтин-ўқтин сиёсий муаммолар ҳам кўтарилар эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг чиқишлари Ўзбекистонда ва унинг ташқарисида шов-шув бўлди. Қайта куриш бошларида уларнинг мақолалари Москва нашрларида бирин-кетин босилиб турди. Ўзбекистонда бу мақолаларни босишдан кўрқардилар, чунки улар Москва билан Тошкент ўртасидаги муносабатларга бевосита дахлдор эди¹.

1988 йилга келиб Ёзувчилар уюшмаси республиканинг сиёсий ҳаётига сезиларли таъсир ўтказувчи жамоат марказига айланди. 1988 йилнинг 11 ноябрида *Бирлик халқ ҳаракатини* тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур йилнинг март ойида Эркин сўз газетасининг дастлабки нусхаси пайдо бўлди. 1989 йилнинг 28 майида Бирлик халқ ҳаракати (раҳбари Абдураҳим Пўлатов) жамоат ташкилоти сифатида ташкил топди. Тез орада улар Тошкентнинг марказий майдонида 2–3 минг кишини тўплаб, митингда ўзбек тилига давлат мақоми берилишини талаб қилиб чиқишди. Тадқиқотчи М. Қирғизбоевнинг фикрича, Бирлик халқ ҳаракати илк жамоат ташкилотларидан бири бўлганлиги сабабли ҳам кўплаб хато ва камчиликлардан холи бўлмади. Ҳаракат кўп ҳолатларда жамоат ташкилоти сифатида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтган бўлса-да, у ўзида сиёсий партияга хос фаолият бошлади. Ҳаракатнинг дастури ҳам унинг аъзоларини сиёсий жараёнларда иштирок этишга кенгроқ жалб қилишга қаратилган эди. Шунингдек, у ҳаракат дастуридаги қуйидаги жумлаларни келтиради: ... Ўзбекистон келажаги учун буюк тарихий масъулиятни ўз бўйнига олишга қурби етадиган ташкилотлар шаклланишини тезлаштириш объектив заруриятдир. Бирлик халқ ҳаракати ўзи ёки бошқа демократик кучлар билан бирга шундай масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр эканлигини баён қилади. Шунингдек, дастурга биноан Ўзбекистон истиқболи учун қурашаётган ижтимоий ва

¹ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т., 2001. – Б. 177.

сиёсий ташкилотлар Бирликка коллектив аъзо бўлиб киришлари мумкинлиги эътироф этилади. Ҳаракатнинг низомида эса Бирлик фаолиятининг асосий шаклларида бири сифатида Қайта қуриш жараёнидаги ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий тадбирларга оммани кенг миқёсида жалб этиш мақсади баён қилинади¹.

Ҳаракат фаоллари собиқ Иттифоқнинг аниқ ҳалокатга юз тутаётганлигини англаб, ўзларини эса бу ҳалокат жараёнининг фаол иштирокчилари сифатида кўрсатиб, халқ ўртасида сохта обрў орттириш ҳаракатида юрган, шунингдек, янги тузумдан имтиёз ва мансаблар олишга иштиёқ билан интилаётган қатламларга таяниб иш олиб бордилар.

Ҳаракат фаоллари кўпроқ митинг, намойишлар ўтказиш, маҳаллий раҳбарларга тазйиқ қилиш, қандай қилиб бўлмасин, ҳукумат ва унинг маҳаллий органлари фаолиятдан хато ва камчиликлар топиш, турғунлик даврида ночор ҳолга тушиб қолган кишилар эҳтиросларини авж олдириш каби усуллари билан фаолият кўрсатар эдилар². Уларнинг собиқ социалистик тузумдан кейин қандай жамиятга ўтиш ҳақида аниқ дастурлари ҳам йўқ эди.

1989 йилнинг сентябрида Бирлик ҳаракатида бўлиниш содир бўлди. Унинг Муҳаммад Солих теварагига бирлашган бир қисми *Эрк партиясини* таъсис этди. Хорижий тадқиқотчи Л. Левитин ўз асарида Ўзбекистоннинг дарҳол ва тўла мустақиллигига эришиш партиянинг дастурий мақсади эди³, деб таъкидлайди. 1990 йил 30 апрелда Эрк демократик партиясининг таъсис қурултойида унинг дастури ва низоми қабул қилинди. 1991 йил сентябрида митингбозлик тактикасидан воз кечган Эрк партияси ҳеч бир муаммосиз Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтди. Партия раҳбарияти ўз газетасини чиқариш тўғрисида ҳокимият маъмурлари билан келишиб олди ва бу билан кифояланмай, бу газетани Ўз КП МК босмаҳонасида бостириш имкониятига ҳам эга бўлди (60 минг нусха). Партиянинг ўша пайтда 54 минг аъзоси бор эди, шунингдек, уларга Тошкент марказида дурустигина бино, зарур алоқа ва транспорт воситалари берилди⁴.

¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б. 113–115.

² Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б. 113–115.

³ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т., 2001. – Б.179.

⁴ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т., 2001. – Б.179.

Мазкур партиянинг ҳам ҳужжатлари, назарий концепциялари, ташкилий тузилиши ва иш фаолияти эски усуллардан холи бўла олмади. Эрк партиясининг дастури асосан Иттифоқ парчаланганидан кейинги сиёсий-ижтимоий муҳитда инқилобий ўзгаришлар қилишга қаратилган бўлиб, унда эски жамиятда яшаган ўзбек халқининг руҳияти, менталитети, ижтимоий-сиёсий қарашларининг аста-секинлик билан ўзгариб бориши ҳисобга олинмаган эди¹.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов Эрк партиясининг хайрихоҳлиги, унинг ижобий куч сифатида сиёсий тизимга қўшилишидан умидвор эди. Лекин акси бўлди. Амалдаги ҳокимият миллий манфаатларни қатъийроқ ҳимоя қила бошлади. Мамлакатга дабдабали шиорлар эмас, амалий ислоҳот дастурларини таклиф қиладиган одамлар муҳолифат орасидан чиқмади. Ҳокимиятни тўхтовсиз танқид қилиш, ҳокимиятни ағдаришга қодир куч сифатида талабалар ва умуман ёшларга мурожаат этиш бошланди².

Эрк демократик партиясининг ҳам янги жамият қуриш ёки бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш жараёнидаги аниқ бир концепцияси ёки дастури йўқ эди³. Мазкур партия фаоллари ва аъзоларининг маълум бир чегараланган ҳаракат қилиш доиралари бўлиб, у партиянинг 4 йилдан ортиқроқ фаолияти жараёнида деярли ўзгармади. Халқ оммаси бу партия орқасидан эргашмади. Партия ўз дастури ва низомини ишлаб чиқишда, шунингдек, ўзининг амалий фаолиятида халқ руҳи, унинг ўзига хос хусусиятлари, эски тузумдан қолган асоратлар ҳисобга олинмади. 1992 йил 3 июнда Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан 1993 йилнинг март ойида ҳукумат қонунга амал қилишни ва уни бажаришни таъминлаш мақсадида барча жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларни Адлия вазирлигидан қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Республикадаги деярли барча жамоат бирлашмалари қайта рўйхатдан ўтдилар⁴.

¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б. 116.

² Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т., 2001. – Б. 179.

³ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б. 117.

⁴ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б. 118.

1993 йилнинг сентябрида Эрк партияси раҳбарияти қайта рўйхатдан ўтиш, низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадида ўз қурултойини чақирди. Қурултой мажлисларида партия раҳбарияти ўртасида чуқур бўлиниш юз берди. Кўп ўтмай партия Марказий Кенгашининг Бош котиби бошчилигида бир гуруҳ фаоллар Муҳаммад Солиҳ фаолияти ва хатти-ҳаракатларига норозилик белгиси сифатида партия сафидан чиққанликларини эълон қилди. Шу билан бир қаторда, республикада коммунистик партия ва унинг тузилмаларини тугатиш, коммунистик мафкура ва дунёқарашдан воз кечиш жараёнлари ҳам тадрижий йўл билан рўй берди. Мамлакатда халқ манфаатлари ва сиёсий иродаларини эркин билдириш ва уларни эркин ифода этиш учун ҳуқуқий асослар ва эркин сиёсий муҳит яратилиши билан ҳамоҳанг тарзда сиёсий партиялар ҳам тузила бошланди.

Демократик жамиятни барпо этиш аҳолининг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданияти, одамларнинг янги демократик қадриятларни идрок этиш масалалари билан боғлиқ. Шу жиҳатдан, турли сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг шаклланиши ва қарор топиши муҳим ўринга эга. Бундай тузилмалар замирида фуқаролар онгини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш истиқболлари мужассамлашади. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг фаолияти демократик жамият учун зарур бўлган сиёсий муҳолифатни шакллантиради.

Хуллас, 1980–90-йиллар бўсағасидаги сиёсий жараёнлар таъсирида юзага келган айрим ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар мавжуд муаммолардан фойдаланиб, республикада сиёсий бошбошдоқлик ва беқарорликнинг келиб чиқишига сабаб бўлдилар. Жамиятда демократик анъаналар етарли ривожланмагани ва демократия шароитига мос сиёсий маданиятнинг шаклланмагани собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудлари каби Ўзбекистонда ҳам митингбозликка берилишларга олиб келди. Натижада бу ва бошқа объектив ҳамда субъектив омиллар таъсирида ташкил топган айрим сиёсий ҳаракат ва партиялар жамиятда ўз ўрнини топа олмадилар.

ЎЗБЕКИСТОНДА XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДАГИ ИНҚИРОЗ: «ПАХТА ИШИ»

*Ж.А. Мустафоев,
Навоий ДПИ катта ўқитувчиси*

XX асрнинг 80-йилларига келиб совет давлатининг инқироzi тобора яқинлашиб, ички зиддиятлар кучайиб, мамлакатнинг таназзули ва муқаррар ҳалокати кўзга ташлана бошлади. Совет Иттифоқи ҳар томонлама кескин иқтисодий инқирозлар ва ижтимоий-сиёсий бўҳронлар гирдобида қолиб, ҳар қачонгидан ҳам оғир аҳволда ўз ҳукмронлигининг сўнгги босқичини бошидан ўтказаётган эди. Бу вақтга келиб вазият танг аҳволга келиб қолганини, иқтисодиётнинг турғунлик ҳолатидалигини ҳукмрон доиралар тўла тушуниб етмаган эди. Улар жойидан жилмай қолган тизим доирасидан чиқишнинг иложи бўлмаган вақтинчалик чоралардан бошқа ҳеч нарса таклиф қила олмас эди. Мафкура тобора очик-ойдин жойида қотиб қолган иқтисодий турғунликнинг қурбони бўлаётган эди. Ҳеч ким – юқоридан пастгача унинг ақидаларига ишонмасди¹. Зеро, ҳокимиятнинг бош бўғинида турган қатлам фақат ўз манфаати нуқтаи назаридан олиб бораётган сиёсати жамиятнинг бошқа қатламларига ҳам худди эпидемия сингари тарқалиб, одамларда бефарқлик, лоқайдлик, давлат ва жамиятга нисбатан ишончсизлик кайфияти қарор топиб мустаҳкамлана бормоқда эди.

Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт Совет Иттифоқининг асосий хом ашё етиштириб берадиган минтақаси сифатида янада оғир, зиддиятли жараёнлар таъсирида пахтачилик соҳаси инқироzi тобора чуқурлашди. Ўрта Осиё, айниқса, Ўзбекистонни қишлоқ хўжалигининг «пахта» хом ашё комплекси атрофида ривожлантирилиши бу йилларда ўз салбий таъсирини кўрсата бошлаган эди. Йиллар давомида партиянинг пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича режалари ерларнинг чала ўзлаштириб, белгиланган вақтда «топширишга», ернинг мелиоратив ҳолатини бузилишига, кетма-кет бир хил экинлар экиб, катта миқдордаги сарф-харажат қилинишига сабаб бўла бошлади. Бироқ, бу сарф-харажатлар ўзини

¹ Рашидова Г., Комилов Д. Шароф Рашидов инсон – давр кўзгусида ва давр инсон тақдирида. – Тошкент, 2017. – Б. 288.

оқламас, марказ эса беш йиллик пахта планини бажаришни қатъий туриб талаб қилар эди. Натижада олинадиган реал даромад тўлик бўлмас, буйруқбозлик, қаттиқ назорат, тазйиқ ўтказиш кучайиб борар, камомад, ўғрилиқ, ички назорат ва ҳисоб-китобнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ортиб борар эди. Бу ҳолатлар бутун мамлакатда қўшиб ёзишни кучайтириб юборди¹. 1983 йил февралида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси Ўзбекистон пахтачилигидаги суиистеъмол ҳолатларини текшириш тўғрисида қарор қабул қилди ва СССР прокуратурасига тергов комиссиясини тузиш топширилди. 1983 йил апрель ойи бошларида шундай комиссия тузилди, унга СССР Бош Прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари Т.Гдлян ва Н.Иванов бошчилик қилди². Совет раҳбариятининг бу позицияси ҳамда Т.Гдлян ва Н.Ивановларнинг тергов гуруҳи хатти-ҳаракатлари оқибатида Ўзбекистон 1983 йилдан 1989 йилгача «тергов амалиёти шакл ва методларини синаш полигонига, шу билан бир вақтнинг ўзида мазкур гуруҳ раҳбар ва аъзоларининг шахсий амбициялари ва ғаразли мақсадларини амалга ошириш базасига айлантирилди. Москва томонидан юборилган коррупция «курашчилар»и ҳаракати Иттифоқ марказининг «миллий ўлкалар»га нисбатан этносиёсатининг бир қисми бўлиб қолди³.

Шу тариқа Совет давлати томонидан бошланган қатағонларнинг охирги даври Ўзбекистонда XX аср 80-йилларида «пахта иши», кейинроқ «ўзбеклар иши» деган машъум ном остида тарихга кирди. Совет давлатини қамраб ола бошлаган инқирозий ҳолатларни мавжуд тузум негизида эмас, балки юзага келган салбий иллатларда деб билган марказ, Ўзбекистонни тажриба-синов майдони сифатида танлаб олди. Юқоридаги «тозалаш ишларидан» кўзланган мақсадни фақат иқтисодий «жиноятчилик»ни фош этиш эмас, балки мамлакат ҳаётидаги умумий салбий ҳолатларнинг аниқ бир кўриниши бўлган қўшиб ёзишга қарши ҳаракатларни тўхтатиш, «темир интизом» билан миллий кадрларни жазолаб, эркин фикрлайдиган зиёлиларни жиловлаш, республикаларда юзага келаётган ижтимоий-сиёсий

¹ Авлиякулова Д. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 20–80-йиллари Жанубий вилоятлар мисолида) Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 110.

² Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 163.

³ Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. 3-китоб. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 84–85.

кучларни бўғиб ташлаш, миллий онг, фуқаронинг фаоллигини ҳам бир тизгинда ушлаб туришдан иборат эди¹. Бутун Совет жамиятига хос бўлган бефарқлик, лоқайдлик, эртанги кунга бўлган ишончсизлик билан бир қаторда порахўрлик, қўшиб ёзиш, давлат мулкани суиистеъмол қилиш каби иллатлар фақат Ўзбекистонга хос бўлган ҳодиса деб қабул қилиниб, республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган кадрларнинг аксариятини жиной жавобгарликка тортишдан иборат сиёсат юритилди.

Бунинг натижасида республикадаги жамоа хўжаликлари раислари ва совхоз директорларининг 60 %идан кўпроғи, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларининг қарийб 45 фоизи, ҳар учта пахтачилик бригадаси бошлиғидан бири вазифасидан олиб ташланди (жами 40 мингга яқин фуқаролар тергов қилинган эди)². «Пахта иши», «ўзбеклар иши» сиёсати марказнинг СССР инқироzi кучайиб кетиб, таназзул топиши муқаррар бўлган даврдаги уйдирмаси эди³. Ушбу ўзбек халқига қаратилган адолатсиз сиёсат ва айбловдан Ўзбекистон халқи, жуда оғир, тузатиб бўлмайдиган моддий ва маънавий зарарга дучор бўлди.

Умуман олиб айтганда, «пахта иши»нинг салбий руҳи бутун ўзбек халқига нисбатан татбиқ этилди, бу ўз-ўзидан адолатсизлик эди. Бундан ташқари, яна шу нарса маълум эдики, қўшиб ёзишлар, порахўрлик маълум даражада социализмни «кўз-кўзлаш» мақсадида бутун мамлакат халқ хўжалиги ҳисоботларига хос оддий воқеаларга айланиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас эди. Ўзбекистон ва ўзбек халқига нисбатан қилинган бу адолатсизлик халқ оммасининг советлар режимига нисбатан нафратини оширди, муносабатини ўзгартирди⁴.

¹ Юнусова Х. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт. тарих фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс... – Тошкент, 2009. – Б. 196

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 660.

³ Авлияқулова Д. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 20–80-йиллари Жанубий вилоятлар мисолида). тарих фан. ном. дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 128.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 660.

«Пахта иши» – бу Москванинг талаби ошгани учун пахтани қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик қилиш, бунинг ортидан катта бойликка эришиш каби шунчаки одатдаги жиноят эмас эди. Бу аслида бутун совет жамияти маънавий инқирозининг маҳсули ва инъикоси эди¹.

Ўзбекистонда марказдан келган тергов гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ноқонуний ишлар, поймол этилаётган ҳуқуқларни тиклаш, энг муҳими адолат истаб Гдлян бошчилигидаги тергов гуруҳи устидан ноҳақ айбланганлар ва уларнинг оила аъзолари номидан юқоридаги раҳбарларга кўплаб аризалар ёзила бошланди. Аввал бошда аризаларга эътибор берилмади. Оқибатда ариза ва шикоятлар шу даражада кўпайиб кетдики, СССР Бош Прокуратураси мазкур жараён устидан текширув ўтказишга мажбур бўлди.

Дастлаб СССР Бош Прокуратураси томонидан 1987 йили Т.Гдлян ва Н.Ивановга фақат хайфсан берилди, кейинчалик, 1989 йил май ойига келиб Гдлян гуруҳи юзасидан норозилик хатларини умумлаштириб текширувлар бошлаб юборилди. 1989 йил майида СССР Прокуратураси Т.Гдлян ва Ивановларни Ўзбекистонда тергов олиб бориш жараёнида қонунчилиқни бузганликда айблаб жиноий иш қўзғайди². Охир-оқибат СССР Бош Прокуратурасининг Т.Илюхин раҳбарлигидаги комиссияси 1983–1989-йиллардаги Т.Гдлян ва Н.Ивановлар бошчилигидаги тергов гуруҳининг бутун фаолияти бўйича текширув олиб бориб, уларнинг барча ишлари қонунга зид равишда олиб борилганини қайд этди.

Хулоса қилиб айтганда, марказ ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун бутун бир миллатни айблаб, кучли репрессив сиёсат олиб борди ва бу сиёсий бўҳронлар дастлаб «пахта иши», кейин эса «ўзбеклар иши» деб аталди. Бу вақтда «оқ пахта»нинг «қора меҳнат»ида тобланган жуда кўп одамлар урилди, сурилди, қамалди. Улар орасида, аксариятлари бегуноҳ қурбон бўлиб кетганлар, обрўсизланган, бола-чақаси дайдиб, рўзғори тўкилган, соғлигидан ажраб, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар ҳам кам эмас³. 1983 йилда марказ томонидан атайлаб ўйлаб топилган «пахта иши» ўзбек халқи бошига мислсиз жабр-ситама етказиб, қалбида чуқур

¹ Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 182.

² Тарихнинг номаълум саҳифалари: Илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. 3-китоб. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 91.

³ Рашидов А. Акам ҳақида. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2017. – Б. 5.

из қолдирди. Ниҳоят 1989 йилдан бошлаб вазият ўзгара бошлади. Махсус комиссия тузилиб «пахта иши» билан боғлиқ минглаб том хужжатлар Ўзбекистон Олий Судида қайта кўриб чиқилди. Бу машаққатли иш натижасида гдлянчилар гуруҳининг терговчилари «давлатга келтирилган зарар»ни жуда бўрттириб юборишгани, уларнинг айблов суд хулосалари кўп ҳолларда ноқонуний бўлганлиги аниқланди. Мустақиллик арафасида «қайта қуриш» сиёсати қийноқлар тўлқинининг минглаб жабрдийдалари оқланди¹.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан «пахта иши» бўйича Н.Муҳиддинов бошчилигида комиссия тузилиб, мазкур сиёсий жараён янада жадал тарзда қайта кўриб чиқилади. 1991 йил 27 мартада Ўзбекистон Республикаси Олий Суди тарихий ҳақиқатни тиклаб «пахта иши» катағони қурбонларининг номларини оқлаб қарор чиқарди. Ноҳақ айбланган кишиларни оқлаш, адолатни қарор топтириш учун ўзбек халқига мустақиллик зарур эди ва шу мустақиллик туфайлигина асоссиз айбланган кишиларнинг юзлари ёруғ бўлиб оқланди ва инсоний кадриятлари қайта тикланди.

¹ Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, хужжат ва материаллар, хотиралар. 3-китоб. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 92.

II БОБ. XX АСРНИНГ 80–90-ЙИЛЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ

XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР- СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

*С.Р. Давлетов, Урганч давлат университети,
тарих фанлари доктори*

XX асрнинг иккинчи ярмида сайёрамиздаги экологик муаммоларнинг кучайиши уларнинг ижтимоий устуворлигини, барча йўналишлардаги тадқиқотларни экологик йўналтиришни қатъий белгилаб берди. Бунинг натижасида экологик тарих ўзига хос назарий-методологик базага асосланиб, ривожланаётган замонавий тарих фанининг мустақил йўналишлардан бирига айланди. Бу борада XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган тадқиқотлар совет даврида маъмурий-буйруқ-бозлик тизимига асосланган иқтисодий сиёсат юритилиши пахта яккаҳокимлигига йўл очилишига, табиатга, кишилиқ ҳаётининг муҳим асосларига зарар етказилишига, Орол денгизининг қуришига сабаб бўлганлигини кўрсатди.

Бу экологик муаммолар ҳозирги даврда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги сўзлаган нутқида халқаро ҳамжамият эътиборини яна бир бора «бугунги куннинг энг ўтқир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокати»га қаратгани бежизга эмас¹.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, яқин ўтмишда жамият тараққиётидаги жараёнларни ҳолисона ўрганиш қонуниятли асосда танглик ҳолатига олиб келган бир қанча муҳим зиддиятларни етарлича аниқ белгилаб олиш имкониятини яратди. Ана шу зиддиятлар негизида халқ хўжалиги юритишнинг шаклланган механизмининг мавжуд имкониятлар ва шарт-шароитларга номувофиқлиги ётади. Бу борада Биринчи

¹ Мирзиёев Ш. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ // «Халқ сўзи», 2017 йил 21 сентябрь.

Президент И.А.Каримов шундай ёзганди: «Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади»¹.

Совет даврида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг ҳаддан ташқари мафқуралаштирилганлиги, сиёсатнинг иқтисодиётдан устуворлиги, Ўзбекистон шароитига ёт бўлган тармоқларнинг директив асосда шаклланиши халқ хўжалигига катта зиён етказди. Айниқса, қишлоқ хўжалигида олиб борилган аграр сиёсат ўзини оқламай қолди. Масалан, 1986 йилнинг ўзида пахта хом ашёси тайёрлаш 87,5 фоизга бажарилган бўлса, ғалла, полиз маҳсулотлари, узумчилик, сут, тухум етиштириш режалари бажарилмай қолди².

Қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг аксарият қисми республикадан олиб кетилган бир вақтда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8–9 млрд сўмлик тайёр маҳсулот четдан олиб келинди. Аҳолини иш билан таъминлаш имконини берувчи илғор тармоқларга етарлича эътибор қаратилмасдан, сув кўп сарфланадиган ва зарарли ишлаб чиқаришлар ривожлантирилди.

Марказнинг пахтачиликни муттасил ривожлантириб бориши натижаси ўлароқ, 1946–1985-йиллар давомида пахта ҳосили 5,5 баравар ортгани ҳолда, чигит экилган майдонлар 841 минг гектардан 1989,8 минг гектарга кўпайди³. 1980-йиллар ўрталарига келиб эса пахтанинг салмоғи 75 фоиздан, айрим вилоятларда ундан ҳам ошиб кетди. Ҳолбуки, жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ернинг ҳосилдорлигини нормал қайта тиклашга жиддий путур етказмаслик учун чигит экиладиган майдонлар 60 фоиздан ошмаслиги керак.

Шу билан бирга, қайд этиш жоиз, маъмурий-буйруқбозлик шароитида республикада пахтачиликни янада ривожлантириш, шу мақсадда янги ерларни ўзлаштиришни жадаллаштириш давр тақозоси эди. Бунинг замирида ўша даврда республикага раҳбарлик қилган Ш.Рашидовнинг мавжуд вазиятга тўғри баҳо берган ҳолда,

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 7.

² ЎЗР МДА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 6930-йиғма жилд, 4-варак.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Стат. ежегодник. – Ташкент: «Ўзбекистан», 1986. – С. 103.

узоқни кўзлаб амалга оширган сиёсати ётганди. Чунки, биринчидан республикада тобора ўсиб бораётган аҳоли ва унинг эҳтиёжлари туфайли кескинлашаётган меҳнатга бандлик, озиқ-овқат, уй-жой муаммоларини ечиш, иккинчидан Иттифоқнинг бутун иқтисодий-техник қудратини республика иқтисодиётини мустаҳкамлашга йўналтириш, учинчидан Иттифоқ маблағларидан республиканинг улушини олишни фақатгина шу йўл билан амалга ошириш мумкин эди¹.

Мана шундай ҳолатда ҳам 1960–1985-йиллар мобайнида республикада аҳоли сони 234 фоизга ошган бўлса, суғориладиган ер фонди 162 % фоизга ўсган холос. Агар 1950 йилда бир кишига 0,42 гектар ер тўғри келган бўлса, аҳоли сонининг тез фурсатда ошиши натижасида 1987 йилда бу кўрсаткич 0,21 гектарга камайган². Рақамларда кўриниб турибдики, янги ерлар очилиши аҳолининг сони тобора ошиб бораётган республикамизда уй-жой муаммосини, озиқ-овқат тақчиллигини олдини олишда ўзига хос ягона омиллардан бири бўлган.

Аммо ижтимоий экология нуқтаи назаридан, халқ хўжалигини юритишга асосан экстенсив усулда ёндашувни намоён этган қишлоқ хўжалиги ишларида бир қатор камчиликларнинг йўлга қўйилиши ер-сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ турли муаммолар юзага келишига сабаб бўлди. Сув ресурсларидан фойдаланишга зўр берилиши Амударё ва Сирдарё сув ресурсларининг камайишига ва охир оқибат энг катта экологик муаммолардан бири – Орол фожиасининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Қишлоқ хўжалигининг ихтисослаштирилиши билан боғлиқ равишда жойларда ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ишлари ҳам олиб борилди. Қишлоқ жойлардаги аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш жараёнида, уларни ичимлик суви билан таъминлаш жуда катта роль ўйнайди. Аммо совет даврида бу масала ўзининг тўла ечимини топмади. Жумладан, 1986 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра республикадаги 13659 қишлоқ аҳоли пунктларининг фақатгина 37 тасигина сув қувурларига эга эди, холос (0,2 фоиз). Қишлоқ аҳолисининг 52,6 фоизи (7 млн нафарга яқин) ичимлик ва хўжалик мақсадларида ариқ, канал, ҳовуз, қудуқ ва бошқа сув манба-

¹ Алимарданов Т. Ўчмас шараф. – Тошкент: «Доно» нашриёти, 2017. – Б. 35, 60.

² Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1989. – №1. – С.5.

ларидан фойдаланар эди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли 1,5 минг жамоа ва давлат хўжаликларидан 928 таси сув қувурларига эга эди. Бунинг устига ҳар йили мавжуд сув қувурларини жорий ва капитал таъмирлаш режалари ҳам бажарилмай қолаётган эди¹.

Дарҳақиқат, 1980-йилларда Марказий Осиё минтақасида сугориш тизимларини комплекс реконструкция қилишни талаб қилаётган аҳволдаги ер майдонлари 5,2 млн гектарни ташкил қилган бўлса, дренаж ишларини яхшилаш зарур бўлган ерлар 3,7 млн гектардан иборат бўлди². Шунинг натижаси ўлароқ, ерларни сугоришда сув ресурсларининг сарфланиши белгиланган меъёрлардан 1,5–2 марта ортиқ бўлди. Масалан, минтақада 1980 йилнинг ўзида ортиқча сарфланган сув миқдори 18 км³ни ташкил қилди³. Минтақада бу борада юзага келган муаммолар ечимини излашга қаратилган хатти-ҳаракатлар натижасида Иттифоқ маркази 1983 йилда сув танқислигига қарши кураш чора-тадбирлари учун минтақадаги Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон республикаларига жами 284 млн сўмлик қўшимча маблағ ажратди. Жумладан, Ўзбекистонда бу маблағ 200 млн сўмни ташкил қилиб, унинг 160 млн сўми қурилиш-монтаж ишларига ажратилди⁴. Умуман олганда, бу даврга келиб «Марказ» олдида 1986–2000-йилларда асосий эътибор қаратиладиган муаммолардан бири сифатида халқ хўжалигини сув ресурслари билан таъминловчи ер ости ва ер усти сувларини муҳофаза қилиш масаласи турди⁵.

СССР Давлат режа қўмитаси ҳузуридаги ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш бўйича Кенгаш томонидан 1983 йилда ишлаб чиқилган «2000 йилга қадар бўлган даврда СССР ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг Бош схемасида «...келажакда сув ресурслари тараққиётнинг муҳим омилига айланиши, кўзланаётган даврда атроф-муҳитга антропоген ва ишлаб чиқаришнинг оғир юки янада ортиши» кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ушбу ҳужжатда

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий архиви. 41-рўйхат, 6991-йиғма жилд, 19-варақ.

² РГАНИ. Ф.89., Оп.41. Д.2. Л.10–11.

³ РГАНИ. Ф.89., Оп.41. Д.2. Л.10.

⁴ РГАНИ. Ф.89., Оп.36. Д.5. Л.1–4. Выписка из протокола №90 заседания Политбюро ЦК КПСС от 18 декабря 1982 года.

⁵ РГАНИ. Ф.89., Оп.41. Д.2. Л.1–7. Генеральная схема размещения производительных сил СССР на период до 2000 года. – М., 1983.

1990-йилларда Ўрта Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ҳам оғирлашиши қайд қилиб ўтилади¹.

Сув муаммоларидан яна бири – бу сувнинг табиий сифатини сақлаш масаласи эди. Чунки, ўсимлик ва экинларни ҳимоялаш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасида минерал ўғитлар ва зарарли химикатларнинг муттасил қўлланилиши натижасида республикадаги сув ресурслари пестицидлар билан сезиларли даражада ифлосланишига олиб келди. Айнан суғориш тармоқларининг фойдаланиш коэффиценти ниҳоятда пастлиги туфайли эгат оралаб ва бостириб суғориш оқибатида сувнинг кўп миқдори ерга шимилиши ва бугланишга сарф бўлиши билан бирга далалардан ортган ва дренажлар орқали оқиб чиққан сувлар дарёларнинг сувини ҳам ифлослантирди. Иккинчидан, уларнинг бир қисми берк ботиқларга ташланиши оқибатида ўлкада сунъий қўлларни шакллантирди. 1990 йилга келиб, уларнинг сони 126 тага етди. Энг йириклари – Сарикамиш, Арнасой, Денгизкўл, Қорақир, Оёқоғитма, Аёзқалъа, Ойбўғир ва бошқалар бўлиб, шўрланиш 100 г/л гача етди².

Шуни таъкидлаш жоизки, заҳарли химикатлар қўлланилаётган ер майдонларининг ярмидан кўпи коллектор-дренаж тизимига эга эмас эди. Оқибатда ифлосланган сув оқимларининг миқдори йилига 18–20 км³ни ёки ер усти сув оқимларининг 30–35 фоизини ташкил этди. Бунинг устига аксарият ҳолларда заҳарли химикатларни қўллашнинг санитария қоидаларига риоя қилинмасди. Масалан, кимёвий эритмаларни тайёрлаш кўпинча суғориш ва дренаж тизимларига яқин жойларда амалга оширилиши оқибатида заҳарли моддалар тўғридан-тўғри ер усти сувларига тушарди. Бундай жараёнлар Фарғона, Андижон, Қашқадарё вилоятларида бир неча марта кузатилган.

Қишлоқ хўжалигидаги муаммолардан яна бири – минерал ўғитлар ва заҳарли химикатларни сақлаш ҳамда ташиш масаласи билан боғлиқ эди. Бу моддаларни ташиш жараёни кўпчилик ҳолатларда махсус транспортлар орқали эмас, оддий транспорт воситаларида амалга оширилди. Натижада атроф-муҳитнинг ифлосланиши янада ўсди. Кейинги ўн йилликларда ҳам республиканинг аксарият жойларида бу моддалар сақланадиган омборхоналар умуман

¹ РҒАНИ. Ф. 89., Оп. 41. Д.2. Л.5.

² Рафиқов А. Орол тақдири. – Тошкент: «Фан», 1990. – Б. 31.

белгиланган талабларга жавоб бермасди, бу ҳудудларда санитария-экологик ҳимоя зоналари ташкил қилинмади¹. Шу билан бирга захарли моддаларни йўқотиш ва захарли моддалар қабристонлари қурилиши ҳам кескин аҳволда эди. Ўзбекистоннинг биргина «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси омборхоналарида қўлланиш тақиқланган ва сақлаш муддати ўтган 12 минг тонна пестицид (шундан 2,8 минг тоннаси бутифос) мавжуд эди². Бунинг устига бу тақиқланган моддалар фойдаланиш учун давлат ва жамоа хўжаликларида пайдо бўлар эди. 1980-йиллар охирида республикадаги 300 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги аэродром ва пахта далаларида минглаб тонна пестицидлар очик майдонда ётгани кузатилади.

1980-йиллар давомида қишлоқ хўжалигида 70 хилга яқин турли кимёвий моддалар ишлатиб келинди. 1989 йилда ҳар гектар ерга солинадиган кимёвий дорилар миқдори 19,5 кг, айрим вилоятларда эса 40–45 кггача етди. Иттифокда эса бу миқдор ўртача 3 кг ни ташкил этарди. Баъзи вилоятлар тупроғида (Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм) тақиқланган ДДТ миқдори меъёрдагидан 3-6 баробар кўп бўлди³. Бу даврда республикада мавжуд 993 та кимёвий моддалар сақланувчи омборхонадан атиги 336 таси санитария талабларига жавоб берарди⁴.

1980-йиллар охирига келиб, республиканинг янги раҳбарияти ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш йўлида муҳим қадамлар ташланди. 1990 йилда 1988 йилга нисбатан пахта экин майдонлари 307 минг гектарга, пахта толасини етиштириш давлат буюртмаси режаси эса 210 минг тоннага қисқартирилди⁵. Шу тариқа республикада узоқ йиллар давом этган пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш юзасидан дастлабки қадамлар ташланди. 1991 йилга келиб пахта майдонлари 22 фоизга камайди⁶.

¹ ДЭЖЖА. 1990 йил 11 ноябрдаги 7-сонли баённома.

² Экономика и жизнь. – 1991. – №2. – С. 33.

³ Фан ва турмуш. – Тошкент, 1991. – №2. – Б. 13.

⁴ Раҳмагов Н. Экология: далил ва рақамлар // «Фан ва турмуш». – Тошкент, 1990. – №7. – Б. 14.

⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. – Т.: «Узбекистан», 1991. – С. 237.

⁶ Икрамов А. Поднять эффективность сельской экономики // «Сельское хозяйство Узбекистана». – Ташкент, 1991. – № 7. – С. 2.

1989 йил 17 августда И. Каримов бошчилигида республика ҳукуматининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида аҳолига шахсий томорқа ва участкалар ажратиш масаласи муҳокама қилинди ва «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» махсус қарор қабул қилинди. Натижада 1989–1990-йилларда 1,5 миллиондан кўпроқ оиланинг томорқа участкалари кенгайтирилган бўлса, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди¹. Томорқа хўжалиги майдони ўсиши, унинг аграр сиёсатдаги устувор йўналишлардан бирига айланиши қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришларга шароит яратиб берди.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда ўзига хос экологик муаммолар вужудга келди. Бу ўз навбатида экологик вазиятнинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилган илк кунлардан минтақада экологик аҳволни яхшилаш ва назоратга олиш борасида нафақат, республика балки, халқаро миқёсдаги тадбирларни амалга оширишга киришилди.

1980-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ: РЕЖАЛИ ТИЗИМ ОҚИБАТЛАРИ

*Ш.М. Рахматуллаев, ЎзР ФА Тарих институти
катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди*

Совет даврида сунъий тарзда яратилган ҳамда мажбуран жорий этилган марказлашган «режали иқтисодиёт» тартиб-қоидалари ва механизмлари ривожланишининг аксарият босқичларида самарали фаолият олиб боришга лаёқати йўқлигини исботлади. Формацион ёндашув асосида ўтказилган тажрибалар, яъни бир жамиятдан иккинчисига сакраб ўтиш (капиталистик тараққиёт йўлини босиб ўтмасдан феодализмдан социализмга ўтиш) догмаси минг йиллар давомида эволюцион тараққиёт йўли ва қонуниятларининг инкор этилиши билан яқунланди.

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 12.

Ҳарбий коммунизм сиёсатидан бошланган тажриба хўжалик юретишнинг йилдан-йилга қарор топиб борган тизими марказий органларнинг чекланмаган ҳукмига асосланувчи гайрииктисодий бошқарув усулларининг қарор топишига, унинг таъсирида эса халқ хўжалигида зиддиятлар тўпланиб боришига ва аста-секин мамлакатда инқирозий ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Минимал эҳтиёжлари қондирилган ва ижтимоий ҳимояланган (асосан Совет Иттифоқининг охириги йилларида) жамият, нафақат моддий манфаатдорликдан маҳрум эди, балки мамлакат иқтисодиётида юз берган чуқур таназзул ҳолатидан ҳам беҳабар қолган эди.

Айниқса, 60-йиллардаёқ иқтисодиётда зиддиятлар кучайиб бораётгани, амалдаги хўжалик юретиш механизми мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобиллиги яққол намоён бўла бошлаган эди. Иқтисодиётнинг ривожланиш суръати кескин пасайди, сарф-харажатлар орта борди. Моддий бойликлар ва маблағлар тақчиллиги аниқ кўриниб қолди. Иқтисодий воситалар ва омиллар амалда ишламади. Ишлаб чиқаришни техникавий ривожлантиришда ва аҳоли турмуш даражасида Ғарб мамлакатларидан анча орқада қола бошланди¹.

Бунга бош сабаблардан бири бу – социалистик иқтисод ҳукм сурган йилларда паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ҳимоя тизими юзага келганлигидадир. Унинг асосида ташқи ва ички бозорда номутаносиб молиявий сиёсатнинг олиб борилиши, яъни маъмурий таъсир чоралари ёрдамида валюта айирбошлаш курсининг нореал кўйилиши, ички бозор ҳолатини инобатга олмаган ҳолда нарх-навонинг қатъий белгиланиши ва ушлаб турилиши, самарасиз ишлаб чиқаришни сунъий тарзда қўллаб туришга қаратилган ташқи бозор монополиясининг тор бюрократик талқини, иқтисодий манфаатдорликнинг инкор этилиши ва бошқа шу каби қатор чора-тадбирлар ётар эди.

Юқоридагилар мамлакат раҳбариятини иқтисодиётнинг ўсишини паст даражада боришини таъминлаш билан бир қаторда, иқтисодий мувозанатни юзаки сақлаб туришга қаратилган чора-

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Тошкент, 1996. – Б. 279.

тадбирлар қўллашга ундар эди¹. Шу билан бирга, оқилона ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида қанча ҳаракат қилинмасин, текисчилик ва тенг тақсимлаш принциплари исканжасида қолган иқтисодиёт ўзини ўзи ривожлантириш имкониятларидан маҳрум бўлди. Натижада 1980-йиллар ўрталаридан мамлакат иқтисодиёти чуқур салбий ўзгаришларга юз тутди.

Собиқ Иттифоқ раҳбарияти сарф-харажати чексиз, самарасиз совет иқтисодини таназзулдан сақлаб қолиш учун қандайдир ўзгаришлар қилиш зарурлигини тушуниб етган эди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодиётни ислоҳ қилишга, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги волонтаристик жараёнларга барҳам беришга бир неча бор ҳаракат қилинди. Аммо, ўтказилган ислоҳотларнинг ниҳоятда чекланганлиги, қисқа муддатларга мўлжалланганлиги ва иккинчи даражали масалаларни ҳал қилишга қаратилганлиги ишлаб чиқаришни тубдан яхшилаш, унинг кўрсаткичларини тинимсиз ўстириш учун барқарор асос яратилмаслигига олиб келди.

Аксинча, нарх-навони пул эмиссияси эвазига ушлаб туриш, хўжасизлик ва серхаражатлиликни ёпиб турувчи кучли омиллардан бирига айланди. Натижада давлат нарх-наво сиёсатида вужудга келган ҳолатдан, мамлакатда ишлаб чиқарилган, айниқса, импорт қилинган товарларни аҳолига сотишда чайқовчилик воситаларидан фойдаланди. Бундан кўзланган бош мақсад эса давлат бюджетига пайдо бўлган тешикларни ямаш эди. Масалан, Молия вазирлиги раҳбарлари мана шундай тадбирлар учун (айниқса, 1970–1980-йилларда) Вазирлар Кенгашидан деярли ҳар йили четдан истеъмол маҳсулотлари сотиб олишга 1–1,5 млрд доллар ажратишни талаб қилар эдилар. Импорт маҳсулотларига сунъий нархларнинг белгиланиши ва уларнинг ички бозорда қиммат нархларда сотилиши давлат бюджетига 10–15 млрд рубль фойда келтирарди².

Узоқ йиллар давомида иқтисодиётнинг барча соҳаларида яширин тарзда тўпланиб келган ва ўз ечимини топмаган муаммолар ўзини ошкор этиши, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги жиддий тафовутлар аҳолининг пул даромади ва унинг товар билан

¹ Лацис О.Р. Перелом: Опыт прочтения несекретных документов. – М., 1990. – С. 226.

² Валовой Д.В. Тайны овалного зала Кремля. – М.: «Правда», 1991. – С. 12–13.

қопланишида ўзини намоён қилиб, пул муомаласи ва хўжалик алоқаларининг издан чиқишига ҳамда инфляциянинг ўсишига,.. натижада иқтисодиётни батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий маблағлар тақчиллигининг даҳшатли тарзда ўсишига олиб келди¹. Ушбу ҳолатни 1-жадвалдан кўриш мумкин².

1-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар					
		1969	1970	1980	1985	1988	1989
Банкдаги аҳоли жамғармалари	млн руб.	38,4	46,6	156,6	228,0	306,7	319,8
Улгуржи ва чакана савдо ҳамда саноатдаги товар захиралар	млн руб.	42,3	42,3	67,1	98,0	82,1	80,0
Пул массасининг товар қопламаси коэффиценти	%	90,7	90,7	233,2	232,6	361,4	399,4

Социалистик иқтисодий тизим, режа ортидан қувиш эришилган кўрсаткичларни бўрттириб кўрсатиш «хасталигини» келтириб чиқарди. Бунда асосий ўрин эгаллаган ялпи маҳсулот кўрсаткичи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳақида реал маълумот бермас эди. Чунки ихтисослашиш ва кооперация жараёнида айни бир хом ашё ва ярим фабрикатлар молиявий ҳисоб-китоб ҳужжатларида бир неча бор қайд этиб келинган³. Ишлаб чиқарилган маҳсулотга оид ҳисоб-китоблардаги сохталаштиришлар шунга олиб келдики, бир турдаги статистик маълумотларда маҳсулот ҳажми

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Тошкент, 1996. – Б. 280.

² Рашидов У. О роли кооперации в стабилизации внутреннего потребительского рынка // «Общественные науки в Узбекистане». – 1990. – №11. – С. 18.

³ Бир-бири билан узвий хўжалик алоқада бўлган барча саноат ёки саноатнинг айрим тармогининг бирон-бир хўжалик бирлашмалари ялпи маҳсулотининг ҳисоб-китоби уларнинг маҳсулотини кўшганда улар томонидан ишлаб чиқилган ишлаб чиқариш ҳажми қийматини белгилашда ҳақиқий ҳолатдан йироқлашиш мумкин эди. Аниқроқ қилиб айтганда, бу кўрсаткичлар ошириб кўрсатилишига сабаб бўлади. Масалан, ишлаб чиқарилган мато тўқимачилик саноати маҳсулоти сифатида қайд этилса, кейинчалик унинг у тикувчилик саноати маҳсулотини ҳисоб-китобида яна қайта ҳисобдан ўтказилиши мумкин эди. Бу жараён кейинги босқичларда ҳам кузатилган.

хар хил рақамлар билан акс эта бошлади. Яъни, статистик кўрсаткичлардаги хатоликлар реал ишлаб чиқариш ҳақида маълумот олишни қийинлаштирди.

Чунончи, бир неча ўн йиллар давомида олиб борилган иррационал таркибий сиёсат, яъни саноатни ривожлантиришдаги бир ёқламалик, аввало, оғир саноатни ривожлантириш оқибатида юзага келган ҳолатни тушунишга имкон беради. Саноатнинг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тармоқларида топилган даромад ва маблағлар оғир саноат тармоқларига оқиб ўтишига асосланган иқтисодий ўсиш тури йилдан-йилга енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари улушининг камайиб боришига сабаб бўлди. Бошқа томондан қараганда, оғир саноат катта куч-қудратга, моддий ва молиявий имкониятларга эга бўла туриб, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни замонавий техника ва технологик ускуналар билан таъминлай олмаган, бу эса ички бозорда сифатсиз халқ истеъмоли молларининг кўпайишига ҳамда четдан катта ҳажмдаги молларни импорт қилишига сабаб бўлди.

1980-йиллар ўрталарида совет иқтисодиётининг барча соҳаларида бошланган чуқур ва давомли инқирозга ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида жиддий тафовутларнинг вужудга келиши, товар-пул муносабатларининг издан чиқиши, инфляциянинг ўсиши каби омиллар хосдир. Масалан, 1990 йилда ялпи миллий маҳсулот – 2 %га, миллий даромад – 4 %га, ташқи савдо – 7 %га камайиб борган, шунингдек, ташқи савдодаги сальдо 10 млрд АҚШ долларини ташкил қилган, давлат бюджетининг камомади эса 58 млрд рублга тенг бўлган¹.

Мамлакат миқёсида иқтисодиётнинг номутаносиб ривожланиши, иқтисодий организмдаги хасталиклар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган бир ёқлама ёндашув, унинг ҳаддан ташқари ихтисослашуви охир-оқибат унинг хом ашёга йўналтирилиб қолишига сабаб бўлди. Юқорида таҳлил этилган вазиятлар у ёки бу жиҳатлари билан Ўзбекистон иқтисодиётида ўз аксини топиб, мустақиллик арафасига келиб стагнацион жараёнларни авж олдирди. Бугунги кун нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, собиқ Иттифоқда ҳукм сурган адолатли меҳнат тақсимоти ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш сиёсатининг

¹ Экономика СССР в 1990 г. – М., 1991. – С. 3.

бошиданок империяча муносабатлар шаклида олиб борилганидан далолат беради. Бунинг оқибатида Ўзбекистон иқтисодиёти ҳаддан ташқари бир томонлама ривожланди, ўлканинг табиий бойликлари таланди, республика тайёр маҳсулотлар сотиладиган бозор сифатида сақлаб турилди

Ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ташқари ихтисослашуви ҳам иқтисодиётнинг тузилишига ҳалокатли таъсир қилганлигини кўриш мумкин. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1980 йилда Ўзбекистон саноат тармоқларидаги умумий ишлаб чиқаришнинг қарийб 80 фоизи қишлоқ хўжалиги (асосан пахтачилик) билан бевосита боғлиқ бўлган эди¹. Ўзбекистон саноатидаги бундай бир ёкламалик узок йиллар давомида сақланиб келди, унда жиддий ўзгаришлар ясалмади. Шаклланган режали иқтисодий тизимда инновацион жараёнларнинг сушт кечиши мамлакатда мавжуд саноат корхоналарининг аксариятида ишлаб чиқариш фондларининг салмоқли қисми эскиришига сабаб бўлди. Бу ҳолат куйидаги 2-жадвалда ўз аксини топган.

2-жадвал

Ўзбекистон саноат-ишлаб чиқариш асосий фондларининг эскириши (йил охирида % ҳисобида)².

	1980	1985	1986	1987	1988	1989	1990
Барча саноат корхоналари	30,5	33,8	35,7	36,8	37,2	38,4	39,6
Оғир саноат	31,4	36,0	38,2	40,5	40,2	41,1	43,1
Енгил саноат	27,2	25,4	25,7	26,6	27,5	29,1	28,0
Агросаноат комплекси (озик-овқат саноати билан бирга)	26,6	26,0	27,5	27,4	25,1	28,3	27,7

Совет даврининг кейинги ўн йилликлари мобайнида иқтисодиётни ривожлантиришда хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юбориладиган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган хом ашё тармоқларини ривожлантиришга

¹ Зиядуллаев С.К. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Ташкент, 1988. – С. 16.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Стат. ежегодник. – Ташкент, 1991. – С. 194.

устувор аҳамият берилиши Ўзбекистон халқ хўжалигида номутонасибликларни янада кучайтирди. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичида 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолган, машинасозликнинг улуши атиги 7 фоизга ўсиб, 16 фоизни ташкил этган¹.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда қатор нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилди. Жумладан:

– республика машинасозлик комплекси фаолияти пахтачилик, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш билан чекланиб, мураккаб уй-рўзғор техникаси, йўл қуриш машиналари, пластмасса буюмлари, озиқ-овқат саноати жиҳозлари, савдо-сотик ва маиший хизмат соҳаси учун керакли асбоб-ускуналар деярли ишлаб чиқарилмади;

– кимё соҳасининг ривожланишида йирик корхоналарга афзаллик берилиши республикадаги экологик вазиятни жуда ёмонлаштириб юборди;

– йирик кимё корхоналари нитрон, ацетат, капролактама сингари дастлабки қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, уларнинг маҳсулотлари ҳам асосан республикадан ташқарига чиқаришга мўлжалланди.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзига хос жиҳати яна шу билан ифодаланадики, бир томондан, собиқ марказда ривожланган оғир саноатни вужудга келтиришга, ишлаб чиқариш воситалари, яъни машина ва ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилган бўлса, республикада эса минерал ресурслар ҳамда қишлоқ хўжалиги ҳам ашёси ва материалларини тайёрловчи соҳаларни тараққий эттиришга қаратилди. Шу сабабли меҳнат қуроллари, машина ва механизмлар асосан четдан келтирилди ва уларни янгилаш имконияти ўзига боғлиқ эмас эди. Иккинчи томондан, шаклланиб борган ишлаб чиқариш тизими халқ истеъмоли маҳсулотларини етказиб берувчи тармоқларнинг заифлигидан далолат берарди. 1990 йил кўрсаткичларига қараганда, Ўзбекистон шароитида етиштириш ва тайёрлаш мумкин бўлган

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Стат. ежегодник. – Ташкент, 1991. – С. 46.

истеъмол маҳсулотларининг асосий қисми: аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, картошка, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини четдан келтирилар эди. Мамлакат импорти таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 70 фоиздан ортиқни ташкил этган. Ҳатто Ўзбекистоннинг ўзида захиралари тўлиб-тошиб ётган ош тузи ҳам ташқаридан келтириларди.

Бу ҳолат Ўзбекистонни 1990-йиллари бошларида аҳолини оддий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайдиган даражага тушиб қолишига олиб келди. Ўзбекистон Биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «... мустақиллигимизнинг биринчи йилларида мамлакатимиз аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлаш, одамларга оддий нон етказиб бериш катта муаммога айланган эди. Энди очиқ айтаверсак, бўлади, ўша оғир кунларда очарчилик хавфи ҳам йўқ эмас эди...¹.

Хуллас, Ўзбекистон етарли хом ашё ва меҳнат ресурсларига эга бўла туриб, аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Болтиқ бўйи республикаларидан 4–5 баравар, Россиядан 2,5 баравар орқада эди². Чунки республикада ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли маҳсулотлари таркибида тайёр маҳсулотнинг улуши атиги 25 %ни ташкил қиларди, холос³. Қолаверса, мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг 1,5 мингта саноат корхонасидан 900 дан ортиғи техник жиҳатдан қайта қуриш ва реконструкция қилишни талаб қиларди⁴.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилган иррационал сиёсат – пахта монополияси туфайли республикада гўшт ва сут етиштириш имкониятлари чеклаб қўйилди, илмий асосланган алмашлаб экиш бузилганлиги ернинг эррозиясига сабаб бўлди, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб борганлиги қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида экстенсив ривожланишни «молиялаштириш» оқибатида 1971–1985-йилларда биргина Ўзбекистонда 1,6 млн га суғориладиган ерлар қўшимча хўжа-

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент, 2000. – Б. 171.

² Қаранг: Узбекистан в мировой экономике. – Ташкент, 1993. – С. 53.

³ Қаранг: Зиядуллаев С.К. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Ташкент, 1988. – С. 22.

⁴ «Правда Востока», 1986 год 4 июля.

лик оборотига киритилган эди. Бу эса Марказий Осиёда Орол денгизи қуришини жадаллаштирди ва экологик инкирозни келтириб чиқарди. Шу билан бирга, республика иқтисодиёти пахтага қанчалик боғлиқ бўлмасин, уни қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот тайёрлаш марказ томонидан монополлаштирилган эди. Масалан, мустақиллик арафасида тайёрланаётган пахта хом ашёсининг фақат 4–5 фоизи қайта ишланарди. Яъни, 4,5–5 млн тонна пахта хом ашёси етиштирилгани ҳолда, республикадаги корхоналар тўла қувват билан ишлаб, атиги 150 минг тонна пахтани қайта ишларди¹.

Шу билан бирга, «...қишлоқларимизда 240 минг оиланинг ери йўқ, 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга жуда муҳтож...»² бўлиб туришига қарамасдан, ҳайдаладиган ерларнинг атиги 5 фоизи шахсий ёрдамчи хўжаликлар қишлоқ хўжалиги ялли маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқарган. Етиштирилаётган сабзавот, полиз экинлари, гўштнинг ярмидан кўпроғи ва сутнинг учдан икки қисми улар ҳиссасига тўғри келган³.

Юқорида қайд этилган муаммолар ҳамда мустақиллик арафасида республикада юзага келган ижтимоий-сиёсий кескинликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этди.

Собиқ Иттифоқ давридаёқ, қишлоқ аҳолисининг иқтисодий ва моддий аҳволини яхшилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, ижтимоий ҳимоя қилиш, улар даромадини ошириш ва озиқ-овқат масаласини ҳал этиш мақсадида Ислом Каримов бошчилигидаги республика ҳукумати 1989 йил 19 августда «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида»ги қарорини қабул қилди. Ушбу тарихий ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989–1990-йилларда бир

¹ «Правда Востока», 1989 год 30 сентябрь.

² Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент, 2011. – Б. 57–58.

³ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент, 2011. – Б. 57–58.

ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Бундан ташқари, юз минглаб гектар суғориладиган ер техник экинлар оборотидан чиқарилди, пахта етиштириш режаси 700 минг тоннага камайтирилди. Бу – пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий кадам эди¹. Бундай ижтимоий, иқтисодий, қолаверса, сиёсий тадбир натижасида мамлакатнинг 2 миллиондан ортиқ оиласи, ёки, ўртача 10 млн дан зиёд қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муаммоси ҳал этилган эди.

Мазкур йирик ижтимоий-иқтисодий тадбир мамлакатимизда ерни унинг ҳақиқий эгасига бериш ва маҳсулотларни кўпайтириш йўлидаги илк кадамлардан бири эди.

Ҳақиқатан ҳам кўп йиллар давомида иқтисодиётда бир томонлама сиёсат олиб борилиши натижасида қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг энг муҳим тармоғига айланган эди. Чунончи, мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида саноатнинг аксарият қисми иқтисодиётнинг аграр тармоғига боғлиқ бўлиб қолди.

Мустақил Ўзбекистон бошидан оғир кунларни кечирганида, қишлоқ хўжалигидан олинган маҳсулот республиканинг қийин вазиятдан чиқишида муҳим омиллардан бири бўлди. Биринчи Президент И.А. Каримов 90-йиллар бошларида Самарқанд вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда республика аҳолисини фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳар ойда 55 минг тонна пахта толасини истеъмол маҳсулотларига алмаштиришга тўғри келаётганлигини таъкидлаган эди².

Кейинги даврда ҳам қишлоқ хўжалиги ўз мавқеини йўқотмади. Чунки мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тўртдан бир қисми иқтисодиётнинг ана шу тармоғига тўғри келган эди. Бундан ташқари, республика ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан зиёди қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, 1992 йилда давлатга келаётган жами валютанинг 50 %дан ортиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортдан тушди. Ижтимоий нуқтаи

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент, 2011. – Б. 12.

² Самарқанд вилояти ҳокимлиги жорий архиви. Вилоят Кенгашининг XXI/XII сессияси материаллари. – 1992 йил 28 декабрь. – Б. 12.

назардан олиб қараганда, республика аҳолисининг асосий қисмини (60 %дан ортиқроғи) қишлоқ аҳолиси ташкил қилиб, уларнинг турмуш даражаси ва моддий-маънавий фаровонлиги бевосита ушбу тармоқ билан боғлиқлиги аён бўлади.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг ушбу муҳим тармогида йиллар давомида тўпланиб келган ва ечимини кутаётган муаммолар қишлоқ хўжалигига нисбатан давлат сиёсатини тубдан ўзгартиришни талаб қиларди. Шу ўринда бир мисолни келтириш ўринлидир. Голландияда бир нафар фермер 80 кишига етадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб беради. Яъни бу мамлакат фермерлари ўз мамлакатининг аҳолисини боқибгина қолмасдан, Европанинг кўпгина мамлакатларига озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт ҳам қилади. Ўзбекистон давлат ва жамоа хўжаликлариде эса бир деҳқон кўпи билан 2–3 кишига етадиган маҳсулот ишлаб чиқарар эди, холос¹. Бу республикада қишлоқ хўжалиги меҳнат унумдорлигининг орқада қолганлигини кўрсатиб, мавжуд сабабларни бартараф этиш учун янгича иқтисодий муносабатлар шакллантиришни талаб этарди.

Шундай қилиб, Иттифоқ даврида олиб борилган иқтисодий сиёсатнинг таҳлили бизга, марказлаштирилган режали иқтисодий тизимнинг ҳукмронлиги жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини самарали ташкил этиш имконини бермади. Коммунистик партиянинг бир неча ўн йилликлар давомида янги жамият қуриш борасидаги тажрибаларининг муваффақиятсизликка учрашида иқтисодий омил муҳим ўрин тутди. Натижада, 1980-йиллардан бошлаб иқтисодий инқирознинг кучайиб бориши ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига, халқ хўжалигининг барча соҳалари издан чиқишига, инқироз аломатларининг чуқурлашишига олиб келди.

Марказлашган иқтисодий тизим ресурсларни ва инвестицияларни адолатсиз тақсимлаши, яъни Иттифоқ ихтисослашуви асосида чекка ўлкалар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг имкониятларини ҳисобга олмай, уларнинг халқ хўжалигини хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилиши жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг йиғилиб боришига ва кескинлашувига сабаб бўлди.

1980-йиллар ўрталарига келганда инқироздан чиқиш йўлини қидиришга қаратилган қайта қуриш сиёсати фақатгина жамият

¹ Қаранг: «Ўзбекистон овози», 1993 йил 22 июнь.

тубида ётган иқтисодий-ижтимоий зиддиятларнинг чигаллашишига олиб келди. Чунки, XX аср ўрталаригача қарор топган авторитар тизим ва унинг таъсирида олиб борилган «жадал иқтисодий сиёсат» оқибатларини, шунингдек, бу даврдан сўнг «келишув иқтисодиёти» таъсирида шакллана бошлаган хуфёна иқтисодий муносабатлар, протекционизм, лоқайдлик, боқимандалик каби иллатларни мавжуд тузумни ва иқтисодий муносабатларни ўзгартирмасдан туриб бартараф этишнинг имконияти йўқ эди.

МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ЗИЁЛИЛАР ТОМОНИДАН МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ

*М.М. Алиханов,
НамМТИ доценти, тарих фанлари номзоди*

Ўзбекистон халқининг мустақиллик учун кураши XX аср 80-йилларининг охирларида мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар мураккаблашган шароитда янада кучайиб борди. Мустақиллик ва миллий озодлик ҳаракатлари очикдан-очик равишда турли кўринишларда намоён бўлади. Тинч сиёсий кураш, сиёсий чиқишлар, митинглар, намойиш, иш ташлаш, матбуотдаги баҳс, илмий мунозара, адабиёт, санъат соҳасидаги нашрлар, турли адабиётларда, очерк ва мақолаларда, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, кино, телевидение, театр, мусиқа асарларида миллий истиқлол ғояларини илгари суриш, урф-одат, анъаналар, тарихий хотира билан боғлиқ нашрлар шаклида ҳам бўлиши мумкин¹. Ўзбекистон халқининг мустақиллик учун кураши ана шундай кўринишда рўй берди.

Бир асрдан ортиқ давом этган чоризм мустамлакачилиги ва совет даврида халқларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан қарам қилиб одинганлиги салбий ҳолатларни келтириб чиқарган. Бу даврда Марказ томонидан олиб борилган сиёсат ва мафкура халқларни ўзлигидан, маънавиятидан айириб, тобе ҳолда ушлаб туриш учун қаратилган эди.

¹ Чориев З. «Миллий озодлик ҳаракати» билан боғлиқ баъзи тарихий иборалар хусусида // «Ўзбекистон тарихи», 1999, № 2. 73-б.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллари бошидаги мустақиллик учун олиб борилган курашни барча кишилар ҳам ижобий қаршилаган деб айта олмаймиз. Бунга сабаб мустабид тузум даврида ҳар бир қардош республикалар мустақил, озод, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгаллиги ҳақида кўпиртириб гапирилган бўлсада, аслида эса бундай фикрлар мустамлакачилик тузумини ниқоблаш учун хизмат қиларди. Бунинг оқибатида кишилар онгида том маънодаги мустақиллик, истиқлол ғоялари шаклланишига йўл берилмади. Ўша кунларда мустақиллик учун курашаётган зиёлиларнинг вазифалари «одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш»¹ эди.

Зиёлилар томонидан мустақиллик учун олиб борилган ҳаракатлар асосан Ўзбекистондаги айрим муаммоларни мустақил ҳал қилиш лозимлиги ғояси билан янада авж олди. Бу борада республикани иқтисодий жиҳатдан мустақил фаолият олиб бориши кераклиги ҳақидаги дастлабки фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, хўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишига, кескин иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди. Мустамлакачилик сиёсатининг давом этиши Ўзбекистонни асосан хом ашё етиштирувчи регионга айлантириб, асосий эътибор «пахта мустақиллиги»га, яъни пахта яккахуқмронлигига қаратилганди.

Лекин пахтачилик Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан бой бўлишига имкон бермади. Чунки Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг 90 фоизи республикадан ташқарига олиб кетилар ҳамда бунинг учун етарли даражада ҳақ тўланмас эди. 1988 йил Республика бўйича бир тонна пахтанинг ўртача таннархи 614 сўмга тўғри келган бўлса, баъзи хўжаликларда 1000 сўмгача ва ундан ортиқ эди². Пахтанинг давлатга сотиш нархи эса 700 сўм бўлган. Пахта учун нарх Марказдан туриб белгиланар эди. Табиийки, бу жойда республикаларнинг манфаати эмас. Марказ манфаатлари кўзда тутиларди. Бу, ўз навбатида, пахта етиштирувчиларнинг моддий ҳолатига салбий таъсир кўрсатарди.

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: «Шарқ», 1998. – Б. 25.

² Аҳмедов Қ. Нарх ва истеъмолчи манфаати // «Совет Ўзбекистони», 1989 йил 17 март.

Пахтакор деҳқонларнинг моддий аҳволи оғирлиги зиёлиларнинг эътиборидан четда қолмади. Улар томонидан пахта хом ашёси учун тўланадиган ҳақни ошириш масаласи ўртага ташланган бўлсада, деярли 1989 йилгача марказ бу масалага эътибор қаратмади. Ўша вақтдаги республика раҳбарлари ҳам бу масалани ҳал қилиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар.

Зиёлилар томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни, ер ости ва ер усти қазилма бойликларини Марказга аёвсиз ташиб кетилаётганлиги оқибатида халқимиз моддий фаровонликдан маҳрум бўлиб қолаётганлиги очиб берилди. Қатор публицистик мақолаларда билдирилаётган фикрлар халқ оммасини бефарқ қолдирмади.

Бунга жавобан эса марказий матбуот саҳифаларида Ўзбекистон ўз иқтисодиётини бошқара олмайдиган, дотация ҳисобига кун кечирувчи республикалардан бири сифатида эътироф этилди. Аслида Ўзбекистоннинг ўзидан олиб кетилаётган маҳсулотларга ўзи нарх белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги оқибатида «Марказдан дотация олишга мажбур қилинди»¹. Буни тўғри англаб етган Ўзбекистон зиёлилари «Заминдан нефть, газ, олтин, мрамор, яна талай бойликлар қазиб олинаётган, халқи қоракўл, пилла, каноп, том маъноси билан олтинга тенг миллион-миллион тонна пахта етиштираётган бир ўлка нечун ночор иқтисодий аҳволга тушиб қолди, нечун давлатдан қарз ва боқиманда ҳисобланаётир?.. Энди бошқа бойликларимиздан олинаётган ҳадсиз даромадлардан ҳам қонуний улушимизни талаб қилиш вақти етмадимикан?»² – дея савол орқали ўз муносабатларини билдирганлар. Шу билан биргалликда «Республика маҳсулотлари нархини ўз ҳукумати мустақил белгилаб, қонунлаштириб, марказга тайёр ҳолда тақдим этиш ҳуқуқидан фойдалана олмайдими? Ҳаммасини марказдан илтимос қиладиган бўлсак, республиканинг суверен ҳуқуқи қаерда қолади? Деҳқоннинг иқтисодий мустақиллиги давлатга ҳам унинг ўзига ҳам фойдали эмасми?»³ каби фикрлар ўртага ташланди. Таниқли

¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-жилд. – Тошкент: «Шарк», 2000. – Б. 643.

² Даромад ва буромад // «Фан ва турмуш», 1989 йил. – №6. – Б. 4.

³ Тогаев О. Қаноти қайрилган лочин // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 9 июнь.

адиб Ў. Ҳошимов ҳам техника, турли минерал ўғитларнинг нархи икки-уч баробар ошган, лекин давлат пахтани эски нархда сотиб олаётганлигини ҳамда «Ўзбекистонда аъло навли пилланинг бир килограмми 12 сўмдан сотиб олинади. Қирғизистонда эса 20 сўм, Озарбайжонда 25 сўм»¹дан сотиб олинаётганлигини куюниб айтади. Зиёлилар қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларни, яъни халқимиз меҳнатининг «маҳсулига ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳруммиз. Бу масала билан иттифоқ давлат плани ва нарх-наво кўмитасидагилар шуғулланадилар»². Бунинг оқибатида республиканинг ҳамда пахтакор ва пиллакорларнинг иқтисодий манфаатдорлигига путур етаётганлигини кишилар онгига етказиб бордилар. Бу фикрлар билан зиёлилар республика маҳсулотларига мустақил эгалик қилиш ва нарх белгилаш ҳуқуқини талаб қилдилар. Марказ эса бунга осонлик билан йўл беришни истамасди.

Марказий ҳокимият нашрларида Ўзбекистонни ўзини иқтисодий жиҳатдан қоплай олмайдиган, давлатдан қарздор, дотация берилаётган республика деган мазмундаги мақолалар зўр бериб чоп этилди. Бундай мақолалардан кўзда тутилган мақсад мамлакатда рўй бераётган иқтисодий ва сиёсий мустақилликка эришиш учун бўлаётган ҳаракатларни йўққа чиқариш бўлган.

Бундай мақолаларга жавобан зиёлилар республикани сунъий равишда дотация олишга мажбур қилинганлигини исботловчи фикрларни публицистик чиқишларида ёритиб бердилар. Иттифоқнинг Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтанинг ўзидан ўнлаб миллиард сўм фойда кўраётган бир пайтда республикани боқимандаликда айблаши нотўғри эканлигини асослашга ҳаракат қилдилар. Совет ҳукмронлиги йилларида иттифоқдош республикалар қонунга кўра тенг ҳуқуқли бўлсалар ҳам, амалда улар марказий маҳкамалар, министрликлар томонидан бошқарилаётганлиги, шу сабабдан иқтисодий мустақиллик мезонлари ҳам ишлаб чиқилмаганлигини, республикаларнинг умумдавлат бюджетига қанчадан ҳисса қўшаётгани сир сақланиши айтиб ўтилди. «Ҳар бир республика қанча маҳсулот ишлаб чиқараётгани, унинг қанчаси умумдавлат ёки республика бюджетига кетаётгани ва қолажани билиши

¹ Ҳошимов Ў. Мантиқ қани! // «Ёш ленинчи», 1989 йил 16 май.

² Ҳайдаров А. Инсондан азизми // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 11 май.

зарур»¹лиги ҳамда «бошқа республикалар билан иқтисодий хўжалик алоқалари ўрнатиш, ҳамкорликда илмий-техникавий программаларни амалга ошириш, ҳамкорлик корхоналарини куриш каби ишларни республиканинг ўзи ҳал қилиши керак»²лиги зиёлилар томонидан таъкидланди.

Зиёлиларда мустақиллик учун кураш ғоялари босқичма-босқич ривожланиб борган. Матбуотда дастлаб кўтарилган маънавий, ижтимоий муаммолар иқтисодий масалалар билан боғланган. Зиёлиларнинг бундай ҳаракатлари мустақилликни қўлга киритиш учун дадил қадам ташлашда ҳамда суверенитет ғояларини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. Халқимизнинг мустақиллик учун курашини ғоявий жихатдан таъминлаш ва қўллаб-қувватлашда зиёлиларнинг роли катта аҳамиятга эга бўлди.

ЎЗБЕКИСТОНДА 1980-ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА МУРАККАБ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

*К. Ғаниев, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш
институтини доценти, тарих фанлари номзоди*

Мустабид совет тузуми даврида сохта коммунистик мафкура ва маъмурий буйруқбозликка асосланган самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат, 80-йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасини янада пасайтириб, уни оғир муаммолар исканжасига солиб қўйди. Ушбу муаммолар республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни таъминлаш даражасининг пасайиб кетишида, қатор халқ истеъмол моллари тақчиллигининг сезиларли даражада ошиб боришида, турли соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатининг пасаяётганлигида, шу билан бирга, пулнинг кадрсизланиб боришида, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб кетишида ҳамда давлат бюджети камомадининг ўсишида намоён бўлди.

¹ Эргашев Т. Хўжалик ҳисоби ва жумҳурият эрки // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 10 ноябрь.

² Эргашев Т. Хўжалик ҳисоби ва жумҳурият эрки // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 10 ноябрь.

Юз берган оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар шундоқ ҳам мураккаблашиб бораётган ижтимоий кескинликни кучайтириб, республика аҳолиси турмуш даражасининг янада пасайиб боришига, демографик вазиятнинг мураккаблашишига олиб келди. Хусусан, 1979–1989-йиллар оралиғидаги ўн йил ичида аҳоли 29,3 %га кўпайди. Мазкур йилларда аҳоли сони 4,5 миллиондан ортиқ ёки йилига ўртача 451,5 минг кишига ортиб борди¹. Аниқроғи аҳоли рўйхатга олинган 1979–1989-йилларда аҳолининг сони 15 379,4 минг кишидан 1905 минг кишига кўпайди². 1991 йилга келиб эса мамлакат аҳолисининг сони 20,7 миллион кишини ташкил қилди. Собиқ СССРда шу даврда аҳолининг табиий ўсиши ҳар минг киши ҳисобига 10 кишини ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 3 баравардан кўпроқ эди³. Таҳлил қилинаётган даврда республикада аҳолини иш билан таъминлаш даражаси паст бўлиб, бу кўрсаткич ёшлар ўртасида анча баланд эди. Шу жумладан, иш билан таъминланмаганлар орасида 18–29 ёшдаги йигит-қизлар 1979 йилда 46,7 %ни ташкил этган бўлса, 1985–1986-йилларда эса бу кўрсаткич 50 %дан кўпроқ эканлиги кузатилди. Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ишсиз ёшлар салмоғи бундан ҳам катталиги эътибор тортади⁴. Шуни таъкидлаш лозимки, шу даврда республика аҳоли зичлиги Иттифок даражасидан ўртача 3,3 баравардан ортиқ бўлиб,⁵ аҳолининг учдан икки қисми Ўзбекистон Республикаси умумий майдонининг 14 фоизида, яъни Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида истиқомат қиларди.

Шу ўринда айтиш жоизки, республика аҳолисининг тез суръатлар билан ўсиши баробарида совет тузуми томонидан узоқ йиллар давомида олиб борилган нооқилона сиёсат натижасида саноат ва

¹ Бобожонова Д. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари. – Тошкент: «Фан», 1995. – Б. 48.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году. Статистический ежегодник. – Ташкент: «Узбекистан», 1991. – С. 200.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году. Статистический ежегодник. – Ташкент: «Узбекистан», 1991. – С. 200.

⁴ Алиакберова Н.М., Голдфар Б.Я., Эргашев А. Размещения населения Ферганской долины. (Демографический аспект). – Ташкент: «Фан», 1990. – С. 116.

⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году. Статистический ежегодник. – Ташкент: «Узбекистан», 1991. – С. 7.

иктисодиётнинг бошқа тармоқларида, қишлоқ хўжалигида иш ўринларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамланиб борилмади. Бу ҳолат одамлар турмуш шароитининг ёмонлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларини камайиб, пировард натижада халқ фаровонлигининг пасайишига олиб келди. Ушбу жараён республикадаги ижтимоий-иктисодий аҳволнинг, аҳоли ижтимоий ҳимояси қониқарсиз ҳолатда эканлигидан далолат берар эди. Шу даврда аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланишида, уй-жой, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат объектлари, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари билан таъминлаш ишларида ижобий силжишлар бўлмади.

1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра республика қишлоқ аҳолиси салмоғи шаҳар аҳолисиникидан анча юқори бўлиб, 59 %ни ташкил қиларди, яъни 11 980,7 минг аҳоли қишлоқ жойларида истиқомат қилар эди¹. Аҳоли зич яшайдиган Андижон вилоятида бу кўрсаткич 71 %, Қашқадарё вилоятида 75 %, Хоразм вилоятида 80 %, Сурхондарё вилоятида эса 81 %ни ташкил қилар эди. Қишлоқ аҳолисини водопровод ва канализация билан таъминлаш қониқарсиз ҳолатда бўлиб, атиги 55 %ни, республика аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш салкам 50 %ни ташкил қилган бўлса, Хоразм вилоятида бу кўрсаткич 13,2 %, Бухоро вилоятида 15 %, Қорақалпоғистон Республикасида 21,4 %ни ташкил этган. Республика аҳолисини табиий газ билан таъминлаш эса салкам 17 %дан иборат эди². Узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни, экстенсив ривожлантирилиши оқибатида кўплаб сув омборларининг қурилиши, сув исрофгарчилигига йўл қўйилиши натижасида Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларидан Орол денгизига қуйиладиган сув ниҳоятда камайиб кетди ва оқибатда Орол фожиаси рўй берди. Натижада денгиз 1960 йилдаги ҳолатига нисбатан 1990 йилда 14,5 метрга пасайди, сувнинг ҳажми 54 фоизга қисқарди³. Охириги 30 йилда денгиз сатҳи 20 метрга

¹ Население Республики Узбекистан в 2001 году. Статистический сборник. – Тошкент, 2002. – С. 34–35.

² Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1992. – Б. 125.

³ «Ҳаёт ва иқтисод», 1991 йил, № 2. – Б. 56.

пасайиб, 2000 йилга келиб 31 метрни ташкил қилди. Сув ҳажми 1062 минг км кубдан 268 минг км кубга тушиб қолди. Минераллашув даражаси ҳам йилдан-йилга ошиб бориб, 1 литр сувда 40 граммдан кўпроқни ташкил қилди. Натижада 1960–1996-йилларда Орол денгизи 743 км куб сув йўқотди.

1989 йилга келиб Орол денгизи заминидан иккита бир-биридан ажралган кўл пайдо бўлди. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда очилиб қолган денгиз тубидан кўтарилган бўронлар натижасида 50–70 минг тоннагача чанг ва туз кўтарилган¹. Заҳарли тузлар нафақат Орол ҳавзасида, балки Европа ҳамда Осиёнинг турли мамлакатларига тарқалганлиги кузатилмоқда.

Орол фожиаси оқибатида республикада экологик вазиятнинг кескинлашуви, жумладан ичимлик суви билан таъминлашнинг ёмонлиги, сувдаги минераллашувнинг ошиши, денгиз тубидан катта миқдорда кўтарилаётган чанг, туз ва минералларнинг атрофмуҳитни заҳарлаши кузатилган. Оқибатда ҳудуд аҳолисининг 87 % ич терлама, анемия, тери ва бошқа юқумли касалликларга чалинганлиги ҳамда болалар ўлими даражаси баланд эканлиги ачинарли фактдир. Ўзбекистонда 1985 йилда ҳар 1000 нафар туғилган чақалоқдан 46,2 % вафот этиб, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 62,5 %, Сурхондарё вилоятида 55,2 %, Хоразм вилоятида 50,4 %ни ташкил қилди².

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, фақат хом ашё етказиб беришга асосланган, қолоқ ва мўрт иқтисодиётга эга бўлган Ўзбекистон асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича собиқ Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан анча орқада қолиб кетди ва мамлакатда охириги ўринларга тушиб қолди. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича иттифоқдош республикалар орасида 12 ўринни, даромад даражаси ҳамда асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатдан охириги ўринларни эгаллаб келди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш иттифоқ даражасидан 2 баробар, саноатда меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 2,5 баробар, қишлоқ хўжалигида меҳнат

¹ Шалимов А. Экология: тревога нарастает. – Л.: «Лениздат», 1989. – С.53.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш бўйича ўқув-услугий қўлланма / Масъул ижодий гуруҳ: А.Ш. Бекмуродов ва бошқ. – Т.: «Ўқитувчи», 2011. – Б. 89.

унумдорлиги бўйича 2 баробар, аҳолининг ўртача ҳисобда гўшт маҳсулотлари, тухум, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли бўйича 2 баробар орқада эди¹.

Ўзбекистон халқ хўжалигида асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилиб, тайёр маҳсулот, аввало, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг улуши паст даражада эди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг катта қисми четга ташиб кетилиб, аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8–9 млрд сўмликка яқин маҳсулот четдан олиб келинарди. Хусусан, аҳолини иш билан таъминловчи саноат тармоқлари – машинасозлик, электроника, асбобсозлик, радиотехника, мураккаб рўзгор техникаси ишлаб чиқариш каби илғор тармоқлар яхши ривожлантирилмади.

Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама тарзда, фақат хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб, комплекс ривожлантириш йўлига ва аҳоли эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилмаслиги, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликда кўринди. Жумладан, республика саноатида тайёр маҳсулотнинг улуши 50 %ни, қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улуши 80 %дан кўпроқни, мамлакатдан олиб кетиладиган маҳсулотлар таркибида хом ашё материаллар ва чала маҳсулотлар улуши 65 %дан кўпроқни, четдан келтириладиган товарлар таркибида саноат маҳсулотларининг улуши 60 %дан иборат эди².

Бир сўз билан айтганда, 80-йилларнинг охирларига келиб марказлаштирилган режалаштириш ва тақсимлаш механизмига асосланган иқтисодиёт фаолият кўрсатди. Совет тизимида хос бўлган иллатлар билан бир қаторда, республикада уни фақат хом ашё етказиб беришга йўналтирилганлиги, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатган тўла ва мутлақ пахта якка-ҳоқимлиги мамлакатни оғир аҳволга солиб, жар ёқасига келтириб қўйган эди. Оқибатда, улкан табиий, минерал хом ашё, меҳнат ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш бўйича ўқув-услугий қўлланма / Масъул муҳаррир А.Ш Бекмуродов ва бошқ. – Т.: «Ўқитувчи», 2011. – Б. 26–27.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш бўйича ўқув-услугий қўлланма / Масъул муҳаррир А.Ш Бекмуродов ва бошқ. – Т.: «Ўқитувчи», 2011. – Б. 36.

инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон собиқ Иттифоқда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожига бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди¹. Аслида республика салоҳиятида кенг имкониятлар, улкан табиий бойликлар, ишлаб чиқариш ва фан-техникани ривожлантириш, қулай табиий иқлим шароит борлигини ҳаёт тажрибаси тасдиқлаган эди. Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистонда инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча турмуш кечириш учун керак бўлган энг оддий нарсалар етишмаслиги каби муаммолар йиғилиб, ниҳоятда кенг тус олган эди. Бу ҳолат эса йиллар давомида тўпланиб қолган мураккаб муаммолар ҳалқаси ўзаро бир-бирига таъсир этиб, ижтимоий муҳитда зиддиятларнинг янада кучайишига олиб келди.

XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУАММОЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ

*А.А. Ерметов, ЎзМУ доценти,
тарих фанлари номзоди*

XX аср 80-йилларининг ўрталарига келиб, собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудлари сингари Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий танглик ҳолатлари кучайиб кетди. Жамиятда бошланган қайта қуришнинг таркибий қисмлари «жамият ҳаётини демократлаштириш ва туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш»² – деб эълон қилиниши натижасида иқтисодий муносабатларни ўзгартириш, ижтимоий ҳаётни яхшилаш, мафкуравий-сиёсий ва маънавий соҳаларда бир қатор ислоҳотлар олиб боришга уринишлар бўлишига қарамай, жамиятда юзага келган танглик ҳолатини яхшилаб бўлмади.

¹ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010-йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015-йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 4.

² Боффа Дж. От СССР к России. История неоконченного кризиса. 1964–1994: Пер. с ит. Хаустовой Л.Я. – Москва: «Международ. отношения», 1996. – С. 146–147.

Бу даврда иттифоқдош республикалар¹, шу жумладан, Ўзбекистонда юзага келган мураккаб вазият ички ишлар органлари фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўша пайтда милиция органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган муҳим масалалардан бири бу «пахта иши» ва «ўзбек иши» номлари билан олиб борилган тергов жараёнларидир. Ўзбекистонда олиб борилган «пахта иши» ва «ўзбек иши» кампаниялари давомида қўзғатилган жиноий ишлар оқибатида кўплаб инсонлар ҳибсга олиниб, уларга нисбатан турли муддатларга қамоқ жазоси ва бошқа жазолар қўлланилди. Бу жараённи янада кучайтириш мақсадида Марказ томонидан давлат бошқарувининг раҳбар лавозимларига кўплаб ходимлар юборилган бўлиб, асосан 1984–1989-йилларда «Ўзбекистонда социалистик қонунчиликни тиклаш» шиори остида республика ҳуқуқ-тартибот идораларининг барчасига марказдан минглаб одамлар жўнатилди. Бу идоралар орасида шахсий таркиби, ҳаракатланиш ҳудуди ва таъсир кучи нуқтаи назаридан энг йириги ҳисобланган Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигига Марказдан ҳаммаси бўлиб 150 нафар ходим келди.

Тергов гуруҳига катта ваколат ва имтиёзлар берилган. Гуруҳ республикада иш бошлаган биринчи кунларданок «Ўзбекистонда ҳамма пора олади ва пора беради» деган сохта тамойилга асосланган ҳолда қонунсизлик йўлига ўтиб, тергов жараёнларидан фактларни сохталаштириш, кишиларни сохта маълумотлар беришга мажбур этиш воситаси сифатида фойдаланганлар². Гуруҳнинг дастлабки иши бўлган Бухоро вилоятидаги текширув ишида А. Дўстов милиция полковниги, Ш.А. Раҳимов, А. Музаффаров, В.В. Мулин милиция подполковниги, Т.Р. Очилов милиция майори унвонларидан маҳрум қилинади.

¹ Бу даврда ички ишлар тизимида ҳам мураккаб вазият юзага келиб, жамиятда жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайиб кетди, ички ишлар органлари шахсий таркибидаги муаммолар кескинлашди, оқибатда уларнинг фаолиятидаги камчиликлар билан боғлиқ масалалар юзасидан 1982–1986-йилларда СССР Ички ишлар вазири В.В. Федорчук кўрсатмаси асосида иттифоқ миқёсида 88 мингта турли лавозимдаги ходимлар ишдан бўшатилади (Бақатин В.В. Дорога в прошедшем времени. – М.: ЗАО Издательство «Центрполиграф», 2015. – С. 143).

² Юнусова Х. «Пахта иши» қатағонлари ҳақида баъзи мулоҳазалар / Ўзбекистонда совет даврида амалга оширилган сиёсий кампаниялар ва уларнинг фожиали оқибатлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2017. – Б. 194.

Гуруҳ вакиллари томонидан олиб борилган кейинги тергов жараёнлари натижасида вазият бутунлай ўзгариб кетди. Биргина ўша даврда Бухоро вилояти ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси жамоат (социалистик) мулкани ўзлаштириш ҳамда чайқовчилик билан шуғулланувчи шахсларга қарши курашиш (ОБХСС) бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган А. Музаффаровга боғлиқ жиноий иш юзасидан ички ишлар тизимида фаолият юритган бир нечта ходим ҳибсга олинади. А. Музаффаров 61 нафар одамдан 456324 рубль пора олишда, мансабни суиистеъмол қилишда, лавозимда ўтирган раҳбарларга пора беришда ва бошқа жиноий ишларда айбланади. А. Музаффаровга нисбатан қўзғатилган жиноий ишда (1983 йил 27 апрелда ҳибсга олинган), у томонидан Бухоро вилоят партия комитети биринчи котиби А. Каримовга, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазири К. Эргашевга, вазир ўринбосари Г. Давидовга, Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Норов ва Дўстовларга, умумий ҳисобда 9 кишига 201 561 рубль пора берганлиги кўрсатилади¹. Булардан ташқари Ш. Раҳимов (Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаган), В. Мулин (Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаган)², Б. Гафаров (Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси БХСС бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 1983 йил 4 майда ҳибсга олинган), А. Жумаев (Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси БХСС бошқармаси бўлим бошлиғи), С. Буранов (ички ишлар бошқармаси шофери, пора олиб келишда иштирок этганликда айбланган) каби ходимлар, шунингдек, Ш. Қудратов, Ж. Шарипов ва бошқа кўплаб фуқаролар (савдо ходимлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва трест директорлари) ҳам шу жиноий иш орқали жиноий жавобгарликка тортилган³.

Архив маълумотларда келтирилишича, тергов ишлари тугатилгандан сўнг А. Музаффаровнинг иши судга оширилади ва унга суд томонидан ўлим жазоси белгиланади⁴.

¹ ЎзР МДА, 2454-фонд, 6-рўйхат, 6480-иш, 6-варақ.

² ЎзР МДА, 1714-фонд, 10-рўйхат, 4201-иш, 118–120-варақлар.

³ ЎзР МДА, 1714-фонд, 10-рўйхат, 4201-иш, 79-варақ.

⁴ А. Музаффаровга нисбатан чиқарилган ҳукм 1986 йил 13 майда Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан ўқиб эшиттирилади. Унинг яқинлари томонидан афв этиш тўғрисида берилган аризалар 1987 йил 18 июнда махсус комиссия томонидан кўриб чиқилиб, суд томонидан белгиланган жазо ўз кучида сақланиб қолади. Қаранг: ЎзР МДА, 2454-фонд, 6-рўйхат, 6480-иш, 3-варақ.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур жиноий иш билан боғлиқ ҳолатда қуйидаги ички ишлар ходимлари ҳам узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилган:

а) Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи А. Дўстов – 15 йилга;

б) Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш. Раҳимов – 14 йилга;

в) Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари В. Мулин – 12 йилга;

г) Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошлиғи Т. Очилов – 12 йилга қамалади¹.

Бу даврда Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият юритаётган бир қатор ходимлар, жумладан, генерал-лейтенант Қ. Эргашев, генерал-майор Г. Давидов, полковник С. Колустьян, генерал-майор И. Саттаров, полковник У. Таджихонов, генерал-майор О. Муҳаммадиев, полковник Т. Хаитов, полковник Ё. Норбеков, полковник А. Хожимуротов, С. Саттаров, В. Иззатов ва бошқалар ҳибсга олинди.

Қайд этиш лозимки, республика бўйича олганда булардан ташқари яна бошқа кўплаб вилоят, шаҳар ва район ички ишлар ходимлари ҳам ҳибсга олиниб, улар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган² (айримлари тергов жараёнида вафот этган), шунингдек, бу жараёнда уларнинг яқин қариндош-уруғлари ҳам қамоққа олинган эди³.

Ўзбекистонда «пахта иши», «ўзбек иши» каби кампаниялар асосида олиб борилган жиноий ишлар бир-бирига занжирсимон кўринишда уланиб, бу жараённинг ички ишлар билан боғлиқ томонининг энг юқори босқичи сифатида кўрсатилган жиноий ишлар 1988 йилда Москвада бўлиб ўтган суд жараёнида ўрганилди. Ўша даврда эълон қилинган оммавий ахборот воситаларининг бирида бу масала қуйидагича кўрсатилади. «Ўтган йилнинг кейинги 4 ойи мобайнида СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси юстиция

¹ ЎЗР МДА, 2454-фонд, 6-руйхат, 6480-иш, 9–10-варақлар.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Каҳрамонов Т. Возвращение из ада (документальный роман). – Т.: «Ёзувчи», 2000 ва бошқалар.

³ Илюхин В. Қабоҳат ёхуд ... : («Ўзбеклар иши» деган уйдирма хусусида). – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б. 35.

генерал-майори М. Маров раислигида Ички ишлар министрлигининг собиқ раҳбар ходимлари устидан порахўрликда ва бошқа жиноятларда айблаб кўзгатилган жиноий ишларни кўриб чиқди. Суд олдида 9 киши жавоб бердилар: СССР Ички ишлар министрлигининг собиқ ўринбосари Ю. Чурбанов, собиқ Ўзбекистон Ички ишлар министри Ҳ. Яҳёев, икки собиқ министр ўринбосари – Г. Бегельман ва Т. Қаҳрамонов, Ўзбекистон ИИМ область ички ишлар бошқармасининг беш собиқ бошлиқлари – Ж. Жалолов, Я. Муҳаммаджонов, Ҳ. Норбўтаев, М. Норов, С. Собиров. Суд Чурбановни – 12 йилга, Норбўтаевни – 10 йилга, Норов ва Бегельманни – 9 йилга, Жамолов, Муҳаммаджонов ва Собировни – 8 йилга озодликдан маҳрум этди. Уларнинг барчасининг мол-мулки мусодара қилиниб, жазони кучайтирилган режимдаги меҳнат тузатиш колонияларида ўтайдиган бўлди. Т. Қаҳрамонов айби исботланмагани учун оқланди ва озод қилинди. Яҳёевнинг иши алоҳида ишлаб чиқаришга ажратилиб, кўшимча терговга қайтарилди¹. (Ушбу мақола «Московские новости» газетасининг 1989 йил 8 январь сонисида эълон қилинган бўлиб, мақола муаллифи РСФСРда хизмат кўрсатган юрист, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Олег Темушкин бўлган.)

Худди шу суд жараёни ҳақидаги ушбу мақолада: «... Айбланувчини тергов жараёнида қамоқда асрашнинг қонун томонидан кўрсатилган энг кўп муҳлати – 9 ой. Юқоридагилар эса йиллар давомида қамоқда сақланганлар: Чурбанов – 2 йилга яқин, Яҳёев – 3 йилдан зиёд, Қаҳрамонов эса 4 йилга яқин ўтирган. Хўш гап нимада? Жавоб аниқ: Терговларда малаканинг етишмаслиги, уларнинг ишлари устидан керакли контроль ва прокурор назоратининг йўқлиги бунга сабабдир. Суд ушбу ишни текширишда йўл кўйилган қатор кўпол қонунбузарликларни ўз ҳукмида қайд этди»², – дея таъкидланади.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бу даврда жиноий ишларни кўзгатиш, тергов олиб бориш, хусусан тергов жараёнининг белгиланган муддати, гувоҳларнинг тергов қилиниши, айбланувчига ва унинг яқин қариндошларига нисбатан ўтказилган

¹ Ҳукм чиқарилди, муаммолар турибди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, № 3, 13 январь 1989 йил («Московские новости», 8 январь 1989 г.).

² Ҳукм чиқарилди, муаммолар турибди // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», № 3, 1989 йил 13 январь.

турли тазйиқ ва кўрқитишга асосланган усулларнинг кўлланиши ва бошқа қатор тартибсизликларга йўл кўйилганлиги ўша даврдаёқ тегишли баҳосини ола бошлади. Айниқса Москвада ички ишлар тизимида юқори лавозимни эгаллаган 9 киши устидан олиб борилган суд жараёнида Т. Қаҳрамоновнинг оқланиши ва Ҳ. Яҳёевнинг иши қайта терговга юборилиши совет суд-ҳуқуқ тизими учун шармандали ҳолат эди. Чунки бу суд жараёнида нафақат маҳаллий оммавий ахборот воситалари, балки кўплаб чет эллик журналистлар ҳам қатнашиб, улар жараёнларни хорижий газета ва журналларда чоп этиб борган эди.

1989 йил май ойида Марказда бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари биринчи съездида «ўзбек иши» ва «пахта иши» билан боғлиқ жараёнларга берилган баҳо, иштирокчилар орасида турли хил баҳс-мунозараларнинг юзага келиши, шунингдек, иттифоқ миқёсида миллатлараро муносабатларда таҳликали вазият кучайган пайтида, Ўзбекистон ССР сиёсий раҳбарлиги лавозимига И.А. Каримов келганидан сўнг, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёни бошланиб, бу жараёнда «пахта иши» ва «ўзбек иши» каби кампаниялар давомида ноҳақ қамалган инсонларнинг жиноий ишлари қайта кўриб чиқилди ва ушбу кампаниянинг қурбони бўлган кўплаб айбсиз инсонларнинг номи оқланиб, улар ўз оиласига қайтди¹.

Хусусан, Биринчи Президент И.А. Каримов 1991 йил январь ойида «Известия» газетаси мухбири билан бўлган суҳбатда ҳам бу масалага тўхталиб: «Пахта билан боғлиқ 24 мингта жиноий иш кўзғатилганда, ҳақиқий жиноятчилар билан бирга уларнинг қурбонлари ҳам баробарига қамоққа олинди... Айбсиз таъқиб этилганлар эса юзлаб ва минглаб кишилардир. Биз фақат кейинги пайтнинг ўзида айбсиз ҳукм қилинганларга, ҳозир эса қамоқдан озод этилганларга, оқланганларга 1,5 миллион рубль товон пули тўлашга мажбур бўлдик»², – деб таъкидлаган эди.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил этилаётган йиллар Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан жуда мураккаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи архиви, 358-иш, 5721–5723-варақлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 264.

жараёнлар юз берди. Бу даврда ички ишлар органлари фаолияти ҳам бир қатор тартибсизликлар, камчиликлар ва муаммолар билан кечди. Бу жараёнда Марказ томонидан давлат бошқарувининг муҳим бўғинларига ишончли вакиллар доимий равишда юбориб турилиб, улар республикада амалга оширилаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш, адолатни қарор топтириш ўрнига йиллик ҳисоботларни бойитишга зўр бердилар.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИДА ЯНГИЧА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

*А.Р. Қаюмов, ЎзР ФА ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди*

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг қарор топиши, унинг умумжаҳон иқтисодий ҳаётига интеграциялашуви қишлоқ хўжалигида ҳам янгича аграр муносабатларнинг шаклланишига олиб келди. Аграр соҳада томорқа, дехқон, фермер хўжаликлари ва шу каби бошқа хусусий мулкчилик шакллари ривожланиши қишлоқ аҳолисининг бозор иқтисодиёти қонуниятларига, янгича аграр муносабатларга нечоғлик мослашувчанлиги ҳамда ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик ҳиссининг шаклланиганлиги ва мулк дахлсизлиги кафолатига ишончи билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 % ушбу мулк шакллари ҳиссасига тўғри келиши уларнинг аграр соҳада нақадар катта ишлаб чиқарувчи куч эканлигини билдиради.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар табақасини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислоҳотлар амалга ошириб келинган. Пировард натижада қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, хўжалик-маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй бериб, уларнинг дунёқарашида, руҳиятида ерга, табиий ресурсларга ва умуман ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Айниқса, 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш борасида бошланган ислохотларнинг янги тўлқини қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасида катта ўзгаришларни бошлаб берди. Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқда, томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш билан фуқароларнинг бандлиги ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган қатор фармон ва қарорлари¹ мулкдорлар табақасининг ривожланиш тенденцияларини белгилаб берди.

Албатта, ушбу ислохотларнинг илк қадамлари 1989 йилдан бошланган ва пировард натижада 400 минг гектар суғориладиган ерларни аҳолига томорқа хўжалиги сифатида берилганлиги қишлоқда хусусий мулкчиликка асосланган бозор муносабатларининг шаклланишига замин яратган эди.

Ўзбекистон қишлоқларининг илк мулкдорлари – томорқа, деҳқон, ширкат аъзолари, ҳамда ижарачи деҳқонлар янгича аграр муносабатлар ва инновацион жараёнлар таъсирида фаол ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Бу каби хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган моддий бойликлар, олинадиган даромадлар (пул ва натура шаклидаги жамғармалар) ва ресурсларнинг ҳажми ҳамда сифати ўсди, уларни қўлга киритиш усуллари ва йўллари такомиллашди. Қишлоқ хўжалигида маҳсулдорлик ва маҳсулотларнинг товарлилик даражаси ҳамда аҳоли иқтисодий манфаатдорлигининг

¹ Ўзбекистон Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони (09.10.2017), «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (27.04.2018), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (12.02.2018), «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (17.04.2018), «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (29.03.2018), «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (14.03.2018) каби ҳуқуқий ҳужжатларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг тубдан янги тизими илгари сурилган.

ўсиши ташқи ва ички бозор талаблари, табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар билан боғлиқ ҳолда ривожланди.

Қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиётининг бу каби ривожланиш тенденциялари ва янгича мулкрий муносабатларнинг қарор топиши кишиларнинг фенологик билимлари, анъанавий агротехника, мелиорация ҳамда халқ селекцияси каби хўжалик анъаналарининг қайта тикланишига замин яратди. Қишлоқ аҳолисининг ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик ҳиссининг шаклланиши моддий бойликлар яратиш, хусусий мулкни янада ривожлантириш, уни асраб-авайлаш, фарзандларига мерос сифатида қолдириш каби манфаатдорлик омилларининг қарор топишига олиб келди. Албатта, бу жараёнлар бирданига осонлик билан кечмади.

Қишлоқда янгича аграр муносабатларнинг қарор топиши, бу борадаги ислохотларнинг натижалари кишиларнинг бозор муносабатларига ижтимоий жиҳатдан мослашувчанлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бевосита қишлоқ аҳолисидан олинган этносоциологик сўровномалар, интервью, статистик маълумотлар ҳамда соҳага доир расмий ҳужжатларни ўрганиш қишлоқ аҳолисининг бозор иқтисодиёти қонуниятларига, янгича хўжалик муносабатларига ижтимоий жиҳатдан мослашувчанлиги масалалари илмий ва айни пайтда ислохотларнинг самарадорлиги учун долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб янгича аграр муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратган қонунлар ва ҳукумат қарорлари¹ соҳада кўп укладли иқтисодиёт пойдеворини яратишга йўл очди. Қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда давлат ва жамоа хўжаликлари тасарруфидаги ишлаб чиқариш воситалари ва ерларни хусусийлаштириш механизмлари ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этила бошлади. Аммо бунинг учун биринчи навбатда пахта монокультурасига барҳам бериш ва экин майдонлари таркибини қайта кўриб чиқиш зарур эди.

Албатта, аграр соҳадаги ишларни амалга ошириш учун биринчи

¹ Жумладан, «Ер тўғрисида» (1990.20.6), «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» (1991.19.11), «Дехқон хўжалиги тўғрисида» (1992.3.7), «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида» (1992.9.12), «Ер солиғи тўғрисида» (1993.6.5), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993.6.5), «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Давлат Ер кадастри тўғрисида».

навбатда, қишлоқда хусусий мулкчиликнинг томорқа хўжалигидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар зарур эди. Янги аграр ислохотларни амалга ошириш масаласида республика манфаатидан келиб чиқиб, унинг ўзига хос хусусиятларини, суғориш зоналарида ер ва сув танқислигини инобатга олган ҳолда, аҳолининг томорқа ерлар ҳажмини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш каби муаммоларни ҳал этишга асосий эътибор қаратилди.

1989 йил 17 августида Республика Ҳукуматининг «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир оилага ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баравар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Мазкур қарор қабул қилингандан сўнг ўтган бир ой вақт мобайнида 60 мингдан зиёд оилага ер участкалари ажратиб берилди. Республикада мавжуд бўлган томорқалар бутун экин майдонларининг 5 фоизини ташкил этган ҳолда жами 200 минг гектар ерни ташкил этди. Айти пайтда бу ерларнинг ҳар гектаридан 12 минг рублдан кўпроқ даромад олинди¹.

Томорқа ва деҳқон хўжаликларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 1991 йил март ойида «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва уларнинг уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги Президент фармони эълон қилинди. Фармонга биноан деҳқонларга, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига молиявий ёрдам тариқасида 1 млрд сўм ажратилиб, иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, транспорт воситалари, кичик механизация техникаси ва чорва молларини сотиб олишда кўмаклашиш белгилаб қўйилди. Илгари ҳар бир қишлоқ оиласига ўртача 12 сотих ер тўғри келган бўлса, 1991 йилнинг бошида бу рақам ўртача 17 сотихни ташкил этган².

¹ Қаранг: Туляганова С.О. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислохотлар: натижалар ва муаммолар. Тарих фан. ном. диссертацияси кўлёмаси. – Тошкент, 2012. – Б. 23.

² Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 314–316.

Албатта, бу тадбирлар қишлоқ хўжалигида хусусий мулкни ривожлантириш учун замин яратди. Айниқса, томорқа ва жамоа хўжаликлари негизида оилавий пудрат асосида фаолият олиб борган деҳқонлар, биринчи навбатда, сабзавот, полиз, боғдорчилик ва хаттоки пахта ва ғаллачиликда ҳам юқори ҳосил олиб, ўзларининг ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик эҳтиёжларини намоён қилдилар. Шахсий томорқа, оилавий пудрат каби ерга эгаликнинг дастлабки хусусий мулкчилик шакллари асрий анъаналар билан биргаликда тажриба кўникмалари ва дастлабки оилавий жамғармаларнинг шаклланишига олиб келди.

1998 йилдан бошлаб деҳқоннинг ерга, мулкка, жамоа даромадининг маълум қисмига эгалик ҳиссини шакллантириш мақсадида мулккий пайни жорий этиш, жамоа хўжалиklarини қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкатларга) айлантириш, деҳқоннинг оилавий фаровонлиги, даромадининг мунтазамлигини таъминлаш мақсадида оилавий пудратни жорий этиш, ташкил этилган хўжаликларга сервис хизматини кўрсатиш асосий вазифага айлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Айнан шу йиллари оилавий пудратга ўтган хўжаликлар гектар бошига 12 минг сўмлик маҳсулот етиштириб, жамоа ерларидагига қараганда 6 баравар кўп ҳосил олдилар. Ўзбекистонда 203 минг гектар ҳайдалган ери ва кўп йиллик экинлар экилган майдони бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликлар 2,4 млрд сўмлик маҳсулот етиштиришга муваффақ бўлдилар. Бу эса республикада 1989 йилда етиштирилган ялпи маҳсулотнинг 39 фоизини ташкил этар эди¹.

Маълумки, бу даврда қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар Республиканинг турли вилоятларидаги табиий шароит, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига боғлиқ ҳолда кишиларнинг бозор муносабатлари кўникмаларига эга бўлишлари, мослашишлари ўзига хос тарзда кечган. Оилавий пудратчилар ишларни ўз вақтида сифатли бажариш, агротехник тадбирларда ўз билим ва тажрибаларини қўллаб, ўзларига тегишли бўлган пудрат хўжалигида ҳосилдорликни оширишга ҳаракат қилганлар. Ҳар бир пудрат хўжалиги томонидан олинган ҳосил (пахта, ғалла) алоҳида ҳисоблаб борилган ва табиийки, олинган

¹ Туляганова С.О. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислохотлар: натижалар ва муаммолар. Тарих фан. ном. диссертацияси кўлёмаси. – Тошкент, 2012. – Б. 24.

натижага қараб манфаатдорлик ошиб борган. Мусобақа тарзидаги бу рақобат муҳити умумий ҳосилдорликнинг ошишига замин бўлган.

Маълумки, Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик минтақаларида анъанавий деҳқончилик маданияти ўзига хос хусусиятлари билан ажраб туради. Бу борада, айниқса, Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги, айниқса, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги, чорвачилик ҳамда хунармандчилик қадимги даврлардан юксак даражада ривожланганлиги археологик ва этнографик тадқиқотлар асосида ўз исботини топган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда ҳам Фарғона водийси республиканинг аҳолиси энг зич жойлашган, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига жиҳатдан юқори салоҳиятга эга минтақалардан биридир¹.

Фарғона водийси деҳқончилик ҳамда чорвачилик учун бир хил аҳамиятли бўлган минтақалар сирасига киради ва бунда хўжаликнинг барча соҳалари баравар ривожланган. Фарғона водийсида дарёлар қирғоқларида жойлашган Хўжабақирғон, Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам, Аравон, Оқбура, Қорадарё, Норин, Косон, Ашт ва бошқа микровоҳаларда суғорма деҳқончилик кенг ривожланган.

Боғдорчилик ва узумчиликнинг ривожига учун ҳам табиий иқлим қулай бўлган. Айниқса водийнинг жануби-ғарбий қисми Исфара, Сўх, Чимён, Миндон ва Риштонда асосан ўрик дарахти экилган. Ушбу жойларда тайёрланган қуритилган ўрик Ўрта Осиёда жуда машҳур бўлиб, нафақат туташ минтақалар балки Россияга ҳам сотиш учун чиқарилган. Фарғона водийсида ҳатто шаҳар аҳолиси ҳам деҳқончилик қилишган. Аксарият шаҳарликларнинг шаҳар ташқарисида дала ҳовлилари бўлиб, у ерда мева ва сабзавотлар етиштирилган².

Масалан, Фарғона водийси Миндон қишлоғида ҳам кишиларнинг хўжалик муносабатларидаги ўзгаришларга муносабати ва уларда шахсий ҳамда жамоа манфаатларини уйғун ҳолда кўриш кўникмаларининг янада ривожланиши ўзига хос тарзда бўлган.

¹ Исломов М., Маматқазин А., Додобоев О., Мамадиалиев А. Қишлоқ ва бозор: ўтиш даври ва аграр иқтисодий муаммолари. – Тошкент: «Меҳнат», 1992.

² Турсунов Н.О. Сложение и пути развития городского и сельского населения Северного Таджикистана XIX – начало XX в. Душанбе, 1976. – С. 119. Сухарева О.А. Традиция сочетания городских сельских занятий в Средней Азии конца XIX – начале XX в // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху Средневековья. – М., 1979. – С. 203–211.

Дехқончиликнинг сунъий суғоришга асосланганлиги, суғоришда, ирригация тизимларидан фойдаланишда ҳамжиҳатликнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Аҳолининг кўп қисми мева ва сабзавотчилик билан шуғуллана бошлаганлар.

Умуман олганда, дехқон хўжаликлари ҳақида қабул қилинган қонун тўртта муҳим масалани ҳал қилиб берди. Бу масалалар куйидагилардан иборат бўлди: 1) аграр секторда мулкчилик масаласи; 2) қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг мулкка эгаллик ҳиссини шакллантириш, мустаҳкамлаш масаласи; 3) қишлоқ жойларда ишларни бозор муносабатлари асосида мутлақо янгича ташкил этиш масаласи; 4) янги тоифа – мулк эгалари пайдо бўлишга ҳуқуқий асос яратиш масаласи.

Дехқон хўжалиги – юридик шахс мақомига эга ва эга бўлмаган ҳолдаги майда оилавий хўжалик бўлиб, унга ажратилган ерда оила аъзоларининг меҳнати билан кам миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва сотади. Дехқон хўжалиги эгаси мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш асосида ерга эгаллик қилиши мумкин эди. Қонунда дехқон хўжаликлари эгаллик қилиши мумкин бўлган ер майдонлари ҳажми чекланди. Унинг юқори чегараси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган ерларда 0,50 гектаргача ўлчамда, саҳро ва чўл минтақасида эса 1 гектаргача қилиб белгиланган эди.

Шубҳасиз, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд эди. Хусусан, бу Ўзбекистон Республикасининг жўгрофий жойлашуви, ер ресурсларининг чегараланганлиги, суғориладиган экин майдонлари тегишли миқдорда эканлиги, демографик хусусиятлар ва шу кабилардан келиб чиқиб белгиланди. Масалан, 3,5 млн га яқин дехқон хўжаликларида 7 млн дан зиёд киши меҳнат қилди ва ширкат, фермер хўжаликларига нисбатан ҳар гектардан 1,3–1,5 баравар кўп ҳосил олди. Андижон, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари дехқон хўжаликлари плёнка остида эртанги сабзавот етиштиришда етарли тажриба тўплаш билан бирга, Андижон вилояти дехқон хўжаликлари 0,04–0,05 гектар иссиқхонадан 1,0–1,5 млн сўм даромад олдилар¹.

¹ Туляганова С.О. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислохотлар: натижалар ва муаммолар. Тарих фан. ном. диссертацияси кўл-ёзмаси. – Тошкент, 2012. – Б. 102; Файзуллаева Т. Дехқон хўжалиги: кеча, бугун, эртага // «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi». – Тошкент. – №6. 2003. – Б. 4.

Натижада, 1989 йилда Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган деҳқон хўжаликлари 1993 йилнинг июлига келиб вилоятлардаги барча деҳқон хўжаликларининг умумий сонига нисбатан 11 242 тани ташкил этди. Шулардан 83,5 фоизи чорвачилик, 16,5 фоизи сабзавотчилик, боғдорчилик, пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа турдаги маҳсулотларни етиштириш билан шуғулландилар. Уларнинг ихтиёрида жами 114,5 минг гектар ер мавжуд бўлиб, шундан 60,0 минг гектари суғориладиган ерлар, 53,2 минг гектари эса лалми ва яйлов-пичанзорлардан иборат бўлди. Лалми суғориладиган ерларнинг 11,5 минг гектарида арпа, бугдой, 3,1 минг гектарида маккажўхори, 96 гектарида шоли, 1,4 минг гектарида картошка, сабзавот, полиз, 4,1 мингида боғдорчилик маҳсулотлари, 12,7 минг гектарида эса беда етиштирилди¹.

Деҳқон хўжаликлари аграр тармоқнинг барқарор ривожланишида муҳим роль ўйнаганлиги, қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини оширишда ҳам бир қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажарганлиги сабабли бу хўжаликларни давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туришга ҳаракат қилди. Деҳқон хўжаликларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад улар ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқиши, ўз оиласини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш эди. Унинг натижаси ўлароқ, янги ташкил этилган деҳқон хўжаликларининг кўпчилиги биринчи навбатда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашди. Бу хўжаликларда чорва молларини кўпайтириш, унинг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш борасидаги чоратадбирлар муҳим вазифага айланган эди.

Асрлар давомида чорвачилик соҳаси минтақа халқларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Иқтисодиётнинг ўтиш даврида кўплаб тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми камайиб, одамларнинг қўшимча даромад олиш имкониятлари чекланган мураккаб йилларда ушбу соҳа қишлоқ жойларда аҳоли фаровонлиги даражасини барқарор сақлаб туришга салмоқли ҳисса қўшди.

¹ Қаранг: Туляганова С.О. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислохотлар: натижалар ва муаммолар. Тарих фан. ном. диссертацияси қўлёмаси. – Тошкент, 2012. – Б. 102; Абдуганиев А. Фермерлик самарадорлиги ва муаммолари // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», 1995. № 2–3. – Б. 48.

Чорвачилик кишлок аҳолиси учун озиқ-овқат ва даромад олишнинг муҳим манбаига айланди. Бозор иқтисодиёти механизмлари фаоллашиб, озиқ-овқатга талаб ортиб бораётган ушбу кунда мазкур соҳа самарадорлигини ва рақобатдошлигини янада ошириш вазифаси муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган кишлок хўжалиги маҳсулотларининг 46,3 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келади. Ўзбекистон кишлок хўжалигининг илдам ривожланаётган соҳаларидан бири чорвачиликда маҳсулотларнинг асосий қисми унчалик катта бўлмаган оилавий (деҳқон) хўжаликларида ишлаб чиқарилмоқда. Деҳқон хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш катта ижтимоий аҳамиятга эга. Негаки, бу кўплаб оилалар учун даромад олиш ва истеъмолнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ушбу хўжаликлар эгаллаган майдоннинг ўртача ҳажми 0,15 гектарни ташкил этади¹.

Республикада деҳқон хўжаликларининг кўпчилиги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашганлиги сабабли, ушбу хўжаликларда чорва моллари бош сонини кўпайтириш, уларнинг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Мазкур чора-тадбирлардан бири бу – кам ери бўлган хўжаликларда мўл озуқа ғамлаш имконияти эди. Масалан, 1993 йилга келиб, Қорақалпоғистонда 1179 фермер хўжалигидан 1140 таси сут, гўшт, тухум етиштириш билан шуғулланган. Навоий вилоятида эса 20 та деҳқон хўжалиги деҳқончилик қилган, қолган 475 таси чорвачиликка ихтисослашган. Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа қатор вилоятларда ҳам шундай ҳолатлар мавжуд бўлиб, бу соҳада 41 минг нафар киши меҳнат қилган².

Шу йилларда барча вилоятлардаги чорвачилик билан шуғулланаётган хўжаликларда 86 минг бошга яқин қорамол, 53,8 минг бош парранда ва бошқа турдаги жониворлар боқилди. Мазкур соҳаларда меҳнат қилувчилар сони шу даврда 31,9 минг кишини ташкил этди. 1994 йилга келиб бу хўжаликлар давлатдан 248,9 млн сўм қарз олган бўлсалар, деҳқон хўжаликлари шу давр ичида 2135 тонна

¹ Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари. – Насаф, 2010. – Б. 60.

² Усмонов С., Қаюмов Ф. Қишлоқ тараққиёт истиқболи / «Халқ сўзи», 1993 йил 2 март.

қорамол гўшти, 14,9 тонна қўй ва эчки гўшти, 2,1 тонна парранда гўшти, 13646 тонна сут, 437,6 минг дона тухум, 211 центнер жун, 20 минг тоннага яқин дон, 14,3 минг тонна сабзавот ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштириб берганлар. 1995 йилга келиб эса республикадаги деҳқон хўжаликларининг 76,7 фоизи чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашди¹.

Аграр ислохотлар жараёнида аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлариди қорамол боқиш билан шуғулланадиган кишилар сонини кўпайтиришга эътибор берилди. Натижада, қорамолларни ким ошди савдолари орқали аҳолига сотиш, уларга мақсадли ва имтиёзли кредитлар бериш, ветеринария хизмати кўрсатишнинг сифати ва ҳажмини ошириш, озуқа билан таъминлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур даврда деҳқон хўжаликлари мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим таркибий қисмига айланганлигини қўйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улуши 1994 йилда 44 фоизни ташкил қилди, 1995 йилда эса 49,3 фоизни, 1996 йилда 53,1 фоизни, 1997 йилда деярли 60 фоизни, 1998 йилда эса 60,3 фоизни ташкил этди². Деҳқон хўжаликлари мева-сабзавот, полиз, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда республикада етакчи мавқега эга ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, деҳқон хўжаликлари нафақат қишлоқ аҳолисини, балки шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирган. Масалан, йирик шаҳарлар аҳолисини гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи учун барча вилоятлардаги чорвадор фермерлар маҳсулот етиштириб беради. Масалан, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари фермерлари Тошкент шаҳри аҳолисининг гўшт маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришда асосий таъминотчи ҳисобланади. Ҳатто кашқадарёлик чорвадор хўжаликлар Тошкент вилоятида қатор чорвачилик ферма-

¹ Пўлатов Р., Комилов Ю. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш // Ўзбекистон деҳқончилиги – саноат мажмуининг илмий таъминоти. Илмий сессия материаллари. – Тошкент: «Фан», 1995. – Б. 184.

² Қосимов М. Ч. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш масалалари (Анджон вилояти мисолида). и.ф.н. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 8–10.

сини ташкил этиб, пойтахт аҳолисига сифатли гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бермоқда. Албатта, бу чорвачилик бўйича асрий анъаналарнинг давом этганлиги ва деҳқон хўжаликларининг бозор муносабатларига мослашганлигидир.

Деҳқон хўжаликлари самарали фаолият кўрсатиши натижасида қишлоқ аҳолисининг даромадлари таркибида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Деҳқон хўжаликлари қишлоқда мулкдорлар табақасининг самарали шаклларидан бири сифатида ва аҳолини иш билан банд қилиш соҳасида, уй бекаларини иш билан банд қилувчи тармоқ ҳамда шахсий меҳнатдан оладиган даромад манбаи бўлиб, деҳқон хўжаликлари қишлоқда мулкдорлар табақасини шакллантирувчи, шу орқали жамиятнинг иқтисодий манфаатларини қондирувчи манбалардан бирига айланди.

Албатта, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли хусусий хўжаликларни шакллантириш, инновацион кластер тизимини жорий этиш, томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларини давр талаблари асосида ривожлантиришга қаратилган кенг ислохотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш каби вазифаларни ҳал этишга йўл очади.

МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

*А.А. Ерметов, ЎзМУ доценти,
тарих фанлари номзоди*

У. Маматкаримов, ЎзМУ магистранти

XX аср 80-йиллари охирларига келиб совет давлатининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларини қамраб олган инқирозий ҳолатлар яққол намоён бўла бошлади. Инқирозий жараёнларнинг асосини мавжуд сиёсий тузум иқтисодий муносабатларининг деформацияси, ишлаб чиқаришни ташкил этишда маъмурий-буйруқбозлик усуллари, меҳнатни ташкил этишда манфаатдорлик омилларига эътибор берилмаганлиги, кишиларнинг манфаати ва

индивидуал истеъдоди ҳисобга олинмаслиги, бунинг натижасида кишиларда мулкка, меҳнат қуроллари ва маҳсулотга бепарқликнинг ўсиб бориши ташкил этди.

Узоқ йиллар давомида халқ хўжалигини марказлашган режа асосида бошқариб келган совет давлати халқ хўжалигида йирик-лашув ва бир соҳага ихтисослашув мамлакатда ягона халқ хўжалиги ва марказнинг мавқеини кучайтирди. Мамлакатда амалдаги иқтисодий монополизм мустақамланди ва бу ҳолатлар совет тузумининг емирилишига олиб келди. Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ривожланишнинг асосий қонуниятларига аҳамият бермасдан олиб борилган сиёсат натижасида ижтимоий муносабатларда салбий ҳолатлар кучайиб борди. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан анча тараққий этган республикалардан бири сифатида хўжаликнинг илғор тармоқлари бўйича ўзига хос имконият ва шароитларга эга бўлса-да, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмади. Ишлаб чиқариш кучлари имкониятига қарамасдан жойлаштирилди, уларни ривожлантиришдаги номутаносиблик, нуқсонлар халқ хўжалигининг худудий тузилишидаги катта қийинчиликларга олиб келди.

Собиқ Иттифокнинг парчаланиб кетиши ва коммунистик тузумнинг қулаши натижасида Ўзбекистон олдида бир қатор муҳим вазифаларни қўйди. Бунинг учун эса азалдан инсоният цивилизацияси узоқ тарих давомида тўпланган тажрибага таянган ҳолда, Ўзбекистон ўзини тўла оқлаган тараққиёт йўлига, яъни афзалликларини намоён қилган бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга қайтиши лозим эди. Аммо ушбу вазифани рўёбга чиқариш учун аввало эски тузум сарқитлари ва улар таъсирида юзага келган муаммолардан халос бўлиш зарур эди.

Совет даврида иқтисодиёт соҳасида олиб борилган сиёсат кўп жиҳатлари билан Самарқанд вилоятидаги иқтисодий жараёнларда ҳам ўз аксини топди. Айниқса, 80-йилларнинг охирига келиб, халқ хўжалигида юз берган инқироз аломатлари кўзга ташлана бошлади. Янгича ёндашув ва янгича фикрлаш гоёси асосида олиб борилган қайта қуриш сиёсатиға жамиятнинг тайёр эмаслиги, шунингдек, ижрочилик кайфиятиға мослашган раҳбарларнинг хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи молиялаштириш шароитида иш юрита олмаслиги оқибатида халқ хўжалигининг деярли барча соҳалари издан чиқа бошлади.

Самарқанд вилоятида 80-йилларнинг охирларига келиб, пахта, узум, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш режалари йил сайин барбод бўлиб келди. Капитал қурилишда асосий фондларни, яъни уй-жой, мактабгача тарбия ва маданият масканлари, ҳунар-техника билим юртлари объектларини қуриб ишга тушириш режаларини бажармаслик, улар етарли даражада молиялаштирилишига қарамай, анъанавий тус ола бошлади¹. Инқироз шароитида ҳудудда асосий ишлаб чиқариш тармоқлари сустлашди, халқ хўжалигида эскирган технологиялар салмоғи муттасил кўпайди. Шу билан бирга, вилоятда ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин тушиб кетди. Иқтисодий ўсиш аввал сустлашди, кейин батамом тўхтади. Буни олдини олиш мақсадида 1989 йил ўрталарида ҳудудда мавжуд 101 саноат корхонасининг 94 таси хўжалик ҳисобига ўтказилди. Шунга қарамасдан марказий бошқарув, нарх-навонинг кескин тушиши, аҳоли ҳарид қувватининг пасая бошлаши, мавжуд ресурслардан етарли даражада фойдаланмаслик ҳудуд иқтисодиётини боши берк кўчага олиб кирди. Ҳудуд иқтисодиётидаги инқирозий ҳолатни қуйидаги мисоллар кўрсатиб турибди: 1988 йилда ҳудуднинг 101 корхонасидан 31 тасида ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан 6 млн сўмга қисқартириб юборди. 1989 йил 8 ойи давомида 27 корхона маҳсулот этказиб бериш тўхтаб қолди². 1991 йил бошларидагача бу инқирозий ҳолат давом этди. 1991 йил бошларида мавжуд 126 корхонанинг 41 тасида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилдагига нисбатан 51 млн сўм бажарилмади. 47 саноат корхонасида самарадорлик камайиб кетди, натижада вилоят саноат корхоналари 54,5 млн сўм кам маҳсулот ишлаб чиқарди³. Умуман олганда, 1889–1990-йилларда ҳудудда 79 саноат корхонаси инқироз ҳолатига кириб қолди ва режадаги 92,5 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмади.

Инқироз шароитида мамлакат миқёсида асосий эътибор тобора камайиб бораётган тақчил халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга қаратилди. Режали иқтисодиёт шароитида ялпи ёндашувнинг ҳукм суриши, яъни режанинг қандай бўлмасин бажа-

¹ Самарқанд вилояти Давлат архиви (бундан кейин Самарқанд ВДА). 74-фонд, 1-рўйхат, 14342-иш, 96–97-варақлар.

² Самарқанд ВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14344-иш, 42-варақ.

³ СВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14350-иш, 834-варақ.

рилишини талаб қилиш оқибатида тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати эмас, балки сони муҳим бўлиб қолди. Натижада вилоят корхоналарида совет даврида анъанага айланиб қолган сифати паст маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этиб келди. Масалан, Самарқанд вилоятининг биргина чарм-кўн ишлаб чиқариш бирлашмасида 1989 йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқарилган 486,9 минг сўмлик маҳсулот ҳамкор корхоналардан қайтариб юборилган, шунингдек, навининг пасайтирилиши туфайли 120 минг сўмлик зарар кўрган¹. Бундай ҳолатни вилоятнинг бошқа корхона ва ташкилотлари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Чунончи, Самарқанд вилояти ишлаб чиқариш салоҳияти жиҳатидан республикада Тошкент шаҳри ва вилоятдан кейинги учинчи ўринда бўлишига ҳамда хилма-хил саноат корхоналарига эга бўлишига қарамай, юксак технологик жараённи талаб қилмайдиган эшик кулфи, пичоқ, болға, омбур, қирғич каби оддий рўзгор буюмларини ҳам четдан келтирилгани², аянчли ҳолдир. Вилоят иқтисодиётининг салмоқли қисмини ташкил қилувчи қишлоқ хўжалиги, аниқроғи пахтачилик соҳасида Марказнинг мустамлакачилик сиёсати, айниқса, мамлакат халқ хўжалигида юз берган инқироз шароитида яққол кўзга ташланди. Ушбу сиёсатнинг негизида фақат Марказ манфаати ҳисобга олинди, чекка ўлкалар, жумладан, Самарқанд вилоятининг манфаатлари инкор этиб келинди. Масалан, 1 тонна пахта хом ашёсидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот 16–18 минг сўмга тўғри келиб, уни давлат 4–5 баравар арзонга сотиб оларди³. Бунинг натижасида оборот солиғидан ҳам вилоят бюджети 270 млн сўм маблағдан маҳрум бўлган. Худди шундай аҳвол тамаки, пилла, қорақўл териси ва жун маҳсулотлари тайёрлаш соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Айни вақтда, вилоят корхоналарининг мамлакат саноат комплексида номутаносиб тақсимланиши, яъни корхоналарнинг иттифоқ, иттифоқ-республика ва республика вазирликлари ҳамда идораларига бўйсунуш принципи асосида фаолият кўрсатиши боис улар вилоят аҳолисининг халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олмасдан, ҳатто қўшимча равишда ишлаб чиқарилган

¹ СВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14344-иш, 42-варак.

² СВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14344иш, 42-варак.

³ «Ленин йўли», 1988 йил 5 январь.

маҳсулотни ҳам бошқа жойларга жўнатиб келганлар. Лекин шу даврнинг ўзида Белоруссияда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларининг камида 60–70 %, маҳсулотнинг эса барчаси маҳаллий ҳокимият ихтиёрида қолдирилар эди.

Ваҳоланки, биргина тўқимачилик-атторлик буюмлари фабрикаси 1989 йилнинг дастлабки 8 ойида 420 минг сўмлик маҳсулотни четга чиқариб, фақат 276 минг сўмлик маҳсулотни вилоятда қолдирган. Умуман, 1989 йилда корхоналар режадан ташқари ишлаб чиқарган халқ истеъмоли молларининг 65 %дан ортиғини Самарқанд вилоятидан ташқарига жўнатишга мажбур бўлдилар¹. Ҳолбуки, тегишли қонунларга кўра, унинг асосий қисми маҳаллий ҳокимият ихтиёрида қолдирилиши керак эди. Дарҳақиқат, имкониятлари кенгрок, техникавий жиҳатдан нисбатан яхши қуролланган бўлишига қарамай Иттифок идораларига бўйсунувчи корхоналар вилоят саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг 26 %ини етказиб бергани ҳолда, вилоятда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларининг атиги 11 %ни берар эди. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Самарқанд вилояти халқ хўжалиги кўп йиллар давомида бир томонлама ривожланиб, асосан хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар етиштириш, тайёрлашга ихтисослашган. Масалан, 1990 йилга келиб вилоят экспортининг 91 % хом ашё ҳиссасига тўғри келган, айтиш вақтнинг ўзида вилоят саноатининг экспорт имкониятлари 7 %дан ошмади.

Республикада бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам йилдан-йилга муомаладаги қоғоз пул кўпайиб борди. Агар 1988 йилнинг бошидан 1989 йилнинг дастлабки саккиз ойи даври мобайнида 139 млн сўм кўшимча муомалага чиқарилган бўлса, 1990 йилнинг дастлабки тўққиз ойи мобайнида қоғоз пул эмиссияси 135 млн сўмни ташкил этди². Бу ҳол халқ истеъмоли моллари нархининг жуда тез ошиб кетиши, яъни инфляциянинг ўсиши ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишига олиб келди. Умуман олганда, мустақиллик арафасида бутун мамлакатда бўлгани каби, Самарқанд вилояти халқ хўжалигида ҳам вазият ниҳоятда мураккаб бўлиб, инқироз авж олгани, бунинг устига меҳнат интизоми сусайгани, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайгани оқибатида

¹ СВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14344-иш, 43-варак

² Самарқанд ВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14344-иш, 23-варак. Ўша жойда. 14350-иш, 730-варак.

савдо расталарида буюмлар хили камайиб кетди. 1990 йил охирларига келиб, республикада бир килограмм гўшти етиштириш ва сотишга амалда 9 сўмга яқин харажат қилингани ҳолда унинг ўртача нархи давлат савдосида салкам 2 сўмга тенг бўлган. Бир килограмм ноннинг тайёрланиши 47 тийинга тушса-да, савдода у 23 тийиндан сотилган¹. Шунингдек, 1 литр сут тайёрлаш 59 тийин тургани ҳолда, савдода унинг нархи 24 тийин бўлган. Мол ёгининг 1 килограмми давлатга 16 сўм 47 тийинга тушгани ҳолда, амалда 3 сўм 43 тийиндан сотилган. Хўжалик совунини тайёрлаш харажати 16 тийиндан 47 тийинга кўтарилди, амалдаги чакана нархи эса 19 тийин бўлган. Умуман, халқ истеъмоли молларнинг деярли барча турлари бўйича аҳвол шундай бўлган. Агар Ўзбекистонда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида йиллар давомида шаклланган демографик жараёнлар ҳисобга олинадиган бўлса, мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий вазият қанчалик мураккаблашгани янада ойдинлашади. 1991 йил бошига келиб, вилоят аҳолисининг сони 2386,2 минг кишига, шу жумладан қишлоқ аҳолиси 1664,5 минг кишига етди (қишлоқ аҳолисининг салмоғи деярли 70 %ни ташкил қилган). Бир йил мобайнида аҳолининг умумий сони 49,5 минг кишига (2 %га) ўсди, шундан 2,5 минг киши шаҳар, 46,9 минг киши қишлоқ ҳиссасига тўғри келган.

Вилоят иқтисодиётининг салмоқли қисмини ташкил қилувчи қишлоқ хўжалиги, аниқроғи пахтачилик соҳасида Марказнинг мустамлакачилик сиёсати, айниқса, мамлакат халқ хўжалигида юз берган инқироз шароитида яққол кўзга ташланди. Ушбу сиёсатнинг негизида фақат Марказ манфаати ҳисобга олиниб, чекка ўлкалар, жумладан, Самарқанд вилоятининг манфаатлари инкор этиб келинди. Масалан, 1 тонна пахта хом ашёсидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот 16–18 минг сўмга тўғри келиб, уни давлат 4–5 баравар арзонга сотиб оларди. Бунинг натижасида оборот солиғидан ҳам вилоят бюджети 270 млн сўм маблағдан маҳрум бўлган. Худди шундай аҳвол тамаки, пилла, қорақўл териси ва жун маҳсулотлари тайёрлаш соҳасига ҳам тааллуқлидир². Худудда гўшт, картошка, узум, мева, пахта каби маҳсулотларни етиштириш ва тайёрлаш режаларнинг бажарилмай қолиши анъанага айланиб

¹ «Ленин йўли», 1990 йил 1 декабрь.

² СВДА. 74-фонд, 1-руйхат, 14349-иш, 76-варак

борди. Бунинг биринчи сабаби деҳқончилик маданиятининг пастлиги, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш воситаларига етарли эътибор берилмаганлиги, суғориш тармоқларининг тартибга солилмаганлигида бўлса, иккинчиси кўп раҳбарлар ва мутахассислар янги шароитларда ва янгича ишлашнинг уддасидан чиқа олмаётганида эди. Бундан ташқари, вилоятнинг чорвачилик соҳасида ҳам кўплаб нуқсонлар ўзини ошкор этиб, мустақиллик арафасида унинг аянчли ҳолатга тушиб қолганидан далолат берарди. Шароитнинг йўқлиги, меҳнат интизомининг пасайиб кетганлиги, умуман самарали иқтисодий воситалардан фойдаланилмаганлиги гўшт тайёрлаш режасининг йилдан-йилга бажарилмай келишига, қорамоллар сонининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Масалан, 1986–1988-йиллар мобайнида вилоятда қорамоллар сонининг кескин камайиши кузатилган. 1989 йил бошига келиб уларнинг сони ўтган йилга нисбатан 7,7 мингга камайган. Бунинг сабаби сифатида чорва моллари фермаларининг аянчли ҳолатга келиб қолганлиги, уларга қараш маданиятининг пастлиги натижасида қорамолларда сил касаллиги оммавий тарзда тарқалиб, уларнинг катта қисми нобуд бўлганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин¹. Агар Ўзбекистонда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида йиллар давомида шаклланган демографик жараёнлар ҳисобга олинадиган бўлса, мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий вазият қанчалик мураккаблашгани янада ойдинлашади. 1991 йил бошига келиб, вилоят аҳолисининг сони 2386,2 минг кишига, шу жумладан, қишлоқ аҳолиси 1664,5 минг кишига етди (қишлоқ аҳолисининг салмоғи деярли 70 %ни ташкил қилган). Бир йил мобайнида аҳолининг умумий сони 49,5 минг кишига (2 %га) ўсди, шундан 2,5 минг киши шаҳар, 46,9 минг киши қишлоқ ҳиссасига тўғри келган.

Вилоят аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисми салмоқли бўлиб, аҳолининг 47 % ни 16 ёшгача бўлган болалар ташкил қилган. Шунингдек, 250 мингга яқин пенсионер ва ногиронлар, 35 мингдан зиёд кўп фарзандли оналар ва 125 мингдан ортиқ олий, ўрта махсус, ҳунар-техника билим юртлари талабалари шулар жумласидандир². Демак, вилоятда кўп йиллар давомида

¹ СВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14342-иш, 97-варак.

² Юлдашев Х. Қишлоқ аҳолисининг социал-иқтисодий ҳимояси. Иқт.фан.док. дисс.автореф. – Тошкент, 1995.

шаклланиб келган демографик вазият ҳисобга олинмасдан, шунга монанд моддий ва молиявий маблағлар тўғри тақсимланмасдан келган. Натижада, айниқса қишлоқ жойларида ҳар бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар сони йил сайин ортиб бораверган. Масалан, 90-йиллар арафасида Самарқанд вилоятида ҳар бир ишловчининг қарамоғида 5-6 киши, қишлоқ жойларида 7-8 киши мавжудлиги қайд этилган, ваҳоланки, Иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 1,5 нафарни ташкил қилган.

Демографик омил таъсирида зиддиятли қайта қуриш сиёсати даврига келиб аҳолининг турмуш даражаси сезиларли суръатларда пасая бошлади. Масалан, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи Ўзбекистонда, умумиттифоқ кўрсаткичини инобатга олганда, 1975 йилдаги 93,7 %дан 1987 йилда 81,3 %га тушиб қолди, аҳоли жон бошига истеъмол фонди ҳажми тегишли равишда 66 %дан 58 %гача камайди¹. Шунингдек, 1988 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ўртача ялпи ойлик даромадлари 75 сўмгача бўлганлар аҳолининг 44,7 % ни ташкил қилди. Иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 12,6 % эди. Самарқанд вилоятида эса бу кўрсаткич уч баробар кам эди². Умуман олганда эса, Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1988 йил XII сессиясида Ўзбекистонда 8 миллион киши қашшоқ кун кечираётгани таъкидлаб ўтилган, уларнинг 10 % Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келган³. Юқорида таъкидланганидек, мустақиллик арафасида аҳолини энг зарур истеъмол моллари билан таъминлаш ҳам муаммога айланиб борди. Шунингдек, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркиб топган тузилиши, яъни вилоятнинг аҳолини асосан четдан келтириладиган истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш хусусияти, ушбу муаммонинг янада зиддиятли тус олишига сабаб бўлди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу борада қанча ҳаракат қилинмасин, яъни саноат корхоналарининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режалари йилдан-йилга ўсишига ҳамда агросаноат комплексига исрофгарчиликларни олдини олиш борасида олиб борилган тадбирлар ва шу қабиларга қарамай аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб, шунга мос ҳолда

¹ Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70–80-йиллар мисолида). – Тошкент: «Шарк», 1999. –160 б.

² Самарқанд ВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14350-иш, 832-варақ.

³ «Ленин йўли», 1988 йил 12 август.

аҳоли жон бошига муҳим товарларни ишлаб чиқариш, айниқса озиқ-овқат истеъмол қилиш ҳажми қисқара бошлади. Натижада 80-йиллар охирларига келиб дўконларнинг пештахталари бўшаб қолди.

Вилоят бўйича олиб борилган текширувлар натижасида савдо ташкилотларида сунъий равишда тақчиллик келтириб чиқариш, савдо қоидаларини кўпол равишда бузиш, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, камомад ва ўғрилиқ каби ҳолатлар кўпайиб борганлиги аниқланган. Текширилган ҳар икки дўконнинг бирида аҳоли учун энг зарур маҳсулотлар учрамаган.¹ Айниқса, қанд-шакар, ун, хўжалик совуни, ўсимлик мойи ҳатто туз каби маҳсулотларнинг Иштихон, Жомбой, Пахтачи, Нарпай туманлари савдо тармоқларида етишмаганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолатни яхшилаш мақсадида жорий этилган карточкалар тизими ҳам ўзини оқламади. Боз устига савдо ташкилотлари фаолиятида харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, айрим товарларни яшириб сотиш ҳоллари кўпая борди. Дўконларда аҳолини карточкадаги товарлар билан таъминлаш учун ассортиментдаги товарлар етарли эмаслиги аҳоли ўртасида норозиликларнинг авж олишига сабаб бўлди. Шундай норозиликларнинг бири 1991 йилнинг 29–30 апрель кунлари вилоятнинг Жума шаҳрида бўлиб ўтиб, унда норозиликлар тартибсизликларга айлангани ва нохуш вазият юзага келганлиги қайд этилди. Бинобарин, аҳоли маиший турмуш даражасининг пастлиги, айниқса, қишлоқ жойларда яшаш учун оддий шароитларнинг етарли даражада яратилмаганлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Биргина маиший хизмат сифати ва савияси даражаси жиҳатидан вилоят кўрсаткичи умумиттифоқ кўрсаткичидан 5 баравар кам бўлган. Бежирим костюм ёки кўйлак тиктириш у ёқда турсин, кишиларнинг соч-соқолини олдириш, пойабзалини таъмирлаш, ҳатто ҳаммомда ювиниш имкониятлари камайганлигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, 1989 йилда вилоят бўйича хонадонларнинг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 60 %ни, қишлоқ жойларида атиги 36 %ни ташкил қилган. Вилоят аҳолисининг табиий газ билан таъминланиш даражаси 31,6 %ни, жумладан, қишлоқ жойларда 22,2 %ни ташкил этди². Вилоятнинг Конимех ва Советобод (ҳозирги Нуробод тумани) туманларида

¹ Самарқанд ВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14350-иш, 760-варак.

² Самарқанд ВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14342-иш, 100-варак.

газлаштириш даражаси янада аянчли ҳолатда бўлиб, 16 %ни ташкил қилган, холос. Агар табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланиш даражасини республикада эришилган ўртача кўрсаткичлар билан таққосласак, ушбу рақамлар янада пастлиги аниқланади.

Вилоятда қишлоқ жойларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасининг пастлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги нохуш эпидемиологик вазиятни юзага келтирди. Масалан, 1989 йилнинг август–сентябрь ойларида Хатирчи, Пахтачи ва Каттақўрғон туманларида терлатма дардига чалинган 317та бемор рўйхатга олинган эди¹.

Соғлиқни сақлаш соҳасида тўпланиб келган хато ва камчиликлар ҳам кескинлашиб кетган эди. Вилоят бўйича туғруқхоналарнинг фақатгина 23,3 % талаб даражасидаги биноларга жойлаштирилган бўлиб, қолганларида тиғиз ҳолат юзага келган, санитария тартиби қўпол равишда бузилган².

Буларнинг оқибатида, вилоят болалар ўлими кўрсаткичи бўйича республикада юқори ўринлардан бирини эгаллаган. Айниқса, Советобод, Нурота ва Каттақўрғон туманларида болалар ўлими даражаси юқори бўлганлиги қайд этилган³. Шунингдек, нафақат тугруқхона, балки соғлиқни сақлаш тизимига оид деярли барча шифохоналарда объектив ва субъектив муаммоларнинг мавжудлиги, айниқса қишлоқ жойларида дастлабки кўрикдан ўтказувчи амбулатория-поликлиника тизимининг суствлиги вилоятда тиббий хизмат сифатига салбий таъсир қилди. Бу даврдаги энг муҳим ижтимоий муаммо сифатида ишсизликни алоҳида қайд этиш мумкин. 80-йиллар ўрталаридан меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланилмаётгани қайд этилди. Боз устига республикада, жумладан, Самарқанд вилоятида кечган демографик жараёнлар ҳисобга олинмаганлиги ва моддий ресурслар шунга мос равишда тақсимламаганлиги ишсизлик даражасининг кескин тус олишига сабаб бўлди.

Иқтисодиётдаги инқироз аломатлари таъсирида вужудга келган ишсизлик муаммоси, аҳоли яшаш даражасининг кескин пасайиб кетиши, етишмовчиликлар, ўз навбатида, жиноятчиликнинг ўсишига

¹ Юлдашев Х. Қишлоқ аҳолисининг социал-иқтисодий ҳимояси. Иқт.фан.док. дисс. автореф. – Тошкент, 1995.

² Самарқанд ВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14344-иш, 61-варак.

³ «Ленин йўли», 1990 йил 4 август.

олиб келди. Масалан, 1989 йилнинг дастлабки саккиз ойи мобайнида вилоятда жиноятчилик 18 %га ўсганлиги кузатилган. Жумладан, оғир жиноятлар бу даврда 74 %га ортган¹. Умуман, истиқлол арафасида жиноятчилик соҳасида шунга ўхшаш вазиятни нафақат Самарқанд вилояти, балки республика ва мамлакат миқёсида кузатиш мумкин

Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети бу муаммони ҳал қилиш учун 1989 йил 20 ноябрда Меҳнат ресурсларини ҳисобга олиш, уларни тўлиқ меҳнатга жалб қилишга доир республика Бандлик ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ҳақида қарор² қабул қилди. Шунга асосан ҳудудда мураккаб ижтимоий вазият секинлик билан ҳал этила бошланди. Масалан, 1990 йилда Самарқанд вилоятида расмий рўйхатга олинган 80 минг нафар ишсиз мавжудлиги қайд этилган. Айниқса, ишсизлик даражаси Қўшработ туманида ўта юқори бўлиб, меҳнатга лаёқатли 7 минг аҳолининг 24 % иш билан таъминланмаган эди³. Айни вақтда, вилоят корхоналарида 4 мингга яқин бўш иш ўринлари мавжуд эди.

Шундай қилиб, собиқ Иттифоқнинг охириги йилларида Ўзбекистонда, жумладан, Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида йиллар давомида тўпланиб келган ва ечимини топмаган муаммолар аввал ўзини ошқор этди, улар таъсирида инқироз аломатлари кучайиб, аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайишига олиб келди. Ўзбекистоннинг СССР иқтисодидаги мавқеи ҳам тушиб кетди. Агар 60-йиллар бошида Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичлари бўйича СССРда 9-ўринда турган бўлса, 1991 йилга келиб 15 та республика орасида 12-ўринга тушиб қолди. Иқтисодий ва ишлаб чиқариш имконияти жиҳатидан, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида (РСФСР ва Украинадан кейинги) учинчи ўринда бўлса-да, аҳолисининг турмуш даражаси бўйича 14-ўринда эди.⁴

Хулоса сифатида, Мустақиллик арафасида Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий вазият Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари сингари инқирозий ҳолат, саноат корхоналарининг самара-

¹ Самарқанд ВДА. 74-фонд, 1-рўйхат, 14344-иш, 65-варақ.

² Совет Ўзбекистони, 1989 йил 21 ноябрь.

³ Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси ҳисоботларидан

⁴ Каримов И. Ўзбекистон мустақиллик эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. 31-бет.

дорлиги, ишлаб чиқаришнинг сустлашиб, деярли тутаб қолиши, халқ хўжалигида турғунлик, халқ истеъмол молларининг асосий қисми четдан келтирилиши, пул эмиссиясида инфляция ҳолати, ҳудуд иқтисодий ҳаётида тушкунлик ҳолати билан ифодаланади. Ҳудудда мустақиллик арафасида ижтимоий ҳаётнинг оғирлашуви, демографик жараёнларнинг ижтимоий ҳаётга кўрсатган таъсири, ишсизлик, боқимандаликнинг кучайиб кетиши, қишлоқ аҳолисининг кескин камбағаллашуви, ижтимоий муҳтож қатламларга эътиборнинг кескин тушиб кетиши, ҳудудда болалар ва аёллар ўлими, аҳолининг саломатлик даражаси ва уларга эътиборнинг кескин қисқариши, бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, қимматчилик аҳоли харид қувватининг тушириб юбориши, жиноятчилик, ўғрилиқнинг кўпайиши ҳудуд ижтимоий ҳолатининг характерли жиҳатлари ҳисобланади.

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР

С.И. Дониёв,

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

1985 йил КПСС МКнинг Апрель пленумида совет жамиятини қайта қуриш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш масаласи қўйилди. Қабул қилинган қарорда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, ошкоралик, иқтисодий ўсишни фан-техника ютуқларига таяниб жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди¹.

Бироқ узоқ йиллар ҳукмронлик қилган давлат монополияси, идоралари, бюрократик аппарат кўзда тутилган режаларни амалга оширишга йўл қўймади. Қайта қуриш сиёсатини амалга оширишга қанчалик ҳаракат қилинмасин қутилган натижаларга эришилмади. Ҳар бир ўтган кун совет тузуми ҳалокатидан далолат бера бошлади.

1986 йилда Қашқадарёнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи 1985 йилдагига нисбатан ҳам оғир бўлди. «Пахта иши», «ўзбеклар иши» жараёни янада кучайиб раҳбар ходимларни қамокқа олиш, партия сафидан чиқариш кўпайди. Бу ҳолат эса 1986 йилдаги режаларни

¹ Горбачёв М.С. Избранные речи и статьи. Т. 2. – М.: «Политиздат», 1987. – С. 152.

бажаришга салбий таъсир этди. 1986 йилнинг маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини Қашқадарё вилоятидаги 75 та саноат корхонасидан 22 таси бажармади.

Қарши қурилиш бошқармасида ишдан қолишлар, иш вақтини йўқотиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Кадрлар қўнимсизлиги 28 фоизни ташкил этди. Қатор туманларда режалаштирилган қурилишлар ўз вақтида бажарилмади. Бу ишда Китоб, Қамаш, Ғузор туманларининг иши айниқса қониқарсиз бўлди.

Қашқадарёдаги 184 та колхоз ва совхоздан 108 таси хўжалик йилини зарар билан яқунлади, шунинг учун вилоят давлатга пахта, мева, полиз экинлари, гўшт, тухум, сут ва бошқа маҳсулотлар сотиш режаларини бажармади. Вилоятнинг Чирокчи туманида эса 1986 йилда давлатга пахта топшириш режаси 35,9 фоизга бажарилди¹. 1986 йилда Усмон Юсупов райони хўжалик раҳбарлари ҳали ишлатса бўладиган техникани ремонт қилиш ўрнига улардан 12 та пахта териш машинасини ҳисобдан чиқардилар. Бунинг ўрнига 15 та янги пахта териш машинасини харид қилдилар². Хўжасизлик туфайли қишлоқ хўжалик техникасини янги бўлишига қарамасдан қисмларга бўлиб ташлаш ҳолатлари такрорланди.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комплекси коллегиясининг 1986 йил 15 мартдаги мажлисида Баҳористон туманидаги С. Муродов номли совхозда 98 та пахта териш машинасининг ҳаммасида кўпгина қисмлар йўқлиги таъкидланди. Бу ерда 1983–1984-йилларда ишлаб чиқарилган 40 та ХНИ-1,8 ва 14 ХБ-2,4 пахта териш машиналари заводдан келтирилганидан буён йиғилмай турганлиги маълум бўлди. Умуман, биргина шу совхозда техникага хўжасизларча муносабатда бўлиш 59 минг сўмдан кўпроқ зарар келтирди³.

1986 йилда Қашқадарё вилоятининг Уल्याнов районидаги қатор колхоз ва совхозларни техника билан таъминлаш соҳасидаги камчиликларни бартараф этишга киришилди. Жумладан, шу тумандаги «Партия XX съезди» совхозида ҳар бир техника воситаси хўжалик ҳисобига ўтказилиб, механизаторга ижарага берилди. Айни вақтда совхозда ремонт устахонасининг моддий базасини мустаҳкамлашга

¹ «Кашқадарьинская правда», 1987 год 14 апреля.

² «Кашқадарьинская правда», 1987 год 4 января.

³ Носиров Р. Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш масалалари. – Т., 1988. – Б. 15.

харакат қилинди¹. Натижада 1986 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1985 йилга нисбатан 171,2 млн сўмга кўпайиб, 1223,2 млн сўмни ташкил этди. Бироқ 1986 йилда жами 789,7 млн сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу 1985 йилга нисбатан 149,2 млн сўмга камайди.

Қашқадарёда давлатга пахта, сабзавот, полиз экинлари ва мевалар топшириш 1985 йилга нисбатан камайиб кетди. 1985 йилда 434,4 минг тонна пахта топширилган бўлса, 1986 йилда 354,6 минг тонна пахта топширилди. 1986 йилда 450,8 млн сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди².

1986 йилда Қашқадарёда мавжуд 143 хўжаликнинг 136 таси, пахтачилик бригадаларининг қарийб 82 фоизи қоқоқлик ва қарздорлик ботқоғига ботиб, вилоят бўйича ҳар гектаридан ҳосилдорлик атиги 14 центнерни ташкил этган³. Ўтган уч йил мобайнида режага нисбатан давлатга 700 минг тонна пахта кам топширилган. 50 минг гектар ерни қамиш босган, 60 минг гектар ер кучли даражада шўрланган.

1984–1986-йиллар мобайнида вилоятдаги раҳбар кадрларнинг қарийб 900 нафари алмаштирилган⁴. Туман ва шаҳар партия кўмиталарининг қатор котиблари, ижроқўм раислари, хўжалик раҳбарлари, шунингдек, яқиндагина ишга тавсия этилган, эндигина иш бошлаган кўпдан кўп масъул шахслар вазифасидан олиб ташланган. Аммо бу ўзгаришлар мавжуд аҳволнинг ўнгланишига таъсир кўрсатмаган. Ишлар орқага кетган, йиллар давомида ечилмай келаётган ижтимоий муаммолар туфайли аҳоли ўртасида норозилик кундан кунга авж олган. Лавозимидан олинган раҳбар ва мутахассисларнинг барчаси ҳам ишда йўл қўйилган хато ва камчиликлари учун жазога тортилган деб бўлмасди⁵.

1986 йил январида Чироқчи туман аҳолисига жами 1110 ўринли 10 та касалхона, шундан 395 ўринли 5 та қишлоқ участка касалхонаси, 11 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 18 хил мутахассис-

¹ Носиров Р. Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш масалалари. – Тошкент, 1988. – Б. 16.

² «Қашқадарьинская правда», 3 февраля 1987 года.

³ «Қашқадарё ҳақиқати», 1987 йил 3 февраль.

⁴ Равшанов П. Қашқадарё истиқлол арафасида. – Тошкент: «Маънавият», 2003. – Б. 14.

⁵ ҚВДАнинг Шаҳрисабз филиали. 316-жамғарма, 1-рўйхат, 291-иш, 51-варак.

ликда хизмат кўрсатадиган марказий туман поликлиникаси, стоматология поликлиникаси, тери-таносил касалликлари диспансери, 14 та клиник лаборатория, 80 та фельдшер-акушерлик пунктлари хизмат қилган¹. 1986 йил Қашқадарёда қарийб 700 та қишлоқ нормал ичимлик суви билан таъминланмаган. 150 та қишлоқда табиий газ йўқ эди. Қашқадарёнинг 28 та қишлоқларида магазинлар бўлмаган. 327 та қишлоқда маиший хизмат корхоналари қурилмаган. Айниқса, Деҳқонобод, Қамаш, Яккабоғ ва бошқа туманларда ижтимоий соҳага қишлоқда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш соҳасидаги фаолиятлари талабга мутлақо жавоб бермаган².

1986 йилда Ғузор туманида ичимлик суви муаммоси пишиб етилган. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш ҳам қониқарсиз аҳволда бўлган. Биргина Ғузор шаҳар аҳолисининг 45–50 фоизи ичимлик суви билан таъминланган³.

Қашқадарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий аҳвол оғирлашиб, раҳбариятдан норозилиги ортиб, «пахта иши», «ўзбеклар иши» натижасида кўп оилалар бошига оғирликлар тушган бир пайтда Ўзбекистон Марказий Қўмитаси Қашқадарё вилоят қўмитасининг биринчи котиби Нормўмин Туроповни вазифасидан озод қилди ва унинг ўрнига И.А.Каримовни қўйишга қарор қилди⁴.

Ўзбекистон КП Қашқадарё вилоят қўмитасининг 1986 йил 26 декабрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленумида Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари Давлат План комитетининг раиси вазифасида ишлаб келаётган Ислом Абдуганиевич Каримов биринчи котиб этиб сайланди.

И.А.Каримов ўз атрофига Қашқадарёнинг оқсоқолларини, партия, совет раҳбарларини тўплаб, барча имкониятларни ўрганиб чиқиб, вилоятда намоён бўлган муҳитни ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни яхшилашга киришди. Туман ва қишлоқларга бориб аҳоли билан учрашди.

Қашқадарё вилоятида 1987–88-йилларда аҳолини ичимлик

¹ ҚВДАнинг Шаҳрисабз филиали. 316-жамғарма, 1-рўйхат, 291-иш, 51-варақ.

² «Кашқадарьинская правда», 10 декабрь 1987 года.

³ ҚВДАнинг Ғузор филиали. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 872-иш, 90-варақ.

⁴ Равшанов П. Қашқадарё истиқлол арафасида. – Тошкент: «Маънавият». 2003. – Б. 13.

суви билан таъминлаш мақсадида 35 млн сўм пул сарфланди. Шу даврда Қашқадарёда 250 км йўл қурилди. 15 минг квартира табиий газ билан таъминланди. Янгидан эса 5 та саломатлик пунктлари ташкил этилди¹. 1987 йилда Шаҳрисабз туманидаги 18 та хўжалик Марказий посёлкалардан 16 тасида бош режа асосида турар жой қуриш кўзда тутилган эди. Шаҳрисабз туманидаги 134 та аҳоли пунктдан 100 дан ортиғида замонавий қишлоқ қуриш бўйича умуман бош режа ҳали тузилмаган эди. Шаҳрисабз туманида хутор² системасини тугатиш, кўримсиз қишлоқлар ўрнига янги посёлкалар барпо этиш ишларига раҳбарият томонидан ҳали етарли эътибор берилмади.

1987–88-йилларда Қашқадарё қишлоқлари ҳаётида ижтимоий-иқтисодий соҳада силжишлар кўзга ташлансада, маҳсулот ишлаб чиқаришда қолоқлик таъсири кучли эди. Давлатга 374 минг тонна пахта, 58 минг тонна галла, 25 минг тонна гўшт, 12 минг тонна сут кам топширилди. Қишлоқ хўжалигида сарфланган 1 сўмга 75 тийин фойда олинди.

Ўша йилларда Қашқадарёда ижтимоий соҳага капитал маблағ сарфлаш 10 фоизга, ташкилотлар ва корхоналар ҳисобидан эса маблағ 15 фоизга ўсган холос. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20 фоизга кўпайди.

Аҳолига гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15 фоизга, сабзаёт етиштириш 30 фоизга, полиз маҳсулотлари 38 фоизга, картошка етиштириш 2 фоизга кўпайтирилди. 1987–1988-йилларда Косон туманида хўжаликлар ҳисобидан 3 та мактаб, 57 та синф хонаси, 4 та медпункт, 3 та ҳаммом, 5 та магазин, 37 та дўкон, 27 та маиший хизмат корхонаси қуриб ишга туширилган. 100 км йўл таъмирланган. Бироқ, шундай ютуқларга Қашқадарёнинг қолган туманларида эришилмади³.

1987 йилда Қашқадарёда 4 мингдан зиёд врач ва 12,5 минг нафар ўрта маълумотли тиббий ходим аҳолига медицина хизмати кўрсатди. Ҳар бир врачга 370 аҳоли, ҳар бир медицина ҳамшираси ёки фельдшерга 120 аҳоли тўғри келди. Касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари тармоғи кенгайди. Пул билан

¹ «Қашқадарьинская правда», 10 декабря 1987 года.

² Хутор – ўзи яққа ажралиб турадиган ер участкаси ва ҳовли. Кичкина қишлоқ.

³ «Қашқадарё ҳақиқати», 1988 йил 9 февраль.

таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 510 ўринли касалхоналар ва ҳар сменада 1,8 минг беморни қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди. Аҳолининг юқори малакали медицина ёрдамига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўла қондирилмади. Қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш даражаси анча орқада қолди¹.

1988 йилнинг декабрида Қашқадарёда ижтимоий ишлаб чиқаришга қатнашмайдиган одамлар сони 37 минг кишини ташкил этди².

Қашқадарё маҳаллий саноат ва вилоят маиший хизмат бошқармаларида ҳам халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръатлари секинлик билан амалга ошган. Қашқадарё вилоятидаги кооперативлар қурилиши секинлик билан ривожланган. 1988 йилда вилоятда 126 кооператив ташкил этилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми умумий овқатланиш соҳасидаги кооперативлар бўлган. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи кооперативлар вилоятда 27 тани ташкил этган. Қамаш, Ульянов, Яккабоғ, Деҳқонобод, Баҳористон, Ғузор туманларида бундай кооперативлар умуман ташкил этилмаган. Маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати талабга мутлақо жавоб бермаган. Чироқчи касаначилик, Қарши тикувчилик, Китоб халқ истеъмоли моллари, Косон қандолатчилик фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг каттагина қисми давлат стандартлари талабига жавоб бермаган³. Биргина 1988 йилдан юқорида зикр этилган корхоналар 33 та рекламация олиб, 29 минг сўм жарима тўлаган.

Қашқадарё вилоятидаги бир қатор корхона ва ташкилотларда иш вақтининг қадрига етилмади. Масалан, 1988 йилнинг биринчи ярмида вилоят бўйича бекор туриб қолиш натижасида 31121 ишчи куни йўқотилди.

Ишдан қолишлар натижасида саноат корхоналарида 4750, қурилишда 11782 ишчи куни йўқотилди. Натижада 1988 йилнинг фақатгина биринчи ярмида 3225 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилмади, 6510 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмасдан қолди. Вилоят бўйича 36,5 млн сўмлик асосий фондлар,

¹ «Қашқадарё ҳақиқати», 1988 йил 10 декабрь.

² ҚВДАнинг Шаҳрисабз филиали. 316-жамғарма, 1-рўйхат, 32-иш, 5-варак.

³ «Қашқадарё ҳақиқати», 1988 йил 10 декабрь.

150 ўринли касалхоналар ишга туширилмасдан, 32,8 млн сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилмасдан қолди¹.

1989 йилда Ғузор туманида 475 ўринли марказий касалхона, 2 та поликлиника, хотин-қизлар консултацияси, 85 ўринли 2 та қишлоқ касалхонаси, 140 ўринли болалар шифохонаси, 100 ўринли юкумли касалликлар шифохонаси, 13 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 49 та фельдшер-акушерлик пункти, 8 та дорихона мавжуд бўлиб, уларда 219 нафар олий маълумотли врачлар, 852 нафар ўрта медицина ходимлари хизмат қилишларига қарамасдан халқнинг сиҳат-саломатлигини замон талаблари даражасида бажара олишмаган.

1990 йилда Қашқадарёда 4300 врач ва 14 минг ўрта тиббиёт хизматчиси халқ саломатлиги йўлида фаолият кўрсатди².

1990 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги³ фармони ўша даврдаги энг долзарб, тезда ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларни ўз ичига олган ҳужжат эди. Шу туфайли Ўзбекистон ССР Президентининг фармонида «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан обод қилиш, Давлат дастурини қабул қилиш кўзда тутилди.

Ўзбекистон ССР Президентининг юқорида келтирилган фармони республика қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини янада оширишга, унинг ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланишини кескин яхшилашга қаратилган эди. Дарҳақиқат, 1990 йил июлида Ўзбекистоннинг 5 миллиондан зиёд қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик водопровод сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас эди. Республика қишлоқларидаги уйлар ва квартираларда яшаётган кишиларнинг фақат 18 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда эди. Ўзбекистон ССРнинг 24 та қишлоқ туманига эса табиий газ ҳамон келтирилгани йўқ эди. Газ ва нефть ўлкаси бўлмиш Қашқадарё вилоят аҳолисининг атиги 20 фоизи, шу жумладан, қишлоқ аҳолисининг бор-йўғи 5 фоизи табиий газдан фойдаланаётганлиги мутлақо қаноатсиз бир ҳол эди⁴.

¹ «Қашқадарё ҳақиқати», 1988 йил 10 декабрь.

² «Қашқадарё ҳақиқати», 1990 йил 16 февраль.

³ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 31 июль.

⁴ «Қашқадарё ҳақиқати», 1990 йил 31 июль.

Ўша даврда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган табиий газнинг 84 фоизи, нефтнинг 46 фоизи Қашқадарё вилояти ҳудудидан казиб олиниб, республика аҳолисининг 40 фоизи табиий газдан фойдаланаётган бир вақтда Қашқадарёда бу кўрсаткич 2 бараварга камлиги сабабини мутлақо асослаб бўлмас эди¹.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, собиқ Иттифоқнинг «қайта қуриш» деб ном олган давлат дастури йилларида бутун Ўзбекистон ҳудуди, жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди, лекин бу ишларнинг охирига етказилмай қолиши, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмай, вилоят ички ресурсларидан нооқилона фойдаланилиши аҳолининг ҳокимиятдан норозилик кайфиятларини кундан кунга ошириб борди. Халқнинг орзу-умидлари мустақилликка эришишга боғлиқ бўлиб қолди.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА 1991–2000-ЙИЛЛАР)

*А.Н. Нурматов,
ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти*

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, ўтиш даври йилларида аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ўз ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ва бу борада енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Бу мақсадлар йўлида республикадаги мавжуд корхоналарнинг моддий техник базаси модернизация қилиниб, янги корхоналар барпо этиб борилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дастлабки йиллардаги олиб борилган ислоҳотларга қарамасдан аҳолини истеъмомол молларига бўлган талабини қондиришда айрим қийинчиликларга дуч келинган. Чунки, собиқ Иттифоқ даврида республикалар иқтисодиёти марказга

¹ «Ҳаёт ва иқтисод», 1990. – №4. – Б. 24.

тобе ва иттифоқдош республикалар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириб борилганлиги оқибатида Иттифоқ парчалангандан сўнг барча мустақил республикалар иқтисодиётда қатор муаммоларга дуч келдилар. Булар, биринчидан, бошқа минтақалар ва мамлакатлардан маҳсулот етказиб берилишига боғлиқ қолган йирик корхоналар тўхтаб қолиш арафасида бўлса, иккинчидан, мустақилликка эришган республикалар ўзаро алоқаларини қайта кўриб чиқиши ва янгича тартибда йўлга қўйишлари учун маълум вақт керак бўлди. Иттифоқ даврида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган кўплаб корхоналар бевосита марказ бўйсунувида бўлиб, амалда республика уларни бошқармасди, асосан дастлабки ишлов бериш, ярим тайёр буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланарди ва бу маҳсулотларнинг ҳаммаси Ўзбекистондан ташқарига ташиб кетиларди. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида қурилган ва маълум даражада аҳамиятлироқ бўлган саноат корхоналарининг 30 фоизи Иттифоқ тасарруфида, 60 фоизи Иттифоқ – республика тасарруфида бўлиб, уларнинг барчаси марказга бўйсунган. Фақат иқтисодиётда ҳал қилувчи ўрин тутмаган 10 фоиз¹ саноат корхонаси бевосита Ўзбекистонга бўйсунган.

Қолаверса, Ўзбекистон республикалар бўйича саноат ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш бўйича ҳам охириги ўринлардан бирида бўлган. Жумладан, Белоруссияда ҳар 10 млн аҳолига 1550 саноат корхонаси ва бирлашма тўғри келган бўлса, Қозоғистонда 16 млн кишига 2220 дан ортиқ, Ростовда 4,3 млн кишига 7511 дан зиёд. Красноярскда 3,2 млн кишига 700 саноат корхонаси, Ўзбекистонда эса 20 млн кишига 1556 саноат корхонаси тўғри келган². Гарчи Ўзбекистонда қурилган саноат ишлаб чиқаришнинг ярмидан ортиғи енгил ва озиқ-овқат тармоқларига тўғри келган бўлса-да, аҳолининг ушбу соҳа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиролмаган. Шунинг учун ҳам аҳолининг ушбу соҳа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи бошқа республикалардан келтириш эвазига таъминлаб келинган.

Иттифоқнинг парчаланиб кетиши МДҲ давлатларининг йиллар давомида шаклланган иқтисодий алоқаларининг узилишига олиб келди ва бу, ўз навбатида, янги ташкил топган мустақил давлатлар-

¹ М. Кенжабек. Ҳақиқат тежалмаса эди // «Ҳаёт ва иқтисод», 1990, №1. – Б. 11–12.

² Бегметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар. – Тошкент: «Меҳнат», – Б. 41.

даги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда янги иқтисодий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналарини ривожлантиришга ва шу орқали ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини таъминлашга эътибор қаратилди.

Фарғона водийси вилоятларида ҳам дастлабки даврлардан бошлаб мавжуд корхоналар мулкчилик шаклларига ўтказилди, кўплаб корхоналар моддий-техник базаси қайтадан янгиланди, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига янги корхоналар барпо этилди. Жумладан, 1991 йил Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида 1 кунда 500 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган нон маҳсулотлари комбинати қурилиб ишга туширилди¹. «Асакатекстиль» корхонасида эски дастгоҳлар ўрнига замонавий йигирув-тўқув ускуналари ўрнатилди. Шунингдек, Марҳамат, Қўрғонтепа, Ёрқишлоқ, Пахтабод, Избоскан ип йигирув-тўқув фабрикаларида ҳам қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Пахта толасидан калавали ип ва газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ойимтекстиль», «Алишер Навоий Интернешнл», хорижининг «Итако» фирмаси билан ҳамкорликда терини қайта ишловчи «Олтин дери» (чарм куртка ва бошқа кийим-кечаклар ишлаб чиқарувчи), кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Андижон дурдонаси», «МАСК» қўшма корхоналари ишга туширилди².

1993 йилда Андижон туманида «Намуна» саноат-савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси 800 ўринли тикувчилик фабрикаси³, Асакада Италиянинг «Федеричо» компанияси билан ҳамкорликдаги 24 турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Федеричо–Андижон–Макарон» (ФАМ) қўшма корхоналари ҳамда 1 кунда 20 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган «Оқ сув» заводи⁴ ишга туширилди. 1996 йилда Андижон туманида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президент девони архиви Андижон вилоят бўлими (бундан кейинги ўринларда – ЎзР ПДА АБВ) 3-фонд, 22-руйхат, 4-йиғма жилд, 67-варақ.

² Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: «Шарқ», 2013. – Б. 395–396.

³ ЎзР ПДА АБВ, 4141-фонд, 1-руйхат, 108-йиғма жилд, 4-варақ

⁴ Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: «Шарқ», 2013. – Б. 396.

«МАСК» қўшма корхонасида Италиянинг «ВИРМАУРИ» фирмаси билан ҳамкорликда янги турдаги «BON» кетчупи ва булоқ суви маҳсулотлари ишлаб чиқариш¹, 1997 йилда мева маҳсулотларидан яхна ичимликлар ва минерал сув ишлаб чиқарувчи «Аль-Осиё»², 1999 йилда суткасига 40 тонна тозаланган пахта ёгини ишлаб чиқарувчи «Андижон Фларуп ойл компани» Ўзбекистон–Бельгия³, йилига 500 минг дона эркаклар шима ва 1,5 млн дона футболка ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Дзин-ДУ» Ўзбекистон–Хитой қўшма корхоналари⁴ ишга туширилди.

Бу борада Наманган вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Италиянинг «Каррера» фирмаси билан ҳамкорликда кийим-кечаклар ишлаб чиқарадиган «Оққум» қўшма корхонаси ишга туширилди⁵. Наманган гўшт комбинатига Австриядан келтирилган янги технологик ускуналарнинг ўрнатилиши ишлаб чиқариш қуввати кескин ошишига ва маҳсулотлар тури ҳамда сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилди. Шунингдек, Чортоқ туманида йилига 3 миллион банка маҳсулотлари етказиб берувчи консерва заводи⁶, 1994 йилда Туркия билан ҳамкорликда пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган «Аснамтекстиль» қўшма корхонаси, «Алкатель», «Друпа-Дизайн», «Саноат-савдо» концерни томонидан жундан мато олувчи «Косонсой–Текмень», теридан маҳсулот олувчи «Кесмир диёри», Наманган нотўқима материаллар ҳиссадорлик жамиятида Германия билан ҳамкорликда «Текстимо» ва «Малимо» фирмаси билан биргаликда сунъий барра⁷, Швейцариянинг «Интер-эмспекс Индженеринг» корхонаси билан ҳамкорликда аёллар ва эркаклар кўйлаклари ишлаб чиқарувчи «Наврўз» қўшма корхоналари ишга туширилди⁸. 1996 йилда Наманганда Ўзбекистонда ягона сунъий мўйна ишлаб чиқариш фабрикаси ишга туширилди⁹.

¹ ЎзР ПДА АББ, 4141-фонд, 8-руйхат, 31-йиғма жилд, 33-варақ.

² ЎзР ПДА АББ, 4141-фонд, 11-руйхат, 36-йиғма жилд, 25-варақ.

³ ЎзР ПДА АББ, 4141-фонд, 15-руйхат, 45-йиғма жилд, 27-варақ.

⁴ ЎзР ПДА АББ, 4141-фонд, 15-руйхат, 46-йиғма жилд, 92-варақ.

⁵ «Халқ сўзи», 1993 йил 19 февраль.

⁶ «Халқ сўзи», 1993 йил 10 ноябрь; «Халқ сўзи», 1993 йил 20 январь.

⁷ Абдуллаев О. Фаргона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. – Наманган, 2000. – Б. 234.

⁸ Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган, 1995. – Б. 146.

⁹ «Наманган ҳақиқати», 1996 йил 24 февраль.

Ишлаб чиқариш суръатларини ошириш мақсадида «Нотўқимачи», «Нафосат», «Учқўргон-ёғ» акционерлик жамиятлари, «Косонсой Текмен» корхонасида¹ модернизация ишлари олиб борилди.

Фарғона ёғ-мой комбинатида маҳаллий хом ашёдан «Иодий» ва «Фарғона» номлари остида агир совун ишлаб чиқариш, Маргилон «Ипакчилик» акционерлик жамияти Италиянинг «Гарден» фирмаси ҳамкорлигида «Спиннинг-Силк» кўшма корхонасида пилла чиқиндиларидан ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди². Корхонага Италиядан келтирилган дастгоҳларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши маҳсулот сифати ҳамда миқдори кўпайишини таъминлади. 1995 йил Фарғона пойабзал фабрикаси Германиянинг «Саламандер» фирмаси билан «Узсаламан» кўшма корхонаси³, 1997 йилда Қўқонда спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бувайда тикув-трикотаж фабрикаси каби йирик корхоналар курилиб фойдаланишга топширилди⁴. Шунингдек, 1998 йил Қўқондаги «Истиклол» хусусий фирмасига Италиядан келтирилган замонавий дастгоҳларни ўрнатилиши макарон ва печенье маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишига, тури кўпайишига эришилди⁵.

Саноат корхоналарини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида давлат томонидан солиқ имтиёзлари, фаолиятини соғломлаштириш учун молиявий томондан қўллаб-қувватланиши, ўз навбатида, уларни эркин фаолият кўрсатишида ва уларни бозор муносабатларига кириб боришида муҳим иқтисодий омил бўлиб хизмат қилди. Олиб борилган амалий ишлар натижасида ўтиш даври йилларида аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотларни миқдори, тури кўпайишига ҳамда сифат жиҳатидан ижобий ўзгаришларга эришилди. Бу эса республика вилоятлари орасида аҳолиси зич жойлашган Фарғона водийси вилоятларидаги инсонлар истеъмол даражасини кескин тушиб кетишини ҳамда ижтимоий-иқтисодий мураккабликларни олдини олишда муҳим ижобий аҳамиятга эга бўлган.

Ижобий ютуқларга қарамасдан саноат корхоналари фаолиятида бир катор камчиликлар мавжуд эди. Биринчидан, даст-

¹ «Наманган ҳақиқати» 1997 йил 5 март; «Наманган ҳақиқати», 1997 йил 12 июль.

² «Халқ сўзи», 1995 йил 21 июль; «Халқ сўзи», 1995 йил 21 июль.

³ Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. – Наманган, 2000. – Б. 235.

⁴ ФВДА, 1220-фонд, 3-рўйхат, 10-йиғма жилд, 26-варақ.

⁵ ФВДА, 1220-фонд, 4-рўйхат, 81-йиғма жилд, 4-варақ.

лабки йиллардаги хом ашё манбаларининг етишмаслиги. Иккинчидан, айрим корхоналар моддий-техник базасини замон талабларидан орқада қолганлиги. Учинчидан, янги иқтисодий муносабатларга киришишда кўплаб корхона раҳбарларининг ўз ишларини бозор талаблари даражасида ташкил эта олмаганликлари. Бундай омиллар натижасида корхоналарда ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва маҳсулотлар сифатига салбий таъсир кўрсатган. Масалан, Андижон вилоятида 1992 йил I ярим йиллик яқунларига кўра 1991 йилга нисбатан сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш 10 фоизга¹ ошган бўлса, 1992 йил яқунларига кўра 137 та саноат корхоналаридан 49 таси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 322 млн сўмга², 1993 йилда Андижон, Куйганёр консерва заводлари, Чинобод нотўқима материаллари фабрикаси, Хўжаобод ароқ-вино заводи каби корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаришни 4 млрд 800 млн сўмга камайтириб юборган³.

Айрим корхоналарда янги, харидоргир, рақобатбардош, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турларини ўзлаштиришга етарли аҳамият бермаганликлари оқибатида кўплаб турдаги тайёр маҳсулотлар омборларда туриб қолишига олиб келган. 1995 йилнинг 1 октябрь ҳолатига Андижон вилоятидаги саноат корхоналари омборларида жами 778 млн сўмлик, шундан, енгил саноатда корхоналарида 205 млн сўмлик, озиқ-овқат саноати корхоналарида 462 млн сўмлик тайёр маҳсулотлар сотилмасдан омборларда қолиб кетган. Ўз фаолиятини зарар билан яқунлайдиган корхоналар сони камайиш ўрнига ортиб бориш ҳоллари ҳам мавжуд эди. Жумладан, Андижон вилоятида бундай корхоналар 1994 йилнинг 8 ой иш яқунларига кўра 27 та бўлса, 1995 йилнинг 8 ой иш яқунларига келиб 33 тани ташкил этган. Текшириш ўтказилган 48 та корхонанинг тенг ярмида стандарт ва метрология талаблари бузилганлиги аниқланган⁴ бўлса, 1999 йилга келиб ҳам вилоятдаги саноат корхоналари омборларида сотилмай қолган тайёр маҳсулотлар қолдиғи 6 млрд 430 млн сўмни ташкил этган⁵. Бундай ҳолатлар

¹ ЎзР ПДА АВЕ, 4141-фонд, 1-руйхат, 19-йиғма жилд, 98-варак.

² ЎзР ПДА АВЕ, 4141-фонд, 1-руйхат, 105-йиғма жилд, 35-варак.

³ ЎзР ПДА АВЕ, 4141-фонд, 1-руйхат, 109-йиғма жилд, 25-варак.

⁴ ЎзР ПДА АВЕ, 4141-фонд, 6-руйхат, 31-йиғма жилд, 28–29-варақлар.

⁵ ЎзР ПДА АВЕ, 4141-фонд, 15-руйхат, 39-йиғма жилд, 41-варак.

корхоналарнинг кейинги даврлардаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, айримларида ҳатто ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолишига ва юзлаб ишчиларини мажбурий таътилга чиқаришларига олиб келган.

Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятидаги камчиликларни Фарғона вилоятидаги корхоналарда ҳам кузатиш мумкин. Вилоятда дастлабки йилларда 73 та ёки ҳар иккитадан битта корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборган¹ бўлса, 1995 йилда 63 та корхона ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларини олдинги йилга нисбатан пасайтириб юборган. Бунинг натижасида ипак газламалар – 50,4 %га, трикотаж кийимлар – 66,3 %га, пойабзал ишлаб чиқариш – 81 %га камайиб кетган². 1998 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра омборларда тайёр маҳсулотлар қолдиғи 5,1 млрд сўмни ташкил этган. Масалан, «Кўқон ёғ-мой» корхонасида 212 млн сўмлик, Фарғона сунъий тола заводида 256 млн сўмлик, Фарғона тўқимачилик корхонасида 205 млн сўмлик, маҳсулотлар омборларда сотилмасдан тўпланиб қолган. Марғилон «Ипакчи» ҳиссадорлик жамиятида хом ашё етарли бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш 15 %га тушиб қолган³. 1998 йил 9 ой якунлари таҳлил қилиб чиқилган 295 та корхонанинг маълумотлар базаси яратилди, иқтисодий таҳлиллар ўтказилди. Унга кўра вилоятда ночор корхоналар кўплиги аниқланган. Масалан, ўрганилган корхоналардан 28 фоизи иқтисодий жиҳатдан «ўта хавфли» гуруҳда, 32 фоизи «банкиротлик чегараси»да эканлиги аниқланган⁴. 1999 йилнинг 7 ой якунларига кўра 20 та корхонада 607 млн 693 минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилган. Улардан 6 таси енгил саноат корхонаси, 4 таси озиқ-овқат саноати корхоналари эди⁵.

Умуман бундай салбий хусусиятларни Наманган ҳамда республиканинг бошқа вилоятларида ҳам мавжуд бўлиб, бунинг натижасида дастлабки даврларда халқ учун зарур бўлган истеъмол моллари тақчиллигига, айрим корхоналар фаолиятини тўхтаб қолиши оқибатида аҳоли орасида ишсизлар сонининг ортиб бори-

¹ ФВДА, 1220-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 12-варақ.

² ФВДА, 1220-фонд, 2-рўйхат, 153-йиғма жилд, 20-варақ.

³ ФВДА, 1220-фонд, 4-рўйхат, 16-йиғма жилд, 25–29-варақлар.

⁴ ФВДА, 1220-фонд, 4-рўйхат, 18-йиғма жилд, 15-варақ.

⁵ ФВДА, 1220-фонд, 4-рўйхат, 71-йиғма жилд, 30-варақ.

шига олиб келган. Юзага келган муаммоларнинг бартаф атил-маслиги аҳоли турмуш даражаси кескин тушиб кетишига ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин эди. Шунинг учун ҳам уларни олдини олиш мақсадида кўплаб озиқ-овқат маҳсулотларни бошқа давлатлардан сотиб олиш эвазига ва энг муҳими, инсонлар учун зарур бўлган ҳаётий маҳсулотлар маълум йиллар мобайнида импорт нархидан арзонлаштирилган тарзда таъминлаб борилган. Бундай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирларнинг татбиқ этилиши, мураккаб иқтисодий танглик йилларида аҳоли моддий таъминотида муҳим ижобий ёрдам бўлди. Шунингдек, кейинги йиллар давомида саноат корхоналарига бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда уларга эркинликлар берилиши, замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб борилиши натижасида бир қатор ижобий ютуқларга эришилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ (XX АСРНИНГ 80–90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Ж.А. Перемкулов,

ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими

XX асрнинг сўнгги чорагида собиқ Иттифоқда рўй берган ижтимоий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон шаҳарлари иқтисодиётида салбий из қолдирди. Шўролар даврида шаклланган анъанавий иқтисодий алоқаларнинг узилиши бир қатор саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш имкониятлари қисқаришига олиб келди. Хусусан, Тошкент вилояти шаҳарларида фаолият юритган корхоналарнинг иқтисодиёти асосан хом ашёни қайта ишлаш ва уларни марказга етказиб беришга йўналтирилган эди. Аҳоли учун зарур маҳсулотлар ва кундалик эҳтиёж буюмлари, шунингдек, бошқа тайёр маҳсулотлар собиқ Иттифоқ таркибидаги бошқа республикалардан келтирилган эди. XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, собиқ тузумнинг таназзули ва парчаланиши муқаррар бўлиб қолган даврда умумиттифоқ хўжалик алоқалари узилиб борди.

Бундай оғир вазиятдан чиқиш учун Республика Ҳукумати зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Аммо, тоталитар тузум даврида шаҳарларнинг аксарияти саноатнинг айнан бир тармоғига йўналтирилганлиги боис, уларда жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолган эди. Айниқса, шаҳарлардаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятлари қисқариб кетди. Натижада шаҳарларда ишсизлик, муҳандислик инфратузилмасидаги муаммолар, экологик хавф ўсиб борди. Саноат шаҳарлари иқтисодий мавқеини тиклаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий сиёсатда янги ёндашувларни ишлаб чиқди ва уларни амалиётга татбиқ этиш жараёни бир неча босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда, шаҳар аҳолисини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга эътибор қаратилди. Саноат шаҳарларида юзага келган танглиқдан чиқиш учун Иттифоқнинг сўнгги йилларида ишлаб чиқилган шахсий ёрдамчи хўжаликлар тузиш сиёсати изчил давом эттирилди. Шаҳарларда озиқ-овқат танқис бўлиб турган оғир шароитда ишлаб чиқариш имкониятлари қисқариб кетган саноат корхоналари қишлоқ хўжаликлари билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиб, ёрдамчи хўжаликлар туздилар. Биргина Олмалиқ шаҳридаги саноат корхоналари мустақилликнинг дастлабки йилларида 2 650 гектар экин майдонини ўзлаштириб, бир йилда 354 тоннага яқин гўшт, 465 тонна сут ва 194 минг донадан зиёд тухум етиштирганлар ва маҳаллий аҳоли эҳтиёжи учун савдога чиқарганлар¹. Шунингдек, 1991 йилда Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбеккимё» машинасозлик заводи Бўстонлик туманида бир ойда 15 тонна гўшт етказиб бериш қувватига эга ёрдамчи хўжалик ташкил этди. Моллар учун озуқа Россия, Украина, Қозоғистон каби қўшни мамлакатлардан корхона маҳсулотларига айирбошлаш йўли билан келтирила бошланди. Саноат корхонаси томонидан 1,5 гектар экин майдонда 100 тонна картошка етиштирилиб, корхона ишчиларига тарқатилди². 1991 йилда шаҳар корхоналари ёрдамчи хўжаликларида 616 тонна гўшт етиштириб берилди.

¹ Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар кенгаши VII сессияси кун тартибига қўйилган маърузанинг қисқача мазмуни // «Олмалиқ ҳақиқати», 2-сон, 7 январь 1992 йил. – Б. 2.

² Ишчилар манфаатини кўзлаб // «Чирчиқ тонги», 10-сон, 17 май 1991 йил. – Б. 3.

1991 йилда 70 та ширкат фаолияти кишлоқ хўжалигига йўналтирилди. Шаҳардаги 3000 та оила 15 та боғдорчилик-сабзавотчилик ҳамжамиятларига аъзо бўлдилар. Ундан ташқари, шаҳардаги 9359 та хусусий хонадонларда 550 та сигир, 2359 бош қўй, 395 бош эчки, 93 минг дона парранда рўйхатга олинди¹. Мазкур йилда давлат ва корхоналар томонидан айирбошлаш усули билан бозорга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажми Чирчиқ шаҳрида жами 255,8 млн сўмни ташкил этди². Бундан ташқари, Чирчиқ шаҳридаги озик-овқат танқислигини олдини олиш мақсадида саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар бартер йўли билан турли хорижий мамлакатлардан шаҳар аҳолисига истеъмол маҳсулотлари келтириш йўлга қўйилди. Масалан, 1991 йилдаёқ, Чирчиқ шаҳрига жами 1 000 тонна гўшт, 3 000 тонна қанд-шакар, 5 000 тонна ун, 400 тонна сариеғ саноат маҳсулотлари ўрнига бартер усулида олиб келинди³.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан иқтисодий муносабатларни ташкил этишда янги иқтисодий инфратузилмаларни шакллантиришга эътибор қаратилди. Мулкий ислохотларни бошқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг мол-мулк ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси тузилди. Ташқи иқтисодий фаолиятни қайта қуриш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди, шунингдек, Божхона қўмитаси ҳам тузилди. Солиқ идоралари Молия вазирлиги таркибидан чиқди. Собиқ Давлат банки ўрнига Марказий банк тузилди. Бундан ташқари, икки поғонали банк тизими ташкил этилди. Биринчи поғонада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки турса, иккинчи поғонада давлат акционер, акционер-тижорат, хусусий ва қўшма банклар ўрин олди⁴. Хусусан, Тошкент вилоятидаги шаҳарларда мазкур банкларнинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди⁵. Шунинг билан бир қаторда, 1992 йилда Олмалик

¹ Факт ва рақамлар // «Чирчиқ тонги», 19-сон, 20 июль 1991 йил. – Б. 2.

² Шаҳар статистика ахбороти // «Чирчиқ тонги», 39-сон, 7 декабрь 1991 йил. – Б. 2.

³ 1991 йилда Чирчиқ шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича олиб борилган ишлар ва 1992 йилдаги вазифалар хақида Д. Азизхўжаев маърузаси. // «Чирчиқ тонги», 3-сон, 15 январь 1992 йил. – Б. 1.

⁴ Раҳматуллаев Ш. Фаргона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари. – Тошкент: «Нишон ношир», 2017. – Б. 52.

⁵ Ҳасан ўғли А. Исроилов К.М. Битта банк яхши, иккитаси рақобат // «Олмалик хақиқати», 17-сон, 28 февраль 1992 йил. – Б. 2.

шаҳрида «Олтин-топкан» пайчилик тижорат банки ташкил этилди. 1994 йилга келиб, саноат шаҳарларида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Тадбиркор» банк ўз фаолиятини бошлади¹.

Истиклолнинг илк йиллариданоқ шаҳарларда ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилди. Бу даврда, айниқса, корхоналарни маҳаллий хом ашё билан таъминлаш вазифаси долзарб муаммога айланди. Жумладан, саноатнинг автомобилсозлик, самолётсозлик, техника маҳсулотлари тайёрлаш каби тармоқларида фойдаланиш мумкин бўлган ярим тайёр маҳсулот – капролактама ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини қайта ташкил этиш учун чет эл капиталини жалб қилишга катта эътибор қаратилди². Шу мақсадда, 1992 йилда Германиянинг «Registon» ва Аргентинанинг «Libra international Holden group» фирмалари Чирчиқ шаҳридаги «Капролактама» заводида ишлаб чиқарилган капролактама ва сульфат аммоний маҳсулотларига ўз қизиқишларини билдириб, ўз инвестициялари ҳисобидан корхонани қайта ташкил этдилар³. Бундан ташқари, Олмалиқ шаҳридаги мебель комбинати қошида «Альмуслик» Ўзбекистон–Афғонистон қўшма корхонаси, «UABC» Ўзбекистон–Америка қўшма корхонаси каби корхоналар вужудга келди. Шунингдек, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Хитой давлати ўзаро ҳамкорликда йилига 7 млн дона пластмасса ва полипропилен қопчалари тайёрлайдиган «Interplast» қўшма корхонасини ташкил қилдилар⁴.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкилоти (МДХ) тузилгач, унинг таркибидаги республикалар билан икки томонлама тенг манфаатли алоқалар йўлга қўйила бошланди. Хусусан, Чирчиқ қишлоқ машинасозлиги заводи ерни юмшатиб берувчи қурилма – культивация ишлаб чиқариш учун 1992 йилда Урал, Шимолий Қозоғистон, Свердловск ва Магнитогорск ўлкаларидан металл сотиб олиш бўйича шартномалар имзолади. Ушбу маҳсулот Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидан ташқари, Россия, Латвия ва Литва

¹ Абдуллаев Ҳ. Раззоқов Ш.Р. Тадбиркор банки – ишбилармонлар банки // «Олмалиқ ҳақиқати», 13-сон, 19 май 1994 йил. – Б. 2.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б. 616.

³ Ташқи иқтисодий алоқалар // Чирчиқ тонги. 1-сон, 1 январь, 1992 йил. – Б. 3.

⁴ Олмалиқ шаҳар ҳокимининг шаҳар халқ депутатлари XVIII чақириқ III сессиясида сўзлаган маърузасининг қисқача баёни // «Олмалиқ ҳақиқати», 25-сон, 24 июнь 1993 йил. – Б. 1.

давлатларига экспорт қилина бошлади¹. Шунингдек, Венгрия, Болгария, Монголия, Польша, Югославия, Германия, Туркия, Покистон, Ливия, Яман, Лаос, Боливия, Нигерия, Миср, Жазоир сингари ўнлаб мамлакатларга «Чирчиқ трансформатор заводи» маҳсулотлари экспорти йўлга қўйилди².

Иккинчи босқичда, саноат корхоналарининг техник базасини янгилаш орқали уларни иқтисодий ночорликдан олиб чиқиш вазифаси белгилаб олинди. Бунда хусусийлаштириш сиёсати муҳим қадам бўлди. Вилоятдаги барча саноат шаҳарларидаги корхоналарнинг маълум қисми маҳаллий тадбиркорларга хусусийлаштириб берилди. Масалан, Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат», «Ўзметаллургқурилиш» каби корхоналарнинг бир қисми хусусийлаштирилиши натижасида аҳоли иш ўрнига талаб пайдо бўлди³. Шунингдек, мазкур йилда Ангрен шаҳридаги «9-сонли кўмир шахтаси» реконструкция қилиниб, кўмирни очиқ усулда олиш технологияси жорий этилди⁴. Хусусийлаштириш жараёнида диверсификация усулидан кенг фойдаланилди. Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш корхоналаридаги техник жиҳозларни металл буюмлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 1996 йилда Ўзбекистон металлургия комбинати таркибидан ўрин олган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш (ХИМИЧ) заводидаги бўш омборхона ўрнида Германиянинг «VEMX» савдо палатасидан сотиб олинган металл буюмлар (шуруп, гайка) тайёрловчи 5 та дастгоҳ ўрнатилди. Ушбу корхона бир ойда 2 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди⁵. Шунингдек, 1997 йилда «Бекободцементтаъмир» ва Швециянинг «Swedala international» корхоналари ўртасида цемент комбинатида ишлатилаётган жиҳозларга эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берувчи корхона тузилди⁶.

¹ Маош оширилади // «Чирчиқ тонги», 2-сон, 8-январь 1992 йил. – Б. 3.

² Тарих сўқмоқлари ва ҳаёт тақозоси // «Чирчиқ тонги», 22-сон, 22 май 1992 йил. – Б. 2.

³ Мирзакулов Н. Ислохот тадбиркорликни талаб этади // «Бекобод ишчиси», 75-сон, 6 ноябрь, 1996 йил. – Б. 2.

⁴ Костецкий В. Ангрен – город легенды. – Ташкент: «Zar qalam», 2006. – Б. 146.

⁵ Метиз маҳсулотлари кўпайди // «Бекобод ишчиси», 52-сон, 20 июль 1996 йил. – Б. 2.

⁶ Ашуrow А. Иқтисодий тараққиёт йўлида // «Бекобод ишчиси», 72-сон, 24 сентябрь 1997 йил. – Б. 2.

Хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни эркин фаолиятини кафолатлаш мақсадида 1996 йилда ҳукумат қарори билан Товар ишлаб чиқарувчилар ва Тадбиркорлар палатаси тузилди¹. Шу билан бир қаторда, саноат шаҳарларида бизнес субъектларни қўллаб-қувватлаш учун «Бизнес фонди», Ишбилармонлар алоқа маркази, «Мадад» суғурта жамиятлари ташкил этилди². Тадбиркорларга яратилган қулай имкониятлар самараси ўлароқ, шаҳарлардаги йирик саноат корхоналари билан ташқи иқтисодий алоқалар ҳам йўлга қўйилди. Масалан, Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия комбинати 1996 йилдан бошлаб Англияга йилига 12333 тонна, Эрон Ислон Республикасига 9820 тонна турли ҳажм ва нусхадаги техникаларни экспорт қилиш бўйича шартномалар имзолади. Шунингдек, Туркия давлати билан ҳам икки тарафлама шартномалар имзоланди. Ўз навбатида, Англиянинг «Raptor men LTD» фирмаси графитли электродлар, Германиядаги «Fag» фирмаси шарикли подшипник, Финляндиянинг «Mobile oil» корхонаси ёғ-мой маҳсулотларини Ўзметкомбинат маҳсулотлари билан бартер усули орқали Ўзбекистонга келтирилиши йўлга қўйилди³.

Тадбиркорликка берилган кенг имкониятлар туфайли саноат шаҳарларидаги илмий бирлашмалар янги иқтисодий муносабатлар негизида қайта ташкил этилиб, ўз-ўзини молиялаш тизимига босқичма-босқич ўтиб борди. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги кимё саноатини ривожлантиришга қаратилган «Ўзкимёлойиха» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан 1997 йилда 77,5 млн сўмлик лойиҳалар тайёрланган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 100 млн сўмдан ошиб кетди. 1999 йилда эса, ташкилот томонидан тайёрланган лойиҳалар қиймати 167,4 млн сўмни ташкил этди. Бирлашма 2000 йилда 283 млн сўмлик, 2001 йилда эса, 400 млн сўмлик лойиҳалар тайёрлашга муваффақ бўлди⁴.

¹ ЎзР ВМнинг 1996 йил 30 мартдаги «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолияти масалалари тўғрисида»ги қарори. http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=401339

² Чирчиқ шаҳар ҳокими Д.Т.Азизхўжаевнинг V сессияда сўзлаган нутқи // «Чирчиқ тонги», 3-сон, 20 январь 1996 йил. – Б. 1.

³ Қурбонов О. Экспорт ҳажми ошмоқда // «Бекобод ишчиси», 52-сон, 20 июль 1996 йил. – Б. 2.

⁴ Ёқубов С. Кимё саноатининг бугуни ва эртаси // «Чирчиқ тонги», 21-сон, 23 май 1998 йил. – Б. 3.

Саноат шаҳарларидаги иқтисодийнинг ривожланиб боришида энгил саноат корхоналари ҳиссаси ҳам катта бўлди. Олмалик шаҳридаги «Aldachen» тўқимачилик корхонаси (1993 йил), Чирчиқ шаҳрида фаолияти йўлга қўйилган «Bursel Tashkent Textile» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси (2004 йил), Жанубий Кореянинг «Daeshin textile co LTD» томонидан ташкил этилган корхона (2005 йил), «Lukbo textile» (2006 йил) «Betlis textile» (2010 йил) корхонаси¹, «Eurotex Tashkent» (2011 йил)², Ангрен шаҳридаги «Sangren tex» ва «Accort Textil» (2011), Бекобод шаҳридаги «Tutku-Karpet» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси (2007 йил) каби энгил саноат корхоналарини бунга мисол қилиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, совет ҳукуматининг чигал иқтисодий сиёсати натижасида Ўзбекистондаги саноат корхоналарининг бозор муносабатларига ўтиш жараёни осон кечмади. Баъзи корхоналар умумиттифок миқёсидаги иқтисодий алоқаларнинг узилиши туфайли бутунлай тугатилган бўлса, айримлари диверсификациялаш усули қўлланилиши натижасида ўз фаолиятини давом эттиришга муваффақ бўлди. Бунинг натижасида республикадаги саноат шаҳарларида иқтисодий инфратузилмалар қайта шаклланиб, ишлаб чиқариш ўсиб борди, шунингдек, саноатнинг янги тармоқлари пайдо бўлди. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, саноат корхоналаридаги янгиланиш жараёнлари қатор муаммолар билан кечди.

МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ЎЗБЕК МАҲАЛЛАЛАРИДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

*Х.Х. Рахмонов, ЎзР ФА ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ таянч докторанти*

Маҳалла минг йиллар давомида ўзбек халқининг анъанавий жамият бошқаруви, урф-одатлари, тарихий-миллий маданияти, ижтимоий турмуш тарзидаги жамоавийлик каби кўплаб компонент-

¹ Янги иш ўринлари депутатлар эътиборида // «Чирчиқ тонги», 27-сон, 3 июль 2010 йил. – Б. 2.

² Хайруллаев Ф. Янги йилинги кутлуғ ва хосиятли келсин // «Чирчиқ тонги» 52–53-сонлар, 24 декабрь 2011 йил. – Б. 1.

Тадқиқотчи фикрича, совет ҳукумати маҳалла муассасасига чуқур аҳамият бермаганлиги туфайли, уларга кам молиявий ёрдам кўрсатилган. Шунга қарамасдан, маҳалла аҳолисининг ҳар бир тумандаги фаолияти ушбу жамоалар ташаббусларида иштирок этишга иштиёқи баланд бўлган ҳалқнинг ихтиёрий истаклари орқали амалга оширилганди. Шу билан бирга, совет даври маҳаллалари, ахлоқий ва диний қадриятларга асосланган маълумот алмашуви ва ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш маданиятининг норасмий биродарлик тармоғи бўлиб қолганди.

Собиқ Иттифоқ бошқаруви даврида маҳаллага муносабат қандай бўлишидан қатъи назар, республиканинг қишлоқ жойларида расмий ваколатларга эга бўлмасда азалий миллий қадрият сифатида жамият ҳаётини тартибга солиб туришда, урф-одат ва анъаналар, диний маросимларни адо этишда ёши улуг нуроний отахон ва онахонларнинг ўрни алоҳида бўлганлигини ўша даврда яратилган асарлар орқали кўришимиз мумкин.

Шу ўринда, ўтган асрнинг 60-йилларида таниқли кино режиссёр Шухрат Аббосов томонидан яратилган «Маҳаллада дув-дув гап» фильмида ўзбек маҳалласининг совет даврига хос манзараси, маънавий қиёфаси азалий қадриятлар билан чамбарчас ҳолда ёритилган. Шунингдек, 1982 йилда суратга олинган «Суюнчи» фильмида анъанавий кўп болали ўзбек оиласининг ижтимоий ҳаёти билан бирга ўзбек маҳалласидаги ижтимоий ҳаёт, аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари, маҳалла фаолларининг жамиятдаги ўрни бадиий образларда кўрсатиб берилган. 1985 йилда яратилган «Келинлар кўзғолони» фильмида эса XX аср 80-йилларидаги ўзбек хонадонларидаги ижтимоий муаммолардан аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи кўтарилган бўлиб, фильмда қишлоқда яшаётган ёш оилаларга ўзлари азалий яшаб келаётган маҳалласидан ер участкалари ажратмасдан шаҳардан кўп қаватли уйлардан ҳар бирига алоҳида хонадон (квартира)лар берилганлиги жамиятда мавжуд пахта яккаҳокимлиги натижаси эканлигини кўришимиз мумкин. *Миллий руҳ ва ўтқир ижодий мушоҳада билан яратилган бу фильмлар фақат Ўзбекистон ёки собиқ шўролар мамлакатида эмас, балки бутун дунёда эътироф этилди. ЮНЕСКО олтин фондига киритилди*¹.

¹ <https://saviya.uz/ijod/publitsistika/ellik-yillik-duv-duv-gap/?imlo=k>

XX асрнинг 80-йилларида маҳалла комитетлари фаолиятининг кучайиши кузатилади. Маҳаллаларда аҳоли ўртасида катта кўламдаги ижтимоий-сиёсий ва тарғибот ишлари олиб борилади, бу ишлар, гарчи коммунистик мафкурага йўғрилган бўлса-да, оммани сиёсий ва маданий тарбиялашда муайян даражада ижобий аҳамият касб этган¹. Буни ўша вақтларда фаолият юритган давлатнинг ёрдамсиз ҳам ҳашар йўли билан маҳаллаларда маданий тадбирлар ўтказиладиган клублар, чойхоналар, маҳалла гузарлари қуриш, турли байрам тадбирлари ташкил этиш орқали қишлоқ ёки маҳалла аҳолисини бир мақсад йўлида бирлаштира оладиган маҳалла комитетлари фаолиятида кўришимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти янгича мазмун касб этди, вазифа ва ваколатлари кенгайди, конституция ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар орқали жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятига баҳо бериб, «Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиламан. Зеро, барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди»², деган эди.

Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳти-ёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган.

¹ Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик (Тарихий-этнографик тадқиқот). – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002. – Б. 32.

² Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 281.

Мустақиллик арафасида ўзбек маҳаллаларида миллий қадриятлар. XX аср 80-йилларнинг иккинчи ярмида «қайта қуриш сиёсати», «марказ»даги ҳокимият учун сиёсий курашлар, иқтисодий беқарорлик, бевосита иттифоқдош республикалар ҳаётининг турли соҳаларига салбий таъсирини ўтказди. Хусусан, бир томондан маҳаллий қадриятлар урф-одат, анъаналар, турли байрам ва диний маросимларга қарши курашнинг сўнгги даври сифатида изоҳланса, иккинчи томондан, ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан миллий ва диний қадриятларни тиклаш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун амалий ҳаракатларнинг янги босқичини бошланиш даври бўлди.

Айнан шу даврга келиб, бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган, халқимиз узоқ йиллар давомида нишонлаб келган «Наврўз» байрами бошқа қадриятларимиз қаторида XX аср 80-йилларида яна бир бор таъкибга учради. Миллий анъаналаримиз бу қадар топталишига бир қанча сабабларни келтириш мумкин. Хусусан, совет тузуми даврида бошқа минтақалардан республикага жўнатилган баъзи кадрларнинг маҳаллий аҳоли тарихи, урф-одатлари, турмуш тарзидан мутлақо беҳабарлиги, ўзбошимчалик билан амалга оширган ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари ҳамда айрим маҳаллий раҳбар кадрларни Коммунистик партия буйруқларига кўр-кўрона эргашиши сабаб бўлганди. Ўзбекистон Компартиясининг 1990 йил 4 июнь куни бўлиб ўтган XXII съездида Ислом Каримов «Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан»¹ номли маърузасида бу мудҳиш ҳолат юзасидан шундай деган эди: «... Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истамаган бу одамлар республика ҳаётини босиб-янчиб, қинғир ўзанга солишга киришдилар», деб таъкидлаб ўтган эди.

Ўзбекистон ССР Компартияси МҚ XVI пленуми (1984)дан сўнг юзага келган вазият, Ўзбекистон ССР Компартияси Биринчи котиби И. Усмонхўжаев ва Ўзбекистон ССР Компартияси МҚ мафкура бўйича котиби Р. Абдуллаеванинг «мафкуравий бўшлиқни» юзага келтирмаслик борасидаги «саъй-ҳаракатлари» натижасида 1986 йилга келиб «Наврўз» байрами буткул бекор этилди. Ислом динига

¹ «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990 йил 5 июнь.

алоқаси бўлмаган байрамга «диний» деган тамға босилди¹. Шу йилнинг 17 март куни барча вилоят партия ташкилотларининг котиблар, оммавий ахборот воситалари ходимлари масъул ходимлари Ўзбекистон ССР Марказий Қўмитасига таклиф этилди. Йиғилишни МҚ мафкура бўйича котиби Р. Абдуллаева очиб, Марказий Қўмитада «Наврўз»ни бундан кейин халқ байрами сифатида нишонламасликка қарор қилинганлиги, бу ҳақда барча партия ва совет ташкилотларига кўрсатма берилганлигини алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда савол туғилади «Наврўз» байрамини нишонлашни тақиқлаш бўйича кўрсатма «марказдан» бўлганми? Совет тоталитар режимининг сиёсий шартларидан бири «марказдан» чиқарилаётган ҳар қандай қарор ва фармонлар бутун СССР бўйича амал қилиниши мажбурий ҳисобланса, нега унда айти шу пайтда қўшни республикалар, жумладан, Тожикистон Республикасининг қишлоқ туманларида «Наврўз» байрами нишонланганлигини² қандай тушуниш мумкин?

Юқорида таъкидланганидек, ўша вақтларда республика раҳбари бўлган И. Усмонхўжаев ва Ўзбекистон ССР Компартияси МҚ мафкура бўйича котиби Р. Абдуллаева миллий қадриятимиз ҳисобланмиш ушбу байрамни сақлаб қолиш ўрнига, азалий қадрият саналган «Наврўз» байрамини республика миқёсида нишонланишига зўр бериб қаршилиқ қилди. 1986 йил 17 март куни бўлиб ўтган мажлисда Р. Абдуллаева мажлис иштирокчиларининг айримлари Наврўз диний байрам эмас, миллий қадрият эканлигини айтиб эътироз билдиргач, келаси йилдан «Наврўз» ўрнига янги «Навбахор» байрамини жорий этишга ваъда берди. Ўша йили қўшни республикаларда Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланиб, бизда эса «21 март ирқий камситишни тугатиш учун халқаро кураш куни»³ билан алмаштирилди.

Собик Иттифоқ даврида Наврўзни байрам сифатида нишонлаш тақиқлаб қўйилган. 1980-йилларнинг ўрталарига келиб эса, Наврўз байрами ўтадиган март ойининг учинчи якшанбасида хотира

¹ Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар. – Тошкент: «Abu Marbuot-Konsalt», 2009. – Б. 50.

² Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар. – Тошкент: «Abu Marbuot-Konsalt», 2009. – Б. 51.

³ Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар. – Тошкент: «Abu Marbuot-Konsalt», 2009. – Б. 51.

кунини нишонлаш қонунлаштириб қўйилди. Бу эса собиқ коммунистлар мафкурасининг Наврўз байрамини умуман йўқотишга бўлган хатти-ҳаракатлари эди.

Натижада Наврўз байрамини республика миқёсида кенг нишонлаш, оммавий ахборот воситаларида ёритиш тақиқланган бўлсада, марказдан узоқ, қишлоқ маҳаллаларида ёши улуг кишилар бошчилигида оддий аҳоли томонидан бу байрамни нишонлаш давом этаверди ва Наврўз умумхалқ байрами эмас, балки жуда тор доирада, оилавий шароитда нишонланадиган байрамга айланиб қолди. Бу ҳолат кўп давом этмади, ҳокимият тепасига И. Каримов келгач, ҳали давлат мустақиллиги эълон қилинмасдан миллий кадриятларнинг тикланишига эътибор бериб, «Биз яқинда бўлажак Наврўз байрамини анъанавий байрам сифатида нишонлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдик. Ҳар жиҳатдан диққат-эътибор билан муҳокама қилдик, қош қўяман деб, кўз чиқарилган, ўзбошимчалик билан зарарли, халққа бегона қарорлар қабул қилинган, анъаналаримиз, урф-одатларимизнинг асрий негизлари оёқ ости қилинган ўтмиш давр сабоқларини ҳисобга олдик, – деди 1990 йил 20 январь куни Тошкент шаҳар фаоллари йигилишида сўзлаган «Тошкентни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантиришимиз керак»¹ сарлавҳали нутқида, аввало, одамларнинг, бутун халқимизнинг кўпдан-кўп истак ва талабларини ҳисобга олиб, биз бу йил Наврўзни янгичасига, катта умумхалқ байрами сифатида тантана билан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдик», – деб таъкидлаган эди.

Мазкур соҳада мустақиллик арафасида, ҳали собиқ Иттифок ҳукмрон бир пайтда давлат раҳбари томонидан маданий-маърифий, умуман, маънавий ҳаётимизда туб бурилиш ясаган муҳим бир тарихий ҳужжат имзоланганлиги ўз даврида катта аҳамиятга эга эди. Ўзбекистон Президентининг 1991 иил 12 февралда қабул қилинган «Республикада Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида»ги фармони азалий анъаналаримизни тиклашда муҳим қадам бўлди. Фармонда «Республикада инсоний кадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъана-

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 99.

ларни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш» масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диний қадриятларга муносабат. Дин ҳамма даврларда ҳам инсонларнинг ижтимоий маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Айниқса, ислом динида аҳолини бирдамлик, аҳиллик, иноқлик, ҳалоллик, покликка чорловчи эзгу ғоялари, маданий қиммати марксизмга асосланган собиқ совет мафкурачилари томонидан рад этилди.

Динга ва руҳонийларга қарши 30-йилларда очикдан-очик «совук уруш» эълон қилинди. Бунинг учун махсус «Курашчан худосизлар» ташкилоти тузилиб, унинг бўлимлари барча корхона ва муассасаларда ташкил этилди¹. Большевикларнинг динга қарши зўравонлик ва таъқибларига қарамасдан Ўзбекистон аҳолиси диний эътиқоддан, диний қадриятлардан мутлақо воз кечмади.

XX аср 50-йиллари иккинчи ярмидан эътиборан динга қарши кураш янада авж олди. Бунга КПСС МКнинг «Муқаддас жойлар» деб номланган ерларга зиёратларни тўхтатиш тўғрисидаги қарори сабаб бўлди². Мазкур қарор туфайли фаолияти тугатилган зиёратгоҳлар, масжид ва мадрасалар оёқости қилинди. Бу каби тадбирлар Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида аҳолини уюшган ҳолда ислом арконларини эмин эркин адо этишларига, маросим ва байрамларни ўтказишларига қарши қаратилган эди.

Колхозлар, совхозлар, қишлоқ советлари ва маҳаллаларда бир қатор атеистик тадбирлар ўтказилиб, суҳбатлар уюштирилган, маҳаллий радио тармоқларидан чиқишлар ташкил этилиб, маҳаллий масжидлардан кенг фойдаланилган. Айрим областларнинг район ва область газеталари саҳифаларидан ислом дини ва унинг байрамларининг «тажовузкорона моҳияти» тўғрисида мақолалар жой олган³. Диний байрамларимиз Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайитларини нишонлаш, жаноза маросимларининг ўтказилиши қаттиқ назоратга олинган эди. Мамлакат раҳбари совет даврида қадриятларимизга бўлган муносабат хусусида «Ўзингиз эсланг, бир вақтлар, комму-

¹ Ўзбекистон тарихи (1917–1991-йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991-йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.М. Абдуллаев, М.А. Раҳимов, Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б. 238.

² Ўша манба. – Б. 239.

³ Ўша манба. – Б. 351.

нистик мафкура замонида миллий урф-одатлар, анъаналарни ривожлантириш у ёқда турсин, ҳатто жанозага бориш мумкин эмас эди»¹, дея эслаб ўтган эди.

Қайта қуриш сиёсатининг бошланиши билан аксилдиний тадбирлар янада кенгайди. 1985–1988-йилларда Ўзбекистон Компартияси динга ва руҳонийларга нисбатан ўзининг қаттиққўл сиёсатини давом эттирди. Ўзбекистонда 1989 йилдан бошлаб динга маънавий ва маданий қадриятларнинг муҳим қисми сифатида қарала бошланди².

Халқимиз 70 йиллик курашчан атеизм ҳукмронлиги даврида деярли барча ўзбек маҳаллалари мусулмончилик анъаналаридан ҳам бирмунча бегоналашиб қолган эди. Мустақиллик муносабати билан мамлакатимизда диний эътиқод эркинлигига кенг йўл очилди. Бу масалада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов 1992 йил 2 июлда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Динга, диний ташкилотларга кенг йўл очиб берилди. Буюк ҳажга илгари нари борса беш-олти киши борарди. Энди ҳар йили минглаб одамлар муқаддас жойларга эмин-эркин зиёратга боришяпти. Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради. Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади»³. Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинмасдан аввал 1990 йил июнь ойида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун (1998 йилда янги таҳрири) қабул қилинди. 1991 йилдан бошлаб Рўза ҳайит («Ийд ал-Фитр»)ни ва «Қурбон ҳайит» («Ийд ал-адҳа»)ни расмий дам олиш куни сифатида нишонланиб келинмоқда. Ҳозир диний байрамларимиз давлат даражасида эътироф этилиб, дам олиш куни сифатида нишонланмоқда. Энг

¹ Каримов И. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», – Б. 113.

² Ўзбекистон тарихи (1917–1991-йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991-йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.М. Абдуллаев, М.А. Раҳимов, Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б. 355.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 18.

муҳими, бу диний эркинлик фақат бизнинг ислом динимизга эмас, балки, Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва дин вакилларига берилган эътибор намунаси эди.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла ғарб мамлакатлари менталетитига хос бўлмаган институт эканлиги учун ҳам собиқ Иттифоқ бошқаруви даврида Ўзбекистонда бу ташкилот фаолиятини тугатишга бўлган сиёсий ҳаракатларга қарамасдан ўзбек маҳалласи яшашда давом этди. Узоқ тарихга эга маҳалла институти совет даврида турмуш тарзи, маросим ва урф-одатлар, халқ амалий санъати, ҳунармандчилиги, халқнинг маънавий бойлиги бўлган халқ оғзаки ижодини сақлаб қолишига ҳаракат қилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги бошқарув тизимини йўлга қўйиш, такомиллаштириш борасида амалий ишлар амалга оширилди. Бу соҳадаги амалий ҳаракатлар 1992 йили 12 сентябрда, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан «Маҳалла хайрия жамғармаси»нинг ташкил этилиши билан бошланди. Расмий маъмурий ташкилот бўлмаган маҳалла шу пайтдан расман ҳукумат томонидан бошқариладиган нодавлат ташкилот сифатида қайд этилиб, 1993 йилда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳақида»ги қонун орқали унинг фаолияти ҳуқуқий асослари белгиланди ва йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

*Э.А. Раҳмонов,
Кўқон ДПИ ўқитувчиси*

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг шакллантирилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотлар дастуридаги узлуксиз устувор йўналишлардан бирига, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устувор ҳисобланадиган вазифалар қаторига кирди. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири бўлганлиги сабабли бу жараён такомиллаштирилиб борилди, аҳолининг

моддий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмига қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди, ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилди ҳамда унинг ҳуқуқий базаси яратилди.

Мустақиллик арафасидаги мураккаб иқтисодий-ижтимоий аҳволда ҳам аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларини ижтимоий ҳимоялаш борасида ижобий ишлар амалга оширилган эди. Республикамизда камбағал, нафақа олувчи ва кўп болали оилаларнинг оғирини енгил қилиш учун талайгина ишлар амалга оширилган. Жумладан, Андижон вилоятида 8 минг камбағал оила турли корхоналарга бириктириб қўйилган. Бу корхоналар доимо уларнинг ҳолидан хабар олиб, ёрдам бериб турган. Наманган вилоятида эса бева-бечораларга ёрдам бериш фонди маблағи 600 минг сўмни ташкил қилади¹.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақилликка эришилган кундан бошлаб аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга киришди. Ҳукумат топшириғига биноан 1991 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигига ўз тасарруфидаги ҳолатни бир ой муддатда чуқур таҳлил этиш ва соҳани ривожлантириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишни топширди. Энг аввало пенсия ишида ислохотлар ўтказиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар устидан ғамхўрлик қилиш вазифалари белгиланди². Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг «Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони (1991 йил 16 ноябрь)да республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси моддий ва ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида муҳим вазифалар белгиланди³.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида кўплаб ижтимоий жамғармалар ташкил этилди. Жумладан, 2002 йилгача республикада 48 та шундай ижтимоий жамғармалар фаолият кўрсатди. Улар ўз фаолият йўналишлари доирасида иш олиб борган бўлсалар-да, катта эътиборни соҳа мутахассис, ходимларини ижти-

¹ «Коммуна» газетаси. № 60. (19. 183.) 1991 йил 27 март.

² ЎзРМДА фонд – М-15, рўйхат-1, жилд-1, варақ-15.

³ «Фарғона тонги» газетаси, №220 (19.343), 1991 йил 19 ноябрь.

мой ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратдилар¹.

Ижтимоий ва иқтисодий оғир дамларда ҳам давлат бюджетининг асосий қисми аҳолининг ижтимоий муҳофазасига йўналтирилади. Жумладан, Фарғона вилоятининг 1991 йил бюджети энг зарур ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, бюджетнинг харажат қисмининг 94,9 фоизи ижтимоий истеъмолни қондиришга қаратилган. 1991 йил бюджетининг ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағи ўтган йилга (1990 йил) қараганда 164 млн сўмга ёки 44 фоизга ошиб, 536,5 млн сўмни ташкил этади. Мактаблардаги бошланғич синф ўқувчиларига яхши шароит яратиш мақсадида бепул нонушта билан таъминлаш давом эттирилади. Ҳомиладор аёллар ва кам қонлилиқ касалига дучор бўлган аёллар 140 кун мобайнида бепул озик-овқат ва витамин билан таъминланадилар. Ўқитувчилар, медицина ходимлари ва ижтимоий ёрдам ходимларига шаҳарларда бепул транспорт хизмати кўрсатишга ҳам маблағ ажратилган. Бундан ташқари коммунал уйларда яшайдиган ўқитувчиларга шаҳарларда 50 фоиз, қишлоқ жойларда 100 фоизли енгилликлар ҳам бюджетнинг харажат қисмидан ўрин олган. Капитал қурилишга 68,1 млн сўм ажратилиб, шундан: умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларига 38 млн сўм, соғлиқни сақлаш муассасаларига 13,7 млн сўм, уй-жойга 11,5 млн сўм² ажратилган.

1992 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нарх-навонинг эркинлашуви шароитида болаларни ижтимоий ҳимоялаш, нафақалар белгилаш бўйича эълон қилган қарори ҳам ўтиш даври учун аҳамиятли бўлди. Болалар учун компенсация тўловлари, озик-овқат маҳсулотлари, кам таъминланган оилаларнинг икки ёшгача болаларини ижтимоий муҳофазалаш каби мақсадлар учун 1992 йилда бюджет ҳисобидан 21,3 миллиард сўм маблағ ажратилди³.

¹ Ёрматов Ф. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991–2010-йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). – Тошкент, 2010. – Б. 40.

² Фарғона ДА фонд-1124, рўйхат-15, йиғма жилд-535, варақ-38.

³ Ёрматов Ф. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991–2010-йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). – Тошкент, 2010. – Б.35.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш зарурлигини чуқур англаган Республика Президенти ва Ҳукуматининг бу борада аниқ чора-тадбирлари натижасида аҳолининг кам таъминланган қисмини даромадларини ошириш юзасидан ижобий ютуқларга эришилди. Шунингдек, аҳолининг даромад манбаларидан бири бўлган иш ҳақи, нафақалар ва стипендиялар миқдорини доимий равишда ошириб бориш орқали ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаб борилди. Бозор иқтисодиёти даврида бошқа республикалар қатори Ўзбекистон Республикаси ҳам бир қатор қийинчиликларга учраган замонда яшаб келмоқда эди. Шунга қарамасдан, Республика Президентининг 1992 йил 8 октябрдаги «1992 йил 1 октябридан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони асосан 1992 йил 1 октябридан Ўзбекистон ҳудудидаги уруш қатнашчилари ва ногиронларга пенсиянинг энг оз миқдори 2500 сўм қилиб белгиланган. Шундай қилиб, пенсиянинг энг оз миқдори (уруш қатнашчилари ва I, II тоифа уруш ногиронлари пенсиялари) 1,56 баробарга оширилган¹.

Лекин, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жараёнида ҳам Президент фармон ва қарорларини ўз вақтида ижросини таъминлашда маҳаллий раҳбарлар томонидан йўл кўйилган бир қатор камчилик ва хатоликларни кўришимиз мумкин. Мисол учун, Молия вазирлигининг топширигига асосан 1993 йилнинг 13 октябридан 17 октябригача бўлган даврда ўтказилган Андижон вилояти бюджетининг 1993 йил 9 ойи даврида бажарилишини ўрганиш натижалари тўғрисидаги маълумотномада келтирилишича: Андижон шаҳри ва Андижон, Жалолқудуқ туманлари молия бўлимларининг 1992 йил ва 1993 йил I чораги учун тузилган иш режаларида аҳолини муҳофаза қилиш ҳақидаги Президент фармонларининг бажарилишини режалаштирилганлиги ва амалга оширилиши ҳақидаги текшириш иш режаларига киритилмаган².

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг 5 сессиясида индустриал ривожланиш ва энергетика доимий комиссиясининг «Фарғона вилояти саноат корхоналарини бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги олиб бораётган ишлари ҳақида» (1991 йил)ги ахбороти мисолида аҳоли даромадларини ошириш орқали ижти-

¹ ЎзР МДА. фонд – М-15, рўйхат-1, жилд-99, варақ-80.

² ЎзР МДА. фонд – М-15, рўйхат-1, жилд-238, варақ-103.

мой химояга қаратилган чора-тадбирлар натижасини кўришимиз мумкин: «бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичида 1993–1995-йиллари давлат мулки, коллектив мулки, ижара, хусусий мулк ва бошқа ҳамма мулклар ўз эгасини топган бўлади. Шу босқичда халқнинг даромадига алоҳида эътибор бериш керак, чунки республикада яшовчи 1 кишининг даромади 94,8 сўм бўлса, Фарғонада 83,2 сўмни ташкил этган. Нарх-наволарнинг кўтарилаётганлиги муносабати билан халққа берадиган компенсация – товон тўлаш ва нафақалар бериш учун 952 млн сўм миқдорда пул керак экан, бу социал қийинчиликларни йўқотиш мақсадида компенсация чора-тадбирлари кўрилди»¹.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан аҳолининг ижтимоий химоялаш мақсадидаги чора-тадбирларнинг узвий бўғини сифатида ижтимоий соҳа муассасалари қурилишига ҳам катта эътибор берилди. Бу жараённинг Фарғона вилоятидаги амалий натижаларига эътибор қаратсак, 1993 йили вилоят ҳокимияти қошидаги капитал қурилиш бош бошқармаси 6 млрд 352 млн сўмлик капитал маблағ сарфлаб, 5112 ўринли мактаблар, 280 ўринли болалар боғчаси, 314 ўринли касалхона, 300 қабулга мўлжалланган поликлиника фойдаланишга топширилган². 1994 йили вилоят ҳудудидаги барча маблағлар эвазига 4848 ўринли умумтаълим мактаблари, шу ҳисобдан, бюджет ташкилотлари томонидан 2702 ўринли мактаблар, 705 ўринли болалар боғчалари ва 306 ўринли касалхона қурилиб ишга туширилган³. 1996 йили эса 2582 ўринли мактаблар ва бир кунда 305 беморни қабул қилувчи поликлиникалар фойдаланишга топширилган⁴.

Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йилларида ўтиш даври қийинчиликлари, хусусан нарх-навонинг эркинлашуви

¹ Фарғона ДА фонд-1124, рўйхат-15, йиғма жилд-535, варақ-50.

² Фарғона вилояти истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси «Фарғона вилояти халқ хўжалигининг 1993 йил январь–сентябрь ойларидаги ривожланиши ҳақида» билдириш. Фарғона ш. 1993 й.

³ Фарғона вилояти истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси, Хизматдан фойдаланиш учун нусха №15, «Фарғона вилояти халқ хўжалигининг 1994 йил январь–ноябрь ойларидаги иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида» билдириш. Фарғона ш. 1994 й.

⁴ Фарғона вилояти истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси, «Фарғона вилояти халқ хўжалигини 1996 йил январь–сентябрь ойларидаги иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида» билдириш. Фарғона ш. 1996 й.

шароитида кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофазалаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Масалан, биргина 1992 йилнинг ўзида болалар манфаатлари учун ҳамда компенсация харажатлари учун қўшимча 5,9 млрд сўм пул ажратди. Шунингдек, нон, сут-қатик, шакар, тухум, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун 10 млрд сўм бюджет пули ажратилди¹.

Мактаб ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам учраган. Жумладан, Молия вазирлигининг топширигига асосан 1993 йилнинг 13 октябридан 17 октябригача бўлган даврда ўтказилган Андижон вилояти бюджетининг 1993 йил 9 ойи даврида бажарилишини ўрганиш натижалари тўғрисидаги маълумотномада келтирилишича: «Вилоят назорат тафтиш бошқармаси томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан текширувлар ўтказилганда Андижон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 5 та мактабда, Жалолқудуқ халқ таълими бўлимига қарашли 9 та мактабда ва Андижон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 4 та мактабда 1–5-синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашда шу туман молия бўлимларининг назоратсизлигидан фойдаланган умумовқатланиш корхоналари ошпазлари томонидан ўз зиммасида бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини ва ўқишга келмаган ўқувчиларга нонушта беришмаганлиги ҳақида асоссиз ҳисобот тузиш йўли билан 7,7 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини харажатга чиқариш йўли билан бюджет маблағларини қонунсиз равишда олганликлари аниқланган².

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кам таъминланган ва балоғат ёшидаги болалари бор оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1994 йил 23 августда қабул қилинган «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги

¹ ЎзР МДА. фонд – М-15, рўйхат-1, жилд-93, варақ-37.

² ЎзР МДА. фонд – М-15, рўйхат-1, жилд-238, варақ-103.

фармониға кўра республикада кам таъминланган оилаларға моддий ёрдам кўрсатиш жорий этилди¹.

Кам таъминланган оилаларға моддий ёрдам кўрғон, қишлоқ, овул, шаҳарлардаги маҳаллалар фуқаролар йиғини, йиғинни чақириш имкони бўлмаганда эса кўрғонлар, қишлоқлар, овуллар кўчалари, турар жойлари, маҳаллаларнинг фуқаролари вакиллари йиғилишининг қарорига кўра тайинланиши, моддий ёрдам пули ҳар ойда оиланинг моддий ва мулкый аҳволига қараб, унга амалдаги энг кам иш ҳақининг 1,5 дан уч бараваригача миқдорда тўланиши, ўзини ўзи бошқарув органларига ажратилган ва фойдаланилмаган бюджет маблағлари фуқаролар йиғинининг қарорига биноан, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, газлаштириш ва сув билан таъминлашга, шунингдек, бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишга сарфланиши лозимлиги белгиланди².

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги 1994 йил 23 августдаги фармонини бажаришда қатор ҳудудларда масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари учради ва айрим камчиликларга йўл кўйилди. Фармоннинг жойлардаги ижроси Республика Бош прокуратураси томонидан текширилди ва қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, 1997 йил мобайнида республика ҳудудидаги кўрғон, қишлоқ, овул ва маҳаллалар ўз-ўзини бошқариш органларининг 5500 та жорий маҳсус ҳисоб рақамларига фуқароларға моддий ёрдам кўрсатиш учун жами 2712,1 млн сўм (йил бошидаги 346,5 млн сўм қолдиқ билан) бюджет маблағлари ўтказиб берилган. Шу даврда ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан фуқаролардан тушган 1108,8 мингга аризадан 1107,8 мингтаси кўриб чиқилган. Шулардан 81,4 фоизи ёки 901,9 минг ариза талаби ижобий ҳал этилиб, 205,9 минг ариза талаби ёки 18,6 фоизи белгиланган низом тартибларига жавоб бермаслиги сабабли рад этилган.

¹ Зокирова Н. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини социал ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси оилалари мисолида). – Тошкент, 2011. – Б. 65.

² Ёрматов Ф. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истикболлари (1991–2010-йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). – Тошкент, 2010. – Б. 71.

1997 йил мобайнида республика ҳудудидаги ўз-ўзини бошқариш органларининг жорий ҳисоб рақамларидаги маблағларнинг 86,2 фоизи ёки 2337,9 млн сўми фуқароларга моддий ёрдам тариқасида тўланган ёки ўз-ўзини бошқарув идоралар ҳисобларидаги маблағ қолдиғи 1998 йил 1 январь ҳолатига 374,2 млн сўми ташкил этган. Барча вилоятларда ҳам берилган маблағлар тўлалигича ишлатилмаган. Мисол учун, Андижон вилоятида ишлатилмай қолган маблағларнинг ҳажми 11,8 фоизни ташкил этди¹.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди бошланди. Шу мақсадда 1995 йил 11 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида 1996–2000-йилларда ногиронларни реабилитация қилиш Давлат Дастури» ишлаб чиқилди. Дастурда ногиронларнинг профилактикаси, уларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда касбга йўналтирилиши таълимини ташкил этиш, иш билан таъминлаш, жисмоний тарбиясини уюштириш, ногиронлар билан ишловчи ходимларни тайёрлаш ҳамда бу борада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кабилар мувофиқлаштирилди².

Ногиронлиги мавжуд шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳудудларда масъул раҳбарлар томонидан айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, 1997 йил январь ойида «Ўзбекистон Республикасида 1996–2000-йилларда ногиронларни реабилитация қилиш Давлат Дастури тўғрисида»ги ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш ва назорат этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ишчи гуруҳи ўрганиши натижасида Фарғона вилоятида церебрал фалажи ва полиомиелит асорати бўлган ногирон болалар учун 1996–1999-йиллар мобайнида тиклаш марказлари ташкил этиш режалаштирилган. Лекин бу борада Фарғона вилоятида бирон-бир иш қилинмаганлиги аниқланган³.

Хулоса ўрнида, таъкидлаш керакки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб бориладиган ишларимизнинг қонунчилик асосларини замон талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгар-

¹ ЎЗР МДА. фонд – М-15, рўйхат-1, жилд-903, варақ-151.

² Ёрматов Ф. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истикболлари (1991–2010-йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). – Тошкент, 2010. – Б. 36–37.

³ ЎЗР МДА. фонд – М-15, рўйхат-1, жилд-781, варақ-168.

тиришларни киритиш жараёни янада тараққий этмоқда ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг узвий омили бўлиб қолган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг эволюцияси ўзининг истиқболли натижалари билан тараққий этмоқда. «Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси (2017–2021)» негизида инсон, ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги ва олий қадрият эканлиги тўғрисида қилиниши, шу мақсад сари давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, ижтимоий соҳада туб ислохотлар амалга оширилиши мамлакатимизнинг демократик давлат, иқтисодий ислохотларимизнинг эса ижтимоий йўналтирилганлигидан далолат беради.

1990-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЖАРАЁНИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

*Ш.Ю. Салимов, Ислом Каримов номидаги
илмий-маърифий мажмуа тадқиқотчиси*

СССР парчаланиб кетиши арафасида Ўзбекистонда ижтимоий муаммолар ҳаддан зиёд кескинлашиб кетди. Нарх-навонинг ортиши, қашшоқлик даражаси кучайиши, озиқ-овқат маҳсулотларида тақчилликнинг юзага келиши, кишилар руҳий-ижтимоий ҳолати ва кайфиятидаги тушкунлик – буларнинг бариси Ўзбекистон ҳукуматидан мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мазкур муаммоларни зудлик билан ҳал этишни талаб қиларди.

Хусусан, Ўзбекистонда ижтимоий соҳа қатор тармоқларининг ривожланиши бошқа иттифоқдош республикаларга нисбатан паст даражада эди. 1990-йиллар бошига келиб, республика ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи бўйича 15 та республикадан иборат собиқ СССР таркибида 12 ўринни, товар айланмаси бўйича 14-ўринни, ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган савдо майдонлари бўйича 13-ўринни, жон бошига кўрсатиладиган пуллик хизмат ва транспорт хизмати бўйича 14-ўринни, ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаш бўйича 14-ўринни эгаллаган¹.

¹ Тоғаева А. Мустақиллик арафасида Ўзбекистонда шаҳар маданияти муаммолари. / «Ўзбекистон тарихи» // 2016, № 3–4. – Б. 56.

XX асрнинг охириги ўн йиллигида республикада демографик ўсиш тенденциясининг пасайиши кўзга яққол ташланди. Бунга айниқса, туғилиш даражасининг пасайиши ва 80-йилларга нисбатан ташқи миграциянинг ўсиб бориши сабаб бўлди. Шунингдек, Ўзбекистондаги демографик ўсиш суръатлари аста-секинлик билан пасайиб борди ва 1990-йиллар ўрталаридан бошлаб аҳоли сонининг йиллик ўртача ўсиши 1,8–1,9 %ни ташкил этди (масалан, 70-йилларда 2,9 %ни, 80-йилларда 2,6 %ни, 90-йилларнинг бошларида эса 2,2 %ни ташкил этган)¹.

Юзага келган ижтимоий-демографик ҳолатни ҳисобга олмасдан номутаносиб иқтисодий ривожланиш оқибатлари мустақиллик арафасида бандлик муаммосининг зиддиятли тус олишида ўз ифодасини топди. Республика аҳолиси ва меҳнат ресурслари муттасил ўсиб бораётган бир даврда, айрим маълумотларга қараганда, меҳнатга лойиқ бўлган 1 680 000 киши халқ хўжалигига жалб қилинмади, булардан қарийб 1 миллиони Фарғона водийсига тўғри келар эди. Улардан 780 000 аҳоли меҳнатга лойиқ бўлган ҳолда ортиқча ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришдан четда қолган бир пайтда, ташқаридан (асосан, РСФСРдан) 125 000 га яқин ишчи ва мутахассислар Ўзбекистонга олиб келинди².

Дарҳақиқат, оғир ва аянчли ижтимоий-сиёсий манзара куйидагиларда ўз исботини топди:

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Сўнгги ўн йил мобайнида аҳолимиз 4,5 миллион кишига ёки 30 фоиз кўпайди ва ҳозир 20 миллион кишини ташкил этиб, аҳолининг ўсиш суръатлари умумиттифоқ суръатларига қараганда уч баробардан зиёд юқоридир. Бир миллионга яқин киши

¹ Максакова Л. Тенденции демографического развития в Узбекистане // «Центральная Азия и Кавказ», 1999. – №5. – С. 41.

² Ўзбекистон тарихи (1917–1991-йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991-йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.М. Абдуллаев, М.А. Раҳимов, Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б. 438.

ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг кўлидан келадиган ишни топа олмаяпти¹.

Шу билан бирга, ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Аҳолини тиббиёт ходимлари билан таъминлаш даражаси узоқ йиллар давомида кўтарилмади. 1989 йилги маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳар 10 минг аҳолига 35,1 врач тўғри келган². Ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаган³.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, биринчидан, фуқароларнинг мазкур масалаларга муносабатини ўзгартиришга, иккинчидан, ўтиш даврининг қийинчиликлари шароитида уларга муносиб турмуш тарзи яратиб беришга ҳаракат қилди. Энг аввало фуқароларнинг ёппасига қашшоқланишининг олдини олиш лозим эди. Бунинг учун эса мавжуд ижтимоий муаммоларни, аҳолининг кам таъминланган ва ночор қисмини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал этиш лозим эди.

Республикада шаклланган вазият иқтисодий таназзулнинг олдини олиш, ижтимоий соҳадаги зиддиятларни юмшатиш ва энг асосийси – ижтимоий можароларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўришни талаб қиларди. Мамлакатнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўтиш даври қийинчиликлари ва муаммоларини тўғри баҳолаб, республиканинг иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб, аҳоли ҳаёт даражасининг кескин пасайишининг олдини олиш мақсадида, уни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқди ва босқичма-босқич амалга ошириб борди.

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 47.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статис. сборн. – Ташкент: «Узбекистан», 1989. – С. 125–126.

³ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 5–6.

Хусусан, 1990-йилларнинг ўзида ижтимоий ҳимоялаш тизимида дастлабки ислоҳотлар икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич – 1991–1994-йилларни ўз ичига олган бўлиб, унда собиқ тузумдан мерос бўлган ижтимоий тизим бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилиб, дастлабки йиллардаги ижтимоий соҳадаги муаммо ва қийинчиликларни юмшатишга, уларни ҳал этишга қодир бўлган мутлақо янги ижтимоий тизимга асос солинди. Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашгани сари ижтимоий тизим ҳам такомиллашиб борди ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган харажатлар ва ўз муддатини ўтаб бўлган ижтимоий ҳимоя чоралари мувофиқлаштирилиб ёки бартараф қилиб борилди.

Бундан асосий мақсад, нархларни эркинлаштириш шароитида аҳоли даромадлари ва биринчи навбатда энг керакли истеъмол маҳсулотларини истеъмол қилишнинг пасайиб кетишининг олдини олиш эди.

Иккинчи босқич – 1995 йилдан бошланди. Бунда оммавий ижтимоий ҳимоя тизимидан бутунлай ўзгача, мақсадли ва адресли характерга эга бўлган ҳимоя тизимига ўтиш амалга оширила борди. Бу даврда иқтисодий ўсиш бошланиши билан аҳолининг янги эркин бозор иқтисодиётига кўникма ҳосил қилиши ва унда бевосита иштирок этиши кузатилди. Шунинг учун аҳолининг яшаш даражаси, унинг учун шарт-шароитлар яратилиши ва барқарорлашиши бу даврнинг ўзига хос хусусиятларига айланиб борди.

Шу тарзда ижтимоий соҳада олиб борилган сиёсатнинг дастлабки босқичида ҳукумат топшириғига биноан 1991 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигига ўз тасарруфидаги ҳолатни бир ой муддатда чуқур таҳлил этиш ва соҳани ривожлантириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш топширилди¹. Энг аввало, пенсия ишида ислоҳотлар ўтказиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар устидан ғамхўрлик қилиш вазифалари белгиланди.

Бозор муносабатларига ўтиш ва нарх-навонинг эркинлашуви муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими шакллана бошланди. Талабалар ва ўқитувчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида бошқа вилоятлардан келиб ўқиётганлар учун вақтинчалик ҳар ой учун 50 сўмдан кўшимча

¹ ЎЗР МДА. М-44-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 15-варак.

маблағ берила бошланди. Талабаларнинг амалиёт ўташи учун зарур бўладиган харажатларни қоплаш тизими яратилди¹.

Ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан ҳукумат ёшлар, айниқса, ёш болали оилаларни ижтимоий ҳимоялашга эътиборни кучайтирди. Шу маънода, 1992 йили вояга етмаган болалари бор оилалар учун ҳар чоракда товар-маҳсулотлар нархининг ортиб боришини эътиборга олиб қуйидаги даражада компенсация тўловларини амалга оширишга қарор қилинди:

- 6 ёшгача бўлган болалар учун – 25 фоиз;
- 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун – 30 фоиз;
- 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун – 35 фоиз².

Аҳолини, жумладан ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишда касаба уюшмалари томонидан олиб борилган ишлар ҳам самарали бўлди. Касаба уюшмалари ўша даврда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминловчи ягона жамоатчилик ташкилоти сифатида фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 1992 йил 23 апрелдаги қарорига биноан ҳар бир туғилган бола учун бюджет ҳисобидан 1100 сўм ҳажмидаги болалар кийим-кечаклар комплектини бепул бериш бошланди. Шунингдек, болали аёлларнинг ишга чиқиши, айти пайтда уларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим муассасаларида билим олишлари учун ҳам қўшимча имтиёзлар белгиланди. Мактаб формалари ва болалар кийим-кечаклари учун тўланадиган компенсация пуллари ҳажми 2 мартага оширилди³.

1992 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нарх-навонинг эркинлашуви шароитида болаларни ижтимоий ҳимоялаш, нафақалар белгилаш бўйича эълон қилган қарори ҳам ўтиш даври учун аҳамиятли бўлди. Болалар учун компенсация тўловлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кам таъминланган оилаларнинг икки ёшгача болаларини ижтимоий муҳофазалаш каби мақсадлар учун 1992 йилда бюджет ҳисобидан 21,3 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Хусусан, нарх-навонинг эркинлашуви шароитида кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофазалаш масалаларига алоҳида эътибор

¹ ЎзР МДА М-15-фонд, 1-рўйхат, 93-иш, 1-варақ.

² ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 93-иш, 44-варақ.

³ ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 59-варақ.

қаратди. Масалан, биргина 1992 йилнинг ўзида болалар манфаатлари учун ҳамда компенсация харажатлари учун қўшимча 5,9 млрд сўм пул ажратди. Шунингдек, нон, сут-қатик, шакар, тухум, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун 10 млрд сўм бюджет пули ажратилди¹.

Шу нарса эътиборга лойиқки, республика халқ хўжалиги асосан хом ашё етиштиришга мўлжалланганлиги ва аксарият маҳсулотлар четдан келтирилишига қарамасдан аҳолига ана шу истеъмол моллари арзон нархда сотилди. Масалан, 1992 йилда четдан келтирилган 350 минг тонна гўштнинг ҳар бир kilosи аҳолига 400 сўмдан сотилди. Ваҳоланки, унинг ҳақиқий харид нархи 750 сўмни ташкил этган эди. Бундан ташқари, олиб келинган шакарнинг ҳар бир kilosи 315 сўмдан тушгани ҳолда, 200 сўмга сотилди. Бугдойнинг ҳар бир kilosи 105 сўм бўлгани ҳолда 1 кг ун 30 сўмга сотилди. 1 кг чой 650 сўмга олиниб, аҳолига 250 сўмга сотилди². Ўртадаги тафовут давлат томонидан қопланиб борилди ва бу аҳолига ижтимоий жиҳатдан катта ёрдам бўлди.

Умуман олганда, ижтимоий соҳада ўтказилган ислохотларнинг дастлабки босқичи ўзини оқлади, ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ижтимоий сиёсат ўз олдига қўйилган барча вазифаларни тўла-тўқис бажарди. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоялашнинг мавжуд тизими (яъни, биринчи босқич) чуқур таҳлил этилганда унинг камчиликлари, исрофгарчиликларга йўл қўйилганлиги ва ижтимоий самараси етарли эмаслиги аён бўлиб қолди.

Ижтимоий соҳада ислохотларнинг иккинчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августда қабул қилган Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисидаги Фармони³ билан бошланди. Фармонга асосан 1994 йил 1 октябридан аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги – кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тури жорий этилди.

Дастлабки босқичнинг камчиликларига ислохотларнинг иккинчи босқичида барҳам берилди. Чунки, миллий валютамизнинг

¹ ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 93-иш, 37-варак.

² Раҳматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991–1996-йиллар). – Тошкент: «Нишон ношир», 2017. – Б. 123.

³ ЎЗР Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Т., 1994. – Б. 8–9, 10–12.

киритилиши натижасида 1995 йилдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечилди ва эркин нархларга ўтилди. Бунда ислохотларнинг биринчи босқичида тўпланган тажриба ва кейинги босқичга ўтиш учун шарт-шароит яратилиши муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрда «Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида»ги фармони аҳолининг заиф қатламига моддий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга бериладиган ҳар ойлик нафақалар кўпайтирилиб, бу нафақалар болаларнинг сонига қараб қуйидаги миқдорда белгиланди: бир болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 30 %; икки болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 60 %; уч болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 80 %; тўрт болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 100 %; беш ва ундан кўпроқ болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 120 %¹. Бу фармоннинг жорий қилиниши натижасида 1996 йили республикамизнинг 15 % оилалари давлат томонидан белгиланган моддий ёрдам туридан фойдаланди².

Айниқса, аҳолининг кам таъминланган қисмининг манзилли ҳимоя қилиниши, аҳоли томонидан ўзини ўзи бошқариш асосида, оила даромадларини ҳисобга олиб амалга оширилиши, фақат Ўзбекистонга хос ечим бўлди³. Кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдам пулларини шакллантириш манбалари сифатида республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари манбалар – жамоат ва хайрия жамғармалари, корхоналар ва хўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар белгиланди.

Ёшлар ва кўн болали, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш сиёсати илмий асосланган ҳолда, мавжуд шарт-шароит ва имкониятлар, шунингдек, ўзбек халқининг анъанавий

¹ Раҳматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарларида иктисодий трансформация жараёнлари (1991–1996-йиллар). – Тошкент: «Нишон ношир», 2017. – Б. 123.

² Акрамов Э. А., Таиров А. Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. – М.: ТОО «Люкс-арг», 1998. – С. 62.

³ Зокирова Н. Ўзбекистонда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш // «Бозор, пул ва кредит». – Тошкент, 2001. №7. – Б. 69–71.

турмуш тарзи эътиборга олинган ҳолда олиб борилди. Бу, ўз навбатида, жамиятда ижтимоий бўҳронларнинг олдини олиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги фармони алоҳида аҳамият касб этди. Фармон бўйича истеъмол молларининг асосий турларини ва хизматларининг эркин нархга ўтиши тугалланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг ўсиб бораётган харажатларини қоплаш мақсадида 1994 йил 1 октябрдан бошлаб 100 сўм миқдорида ҳар ойлик компенсация тўловлари жорий этилди.

Мамлакат Президентининг 1994 йил 31 ноябрдаги фармонида асосан юқорида кўрсатилган компенсация тўловларининг миқдори 150 сўмгача кўпайтирилди. 1994 йил сентябрдан бошлаб амалдаги болаларга қараб турганлиги учун оналарга тўланадиган нафақалар бола 1,5 ёшга тўлгунга қадар эмас, балки 2 ёшга тўлгунга қадар тўлана бошланди. Нафақанинг миқдори эса республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида қаралаётган болаларнинг сони ва нафақа олувчининг меҳнат стажидан қатъи назар, ҳар ойда тўлаб турилиши белгиланди¹.

Шунингдек, 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармонга биноан 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага муҳтож оилаларгагина бериш ва уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўлаш белгиланди².

1997 йил январдан бошлаб, болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан тайинланиши, бунда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олиниши ҳамда 1 нафар болали оиллага 100 %, 3 нафар болали оиллага 140 %, 4 нафар ва ундан ортик болали оилаларга 175 % миқдорида нафақа тўланиши белгилаб қўйилди³. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан «Болалар нафақалари» махсус ҳисоб варақалари очиб

¹ ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 411-иш, 1-варақ.

² ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 150-варақ.

³ ЎЗРМДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 903-иш, 155-варақ.

берди¹. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича дунёнинг бошқа давлатларида, айниқса, ривожланган мамлакатларида бой тажриба тўпланган. Ҳозирги кундаги асосий вазифа – Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий имкониятлари, «аҳоли ривожи»даги ўзига хос демографик ва ижтимоий-психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, бу тажрибалардан мамлакатимиз аҳолисини бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда ўринли фойдаланишдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг ўзига хос тажрибаси ва анъаналари тўпланди ҳамда амалиётга изчил жорий этилди. Бунда инсон – жамият – давлат муносабатлари, инсон омили юксак мавқеда туради. Кучли ижтимоий сиёсатнинг қўлланилиши куйидаги натижаларни берди:

– биринчидан, ўрганилган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими ҳам шакллана бошланди. Бундай тизимда аҳолининг кам таъминланган, муҳтож, ногиронлар қисмини, ёлғиз болали оналар, ёш оилаларнинг моддий иқтисодий аҳолини яхшилаш масалалари устувор аҳамият касб этди;

– иккинчидан, аҳолининг ҳаёт даражаси кескин пасайиши, Ўзбекистонда фавқулодда тенгсизликнинг юзага келишининг олди олинди;

– учинчидан, мақсадли ва манзилли характерга эга бўлган ижтимоий ҳимоялаш тизими вужудга келтирилди;

– тўртинчидан, ижтимоий ҳимоя қилишда давлатнинг ўрни ва роли катта бўлиши билан бирга, бу жараёнда нодавлат ташкилотларнинг роли ҳам сезиларли бўлди.

Энг муҳими, олдиндан кўрилган ижтимоий чора-тадбирлар ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш имконини берди, аҳолида амалга оширилаётган ислохотлар йўлига ишонч пайдо қилди. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини замон талабларига мос тарзда такомиллаштириш учун барча имкониятлар мавжуд ва улар мамлакатда демократик жамиятни қуришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

¹ ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 151-варак.

XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ МУАММОЛАРИ

*Ш. Туланбоев, НамДУ катта ўқитувчиси,
А. Дадажонов, НамДУ талабаси*

Табиатнинг одамзодга берган мўъжизаси бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ, унинг инсоний фазилатларини белгилайди. Зеро, инсон табиатга таъсир этиб, ўзининг онгли яратувчанлик фаолиятининг моддий ва маънавий асосини яратади. Табиатдан бойликларни тортиб олиш ва улардан инсоният эҳтиёжига кўпроқ сарф қилиш кучайган сари минг йиллар давомида барқарор бўлиб келган экологик мувозанат бузилиб, инсон билан табиат ўртасидаги муносабат мураккаблашиб, табиий ҳолат фалокат ёқасига келиб қолди. Бу борада Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг БМТ саммитининг «Мингйиллик ривожланиш» мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида – «... экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади»¹, деган сўзлари юқоридаги муаммони ўрганиш қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди. Бундай ҳол кейинги вақтларда, айниқса, XX аср 80-йилларининг ўрталаридан бошлаб дунё миқёсида юз бера бошлади.

Бутун жаҳон миқёсида юзага келаётган умуминсоний экологик муаммолар энг хатарли ва энг фалокатли бўлиб, табиий ҳодиса ҳамда жараёнлар аҳолини қийин аҳволга солибгина қўймай, балки бемаврид ялпи қирилишга ҳам сабабчи бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай нохуш ҳодисалар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам жиддий зарар келтиришини ҳали яхши тасаввур эта олмаяпмиз¹.

Мустақиллик ўз муаммоларимизни ўзимиз ҳал этишдек катта бир имкониятни яратди. Неча йиллар давомида шўролар давлатимизни хом ашё базасига айлантириб, унинг ортидан вужудга келаётган муаммоларни назар-писанд этмай келаётганди. Юртимизда бугунги кунда энг катта ва долзарб муаммолардан бири –

¹ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи / «Халқ сўзи», 2010 йил 22 сентябрь.

бу экологик муаммолардир. Давлатимизнинг Биринчи раҳбари И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Очиқ эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган». Ушбу муаммо ҳозирда бутун дунёнинг энг катта муаммосига айланиб бормоқда. Шундай экан, биз ҳам бу муаммоларга бефарқлик билан қарамаслигимиз керак. Бунинг учун муаммонинг моҳиятини ўрганиш ва қаердан вужудга келганлигини аниқлаш, сабабларини суриштириб, аниқлик киритиш даркор»¹.

Совет даврида Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари қатори Наманган вилоятида ҳам бир қатор экологик муаммолар яққол намоён бўлди. Буни таҳлил қилиш натижасида шу нарса аён бўлдики, ҳозирги кунда вужудга келган атроф-муҳитининг муаммолари шўролар даврида пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг салбий оқибатлари бўлган.

Ўнинчи беш йилликка келиб, вилоятда янги ерларни суғорилиш майдони 33,8 минг гектарни ташкил этди. Бундан ташқари секундига 40 кубометр сувни 80 метр юқорига кўтариб берадиган насос станциялари ўрнатилди². Сувларни режасизларча ишлатилиши, ерларга сарфланаётган сувларнинг кенгайиб бориши сув танқислигига, Орол денгизига қуйиладиган сувларнинг камайиб боришига олиб келди. Наманган ерларини 1981 йилда сув билан таъминланиши 65 фоизни ташкил этди, холос. Собиқ Иттифоқнинг «1986–1990-йилларда Наманган бўйича 17 минг гектар ерни ўзлаштирилиши, 40 минг гектар ерда сув таъминоти, 38 минг гектар ер мелиоратив ҳолати, 45 минг гектар ерни капитал текисланиш режа³лари қоғозларда қолиб кетди. Лекин, бу қарорлар сув танқислиги, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни олдини олишга ёрдам бермади. Наманганда олиб борилган сув ва ерга ишлов беришдаги жиддий камчиликлар нафақат вилоятга, балки улкан экологик муаммолардан бўлмиш Орол денгизига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. – Б. 110.

² Қосимов Й. Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент: «Фан», 1990. – Б. 113.

³ Ўша манба. – Б. 5.

Наманган ерларини пахта далаларига айлантирилиши, сойларга турли ирмоқларни, ариқларнинг очилиши ва пахта даромадини ошириш мақсадида далаларга турли кимёвий моддаларни меъёридан ортиқ солиниши вилоятнинг экологик муҳити ёмонлашувига олиб келди. Марказнинг 1985 йилда қабул қилган КПСС XXVII съезди, Ўзбекисон Компартиясининг XXI съезди қарорларида қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган¹. Бу қарорларнинг қатъий равишда бажарилиши атроф-муҳит тозалигига салбий таъсир ўтказган. Пахта далаларига керагидан ортиқ пестицид ва гербицидларнинг қўлланилиши, ғўза зараркунандаларига қарши кимёвий моддаларнинг ҳаддан зиёд кўп қўлланилиши табиат ва инсонлар соғлигига салбий таъсир ўтказди. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон пахта далаларининг ҳар гектарига 11 г ўрнига 54,5 кг дан пестицидларни ҳар йили шу миқдорда қайта ишлашидан тупроқ заҳарли моддаларга тўйинади².

Бунинг натижасида Наманган вилоятининг аксарият ерлари ер эрозияси, ернинг шўрланиши, зах ва сизот сувларнинг тўпланишига олиб келмоқда. Вилоятнинг айрим туманларида қишлоқ ерларида зах сувлар тўпланиши натижасида кам ҳосил олинди ва фойдаланиб бўлмади. Ернинг шўрланиш даражаси шу даражада кучайган эдики, ҳатто пахта майдонларига яқин ерларда яшовчи аҳолининг уйлари ҳам зах сувлар билан намланишига сабаб бўлди. Айрим аҳолининг яшаш ҳовлиларида зах сувлар тўпланиб, аҳолининг соғлигига салбий таъсир кўрсатди.

Собиқ Иттифоқнинг буйруғи билан вилоятнинг марказий шаҳарларига пахтани қайта ишлашга мослаштирилган саноат корхоналари қурилган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ошириш ва улардан кўпроқ даромад олиш мақсадида кимёвий корхоналар ҳам олиб келиб қурилган. Бу корхоналар аҳолининг зич жойлашган ва аҳоли яшаш ҳудудларга яқин қурилиши халқ орасида турли хил касалликларнинг келиб чиқишига, она ва болалар саломатлигининг ёмонлашишига сабаб бўлган.

Кимёвий саноат корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти марказнинг буйруғи билан йилдан-йилга кучайтириб борилган. Ҳатто корхоналар режадан ортиқ маҳсулотларни ишлаб чиқаришган.

¹ «Наманган ҳақиқати», 1986 йил 28 март.

² Эргашев А., Эргашев Т. Инсон экологияси. – Тошкент. «Фан», 2009. – Б. 171.

Оқибатда эса, Наманган вилоятининг экологик муҳити ёмонлашган. Кимёвий ва саноат корхоналаридан чиққан зарарли чиқиндилар атрофга яқин сой ва каналларга оқизилган, атмосферага заҳарли газ ва чанглар чиқарилган. Корхоналарнинг эскириб қолган ускуналари эса чанг ва заҳарли тутунларни филтрламаган. Натижада атрофдаги аҳолининг сувлардан заҳарланиш ҳоллари аниқланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг вилоятнинг талабга жавоб бера олмайдиган кимёвий ва саноат корхоналари беркитилди. Айрим корхоналар аҳоли яшаш ҳудудларидан узоқларга кўчириб юборилди. Ҳозирги замонавий технологиялар асрида барча корхоналарда янги техникавий филтрлар, зарарсизлатгич ускуналар билан таъминланган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Давлатимизда инсон саломатлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлари ва давлат қарорлари билан ҳимояланиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган вилоятида советларнинг олиб борган пахта яккаҳоқимлиги сиёсати, беш йиллик режаларнинг тинимсиз мажбуриятлари, саноатлаштиришнинг бир томонлама ривожлантирилиши, саноат корхоналарини дуч келган жойларга қурилиши, янги ерларни ўзлаштирилиши ва сувларнинг исроф қилиниши натижасида, атроф-муҳитнинг зарарланишига, аҳоли орасида турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Энг ачинарлиси, сувларнинг хўжасизларча исроф қилиниши, Орол денгизи ва Оролбўйи экологик муаммолари, аҳоли, атроф-муҳит муаммоларининг кескинлашувига олиб келди.

СОВЕТ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

*Д.О. Хайдаров,
СамДУ таянч докторанти*

Совет даврида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, унинг таъсирида юз берган ва динамик тарзда кечган демографик жараёнлар, бир томондан, республика аҳолисининг, айниқса шаҳар аҳолисининг сезиларли ўсишига, кўплаб шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва шаҳарларда муҳандислик-коммунал ва ижтимоий

инфратузилманинг кенгайишига, иккинчи томондан, мамлакат иқтисодиётида янги соҳа ва тармоқларнинг вужудга келиши, айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ҳамда кончилик тармоғининг ўсиши республика шаҳарлар тармоғининг кенгайишига олиб келди. Шу билан бирга, вужудга келган янги шаҳарлар таркибининг маълум қисмини муайян тор мақсад ва вазифаларга йўналтирилганлиги, маҳаллий иқтисодиётга эмас, балки кўпроқ СССРнинг бошқа республикалари шаҳар ва ишлаб чиқаришлари билан боғлиқ бўлган моношаҳарлар (шаҳар асосини ташкил этувчи маъданларни ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхонали шаҳарлар) ташкил этарди. Бунда этатизм сиёсати, яъни иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш мақсадида унга тўғридан-тўғри давлат аралашуви республиканинг худудий ривожланишида жиддий номутаносибликларни келтириб чиқарди. Натижада, ягона халқ хўжалик комплекси парчаланиб, бозор муносабатлари шакллана бошлаганидан кейин, шаҳарларнинг юзага келган янги шароитларга мослашиш имкониятини чеклади.

Маълумки, урбанизацион жараёнларда саноатнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг жадаллашишига сабаб бўлган саноатлаштиришда совет даври амалиётини, шартли равишда, уч даврга бўлиб кўриб чиқиш мумкин. Дастлабки 1920–1941-йилларни, навбатдаги босқич уруш йиллари (1941–1945)ни ўз ичига қамраб олди, охириги босқичи эса урушдан кейинги йиллардан то Иттифоқ тарқалгунга қадар республика ишлаб чиқариш салоҳиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлди. Агар совет даври тараққиётининг энг юқори нуктаси ҳисобланган 1985 йилдаги кўрсаткични Россия империясининг 1913 йилдаги шундай кўрсаткичи билан қиёслаганда, ушбу вақт оралиғида республика саноат маҳсулотлари ҳажми 100 баробар ошганини кўриш мумкин¹. Дарҳақиқат, совет даврида Ўзбекистонда саноатлаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар салмоқли бўлишига қарамасдан, республикада шаҳарлар ривожини ва уларда саноатлаштириш сиёсати кўп жиҳатдан ягона халқ хўжалиги комплексининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, шу билан бирга, бир ёқлама тараққиёти билан ажралиб турган.

¹ Народное хозяйство СССР за 70 лет: Юбилейный стат. ежегодник / Госкомстат СССР. – М.: «Финансы и статистика», 1987. – С. 12.

1925 йил декабрда «социалистик индустрлаштириш» дастури-нинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши натижасида Иккинчи жаҳон урушига қадар, асосан, саноатнинг мустамлака даврига хос бўлган тармоқлари (пахта тозалаш; ёғ ишлаб чиқариш; совун ишлаб чиқариш, консервалаш) ривожланди, шунингдек, янгилари (элек-троэнергетика, тоғ-кон, машинасозлик саноати) вужудга келди¹.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистондаги шаҳарсозлик ва саноатлаштириш жараёнларига Иттифоқнинг Европа худудидан саноат корхоналарини эвакуация қилиш ҳам тармоқда катта ўзга-ришларга сабаб бўлди. Биргина 1941–1943-йилларнинг ўзида Ўзбе-кистонга 100 дан ортиқ корхона кўчирилди². Натижада, саноат ишлаб чиқариши ўсиши билан республикада шаҳар аҳолисининг улуши сезиларли ошди. Аммо уруш якунланиши билан Ўзбе-кистонга олиб келинган саноат корхоналарнинг салмоқли қисми республиканинг аграр соҳасига ихтисослаштирилди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, янги шаҳарлар тарки-бида ресурс шаҳарларининг тез ўсиши кузатилди. Асосий эътибор республиканинг табиий ресурсларга бой бўлган, кам ривожланган узоқ (чўл ва тоғолди) худудларда кончилик саноати ривожла-ниши муносабати билан асосан янги шаҳарларни шаклланти-ришга қаратилди. Бунга Навоий кон-металлургия худудий саноат комплекси (ҲСК), Олмалик–Ангрен ҲСК, Фарғона нефть-кимё комплекси ва бошқаларнинг вужудга келиши ва ривожланиши сабаб бўлди. Саноатлаштиришнинг бир томонлама ривожланиши саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида, қайта ишлаш саноатига қараганда, кончилик (қазиб олиш) секторининг улуши икки баробар кўп бўлишида ўз ифодасини топди. Аини вақтда республика қайта ишлаш саноати кўрсаткичи ўртача Иттифоқ кўрсаткичларидан анча паст эди.

Совет даврининг охирига келиб, Ўзбекистонда асосан ярим-тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган аграр-индустриал иқтисодиёт талабларини қондиришга йўналтирилган халқ хўжалиги шаклланди. Ҳаддан ташқари ихтисослашув иқтисодиётнинг тузи-

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. – Тошкент, 2000. – Б. 339–342.

² Бабаджанов Х.Б. Трансформационные процессы в экономике Узбекистана в годы второй мировой войны. Автореф... канд. ист. наук. – Ташкент, 2018. – С. 31.

лишига ҳалокатли таъсир қилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1960 йилда Ўзбекистон саноат тармоқларидаги умумий ишлаб чиқаришнинг 83,4 % қишлоқ хўжалиги (асосан пахтачилик) билан бевосита боғлиқ бўлган, 1965 йилда бу кўрсаткич 78 %ни¹, 1980-йиллар ўрталарига келиб 75 %дан ортиқроқни ташкил этган². Ўзбекистон саноатидаги бундай бир ёқламалик узоқ йиллар давомида сақланиб келди, унда жиддий ўзгаришлар ясалмади.

Мамлакат саноат маҳсулотлари номенклатураси, бир қатор саноат маҳсулотлари (самолётлар, экскаваторлар ва бошқалар) дан ташқари, юқори қўшимча қиймати кам бўлган саноат маҳсулотлари билан чекланди. Жумладан, 1980–1990-йилларда Ўзбекистон умумий саноат ишлаб чиқаришида енгил, пахта тозалаш, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати корхоналари улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этди³.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш салоҳиятининг ҳудудий ривожлантиришда узоқ муддатли номуносивбликлар учун шароит яратилди. Жумладан, салмоқли демографик салоҳиятга эга бўлган Андижон, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм каби вилоятларда саноат ишлаб чиқариш узоқ йиллар давомида зарур даражада ривожлантирилмади. Айниқса Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон саноат корхоналари мавжудлиги жиҳатидан ўта заиф ҳудудлигича қолди.

СССР раҳбариятининг Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш соҳасидаги сиёсати демографик ўзгаришларга ҳам сабаб бўлиб, шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолисининг жадал ўсишига олиб келди. Масалан, 1926–1989-йилларда Ўзбекистон аҳолиси 4,3 мартага – 4,6 дан 19,9 миллионгача ўсган бўлса, умумий аҳоли сони таркибида шаҳар аҳолисининг улуши деярли икки баробарга 22 фоиздан 41 фоизгача ошди. Шу йиллар мобайнида республика шаҳарларининг аҳоли сони 8 мартага – 1 миллиондан 8,2 миллион кишига етди. Шу билан бирга, аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати урушдан

¹ Қаранг: Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. – Ташкент, 1967. – С. 151.

² Зиядуллаев С.К. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Ташкент, 1988. – С. 16.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР: Стат. ежегодник: 1990 г. – Ташкент, «Узбекистан», 1991. – С. 186.

олдинги даврда (1924–1941-йй.) 2,5 фоизни, 1959–1970-йилларда – 4,1 фоизни ташкил этди. 1970–1990-йилларда эса бу кўрсаткич 3,15 фоизни ташкил қилди. 1990 йилда 1959 йилга нисбатан аҳоли сони ўсишининг асосий улуши шу йиллар оралиғида 2,2 марта кўпайган қишлоқ аҳолисига тўғри келди¹. Натижада, аҳоли табиий ўсиши юқорилиги билан ажралиб турадиган республикада кескин ва зиддиятли демографик вазият вужудга келди.

1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб муаммо кўзга ташлана бошлади. Бир томондан, меҳнат ресурслари сонининг ўсиши тезлашди. Иккинчи томондан, янги иш жойлари ташкил қилиш деярли тўхтаб қолди². Аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси муҳим ва ўткир тус олди. Айрим маълумотларга қараганда, республикада меҳнатга лойиқ бўлган 1,5 млн дан ортиқ киши халқ хўжалигига жалб қилинмади. Улардан 800 мингга яқин меҳнатга лойиқ бўлган аҳоли ортиқча ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришдан четда қолди³.

Совет даврининг охириги ўн йилликларида Ўзбекистонда кечган муаммоли демографик жараёнлар урбанизацияда ўзгача тус олди. Жумладан, республика жами аҳолисида шаҳар аҳолиси салмоғининг кўпая бориши 1970–1990-йилларга тўғри келди. Бу сунъий равишда рўй бериб, шаҳар аҳолиси салмоғини кўтариш мақсадида қатор қишлоқ манзилларига асоссиз тарзда шаҳар мақоми берилиши туфайли рўй берди⁴. Натижада, урбанизация кўрсаткичи ҳам айнан шу йилларда энг юқори нуқтасига етди. Масалан, 1979 йилда у 41,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 1989 йилда 40,8 фоизга тенг бўлди⁵.

¹ Куйидаги манбалар асосида ҳисоб-китоб қилинди: Аҳмедов. Э. Ўзбекистон шаҳарлари. – Тошкент, 1991; Народное хозяйство СССР за 70 лет: Юбилейный стат. ежегодник / Госкомстат СССР. М.: Финансы и статистика, 1987; Народное хозяйство Узбекской ССР: Стат. ежегодник: 1990 г. – Ташкент, 1991.

² Содиқов А. Меҳнат бозори: муаммо ва ечимлар // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 1999. № 8. – Б. 8.

³ Рабич Р. Научная конференция на тему Вопросы социального развития Узбекистана в процессе перестройки // «Общественные науки в Узбекистане», 1989. № 1. – С. 52.

⁴ Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Тошкент, 2002. – Б.27.

⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР: Стат. ежегодник: 1989 г. – Ташкент: «Узбекистан», 1990. – С. 16.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бутун совет тузуми йилларида республика урбанизацион жараёнларда асосан келгинди аҳоли (асосан русийзабон халқларига мансуб) халқлар фаол қатнашишган. Пойтахтда, Самарқанд, Фарғона, Навоий каби вилоят марказларида, шунингдек, Ангрэн, Чирчиқ, Нуробод, Зарафшон каби ресурс шаҳарларида аҳоли таркибида туб аҳоли салмоғи камроқ бўлган. Бунинг боиси, биринчидан, республикада янги шаҳарлар бунёд этилиши, завод ва фабрикалар қурилиши ҳамда уларни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида СССРнинг марказий районларидан мутахассисларни кўплаб кўчириб келтирилиш амалиёти кенг қўлланилган. Масалан, «1926 йилдан бошлаб 1940 йилгача Ўзбекистон аҳолиси янги келганлар ҳисобига 750 минг кишига ёки 10 фоиздан ортиқроқ кўпайди»¹. Бу ҳолат кейинги даврларда ҳам қайд этилган². Иккинчидан, русийзабон аҳоли миграцияси юқорилиги билан ажралиб турган ва уларнинг аксарияти шаҳарларда истиқомат қилишга интилан. 1970-йилларга қадар русийзабон халқларига мансуб аҳолининг республикага келиши кетишдан кўра кўпроқ кузатилган бўлса, 1970-йиллар ўрталаридан 1990-йилларга қадар уларнинг эмиграцияси аста-секин кучая бошлади³. Шу билан бирга, қайд этиш зарурки, Ўзбекистонда истиқомат қилган маҳаллий бўлмаган аҳоли таркибида туғилиш ҳам кам бўлган. Бу ҳолат ҳам уларнинг табиий ўсишига салбий таъсир этган. Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги мавжуд (тарихий ва янги) шаҳарларнинг аксариятида замонавий инфратузилма (ичимлик суви ва газ қувурлари, канализация, электр тармоқлар ва ҳоказолар) мустақилликка қадар қуриб ишга туширилган. Бу суверен ривожланиш даврида шаҳарларнинг кейинги тараққиётига асос бўлиб хизмат қилди.

Умуман олганда, Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам совет даврида урбанизация умумиттифок иқтисодиёти (асосан ҳарбий саноат ва агро-саноат комплекси) манфаатларига бўйсунганлигини таъкидлаш лозим, бу

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. 344-бет.

² Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70–80-йиллар мисолида). – Тошкент, 1999. – Б. 123.

³ Мақсакова Л. Миграция населения Республики Узбекистан. – Ташкент, 2000. – С. 26.

эса моношаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишига, саноатда кончилик тармоқларининг устунлигига ва аграр хом ашёга ихтисослашувига олиб келди.

Мустақиллик арафасида Ўзбекистон учун юзага келган вазият ҳудудлар бўйича номутаносиб урбанизация, аграр сектор улушининг миллий иқтисодиётдаги юқорилиги, шунингдек, аҳолининг учдан икки қисми қишлоқ жойларда яшаганлиги каби хусусиятлар билан ажралиб туради.

Хуллас, совет даврида кечган урбанизацион жараёнлар оқибатлари моношаҳарларнинг пайдо бўлишида, бир ёклама ишлаб чиқариш тармоқларининг устунлигида ва республиканинг аграр хом ашё етказиб бериш мақсадига хизмат қилишида ўз ифодасини топди.

отахонлари Фитрат, Чўлпон сингари ижодкорларнинг қаламига мансуб тарихий асарларнинг қайта саҳналаштирилиши театрларнинг тарихида катта воқеа бўлди. Хусусан, Фитратнинг «Абул-файзхон» трагедияси аввал Қашқадарё театрида, сўнгра Бухоро театрида саҳналаштирилиши театр санъати ҳам туб ислоҳотлар томон юз тутганлигини билдирди.

Қайта куриш даври драматургиясининг яна бир ўзига хос жиҳати ушбу даврга қадар тақиқлаб келинган мавзулар, тарихий шахслар фаолиятига ижобий муносабат бошланганида кўзга ташланади. Бу ўзбек халқининг буюк саркардалари – Жалололдин Мангу-берди, Темур Малик, Амир Темур шахсиятларига муносабатда кўзга ташланади.

Ушбу даврда тарихий мавзуларда яратилган А. Шаломаевнинг «Аллома қисмати» (Умар Хайём, А. Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма театри), Аҳмад Дониш (Ю. Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусиқали драма театри), Ш. Холмирзаевнинг «Қора камар» (А. Ҳидоятлов номидаги Ўзбек драма театри, ҳозирги Ўзбекистон давлат драма театри), Б. Исломовнинг «Сарбадорлар» (А. Мажидий номидаги Каттакўрғон шаҳар театри), Ш. Ризаевнинг «Искандар» (А. Ҳидоятлов номидаги Ўзбек драма театри), С. Сирожиддиновнинг «Тўмарис» (Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри, ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри), Қодирийнинг «Ўтган кунлар» (И. Султонов инсценировкаси асосида, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри) сингари асарларда тарихий шахсларни бутун мураккаблигида тасвирлашга эътибор кучайгани билан эътиборли. Бу сиёсий тазйиқларнинг бартараф этилиши сабаб тарихий жараённи баҳолаш эмас, балки уни таҳлил этиш йўлига ўтилгани, яъни тарихий ҳодисаларга чуқур тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашиш имконияти пайдо бўлаётгани билан боғлиқ. Натижада, ўз юртидаги миллий озодлик ҳаракати – «босқинчилик» дея баҳоланган босмачилар ҳақида ҳам асарлар пайдо бўла бошлади. Шукур Холмирзаевнинг «Қора камар» драмаси ушбу йўлдаги дастлабки изланишлардан бўлди. Бу асарда ўзбек драматургиясида илк бор тилга олинган ҳаракатга бутунлай янгича ёндашилди, унинг асл моҳиятини очишга интилиш намоён бўлди.

Режиссёр Б. Йўлдошев асарни Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек драма театрида саҳналаштирар экан, асосий диққатини босмачилар-

нинг эътиқодлари ва ўзига хос маслакларини очишга йўналтирди. Спектаклдаги барча воситалар воқеаларнинг асл моҳияти шу пайтга қадар таърифлаб келингандан кўра анча мураккаб кечганлигини таъкидлашга қаратилган. Воқеалар ўтиши учун тоғ ёнбағридаги чакалакзор ўрмоннинг танланганлигида ҳам ўзига хос маъно бор. Бундай ваҳимали муҳит воқеаларга урғу бераётгандай. Ҳақиқатан ҳам, асарда содир бўладиган воқеаларнинг ўзи чалкаш. Зеро, сахнада эътиқоди турлича кишилар тўкнашадилар, шунингдек, курашаётганлар ичида ҳам қарашлар бир эмас. Биргина босмачиларни олайлик. Улардан баъзи бирлари бойлик ва пул учун курашаётган бўлса, бошқалари – қизиллар халқни дину диёнатдан айнитиб, ўзга йўлларга бошлаётганидан норизо. Қўрбоши Хуррамбек эса халқнинг бирлашиб большевикларга қарши курашга жипслашишини орзу қилади.

Шу маънода, спектаклда қарама-қарши томонда турганлар ўртасидаги зиддият сюжетни ҳаракатга келтиради. Бироқ, спектакль иштирокчиларини қарама-қарши гуруҳларга бўлиш билан иш битмайди. Зеро, халқнинг ичидаги бўлинишлар ундан-да мураккаб: бир гуруҳ афтода халқ қизиллар ваъда қилган ер илинжида, иккинчи бир қисми тирикчилик билан овора – икки тарафга ҳам қўшилмайди. Яна бир гуруҳи қизилларга ишониб, улар озодлик олиб келади деса, бошқаси босмачиларга хайрихоҳ. Демак, халқ орасида ҳам парокандалик, тушкунлик бор. Босмачилар қароргоҳида кечадиган баҳс-мунозаралар, тўкнашувлар, «Яша, Шўро»ни баланд овозда куйлаб кириб келган болалар, тирикчилик ғамида юрган бозорчи чоллар билан Хуррамбек (актёр Фарҳод Аминов) ўртасидаги қайғу ва аламга тўла суҳбат, тили кесилган Абдулла Набиев (актёр Ҳошим Арслонов)нинг ҳаракат, имо-ишораларда ифодаланган қалб изтироблари билан тўлиқ наштардек сўзлари, қўйингчи, асарнинг бутун бир шаклидан озодлик учун ўзича курашган, аммо йўл топа олмаган инсонларнинг фожиаси намоён бўлади. Спектакль ижодкорларининг мақсади босмачилик деб тамга босилган ҳаракатни тарғибот қилиш ёки оқлаш эмас, балки бу ҳаракатнинг асл моҳиятини очиб бериш, яъни халқнинг барча қатламлари иродасининг ифодаси эканлигини кўрсатишдир. Босмачилар ҳаракатининг мағлубияти уларнинг ғояси, тутган йўли нотўғри эканлиги ёки адашганлик оқибати эмас. Шу туфайли ҳам спектаклдаги Хуррамбек, Қорахўжа Эшон,

Остонкул, Қоракул Бобобеков образларида енгилган, бироқ таслим бўлмаган ҳаракат намояндалари мужассам. Ушбу спектаклда персонажларни салбий ёхуд ижобийга ажратиш мушкул. Зеро, асарда ҳар бир қаҳрамон бутун мураккаблиги билан кўрсатилган ва шу йўл билан ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолишга ҳаракат қилинган.

Фикрлар ранг-баранглиги, жиддий тўқнашувлар, чуқур драматик конфликтлар замирида илгари сурилган озодлик, ҳуррият борасидаги теран мушоҳадалар «Қора камар» спектаклининг асосий гоёсида мужассамлашади. Қаҳрамонлардан бири Хуррамбек «мен Ватан озодлиги дейилганда, ўз юртимизда туриб, ўз еримизга, ўз молимизга ўзимиз хўжайинлик қилишимизни тушунаман», дер экан, бу сўзлар замондошнинг сўзидек жаранглаб томошабин қалбига кириб боради. Шу маънода спектакль жамиятда тубдан ўзгариш ясаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан эркин бўлишлари зарурлиги ҳал қилинаётган ўша қайта қуриш йилларида жуда катта юкка эга эди. Зеро, у ҳурриятни таъминлаш учун эътиқодли кишилар бирлашишлари лозим, деган теран фикрни илгари суради. Асарнинг истиқлолдан аввалги ўзгаришлар даври драматургияси ва театр санъатидаги аҳамияти ҳам ана шунда.

Қора камар спектакли ўзбек драматургияси ва театр санъатида катта ўзгаришлар даври бошланганидан дарак берди. Ижтимоий-сиёсий жабҳаларда кескин ўзгаришлар кетаётган бир даврда юксак ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган бу каби асарларга эҳтиёж катта эди. Унинг кенг қўламли таъсири тарихий мавзудаги галдаги асарларда ҳам кўринди. Жумладан, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг С. Сирожиддинов қаламига мансуб, режиссёр Р. Ҳамидов томонидан сахналаштирилган «Тўмарис» спектакли (асар премьераси 1990 йилнинг 7 декабрида ўтган) тарихий мавзудаги галдаги ўзига хос қадам бўлиб, у эрксеварлик ҳамда тинчликни ардоқлаш ғоялари билан ажралиб туради.

Тўмарис ҳақидаги ривоятга эркин ёндашиш асосида дунёга келган спектаклда ижодкорлар «озодлик учун курашган халқни таслим қилиш мумкин эмас», деган ғояни илгари сурадилар. «Тўмарис» ва қабиладошларининг эркак бўлган ишончи ва озодлик йўлидаги кураши драматик конфликт асосини ташкил этиб, уни ҳаракатга келтиради. Спектаклдаги Борлиқ ва Самовий кучлар билан боғлиқ пролог ҳам айнан шунга бўйсундирилган. Самовий

кучлар томонидан яратилган инсоннинг маълум бир муддатда ўзини намоён этиши учун имкон берилишида чуқур фалсафий мазмун мужассам. Айнан «Тўмарис» фаолиятини ҳам шу кучлар томонидан кузатилиши натижасида одамзоднинг заминдаги ўрни ва роли хусусидаги мушоҳадалар дунёга келади. Қолаверса, жамиятда қайта қуриш жараёни кечаётган бир даврда, асарда илгари сурилган Ватан ва халқ эрки, озодлиги, миллат шаъни ҳақидаги ғоялар давр руҳи билан ниҳоятда ҳамоҳанг эди.

Қайта қуриш даври тарихий драмалари орасида А. Ҳидоятлов номидаги Ўзбек драма театрининг «Искандар» спектакли алоҳида ўрин тутди. Ушбу асарни саҳналаштириш орқали театр Садди Искандарийдек фалсафий дostonнинг илк бор саҳнавий талқинини яратишга эришди. Асарда Навоий даҳосига мурожаатда ҳам ўзига хос янгилик кўзга ташланди. Бу даврга келиб, Навоийнинг ижоди, сиёсий-фалсафий таълимоти турли сиёсий қарашлар таъсирисиз ўрганила бошлагани шоир образини янги қирраларда ёритишга имкон яратди. Маълумки, «Садди Искандарий» достони жуда мураккаб сюжетга асосланган бўлиб, унда Навоий ўз орзусидаги мамлакат ва ҳукмдор ҳақидаги қарашларини бадиий ифодалаган. Навоийга хос мушоҳада ва умумлашмалар саҳна санъатига ҳам катта таъсир кўрсатди. Асарда подшоҳ қандай бўлиши керак, миллат бошида турган шахс ким бўлмоғи лозим, деган саволларга жавоб изланади ва жамият ижтимоий-сиёсий жабҳаларда жуда катта ўзгаришлар томон юз тутган бир даврда бошқарув тизими қандай бўлмоғи лозимлиги хусусида мушоҳадаларга ундовчи бу каби асарга эҳтиёж катта эди. Ушбу асарга мурожаат этиш орқали ижодкорлар шох Искандар мисолида шахснинг емирилишини кўрсатишга интилдилар. Шу маънода, «Искандар» спектаклининг дунёга келиши (1991 йил, март) ўзбек театр санъатида катта ўзгаришлар даври бошланганидан дарак берди.

«Садди Искандарий» дostonининг ҳар бир боби ўзига хос конфликтга эга бўлиб, ушбу катта дostonнинг асосий ғояларини жамлаб, унинг сюжетини ихчамлаштириб пьеса яратишга бел боғлаган адабиётшунос Ш. Ризаев асар матнидаги эзгулик ва ёвузлик, улар ўртасидаги муросасиз кураш, инсон ҳаётининг мазмуни, унинг ҳаётдаги аъмоли хусусидаги мушоҳадаларни танлаб олиб, уларни спектакль ғоясини очишга йўналтирди. Дoston-

даги асосий фалсафий қарашлар ва ғоялар сақланган ҳолда ундаги воқеалардан бир қисминигина, яъни Файлақуснинг вафоти, Искандарнинг тахтга ўтириши, Доро ва Искандар ўртасидаги тўқнашув, уруш, унда Искандарнинг галабаси, Искандарнинг вафоти билан боғлиқ воқеалар олиб қолинди. Шундай бўлса-да, танланган воқеаларнинг ўзи ҳам азалий ва абадий ҳодисалар хусусида чуқур мушоҳадалар юритишга, асарда умумбашарий муаммолар ўртага ташланишига имкон берди. Бунга режиссёр Б. Йўлдошев барча тасвирий (безак, либос, нур-шуъла ва ҳоказо) ва мусиқий (кироат, чолғу, мақом каби) воситаларни, турли ижроларни (асосий қаҳрамонлар ҳаракати, олимлар, хор) бир-бирига узвий боғлаган ҳолда мураккаб таркибли фалсафий сахна асари яратиш туфайли эришган. Спектаклда бир-бири билан чатишиб кетган икки қатор кўзга ташланади: бири – Алишер Навоийнинг ўзи ва унинг қалби, ақлида туғилган поэтик тимсоллар, фикрлар, ғоялар, улар билан бирга ҳосил бўлаётган ўйлар, изтироблар, ҳолатлар, иккинчиси – Искандар билан боғлиқ воқеалар»¹. Алишер Навоий бу ўринда нафақат воқеаларни шарҳлаб боровчи бошловчи, балки асар воқеаларини ҳаракатга келтирувчи катта кучга айланади. Бу каби ёндашув режиссёрга катта бадиий ва фалсафий умумлашмалар қилиш имкониятини яратган. Режиссёр барча замонларда ҳам илғор фикрли кишиларни қийнаган ўй-фикрлар, фалсафий қарашлар хусусида бугунги томошабинни ҳам суҳбатга чорлагиси келади. Рассом Г. Брим томонидан фожиали-фалсафий ечим таклиф этилиб, ундаги рамз ва тимсоллар бош мақсадга бўйсундирилади. Хусусан, баланд кўрғон шаклидаги деворда учта дин – Будда, мажусийлик ва ислом тимсоллари ўз аксини топган. Бу мажозий тасвирлар Навоий ижодининг умуминсоний характерига ишорадир. Барча динларда ёвузлик, адолатсизлик, қонхўрликнинг қораланиши ёки эзгулик, адолат, саховат, инсоф, мардлик, тинчликнинг кўкларга кўтарилиши сир эмас. Сахнадаги ҳар бир предметдан оқилона фойдаланилиб, уларни турли вазифаларда қўллай олинган. Жумладан, сахнанинг сўл томонидан ўрин олган олтин тахт спектакль бошида ва сўнггида тобут вазифасини ўтайди.

Спектаклда воқеаларни шарҳлаб, уларни бир-бири билан боғлаб турувчи Алишер Навоий тимсолидан тортиб то кичик лавҳаларда

¹ Қодиров М. Навоий ва сахна санъати. – Тошкент: ЎзМЭ, 2000. – Б. 141.

намоён бўлувчи сиймоларга қадар ҳар бири тугал маъно ва аҳамият касб этган. Алишер Навоий – унинг илгари саҳналаштирилган қатор асарларининг талқинларидагидек шарҳловчи эмас. Ушбу образ – том маънодаги иштирокчи бўлишига эришилган. А. Рафиқов бу каби катта тарихий сиймони гавдалантиришга киришар экан, ўзига қадар яратилган Навоий образларига тақлид қилмаслик ҳаракатида бўлди. Актёр ўз қаҳрамонининг сўзга эътибори, талаффуз интонацияси ва ҳаракати, кўз қарашлари, воқеаларга муносабатидаги руҳий ҳолатларини чуқур идрок этиб, образнинг ҳали кашф этилмаган янги қирраларни намоён эта олди. Актёр саҳнада кечаётган воқеаларга муносабатини билдириб боради, Искандарнинг ҳар бир хатти-ҳаракати унинг назаридан четда қолмайди, актёр Искандарнинг ҳаракатларидан гоҳ ҳайратга тушаётган, гоҳ уни самимий қўллаб турган шоир образини яратган. Навоий унинг ижросида содир бўлаётган воқеаларнинг нафақат иштирокчиси, балки уларни йўналтириб турувчиси ҳамдир. Натижада саҳнада образ руҳиятидаги ўзгаришлар ҳам бўй кўрсатади. Навоий – Рафиқов содир бўлаётган воқеаларни кузатиб, ўз ҳаётий тажрибаси ва дунёқараши билан уларни бойитиб, умумлашма хулосалар қилади. Актёр Искандарнинг барча қарорларини тўғри қабул қила олмаётганини сездиришга имкон топади. Нотўғри қабул қилинаётган қарорлар оқибатида халқлар бошига тушиши мумкин бўлган гам-аламларнинг олдини олишга интилади ва бундай ўринларда оқилу доноларга қўшилиб, Искандарни тўғри йўлга солишга интилади. Актёрнинг воқеалар ичига оҳиста қадам ташлаб кириб бориши, қўл ҳаракатлари, юз ва кўз ифодалари орқали муносабатини билдиришга интилиши, чуқур маъноли овози ва унинг оҳанг имкониятларидан тўғри фойдалана олгани сабаб образ моҳиятан таъсирли ифодаланган.

Мажозий-романтик услубда ҳал этилган спектакль, театр жамоаси учун яхшигина мактаб вазифасини ўтади. Саҳналаштирувчи ҳамда ижрочилар Навоий дунёси ва образларига чуқур кириб боришга, унинг асарлари матнидаги фалсафий ғояларни томошабинга етказишга интилдилар. Фалсафий умумлашмалар, чуқур руҳий изтироблар, барча иштирок этувчиларнинг бир ғоя атрофида жипслашганлиги, томошабинни мушоҳада юритишга ундаши асарни фалсафий театр қоидалари ва талаблари асосида

коммунистик мафкура яккаҳоқимлиги, иқтисодий танглик, архив ҳужжатлари билан ишлашда турли хил чекловларни ўрнатган сиёсий цензура ҳамма соҳани қамраб олганлиги салбий таъсир ўтказган эди.

НАВРЎЗГА ҚАРШИ «КОММУНИСТИК УРУШ»: ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ ВА САБОҚЛАРИ

*И.М. Шамсиева, ЎзРФА ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди*

Дунёда халқлар ва уларнинг ўзига хос байрамлари кўп. Бирок, бирор-бир халқнинг тарихи, бугуни ва келажагини ўзида мужассам қилувчи, умуминсоний қадриятларга бойлиги билан ажралиб турувчи байрамлар кам ҳисобланади. Халқларнинг ўзи қанчалик қадимий бўлса, унинг маросим ва урф-одатлари, анъаналари ҳам шунчалик қадимий мозийга бориб туташади. Ҳар бир миллатга баҳо беришда унинг тили, тарихи, байрамлари ва миллий хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Миллатнинг дунёқарashi ва ўзлиги унинг байрамларида, анъаналарида намоён бўлади. Шу боис, барчага маълум бўлган ҳақиқат бор: миллатни ўзligидан маҳрум қилмоқчи бўлганлар, аввало, уни тилидан, тарихидан ва маънавий қадриятларидан, яъни байрамларидан маҳрум этишга, уларни тақиқлашга уринганлар. Вақти келганда эса, миллат руҳига умуман бегона бўлган байрамларни киритишга ҳаракат қилишган.

Бугунги кунда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётган Наврўз, Ўрта Осиёда совет ҳокимияти мустаҳкамланаётган йилларда большевиклар томонидан 1926 йилда диний-мусулмон байрами сифатида расмий тақиқланган. Наврўз байрамининг иккинчи маротаба «қатагонга» юз тутиши XX асрнинг 80-йилларига тўғри келди. Ўша даврда миллий байрамларни йўқ қилиш совет мустамлакачилик сиёсатининг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлган эди.

Совет мустамлакачилик сиёсати ўз мақсадига эришиш учун ўзбек халқининг азалий миллий байрамлари ва анъаналарига қатъий

тўққинчилик қилгани тарихдан маълум. Бироқ, ачинарлиси, маънавий ҳаётимизга советлар андозаси бўйича сунъий байрамлар киритилди. Хусусан, 1985 йил 10 июлда Ўзбекистон КП МК биринчи қотиби Н.Б. Усмонхўжаевнинг «Социалистик турмуш тарзи меъёрлари ва тамойилларидан жиддий чекинишлар, уларни тугатиш ва республика аҳолиси ҳаётида илгор анъаналар ва урф-одатларни қарор топтириш ҳақидаги» ёзма маълумоти асосида, 1985 йил 25 июлда «Авлодлар боғлиқлиги ва давомийлигини янада мустаҳкамлаш, вафот этган ва ҳалок бўлган ота-оналар ҳамда яқин кишиларнинг, жанговар ва меҳнат жасоратлари билан социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган, унинг шон-шуҳратини улуглаб, куч-қудратини кучайтирган кишиларнинг порлоқ хотирасини авайлаб-асраш мақсадида»¹ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистонда Хотира куни белгиланади. У ҳар йили март ойининг сўнгги якшанбасида нишонланадиган бўлди.

Дарҳақиқат, қарорда қайд этилганидек, Хотира кунини нишонлаш авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ва ворисийликни мустаҳкамлашга хизмат қилишида салбий жиҳат йўқ. Қарор эзгу мақсадларга (ўтиб кетганларнинг табаррук хотирасини авайлаб-асраш) йўналтирилган бўлса-да, моҳиятан Наврўзга қарши қаратилган эди. Нега деганда, унинг айнан Наврўзи олам нишонланаётган кунларга белгиланиши фикримизнинг исботидир.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурлар ва тадбирлар негизида миллий қадриятларимизга қарши кураш ҳамда уни диний хурофот сифатида миллат онгу шууридан ўчириб ташлаш ётарди. Ўзбекистонда биринчи марта 1986 йил 30 мартда Хотира куни ўтказилди². Бу Наврўзни йўқ қилиш йўлида қўйилган биринчи қадам эди.

Бу каби чора-тадбирлар кутилган натижа бермагандан сўнг, кейинги йилда «Навбаҳор» номи билан сунъий «Наврўз» ўйлаб топилди. Бу байрам ҳар йили апрель ойининг биринчи якшанбасида

¹ «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1985 йил 30 июль.

² Ўзбекистон тарихи (1917–1991-йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991-йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.М. Абдуллаев, М.А. Рахимов, Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б. 168.

нишонланадиган бўлди¹. Ҳаттоки «Навбахор»га бағишлаб махсус шеърлар ҳам битилди.

1986 йилни тарихимизда Наврўзни қатағон қилиш йили бўлди, дейиш мумкин. Чунки, айнан шу йили минг йиллик тарихий негизга эга байрамга қарши жиддий кураш бошланди. Уни нишонлаш тақиқланди. Шаҳар ва қишлоқларда Наврўз байрамини ўтказишга бўлган уринишлар куч ишлатиш органлари томонидан тўхтатилди².

Ўзбекистон ССР Марказий Қўмитасининг мафкура ишлари бўйича котибаси Раъно Абдуллаева Наврўз байрами арафасида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган йиғилишда Наврўзни нишонламаслик, унинг халқимиз ҳаёти ва турмушига «зарарли» экани ҳақида гапиради. Шунда йиғин иштирокчиларидан бири, Самарқанд вилоятининг «Ленинский путь» газетасининг муҳаррири Борис Шчеголохин унга эътироз билдиради ва Наврўзни ҳимоя қилиб, унинг диний эмас, миллий байрам эканлигини таъкидлайди³. Ачинарлиси, йиғилиш иштирокчиларининг кўпчилигини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этган бўлса-да, уларнинг бирортаси фикр билдирмайди. Шу ўринда, айтиш муҳимки, «Наврўз» каби миллий байрамларни тақиқлаш каби ҳаракатларда нафақат собиқ совет тузумининг, балки ўзимиздан чиққан «миллат-парвар» кимсаларнинг ҳам иштироки бор.

Наврўз байрами муносабати билан тайёрланадиган сумалак ва ҳалим каби миллий таомларни оддий бўтқа деб ҳисоблаган Ўзбекистон ССР Компартияси Марказий Комитети идеология секретари Раъно Абдуллаева ўзининг хатти-ҳаракатлари билан очикдан-очик Наврўзга қарши «коммунистик уруш» эълон қилди.

Тўғри, ўша давр сиёсати шундай йўл тутишни талаб қилган. Бу барчага маълум бўлган ҳақиқат бўлиб, буни ҳеч ким инкор эта олмайди, албатта. Бу ўша давр етакчиларининг мустақил позицияси, фикри бўлмагани ва раҳбар учун ўта зарур бўлган жасоратнинг етишмаслигидан далолатдир. Нега деганда, баъзи раҳбарлар

¹ Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, кувончлар. – Тошкент: «Академия», 2001. – Б. 10.

² Ўзбекистон тарихи (1917–1991-йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991-йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.М. Абдуллаев, М.А. Раҳимов, Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б. 168.

³ Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 129.

учун ўз сиёсий мавқеи ва амалини сақлаб қолиш миллий манфаатлардан устунроқ турган.

Лекин ўша огир даврларда ҳам Тожикистонга яқин туманларда яшовчи Сурхондарё вилоятининг айрим фуқаролари Наврўз байрамини кўшни республикага яширинча бориб ўтказиб келганлари ҳақида маълумотлар бор¹. Шу ўринда савол туғилади, собиқ совет маконидаги барча республикалар ягона коммунистик ғоя таъсирида яшаб келгани ва миллий кадриятлар тизимидаги мафкуравий таъйиқларга қарамасдан, нима учун ва қандай қилиб Тожикистон ССР раҳбарияти Наврўз байрамини ўтказишга имконият ҳамда шарт-шароит яратиб берган? Фикримизча, бу истиқболда мақола ёки тадқиқот учун алоҳида мавзу бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўша давр матбуотининг (1986–1988-йиллар) 21 мартдан 31 мартгача бўлган сонларининг таҳлили шуни кўрсатдики, барча вилоятларда мартнинг сўнгги якшанбаси Хотира куни сифатида нишонланган. Хусусан, бу кунга бағишланган маълумотларда Хотира вахталари ташкил этилгани, митинг ва учрашувлар бўлиб ўтгани, ҳалок бўлган қаҳрамонларга ҳайкал ва ёдгорликлар ўрнатилгани, мотам куйлари янграганлиги таъкидланади. Масалан, «Совет Ўзбекистони» газетасида Хотира кунига бағишланган мақолада «Меҳнат ва ўқишда ўрнак кўрсатган комсомолларга шу куни қаҳрамонлар ҳайкали ёнида фахрий қоровулликда туриш ишониб топширилди. Пионер дружиналарида қаҳрамон комсомоллар номини олиш ҳуқуқи учун отрядлар ўртасидаги мусобақа якунлари чиқарилди»², деган сатрлар бор.

Таассуфки, кўрсатиб ўтилган йилларнинг Наврўз кунинда эълон қилинган мақолалар «21 март – ирқий камситишни тугатиш учун халқаро кураш куни» рукни остида чоп этилган. Масалан, 1986 йил 21 март куни «Совет Ўзбекистони» газетасида «Шерпевиль акс-садоси» номли мақола эълон қилиниб, унда Наврўз ҳақида бирорта сўз ёки жумла йўқ, балки «Жанубий Африка халқи учун бурилиш нуқтаси бўлган Шерпевиль фожиаси» ҳақида гапирилган³. Мана шу каби мазмундаги мақолаларнинг айнан миллий байра-

¹ Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Тошкент: «Академия», 2001. – Б. 11.

² Хотира муқаддасдир // «Совет Ўзбекистони», 1987 йил 31 март.

³ Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 129.

мимиз Наврўз кунда босилиши ўзбек халқининг қадриятларига нисбатан ҳурматсизлик ва очикдан-очик уни камситиш, топташ эди.

Наврўзга нисбатан уюштирилган хуружнинг айнан XX асрнинг 80-йиллари бошлари ва ўрталарида авжига чиқишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган: СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмитанинг қарори асосида ислом динини назорат қилиш бўйича белгиланган тадбирлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР партия ва ҳукумат идораларида диндорлар ва диний муассасалар ўз фаолиятида ҳукумат қабул қилган қонунларга қанчалик риоя қилинишини назорат қилувчи комиссияларнинг фаолиятини янада кучайтириш талаблари белгиланди. Унга кўра комиссиялар ўз фаолиятида коммунистик мафкура ғояларига, яъни динга қарши аёвсиз курашда атеизмга қатъий риоя қилишлари шарт эди¹.

Миллий ўзлгимиздан айиришда 1984 йил 23 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳам жиддий роль ўйнаган. Пленумнинг асосий эътибори ғоявий-мафкуравий масалаларга қаратилди ва «буржуа идеологиясига ва ахлоқига қарши, одамлар онги ва феъл-атворидаги реакцион сарқитларга қарши истеъмолчилик психологиясига, қолоқ урф-одатларга (кейинчалик Наврўз байрами ҳам қолоқ урф-одатлар сирасига киритилди) ва анъаналарга, ҳаддан ортиқ хашамдор тўй-томошаларга ва маъракаларга қарши курашдаги хужумкорлик ва таъсирчанлик бўшаштириб юборилган»², деб таъкидланди. Шунингдек, пленум диққат-марказида одамлар онгидаги ўтмиш сарқитларининг социал хавф-хатарига эътиборни кучайтириш масалалари қаторида ёш авлод тарбияси ҳам турди. Жумладан, «йигит-қизларда сиёсий хушёрликни ва синфий туйғуни, идеологик қўпоровчиликларга қарши зарба бериш қобилиятини, социалистик Ватанни мудофаа қилишга тайёр туриш ва мудофаа қилиш маҳоратини тарбиялаш соҳасидаги ишларни кучайтириш муҳимлиги, ёшларни партия ва халқимизнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбияламоқ лозим»³, дейилган эди.

¹ Ўзбекистон тарихи (1917–1991-йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991-йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.М. Абдуллаев, М.А. Раҳимов, Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б. 168.

² «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1984 йил 26 июнь.

³ «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1984 йил 26 июнь.

Шубҳасиз, мазкур пленум белгилаб берган кўрсатмалар асосида Ўзбекистонда «ўтмиш ва реакцион саркитлар, ислом дини қолдиқлари» ҳисобланган нафақат диний маросимлар, балки миллий байрамларга ҳам қарши оммавий кураш эълон қилинган эди. Пленум қарорлари ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида илғор анъаналар, урф-одат ва русм-русумларни пропаганда қилиш, жорий этиш ва ривожлантириш асосида совет турмуш тарзини такомиллаштириш билан шуғулланадиган республика кенгаши тузилади¹. Бу ҳақида, 1985 йил 27 июль куни Тошкентда, республика партия активининг маданият ва спорт масканлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган йиғилишида, республика раҳбари И.Б. Усмонхўжаев маълум қилади ва бу кенгашнинг «оммани, айниқса ёшларни тарбиялашни яхшилаш мақсадида»² ташкил этилганини таъкидлаб ўтади.

Кўриниб турганидек, тарғибот-ташвиқот ишлари кўлами ниҳоятда кенг олиниб, миллий қадриятлар ўрнига социалистик турмуш тарзини акс эттирувчи умумсовет анъаналари жорий қилинди. Кейинги йилларнинг 21 мартдан 21 апрелгача бўлган кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан «Инсонийлик ва табиатни эъзозлаш ойлиги» деб эълон қилинди. Шу муддат ичида Хотира куни, Биринчи пушта, Биринчи экин, Дон, майса ва сув куни, болалар учун Бойчечак байрами ва бошқа сунъий равишда ўйлаб топилган маросимларни ўтказиш белгиланди³.

Лекин, ҳолисона айтиш жоизки, жойларда юқорида келтирилган тадбирлар билан бирга ерларни ободонлаштириш, янги дарахт кўчатларини ўтказиш, қабристонларни тозалаш каби ишлар ҳам олиб борилган. Миллий ўзликимизни ифода этувчи, турмуш тарзимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолган Наврўзни ўзбек халқи маънавий маконидан сиқиб чиқариб бўлмади. Ҳолбуки, Наврўз – янги кун (*рўз-и нав*), янги йил (*соли нав*), тоза кун (*рўз-и тоза*), фарвардин ойининг биринчи куни, баҳор байрами сифатида нишон-

¹ «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1985 йил 30 июль.

² «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1985 йил 30 июль.

³ Ўзбекистон тарихи (1917–1991-йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991-йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.М. Абдуллаев, М.А. Раҳимов, Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б. 169.

ланади. Айнан шу куни кун ва тун тенглашади. Наврӯз Эронда, Афғонистонда, Ҳиндистонда, Ўрта Осиё, Кавказ мамлакатларида минг йиллар давомида байрам қилинади.

Республикада Наврӯз тақиқи 4 йилгача давом этди. 1989 йил февралда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссиясида Наврӯз байрамини тиклаш масаласи кўриб чиқилди ва март ойида республикада Наврӯзни нишонлашга ҳукумат органлари илк бор тўсқинлик қилмади¹. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг фармони билан 1990 йилдан бошлаб 21 март – Наврӯз умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Халқимизнинг азалий қадриятларидан бири, янгилашиш ва эзгулик тимсоли ҳисобланмиш Наврӯз байрамининг халқимизга қайтариб берилиши, мамлакат тарихида муҳим воқеа бўлди.

Наврӯз янгитдан дунёга келган қадриятдир. У мустақил Ўзбекистон давлатининг миллий ривожланиш концепциясидаги маънавий-маърифий тикланиш каби устувор вазифалар сирасида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, маънавий-маърифий тикланмасдан миллий тикланиб бўлмайди. Чунки, миллий тикланишгина янги маънавий цивилизацияни юзага келтиради.

МИЛЛИЙ МАФКУРА ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

*Ф.Х. Усарова, сиёсий фанлар номзоди,
Н.Б. Абдусаттарова, ЎзРФА ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ кичик илмий ходимлари*

2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги даврда олиб борган сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш

¹ Ўзбекистон тарихи (1917–1991-йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991-йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.М. Абдуллаев, М.А. Раҳимов, Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б. 169.

остонасида»¹ номли янги китоби нашр этилган эди. Китобдаги тарихий ҳужжатларнинг каттагина қисми ўша мураккаб даврда халқимизнинг асрий орзуси бўлган миллий истиқлол, мустақиллик мафқураси, миллий тикланиш, миллий ўзликни англаш, маънавийт масалаларига бағишланган фикр ва қарашлари ўз ифодасини топган.

Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мустабид тузум даврида тақиклаб қўйилган Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаш, динга ҳурмат билан муносабатда бўлишни қарор топтириш, азиз-авлиёларимиз, улуғ аждодларимиз хотирасига нисбатан тарихий адолатни тиклаш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, қарор ва фармонлар шулар жумласидандир.

Шўро мафқураси чуқур илдиз отган ўша сиёсий муҳитда Ислом Каримов ҳар бир чиқишида ўз халқининг тарихи ва маданиятига, ўз она тилига, миллий қадриятларига улкан муҳаббат туйғуси ёрқин сезилиб турарди. Бунга қуйидаги биргина мисол билан кифояланиш мумкин.

Қайси бир китобда ғоят ибратли ривоятни ўқиган эдим. Эмишки, Амир Темур ярим жаҳонни забт этиб, олис ўрмон қабилаларига бориб етибди, хуллас, уларни ҳам ўзига бўйсундирибди. Қайсар ва жангари, озод ва самимий бу қабила бошлиғи чорасизлик туфайли Темурга қуролларини топширар экан, қуйидаги гапларни айтибди: Эй, Темур! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ сенга айтадиган шартларимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла, агар сен савдогар бўлсанг, сотиб юбор, агар подшо бўлиб келган бўлсанг – бизга бахт ато эт! Бу талабни эскичасига айтсами, янгичасигами – бари бир, моҳияти бир хил бўлиб қолаверади. Яъни, халқ вакили халқнинг посбони, халқ раҳбари бўлиб, халқнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлгувчи сирдошига айланиши шарт².

Коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган ҳамда ҳали ўз таъсирини йўкотмаган бир шароитда советларнинг юқори минбаридан туриб Амир Темур бобомиз номини ҳурмат ва ибрат билан

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011.

² Каримов И. Тошкентда СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган кенгашда сўзланган маърузадан. 1990 йил 24 февраль.

тилга олиш – раҳбар одамдан чинакам жасорат, айти пайтда улкан тафаккур ҳамда донишмандлик фазилатларини талаб этишини англаш қийин эмас.

Ислом Каримовнинг қатъий позицияси, оғир-босиқлик билан тарих берган ноёб имкониятни қўлдан бой бермасдан, мустақиллик мафкураси атрофида халқни бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга ишонтира олгани, бу масалада ҳал қилувчи роль ўйнади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши туфайли мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларда туб ўзгаришлар юзага келди. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий мустақиллиги ва демократиялашув жараёнлари бевосита фуқаро онги ва тафаккурини кескин ўзгартирувчи мафкуравий омиллар билан боғлиқ бўлиб, у жамиятнинг барча соҳаларидаги тараққиётга ғоявий йўналиш берди. Бу жараёнда Биринчи Президент Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Биринчи Президент мустақиллик мафкурасини, яъни миллий мафкурани шакллантириш, ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Мустақиллик мафкурасининг муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, асраб-авайлаб, эъзозлаб, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши зарур эди. Ислом Каримов бу борада: «Ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур.

Табиийки, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим», – дея таъкидлаган¹.

Миллий мафкуранинг шаклланиш жараёнларини сарҳисоб қилиш мақсадида уни шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчиси 1991–2001-йиллар, иккинчиси 2001–2016-йил-

¹ Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи (Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ). 8-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. – Б. 258.

лар ва учинчиси 2016 йилдан бугунги кунга қадар даврни ўз ичига қамраб олади.

1991–2001-йилларда Биринчи Президент мустақиллик мафқураси концепцияси устида ишлаш ва уни ҳаётга татбиқ этишда қуйидаги амалий масалаларга алоҳида эътибор қаратди:

1. Ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур.

2. Бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида – яъни мустабид, тоталитар тузумдан эркин ва озод тузумга ўтиш шароитида яшамокдамиз. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса, аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин.

3. Тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор. Келажагимиз учун сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида жиддий бош қотиришимиз керак¹.

Ушбу мақсад ва вазифаларни инобатга олган ҳолда, биринчи ўн йилликда мустақиллик мафқурасини нафақат назария сифатида, балки таълимот сифатида ўзининг тарихий илдизлари, илмий асослари, ўзига хос тушунча ва тамойилларига эга яхлит тизим ташкил этилди. Бу тизим мутлақ ўзгармайдиган ва қотиб қолган фикрлар мажмуаси эмас, балки замон талаблари, ижтимоий воқеликдаги ривожланиш жараёнида бойиб борадиган тушунча ҳамда тамойилларни ўзида ифодалади. Шаклланган ва такомиллашган тушунча ҳамда тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим

¹ Каримов И. Озод-ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи (Миллий истиклол мафқураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ). 8-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. – Б. 258.

тизимига жорий этиш тўғрисида»¹ги фармойиши билан олий ўқув юртларига фан сифатида киритилди.

Ушбу фармойишда миллий мафкурани халқимиз, аввало, ёшлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ҳамда тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш таклиф этилди ҳамда бажарилиши жараёнида концепция даражасига кўтарилди.

Бу концепция эса, ўз навбатида, дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистон Республикасига қизиқишини янада оширишга хизмат қилди. Ўша йилларда хорижда мамлакатимизга бағишланган мақолалар, янги китоблар чоп этила бошлади. Жумладан, 2010 йил Париж шаҳрида «Ўзбекистон геосиёсати» китоби нашр этилди. Китобда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги машаққатли тараққиёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу китоб муаллифи сиёсатшунос олим, профессор Ж. Барра 2011 йил май ойида мамлакатимизда меҳмон бўлган ва қилинаётган ишларга муносабат билдириб: «Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан қатъий ишонч билан дадил бормоқда, демократик тамойиллари асосида давлат, жамият ва иқтисодий қурилиш соҳаларида тобора кўпроқ ютуқларга эришилмоқда. Халқингизнинг бу борадаги ютуқлари дунё тараққиётига интилаётган кўплаб давлатлар учун ибратдир»², – дея таъкидлаганди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи босқичда шакллантирилган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг моҳияти ёш авлодни маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида, яъни миллий мафкура руҳида тарбиялаш, интеллектуал бой комил шахсни, яъни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук мутахассисларни тайёрлаш биринчи ўринларда туради. Миллий дастурнинг миллийлиги ҳам ана шундадир.

Юқоридаги фикрларни давом эттириб, эътироф этиш мумкинки, иккинчи босқичда жамиятимиз аъзоларининг дунёқараши, фикрлаш

¹ Каримов И. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида фармойиш // «Халқ сўзи», 2001 йил 19 январь.

² Барра Жак. Улкан ютуқларга эришаётган Ўзбекистон буюк келажаги сари ишонч билан одимламоқда // «Халқ сўзи», 2011 йил 18 май.

тарзида туб ўзгаришлар рўй берди. Халқимизнинг ўзига ишончи, фикрлар тиниклиги, асосланганлиги, ижобий ва ижодий ғоялар юқори поғонага кўтарила бошлади. Дарҳақиқат, миллий мафкура мустақиллик йилларида тобланиб, чархланиб, ривожланиб келди ва олий кадриятга, мустақиллик мафкурасига айланаётган олий ҳодиса даражасига кўтарила олди. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов асарларида шаклланган ривожланиш концепцияси: «ғоя–мафкура–тизим–сиёсат» каби структура асосида ҳосил бўлиши билан уйғундир. «Олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади»¹.

Бугун Ўзбекистон ўз тарихининг янги ва масъулиятли даврини бошлади, десак, муболаға бўлмайди. Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини 2017–2021-йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий мафкурага айланмоқда. Ҳаракатлар стратегияси юртимизда яшаётган ҳар бир инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин ва тинч умр кечирishi, бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшаши давлатнинг бош мақсади сифатида стратегик йўналишлар белгиланмоқда. Улар, аввало, ёшларга муносиб замонавий таълим бериш, аҳолининг саломатлигини таъминлаш, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам ўз тасдиғини топди.

Янги давр янги талаблар қўяди, албатта. Бу борада Президент Ш. Мирзиёев: «Давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ

¹ Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // Озод ва обод Ваган, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. – Б. 465.

олиб чиқишга имкон яратиши лозим»¹, – дея таъкидлайди. Бу борада анча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, халқимизнинг бой маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, энг муҳими, ёшларга етказиш мақсадида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида **Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази** барпо этилди. «Бу марказ аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади»².

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Биринчи Президент Ислом Каримов ғоялари бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий мафкурага айланмоқда. Бошлаган улкан ишларни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш учун ҳар биримиз бор куч-ғайратимиз, билим ва тажрибамизни сафарбар этишимиз лозим. Бунинг учун эса, аввало миллий мафкура тарғиботи жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда Давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини, мақсадини, аҳамиятини аҳолига, айниқса ёшларга тушунтириш, мамлакатимиз мустақиллигига раҳна соладиган экстремистик, террористик таҳдид ва бошқа бузғунчи ғоявий, информацион хуружлар ҳамда уларнинг ғаразли мақсад-муддаоларини узлуксиз фош этиб бориш, фуқароларни доимо ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиб бориш муҳим вазифалардан биридир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 йил.

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. 04.08.2017 йил.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ФАОЛИЯТИ

*Б.Б. Аббасов,
НамДУ ўқитувчиси*

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб мавзулар бўйича архив ҳужжатларининг каталоглари тайёрлана бошланди. Марказий Давлат архивида илмий маълумотнома аппарати бўлими ташкил этилиб, бу бўлим ходимлари МДАнинг тизим (систематик) каталогини тайёрлашга киришдилар. Олдин тузилган тематик картотекалар карточкалари систематик каталогига қўшилди. Шунингдек, фотоҳужжатларга ҳам 50 минг карточка тузилди. Ушбу каталоглар ҳозирги кунга қадар тўлдириб борилмоқда ва тадқиқотчиларга ҳужжатлар қидириш ишларини енгиллаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси илмий техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архиви ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1962 йил 2 июндаги №403-сонли қарорига биноан ташкил этилган. Қарордан сўнг давлатда архивларнинг аҳамияти ошганлигини кузатиш мумкин. Ушбу қарор амалда ижро этилганидан сўнг республикада илмий, тиббий ва техникавий ҳужжатларни ўрганиш, уларни давлат сақловига топширишни ташкил этиш амалга оширила бошланди. Жумладан, 1965 йилдаги архив ҳужжатларидаги умумий сони 30 мингдан ортиқни ташкил этилган.

Архивнинг ташкил этилишидан асосий мақсад, тиббиёт ҳужжатлари асосида касаллик тарихини ўрганиш, йўқ бўлиб кетган касалликлар: чума (вабо), холера, яшур кабилар ҳақидаги ҳужжатларни архивда сақлаш, келажак ёш авлод ушбу ҳужжатлардан илмий ишлар ва монографиялар ёзишда фойдаланишлари мақсадида имконият яратилган иборат бўлган. Архив дастлаб жудаям кичик шахсий таркиб, яъни 4 та ходим билан фаолият юритган. 1965 йилда техник бўлим ташкил этилиб, қўшимча равишда яна 4 нафар ходим ишга қабул қилинган (бўлим бошлиги, 2 та катта илмий ходим, 1 та техник ишчи). 1980 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ва техникавий ҳужжатлар Марказий Давлат

архиви номи илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архивига ўзгартирилди¹. 1980–1985-йиллар давомида давлат архивлари ўқув залларида 146 817 иш тарқатилди ва улар илмий тадқиқотчилар томонидан ўрганиб чиқилди. Мустақиллик йилларида архивга Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архиви номи берилди. Ўтган йиллар мобайнида республикада архив иши ва иш юритиш соҳаси ривожланиб ва такомиллаштириб борилди. Хусусан, архивга ҳужжатлар қабул қилиши ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, 1992 йилга келиб архив фондидаги ҳужжатларнинг умумий сони 207 907 тани ташкил қилди, шулардан маъмурий ҳужжатлар – 7778 та, илмий-техникавий ҳужжатлар – 33 059 та, касаллик тарихи – 94 647 та, улардан маъмурий ҳужжатлар – 79 963 та, илмий-техникавий ҳужжатлар – 34 425 та, касаллик тарихи – 94 647 та. Бу вақтга келиб эса, архивнинг асосий иш фаолияти илмий-техникавий ҳужжатлар билан ишлаш масалаларини кенгайтириш, илмий-маълумотнома аппаратини тузиш ва илмий-техникавий ҳужжатларни халқ хўжалигида ҳар тарафлама оқилона фойдаланишни ташкил қилиш белгиланди. 2004 йилда архив янги бинога кўчирилди². Шу даврда архивда 146 та ташкилот ҳужжатлари йиғилди, шу жумладан, улардан 54 таси тиббиёт муассасаларига тегишли эди³. 2002 йилда архивнинг 40 йиллик юбилеи нишонланди. Мазкур йиллар мобайнида архивда жуда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ўз фаолияти мобайнида архивда ташаббусли ахборотлар, ижтимоий-ҳуқуқий сўровлар ҳамда мавзули сўровлар ижро этилди, кўрғазмалар, радио ва телекўрсатув, илмий-оммабоп мақолалар тайёрланган, минглаб нафар тадқиқотчиларга хизмат кўрсатилди.

Бугунги кунда архив фондида сақланиб келинаётган ҳужжатлар асосан қуйидаги йўналишлар бўйича туркумланади:

– Саноат;

¹ Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. – Ташкент: «Университет», 2012. – С. 111.

² Расулов Ж. История и деятельность Центральный государственный архив научно-технической и медицинской документации Республики Узбекистан (ЦГА НТМД РУЗ) // ЎЗМУ хабарлари. – 2013. Махсус сон. – С. 111–112.

³ Закирова Д., Муминов Т., Разаков Ш. Ярим аср билан юзма-юз маскан. – Тошкент, 2011. – Б. 4.

- Қишлоқ хўжалиги;
- Сув хўжалиги;
- Ўрмон хўжалиги;
- Транспорт;
- Курилиш;
- Турар-жой коммунал хўжалиги;
- Маиший хизмат кўрсатиш;
- Соғлиқни сақлаш муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архиви ўз йўналишидаги ҳужжатларни жамлаш, уларни давлат сақловига қабул қилиш ва сақловини таъминлаш ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни эълон қилиш билан шуғулланувчи республикадаги йирик илмий-услубий марказ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архивининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архивининг жамлаш манбаи ҳисобланган идоравий сақланишдаги ҳужжатлари бўлган ташкилот ва муассасаларда Миллий архив фонди таркибига киритилган ҳужжатларнинг сақланиш ҳолати устидан назоратни олиб бориш;
- жамлаш манбаи ҳисобланган ташкилот ва муассасаларда иш юритиш устидан назорат қилишни олиб бориш;
- ташкилот ва муассасаларга пуллик хизмат кўрсатиш;
- жамлаш ва идоравий архивлар фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳамда ҳужжатлар билан ишлаш ва иш юритишни йўлга қўйиш муаммолари бўйича меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- пуллик хизмат кўрсатишда бўлим соҳаси йўналишлари бўйича ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- давлат архиви жамлаш манбаи ҳисобланган ташкилот ва муассасаларда иш юритишни йўлга қўйиш ва архив ҳужжатларининг сақланиш аҳволини, эксперт комиссиялар иши, ялпи ва назорат ҳамда мавзули текширувларни олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондиди ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизаси ва давлат архивида ҳужжатларни

жамлаш асосий йўналишлари бўйича таклифлар бериш, ҳужжатларни идоравий сақланишини такомиллаштириш ва иш юритишни йўлга қўйишни яхшилаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги «Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №-949-сонли қарори қабул қилинди. Бугунги кунда қарор ижроси юзасидан архивлар фаолиятини яхшилашга оид улкан ишлар амалга оширилди. Яъни, грантнинг дастлабки босқичи республиканинг 3 та марказий давлат архивлари Корея давлатининг замонавий технологиялари билан таъминланди. Марказий давлат архивлари ходимлари Корея Республикасида бўлиб малака ошириб қайтди. Ҳозирги кунда архивнинг асосий иш фаолиятларидан бири архивда мавжуд қоғоз ҳужжатларини мазкур замонавий технологиялар ёрдамида электрон кўринишга келтиришдир. Электрон архивларнинг бир қатор қулайликлари бўлиб, энг аввало, ҳужжатни қидириб топиш ва ундан фойдаланишда вақт самарадорлигига эришилади. Бундан ташқари, энг асосийси, ҳужжатнинг моддий асосига камроқ зарар етади. Электрон ҳужжатларнинг яна бир қулайлик томони шундаки, мазкур кўринишдаги ҳужжатлардан масофадан туриб (локал тармоқ ёки Интернет) ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади.

Архив ва кутубхоналар ишида янги информацион технологияларнинг татбиқ этилиши ҳужжатли маълумотларга эга бўлиш имкониятини кенгайтиради. Архивлар ахборот бойлигини илмий таҳлил этиш имкониятини оширди. Архив ҳужжатларини қидириб топиш (архив эвристикаси)нинг янги усуллари, ҳужжатларни янгича нашр этиш шакли (CD-ROM ва DVD) маълумотларни яратиб, жаҳон маълумот тармоқларига архивларнинг информацион ресурсларини жойлаштириш интеграция жараёнини тезлаштиради. Умуман олганда, ишлаб чиқариш тармоқларини бугунги кунда техника воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Улар ёрдамида қўл меҳнати енгиллаштирилди, ишлаб чиқариш вақтини тежаш орқали иқтисодий эҳтиёжларини қондириш имконияти ошди, режалаштириш, ҳисобкитоб ишлари осонлаштирилди.

Жумладан, архивларда техника воситаларидан фойдаланиш масаласига тўхталсак, ташкилий ишлар бўйича қўлланиладиган техниканинг қуйидаги асосий гуруҳларини ажратиб кўриш мумкин:

1 – матнли ҳужжатларни тузиш ва тайёрлашда қўлланувчи техникалар (ёзув машиналари ва компьютерлар);

2 – ҳужжатлардан нусха кўчириш ва кўпайтиришда қўлланувчи техникалар (ёруғлик, электр, иссиқлик, офсет, спирт ёрдамида ишлатиладиган воситалар), фото ва микрофото кўчириш воситалари. Масалан, микрофильмлаштириш, суратга тушириш йўли билан олинган микронусха бўлиб, унда асосий ролни ғалтакли фотоплёнка (ғалтакли микрофильм) ёки текис шаффоф фотоплёнка (микрофильм) ёки текис хира фотоплёнка (микрокарта)лар бажаради;

3 – ҳужжатларга ишлов бериш реставрация (қайта тиклаш) воситалари, сақлаш ва ҳужжатларни бир жойдан бошқа жойга етказиб бериш (транспортировка) техникаси;

4 – кино, сурат, овозли ҳужжатлар ва видеотасмалар тайёрлаш техникаси;

5 – чизмачилик ва ҳисоб-китоб ишларида қўлланувчи техника;

6 – ахборот ва сигнал бериш воситалари (телефон, факс, Интернет, видео, кузатувчи, радио, телевизор, қўриқлаш ва ёнғин хавфидан сақловчи билдиргичлар).

Архив ишини информациялаштириши информатика фанининг назарий ва амалий ишланмаларини архив ишига татбиқ этиш ёрдамида архив ҳужжатларига ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш жараёни ва архивларда компьютер техникаси ҳамда дастурий таъминотидан фойдаланиш асосий вазифа ҳисобланади¹. Ҳозирги кунда архивлардан ҳужжатларни топиш иши бир зумда амалга оширилади, бу вазифа замонавий техника воситаларида жуда қулай ва осон бажарилади. Ҳар қандай фойдаланувчи бемалол архив ҳужжатларидан фойдаланиб, иш юритиши мумкин.

Архив ишини механизациялаш ва автоматлаштириш тарихини бир нечта боскичларга ажратиш мумкин².

1-босқич. XIX аср охиридан 1950 йилгача бўлиб, унда дастлабки техник воситаларнинг пайдо бўлиши (фото, кино ва овоз ёзма аппаратларини кашф этилиши)дан идоровий архивларда ёзув машинка-

¹ Кузин А. К вопросу о механизации некоторых работ в технических архивах // Труды МГИАИ. – М., 1962. – С. 57.

² Вяликов В. Управление государственными архивами. – М., 1957. – С. 60.

лари ва ҳисоб-информацион ускуналаридан фойдаланиш жараёнларини ўз ичига олади.

2-босқич. Информатиканинг ривожланиши натижасида 1960-йилларда фанлараро олиб борилган тадқиқотлар асосида «Архившуносликда информацион ёндашув» ривож топди. Бу даврнинг асосий натижаси архивларда информацион тизимлар яратиш ва ҳужжатлар маълумоти классификациясининг назарий асосларини шакллантиришдан иборат бўлди.

3-босқич. Ҳудудий ва архивлараро автоматлаштирилган ахборот қидирув тизимини (ААДТ) яратишда амалий тажрибаларни бойитиш жараёни бўлди. Архив ишида автоматлаштирилган тизими кўламини микроплёнка, магнит тасмалар, дисклар ва электронинформацион намуналар ЭХМ, персонал ЭХМларни, шунингдек, ААКТ учун махсус амалий дастурларнинг яратилиши натижасида ривожланди. Айниқса, архив ишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш кучли таъсир ўтказди. Бунинг натижасида архивчилар олдида 1980-йиллар бошида ҳисоблашга мўлжалланган машина асосли ҳужжатларни давлат сақловига қабул қилиш масаласи пайдо бўлди. Мазкур давр бошқарув тизимини автоматлаштириш жараёнини назорат қилиш бўйича самарали тажрибага эришганлик билан қимматлидир.

4-босқич. Архивларни ялпи равишда компьютерлашни ўз ичига олади. 2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритиш ва архив иши соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Агар иш юритишда муайян маълумотни (ахборотни) ўзида мужассамлаган ҳужжатлар тарихий аҳамияти, уларнинг қимматдорлиги аниқланади ва сақлови таъминланади. Бундан ташқари, ҳужжатларни консервация ва реставрация қилишда янги информацион технологияларнинг татбиқ этилиши, улар ёрдамида суғурта ҳамда умумий фойдаланиш фондларининг яратилиши қимматли тарихий ҳужжатларнинг сақлаш муддатини узайтириш имкониятини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архиви фаолиятини ўрганиш жараёни Ўзбекистоннинг XX асрдаги маданий, маърифий ва илмий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотларни беради.

«ҚАЙТА ҚУРИШ» ДАВРИДА МАДАНИЙ СОҲАДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

*Д. Мамажонов,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Собиқ Совет Иттифоқининг республикаларда олиб борган миллий сиёсати маданий ҳаёт соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу борада совет давлати бутун Иттифоқда, жумладан, миллий республикаларда ҳам умумлаштирилган, ягона «социалистик маданият»ни шакллантиришга ҳаракат қилди. Ушбу механизм ХХ аср 80-йиллари ўрталарида жадаллашиб кетди. Шу боис ҳам таълим, фан, маданият ва санъат соҳаларида «қайта қуриш», бошқача айтганда, унинг «ривожини жадаллаштириш» лозим бўлди¹.

Ўзбекистон маданияти жуда кенг тармоқли бўлиб, 1985 йилда 7688 та кутубхона, 4450 та клуб ҳамда 46 та музей муассасалари, 30 та театр, 6178 та кино қурилмалари мавжуд эди. Ушбу маданият муассасаларида сиёсий-мафкуравий фаолият масалалари ҳам маълум даражада акс этган. 1985 йил апрель ойида КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўлон қилинди. Мазкур қарорнинг Ўзбекистонда бажарилиш жараёнлари ҳақида қуйидаги маълумотлар берилди бошланди. Жумладан, маданий-маърифий муассасалар, умуман маданият масканларининг бош вазифаси аҳолини коммунистик руҳда тарбиялашдан иборат бўлиб, клуб, кутубхона, театр, кино, адабиёт ва санъат ҳамда ОАВ соҳаларининг асосий функцияси «ўтмиш сарқитларига қарши кураш ва социалистик интернационализм» ғояларини тарғиб этиш эди. Шу билан бирга маданият муассасаларининг иш савияси, яъни меҳнаткашларнинг тез ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларидан жиддий тарзда орқада қолаётганлиги, кўпгина маданият масканлари асосан халққа томоша кўрсатиш тадбирлари билан банд бўлиб, ижодий жамоалар кўриги, фестиваллар, мунозаралар каби иш шаклларида мутлақо фойдаланмаётганликлари танқид

¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 648.

қилинди¹. «Қайта қуриш» йилларида расмий ҳужжатларда маданият ва санъатга нисбатан алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланган бўлса-да, аммо аслида уларнинг моддий-иқтисодий базасини ривожлантиришда жиддий ортиқча қайтишлар сезила бошланди. Жумладан, маданият муассасаларида аҳоли бўш вақтини самарали равишда ўтказиш, уларнинг истеъдодини ошириш, кишилар маънавий-маърифий оламини шакллантириши лозим бўлса-да, амалда бу жуда суст равишда борди. Маданият масканлари умуман амалда КПССнинг мафкуравий сиёсатини тарғиб этувчи даргоҳга айланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам бундай муассасаларга кишиларнинг ташрифи ҳам йилдан-йилга камайиб борди. Масалан, Самарқанд области клублар ва маданият уйларидаги томоша заллари одамлар билан ўртача 30 фоизга тўлар эди. Андижон облас-тининг Андижон, Москва, Балиқчи, Қўрғонтепа, Хўжаобод район-ларидаги маданият уйлари ва клублари шанба ва якшанба кунлари ишламас, қолган кунлари эрталаб соат 9 дан 18⁰⁰ га қадар ишлаб, бунинг устига иш кунларида ҳам айрим ҳолларда уларнинг эшигида қулф осилиб турган².

Бундай аҳволнинг юзага келишига икки сабаб бор эди: биринчидан, маданият муассасалари XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб тўлиқ сиёсий мафкуралашган бўлиб, асосан совет давлатининг, социализмнинг «афзалликлари»ни ифода қилувчи сиёсий тарғибот масканларига айланиб бўлган эди. Шунинг учун ҳам жамоат аҳлида бу муассасаларга нисбатан ҳеч қандай қизиқиш қолмади. Иккинчидан, маданият муассасаларини моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш жуда паст даражада эди. Маданиятда амалга оширилиши мумкин бўлган тижоратлашув ҳамда секинлаштириш механизмнинг юзага келиши мафкуравий-сиёсий аралашувлар натижаси ўлароқ маданият иккинчи даражали соҳага айланиб қолди. Бундан ташқари, муайян даражада ўша даврга хос қўшиб ёзишлар ҳам ўз таъсирини ўтказди. Расмий маълумотларда маданий ҳаётнинг муттасил равишда ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин

¹ Усмонхўжаев И. КПСС МКнинг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан вазибалар ҳақида. «Ўзбекистон коммунисти», 1985, № 8. – Б. 22.

² Усмонхўжаев И. Клуб муассасаларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида. «Ўзбекистон коммунисти», 1985, № 8. – Б. 23.

ди. Аммо, амалда бундай бўлмади. Айниқса, қишлоқ жойларида маданий ҳаётни ривожлантириш жуда оғир кечди. С. Хейфецнинг таъкидлашича, аҳоли пунктларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун шарт-шароит йўқлиги, автоклублар ва кўчма кинолар иши мутлақо издан чиқаётганлиги, колхоз ва совхозларга маданий-оммавий иш учун кўзда тутилган маблағдан дала шийпонларида, фермалар ҳамда олис яйловларда кўрсатиладиган кино сеанслари ва концертлар ҳақини тўлаш ҳуқуқи берилган бўлса-да, аммо унга амал қилинмаган¹.

Ўзбекистон маданиятининг 1980-йиллар ўртасидаги концептуал камчилиги унинг партиявий-мафкуравий босим остида эканлигидир. Шунинг учун ҳам расмий ҳужжатларда маданият муассасаларининг бош вазифаси меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш эканлиги таъкидланар эди. Демак, бу масканлар фаолияти тўлиқ партия ташкилотларининг раҳбарлиги ҳамда уларнинг кучли назорати остида олиб борилди. 1984 йили Андижон область партия комитети бюросида бевосита маданият муассасаларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш билан боғлиқ 112 масала муҳокама қилинди. М. Муҳиддиновнинг таъкидига кўра, маданият тўлиқ партиявий назоратга олинган бўлиб, Андижон областида маданиятга партиявий раҳбарликни кучайтириш мақсадида «Қишлоқ маданияти университети» ташкил этилди. Ушбу университетда маданият муассасалари раҳбарларини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан янада кучлироқ қуроллантириш мақсадида «Марксча-ленинча ўқишлар» ташкил этилган. Шу билан бирга, ушбу университетларда колхоз раислари ва совхоз директорларининг турмуш маданияти бўйича ўринбосарлари марксча-ленинча назариядан билим олдилар². Бундай мисоллар ўша даврда маданиятнинг жиддий равишда мафкуралаша бошлаганлигидан далолат беради.

Аслида маданият соҳасидаги асосий ютуқ омили – эркинлик ва ижод эркинлиги ҳисобланади. Ижодий жараёнга маъмурий йўл билан аралашиш ҳамда маданиятдаги «ижтимоий буюртма» усули

¹ Хейфец С. Қишлоқ турмуш маданиятининг ошиши. «Ўзбекистон коммунисти», 1985, № 3. – Б. 89.

² Муҳиддинов М. Маданият муассасаларининг иш форма ва методларини такомиллаштиряпмиз. «Партия турмуши», 1985, № 1. – Б. 85.

мавжуд экан, санъаткорнинг ютуғи тўғрисида гапириш мумкин эмас эди.

Қайта қуриш даврида Ўзбекистон маданиятидаги энг катта хатолардан бири – адабиёт ва санъатда социалистик реализм методининг ўрнатилиши билан боғлиқдир. Таниқли адабиётшунос Иззат Султонов таъкидлаганидек, социалистик реализм санъати халқчиллик ва партиявийлик принципларига асосланган. У ҳаётни ҳаққоний бадиий акс эттиришдаги дадил новаторликни Ватан ва жаҳон маданиятининг барча илгор анъаналаридан фойдаланиш ва бу анъаналарни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб борди. Шунингдек, социалистик реализмнинг ҳамма ижодий изланишлар учун очиқ тизим экани, ягона метод доирасида услублар ва усуллар хилма-хиллиги зарурлиги ҳамда социалистик реализм методидаги танқидий йўлнинг конструктив (ижобий, яратувчанлик) характерига эга бўлиши қайд этилади¹.

Бу даврда авж олган социалистик реализм методи совет маданияти, айниқса адабиётни ривожлантиришнинг ягона методи сифатида танлаб олинди. Бундай метод, очигини айтганда, аслида ижодкорнинг ташаббуси ва янгиликка интилишларини чеклар эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Раёсатининг 1985 йил июнда бўлиб ўтган пленумида ҳам шу масала муҳокама этилди. Сўзга чиққан барча ижодкорлар ўзбек совет маданиятининг том маънодаги моҳияти унинг қай даражада социалистик реализм методиға амал қилишида, деб таъкидлашди. Ёзувчининг асл мақсади ҳақиқий коммунист образини яратиш ва коммунистик эътиқод билан суғорилган замонавий қаҳрамон тимсолини шакллантиришдир. Пленумда совет маданиятининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида диний қарашларга қарши тарғиботни ошириш ҳамда ланжлик, ҳафсаласизлик каби эскилик сарқитларини совет кишилари турмуш тарзидан сиқиб чиқариш лозимлиги қайд этилди².

Қайта қуриш даврида маданий ҳаётимизда оғир аҳвол бўлишига қарамасдан, олимлар ва мутахассислар томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Шу ўринда, академик Азиз Қаноновнинг

¹ Султонов И. В.И. Ленин ва совет шарқи халқлари адабиётининг тараққиёти. «Ўзбекистон коммунисти», 1987 йил, № 9. – Б. 61.

² Партия ва халқ ишидан ажралмас. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1985 йил 14 июнь.

алоҳида таъкидлашича, кейинги йилларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ҳудудларида 30 мартадан ортиқ археографик экспедициялар ташкил этилганлиги, улар натижасида 2050 жилддан иборат қўлёзма аҳолидан харид қилингани, уларнинг 100 дан ортиғи нодир китоблар бўлиб, асосан ўзбек адабиёти, адабий алоқалар, таржима тарихи, хаттотлик, нафис китобат иши кабиларга тааллуқли бўлган. Аҳолидан олинаётган қўлёзмалар орасида, айниқса Алишер Навоий асарлари кўп миқдорни ташкил этган. Сўнгги йилларда улуғ шоир асарлари қўлёзмаларидан 62 нусха сотиб олинди. Уларнинг 4 таси «Ҳазойин ул-маоний», 48 таси терма девон, 8 таси «Хамса», 2 таси «Маҳбуб ул-қулуб» ва «Вақфия» қўлёзмалари эди. Шунингдек, домла ушбу асарларни, айниқса VIII асргача бўлган қадимги турк, сугд, эски уйгур ёзувларидаги манбаларни ўрганувчи ходимлар йўқлигини ҳам кўрсатиб ўтади.

Ўзбекистонда маданий сиёсатнинг қайта қуриш давридаги ҳолати моҳиятан очиб берилга бошланди. 1987–1988-йилларда совет мафкурасининг том маънодаги мазмун-моҳияти кўриниб қолаётган бир даврда айрим олим, мутахассислар марксча-ленинча идеологияни совет маданиятининг ўқ илдизи, асоси, пойдевори эканлиги ҳақидаги ёлғон ғояни асослашга ҳаракат қилдилар. Бу борада таниқли адабиётшунос С.Мамажоновнинг таъкидлашича, социалистик реализм санъати инсониятнинг бадий тафаккур соҳасида олдинга ташланган катта қадам эканлиги, кишилиқ жамиятининг бадий соҳасидаги асрий тажрибасига суянган – бу санъат марксча-ленинча таълимот билан қуролланиб, ҳаёт, замон ҳақиқатини ифодалаш, воқеликнинг илғор йўналишларини ҳимоя қилиши, меҳнаткаш инсоннинг манфаатига хизмат этувчи гуманистик ғоялар ҳамда коммунистик жамият идеалларини тарғиб этиш лозим¹, – деган ғояни ўзига хос тарзда ифода этди.

Ўша даврга нисбатан маълумки, маданият ва санъат асосан компартия мафкураси манфаатлари учун хизмат қиларди. Шу мақсадда Маданият вазирлиги партия, социализм мавзуларида, ижтимоий-сиёсий йўналишларда турли кўрик-танловлар ўтказиб, шу аснода ўзининг маданият соҳасидаги «ижтимоий буюртма»сини

¹ Мамажонов С. Бадиий кашфиётларга муҳтожмиз. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1986 йил 4 июль.

бажаришга ҳаракат қилди. 1985 йилда ёпиқ кўшиқлар танлови ўтказилди. Унга 100 та асар тавсия этилган. Аммо ғоявий-сиёсий, мафкуравий жиҳатдан «чекланганлиги» учун 88 та асар қайтарилган¹. Адабиётшунос Озод Шарафиддинов: ғоявийлик – кўп миллатли совет адабиётининг сира эскирмайдиган масаласи, мана 70 йилдирки, ғоявийлик тамойили йўлчи юлдуздек маданиятимизнинг тўғри йўлдан ривожланишини таъминлаб келмоқда, – дейди. Муаллиф ғоявийлик формуласининг мазмуни теран: ёзувчи бемақсад ижод қилмайди, унинг ижоди мустаҳкам эътиқод асосига қурилган бўлиши ҳамда асарлари орқали халқ манфаати учун хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи, деб билиши керак, совет ёзувчиси ҳамиша ҳақиқат кўшинининг фидокор байроқдоридир, деган ақидаларни ўртага ташлайди².

Ўзбекистон маданиятидаги реал ҳолатнинг мазмун-моҳиятини очишда М. Маҳмудовнинг таъкидлашича, ўзбеклар Шекспир замондоши Кристофер Марлонинг «Фауст» ва «Буюк Темурланг», Франсуа Вольтернинг «Муҳаммад» трагедиялари билан ошно, уларни қизиқиб мутолаа қилишади. Аммо, ўзбек адиблари ўз халқи тарихидаги йирик шахслар ҳаётидан асар ёзишса, албатта, улар миллатчи, деган тамгани олишар эди. Чунончи, Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» ва Ойбекнинг «Навоий» романлари нашр этилиши билан улар қатағон қилинди?! Аслида ўзбек тарихий драма ва поэзияси, маданиятининг кўплаб қирраларини англаганимизда қанчадан-қанча ютуқларга эришган бўлар эдик. Расмий адабиётларда, партия ва давлат ҳужжатларида маданий сиёсатни тараннум этувчи «асарлар» мунтазам равишда нашр этиб турилди. Аммо, олимлар, зиёлилар, айниқса, ҳурфикр адиблар бундай маданиятнинг «энг илғор» эканликларига шубҳа билан қарашар эди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон халқлари тарихан ўзига хос қадимий маданият ва анъаналарга эга бўлган. Хусусан, Самарқандда 250 та масжид, 40 та мадраса, Бухорода эса 400 та масжид, 30 та мадраса борлигини манбаларда, рус манбаларида, жумладан, Петербургда нашр этилган «Отечественные записки» журналининг 1821 йилги

¹ Рузматов С. Яхшиликка ундайдиган мўъжиза // – Тошкент: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1986 йил 26 сентябрь.

² Шарафиддинов О. Бир тилда гаплашайлик // – Тошкент: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987 йил 9 январь.

III квартал сониди ёзилган. Шунингдек, «Қомус ул-аълум» китоби 4-жилдининг 2984-саҳифасида 100 йил аввал Тошкентда 100 минг аҳоли яшагани, шаҳарнинг эски қисмида 300 та масжиди жомеъ, 18 та мадраса, 60 та мактаб, 30 та карвонсарой, 6 та ҳаммом, 1200 та дўкон, 13 минг хонадон бўлганлиги қайд этилади. Тошкентда 1912 йил А.И. Добромсысловнинг «Тошкент в прошлом и настоящем» китобида Тошкентнинг руслар яшайдиган қисмида асосан 3 та катта китоб магазини бўлгани ва унинг йиллик даромади 100 минг сўмни ташкил этган ҳолда, эски шаҳардаги 35 та китоб дўконида бир йилда 300 минг сўмлик Шарқ адабиётлари, нодир китоблар сотилгани ҳақида маълумотлар берилган¹. Бу маълумотларнинг ўзиёқ ўзбек халқининг қадимда ва яқин ўтмишдаги маданиятнинг юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Совет давлати эса ўзининг маданий сиёсатида ўзбек миллий маданиятининг юқори даражада раванқ топганлигини камситиш йўллари билан ҳаспўшлашга ҳаракат қилган. Бошқа томондан, ўзбек миллий маданияти ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан чекланган эди.

Шундай қилиб, қайта қуришнинг сўнгги 1989–91-йилларига келиб, Ўзбекистон фуқароларининг янги сифат қарашлари, яъни улар республикага сиёсий етакчи бўлиб келган Ислом Каримов даври бошланаётганини ҳис эта бошладилар. Бир мисолга мурожаат қилайлик. 1990 йили «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида фаолият кўрсатаётган 666 нафар ходимдан «қайта қуриш»га муносабат масаласида сўровнома ўтказилди. Сўралганларнинг 21,1 фоизи «қайта қуриш»ни қатъиян қўллаб-қувватлашини, 25,6 фоизи «қайта қуриш» муваффақият қозонишига шубҳа билдиришини, 6,8 фоизи эса «қайта қуриш»га мутлақо ишонмаслигини, 40,6 фоизи «қайта қуриш»нинг боришидан ҳафсаласи пир бўлганлигини таъкидлаганлар. Улардан «қайта қуриш»га тўғаноқ бўлаётган сабаблар сўралганда, 65,4 фоизи «бюрократларнинг тазйиқи», 62,4 фоизи «амалга сотилиш», 57,1 фоизи «техника соҳасидаги қолоқлик», 40,6 фоизи «мутахассис кадрлар малакасининг пастлиги», 17,3 фоизи «совет жамиятининг тарихий ўтмишини сохталаштириш», 27,1 фоизи «маънавий қадриятларнинг обрўсизланиши», 25,5 фоизи «ўз хизмат вазифа-

¹ Тохир Қаҳҳор. Инсонни маърифат тарбиялайди // – Тошкент: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 10 февраль.

ларига ноижодий муносабатда бўлиш», 36,2 фоизи «миллатлараро муносабатларнинг кескинлашиши» қайта куришга ва совет давлатининг ривожланишига халақит қилаётганлигини таъкидлашган¹.

Ўзбекистон маданияти муаммолари жуда фаол тарзда кўтарилди. Адиблар, ижодкор-санъаткорлар, олимлар совет маданиятининг инқирозли ҳолатини ҳар томонлама таҳлил этишга ҳаракат қилдилар. Аммо, совет маданиятининг инқирозга учрашининг назарий-концептуал сабабларини аниқловчи манбалар жуда кам бўлиб, айримлари эса фақат рақамларни келтириш билан чекинди, масаланинг моҳиятини очиб беришда кутилган натижаларга эришилмади.

XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

*Б. Халмуратов, НамДУ доценти в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
С. Аҳатжонов, НамДУ талабаси*

XXI аср «Туризм асри» деб аталмоқда. Бу ҳол туризмнинг автомобиль ва нефть саноатидан кейинги сердаромад соҳага айланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, туризм мамлакат тарихи, маданияти, анъана ва кадриятлари билан хорижлик сайёҳларни яқиндан таништиришнинг самарали воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунинг учун ҳам, туризмни ривожлантириш биз учун гоят муҳим ижтимоий-сиёсий масаладир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари эътиборга сазовордир: «Охирги йилларда туризмдек муҳим соҳа комплекс раҳбарининг зарур даражадаги эътиборидан четда қолиб кетди. Бу хатони сўзсиз ва муҳими, натижали равишда тўғрилаш керак. Биз ҳозир фақат туризмни ривожлантириш билан шугулланадиган тузилмага доир масалаларни тасдиқладик. Бу чоралар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий кадриятларимизни тарғиб қилиш,

¹ Белявский Л. Қайта куриш шароитида меҳнаткашларнинг сиёсий онглилигини ўстиришнинг баъзи тамойиллари. «Партия турмуши», 1990, № 11. – Б. 65.

шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чоратadbирлар билан кучайтирилиши зарур»¹.

Маълумки, собиқ Иттифоқда халқаро туризм коммунистик мафкурани тарғиб этиш воситаси сифатида ривожлантирилди. Бунинг учун совет умумхалқ байрамларидан кенг фойдаланган ҳолда, мамлакат аҳолиси ҳаётининг мафкуравий компонентларини хорижлик сайёҳларга намойиш қилишга ҳаракат қилинган. Бунинг ёрқин исботи сифатида, «Интурист» бошқарув кенгаши раиси ўринбосари А.М. Зайднернинг: «Бизнинг мақсадимиз коммунистик ғояни тарғиб этиш деган сўзларини келтиришни ўзи кифоя. Шўролар даврида хорижлик туристларга мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг фақат яхши томонларини намойиш этишга ҳаракат қилинган. Жумладан, турли танловлар ва кўргазмалар орқали сайёҳларга Совет давлати ҳамда социалистик тузумни идеаллаштирилган тасвири намойиш этилган.

ЎзССР Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон Республика Касаба уюшмалари Кенгашининг 1980 йил 26 декабрдаги 882-сонли «Ўзбекистон Республикасида туристик экскурсияларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида» қарори² қабул қилинди.

Собиқ Иттифоқда туристларга малакали хизматни ташкил этиш мақсадида 1981 йилда Марказий сайёҳлик курслари Туризм ва экскурсия ходимларининг малакасини ошириш институтига айлантирилди. Сайёҳлик уюшмалари саёҳатлар ташкил этиш билан бир вақтда мафкуравий йўналишда ҳам ишлар олиб борар эди. Атеистик тарғибот ишлари натижасида «дин – афюнدير» деган қарашни шакллантиришга ҳаракат қилинган. Жумладан, диний «қадамжолар»га саёҳатлар ташкил этилмаган. Диний аҳамиятга эга тарихий ёдгорликлар «Интурист» саёҳат дастурларига ҳам киритилмаган. Ҳатто бу кўплаб хорижлик туристлар норозилигига сабаб бўлган. Асосан, Ғарбий Европадан келган туристлар гид-таржимонларга саёҳат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилнинг асосий яқунлари ва 2017 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак» номли маърузаси // «Халқ сўзи», 2017 йил 17 январь.

² НВДА. Ф. 858, Р. 1, Й. 47, В. 63

маршрутларининг Ленин мавзулари билан тўйинганлиги туфайли «Нима учун деярли барча шаҳарларингизда Лениннинг ёдгорликлари бор? Диний зиёратгоҳлар ва диний ибодат амалга оширилмайдими?» деган саволга «йўқ», деб жавоб беришлик ҳақида таржимонларга кўрсатма берилди. – «Ленинга ҳурмат диний ҳаётга яқин нарса. Культ билан боғлиқ ҳеч нарса йўқ. Бутларга сиғинишга бизнинг эҳтиёжимиз йўқ!» деб жавоб бериш кераклиги сингдирилди. Туризмнинг асосий вазифаси хорижлик сайёҳлар орасида мафкуравий тарғибот ишларини олиб боришдан иборат бўлган. Саёҳат давомида хорижлик туристлар гуруҳлари томонидан коммунистик мафкурага зид келувчи саволлар берилганда, қандай жавоб қайтарилиши зарур бўлган махсус шаблонлар ишлаб чиқилади. Бу гид-таржимонларнинг мажбурий касбий фазилатининг бир қисми бўлди.

Туризм родини ошириш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида Жаҳон туризм куни эълон қилинган. Ушбу байрам 1980 йил 27 сентябрда «Санъат обидаларини асраш ва тинчликни таъминлаш» шиори асосида нишонланган бўлса, 1981 йилдан байрам «Туризм ва халқ фаровонлиги» шиори остида нишонланди.

Наманган вилояти экскурсия бюроси мактаб ўқувчилари ўртасида экскурсияларни ривожлантириш мақсадида «Салом, Наманган» номли мавзули маршрут, ЎзССРнинг 50 йиллигига бағишланган «Тўқимачилик туғилган жой», «Дам олиш кунлари йўли», «Намангандан Говага», «Соғлом сайёҳлик», «Ноёб дунёга саёҳат», «Наманган оқ олтини», «Навбахор шаҳарчаси», «Наманган концертидан», «Наманганда кўрик-танлов» номли тематик маршрутлар ишлаб чиқилди.

1982 йилда Ўзбекистон ССР «Интурист» бўлимига 268 минг рубль миқдорда хорижий валюта жалб қилиниб, режа 119,44 %га бажарилади. Айнан шу йил Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидан 4250 нафар ўқувчи ва меҳнаткашлар «СССР – менинг Ватаним» номли туристик маршрут доирасида Яйпан–Наманган–Фарғона,¹ Чуст–Волгоград, Косонсой–Киев, Чуст–Ленинград маршрутлари бўйлаб² саёҳатлар ташкил этилди.

¹ ФВДА. Ф. 1160, Р.1, Й.145, В.171

² НВДА. Ф. 858, Р. 1, Й. 38, В. 75

Фарғона вилояти тарихий маданий ёдгорликлар бўйича 1982 йилда 1641 маротаба туристик саёҳатлар ташкил этилиб¹, 1983 йилда саёҳатларга 30075 киши жалб қилинди. 1984 йилдан эътиборан туризм дастурларида маҳаллий халқларнинг миллий анъана ва қадриятлари, урф-одатлари, миллий фольклор намуналари ҳам туризмни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши социалистик тузумнинг жозибadorлигини кўрсатувчи омил сифатида эътироф этилди.

1986 йилдан Қўқон туристик зонасида нафақат тарихий-маданий шаҳарларга, шунингдек, соғломлаштириш марказларига ҳам йўлланмалар билан таъминлаш билан ҳам шуғуллана бошлайди. Жумладан, «Чимён», «Ессентуки» ва «Харьков» санаторияларига дам олишга жўнатилди. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, бир қатор муаммолар ҳали бартараф этилмаганлиги, жумладан, хорижий туристларни меҳмонхоналарга юкларини етказиб бериши 1,5–2 соат кечикиши сайёҳларнинг норозилигини келтириб чиқарди².

1986 йил Фарғона вилоятида шўро ҳокимиятини ўрнатишда, хотин-қизлар озодлиги ҳаракатида қатнашган Н. Ёўлдашбоева, Қ. Олимова, М. Бобораҳимова, Т. Шодиева, С. Шерматова, Е. Петрова, С. Шокирова каби кўплаб аёлларга³ совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда қўшган ҳиссасини инобатга олган ҳолда, ёдгорлик тошлари ўрнатилди. Шунингдек, бу масканлар ёшларни совет давлатига «садоқатини» ошириш мақсадида туризм ва экскурсия бюроси томонидан саёҳат маршрутларига киритилди.

1987 йилда Фарғона вилоятига Муцихито Когияма, тарихчи Гадаси Янияма, Юката Мацуколар билан бирга таржимон Олег Модесков ҳамроҳлигида Япония делегацияси ташриф буюрди. Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, Маргилон шаҳридаги Саидахмадхўжа мадрасаси, Ё. Охунбобоев мемориал музейи, Қува шаҳристони, Риштон туманидаги Хўжаилғор зиёратгоҳи ва Ахсикент шаҳристониغا олиб борилди⁴.

1988 йилда туризмни давлат томонидан тартибга солиш механизми бекор қилиниб, бозор муносабатлари ўрнатилиши, давлат

¹ ФВДА. Ф. 1160, Р.1, Й.166, В.221

² ЎзР. МДА. Ф.2753, Р. 1, Й. 366, В. 104.

³ ФВДА. Ф. 1160, Р.1, Й. 260, В. 11.

⁴ ФВДА. Ф. 1160, Р.1,Й. 265, В.15

мулкларини хусусийлаштириш ва турли мулкчилик шаклидаги туристик корхоналарни яратиш жараёни бошланди¹.

Ўзбекистон туризм корхона ва ташкилотларида хўжалик ҳисобига ўтиш 1989 йилдан бошланган. Бунинг натижалари хўжалик фаолиятида дарҳол сезилди. 1989 йилда туризм ва экскурсия ташкилотлари ҳамда корхоналари 1 млн 248 минг сайёҳ ва 6 млн 941 минг экскурсия қатнашчиларига хизмат кўрсатди². Фарғона вилояти 1989 йил жами 162 та тарихий маданий ёдгорликлар бўйлаб тематик экскурсиялар уюштирилди. Тематик экскурсиялар, асосан, Фарғона водийсининг тарихий маданий марказлари – Қўқон, Наманган, Андижон, Ҳамзаобод шаҳарларига амалга оширилди. 1989 йилдан ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан «Халқаро Буюк Ипак йўли» лойиҳаси ишлаб чиқилиши, ўзбек драматурги Ҳ.Ҳ. Ниёзийнинг 100 йиллик юбилеи ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда нишонланиши, Қўқон шаҳридаги Жоме масжидида жойлашган амалий санъат музейида Қўқон фольклор ансамбли фаолияти йўлга қўйилиши, Фарғона водийсида туризм соҳасининг янада ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бир қаторда, Фарғона тўқимачилик комбинати ва Марғилон ипакчилик фабрикаси, «Атлас» фабрикаси, У. Юсупов номли катта канали, Ҳ.Ҳ. Ниёзий, Й. Охунбобоев, У. Юсупов музейлари сайёҳларга намойиш қилинди³.

Бу даврда гастрономик туризмни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Туристларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, туризм жозибдорлигини ошириш орқали «социализм» ва «коммунизм» ғояларини тарғиб этиш туризм индустриясининг асосий вазифаси эди. Бу билан совет халқлари «фаровон ҳаётини» дунё аҳолисига кўрсатиш ва бир томонлама тасаввурни шакллантиришга уриниб келинди.

Собиқ Иттифок туризм дастурлари Ғарб давлатлари мазкур соҳадаги дастурлардан фарқ қилган. Ғарб давлатларида туризм ҳаётнинг моддий фаровонлик тимсолига айланган бўлса, совет давлатида «адолатли келажак» имиджи доирасида саёҳат дастурлари ишлаб чиқилди.

¹ http://tourlib.net/statti_tourism/andreeva.htm

² Саидов А. Ўзбекистонда туризм: истикбол ва муаммолар... – Б. 30.

³ ЎЗРМА. Ф.2753, Р. 1,Й. 366, В. 146

Сайёҳат дастурларига фуқароларнинг кундалик ҳаётини намойиш этиш, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муассасалари, фан ва техника, маданият, санъат, қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий муаммоларнинг «тезкорлик» билан ҳал этилганлигини чет эллик сайёҳларга кўрсатиш туризмнинг асосий вазифаларидан бири бўлди. Бу билан шўролар давлатининг келажаги «порлоқ» эканлигини намойиш этиш бўлган. 1985–1990-йилларни ўз ичига олган кўнра куриш даврида туристик ташкилотлар молиявий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлаш тизимига ўтганлиги, марказлаштирилган иқтисодий фаолиятни режалаштириш, молиявий захираларни шакллантиришда намоеън бўлди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Фарғона водийсида туризмнинг алоҳида тармоқ сифатида шаклланиши ва дастлабки ривожланиш жараёнлари айнан шўролар давлати ташаббуси билан вужудга келди. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида сайёҳлик қадимдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, махсус индустрия сифатида шаклланмаган эди. Совет давлатида туризм «социализм» тушунининг имиджи вазифасини бажарди. Коммунистик мафкура тарғибот қуроли сифатида фойдаланилди. Туризмни ташкил этишда ҳам коммунистик руҳдаги режалаштириш тамойилидан воз кечилмади. Туристик корхоналарнинг моддий-техника базаси яхшиланди. Бироқ, сайёҳлик хизматларининг сифати пастлигича қолаверди. Бу даврда туризмни ривожлантиришга илмий технологик жараён сифатида қараш бошланди. Бироқ, илмий даража ва махсус билим ва кўникмаларга эга ходимларни тайёрлашни йўлга қўйилишига эътибор қаратилмади. Бундан ташқари, 1990-йилларда Фарғона водийсида содир бўлган «Фарғона фожиалари» натижасида бошланган сиёсий ва иқтисодий беқарорлик, ноқулай вазият Фарғона водийсида туризм тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, мустақиллик йилларида шўролар даврида туризм соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун асос бўлди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ: МУАММОЛАР, ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР (1991–1997-ЙЙ.)

*Т. Хатамов,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти,
тарих фанлари номзоди*

Юртимиз халқ таълими тизимининг энг янги тарихига оид тўпланган тарихий маълумотларни холисона ўрганиш ва тизимдаги мавжуд тажрибани таҳлил этиш, йўл қўйилган хатоларга илмий хулоса бериш, якин ўтмиш тарихимизни холисона ёритиш, шу билан биргаликда, бугунги кундаги таълим ислохотлари моҳиятини халқимиз эътиборига тўғри етказа билиш тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида давр талабига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш учун амалдаги таълим-тарбия тизимини тубдан ислох этиш зарурати вужудга келди. Собиқ тузумдан мерос қолган таълим-тарбия тизимида ҳали ҳам кўплаб муаммолар ва зиддиятлар мавжуд бўлиб, таълимда ўзаро узвийликка асосланган ягона концепция йўқ эди. Бундай зиддиятли муаммолар билан юртимизда етук кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал этиш мураккаб кечди.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида 1992 йил 2 июлда «Таълим тўғрисида»ги¹ қонун қабул қилиниб, унда халқ таълими тизимини ислох этиш, уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг мукаммаллашган тизимини вужудга келтириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи билимли, иқтидорли, миллий ғояни ўзида мужассам этган янги авлодни тарбиялаш вазифалари асос қилиб олинди. Ушбу қонун «Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги² 1993 йил 7 майда қабул қилинган қонунида янада такомиллаштирилди ва белги-ланган тамойиллар асосида умумтаълим мактаблари қуйидаги учта босқичда:

І босқич – бошланғич таълим (I–IV синф);

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1992. №9. – Б. 45–58.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1992. №9. – Б. 175–176.

II босқич – асосий (таянч) мактаб (V–IX синф);

III босқич – юқори ўрта мактаб (X–XI синф).

Ташкил этилди ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш кўзда тутилди. Шунингдек, «Мактабгача тарбия», «Умумий ўрта таълим», «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар», «Ёшлар сиёсатига оид»¹ каби бир қанча қонун, концепция ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Мактаб таълимини янгилаш мақсадида умумий ўрта таълим тизимидаги дунё эътироф этган тажрибалар ҳам кенг ўрганилди. Шу сабабли Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа таълимга алоқадор муассасалар хорижий мамлакатлар, жумладан, Германиянинг «Конрад Аденауэр» фонди ва Гёте номидаги институти, Британия фонди, АҚШнинг Тинчлик корпуси, Таълим ва тил ўрганиш бўйича ҳамкорлик ташкилотлари, Италия, Канада, Миср, Туркия, Дания, Испания давлатлари таълим муассасалари, Чехия, Греция, Бельгия ва бошқа қатор мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдилар.

Жумладан, 1992–1993-ўқув йили мобайнида умумтаълим мактаблари ва лицейлар иқтидорли ёшларидан 650 га яқини таълим тизими таракқий этган хорижий давлатларда таҳсил олиб қайтдилар. Шунингдек, 1994–1995-ўқув йилида эса 541 нафар ўқитувчи ва халқ таълими ходимлари, олимлар хорижий давлатлар таълим тизимидаги илғор жиҳатларни ўрганиш мақсадида илмий сафарларда бўлиб, халқаро семинарлар ва симпозиумларда қатнашдилар².

1991–1997-йилларда умумтаълим мактаблари ўқувчилари физика, кимё, математика, экология каби фанлар бўйича Польша, Аргентина, Туркия, Голландия давлатларида ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида қатнашиб, жами 33 та олтин, кумуш, бронза медалларни қўлга киритдилар³.

Мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларининг 13 таси ЮНЕСКО ташкилотининг «Бирлашган мактаблар дастури»га кири-

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2008. 1-жилд. – Б. 21–27.

² Турсунов И. Илм – истиқлол чироғи. // «Маърифат», 1994 йил 30 март.

³ Қаранг: «Халқ таълими». – Тошкент, 1997. №6. – Б. 17.

тилди. Шунингдек, 1993 йилда юртимизда «Миллий мактаб концепцияси ва ривожланиш технологияси»га бағишланган халқаро конференция¹ ҳам ўтказилди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва таълим-тарбия борасидаги янги концепциялар асосида ўқув муассасалари фаолиятида янгиланиш жараёнлари бошланди. Муҳим эътибор миллий мактаб, миллий таълим-тарбияга қаратилди. Ўша даврларда бўлиб ўтган халқаро² ва республика³ миқёсдаги конференцияларда ҳам миллий таълим йўлга қўйиш масалалари кўтарилди.

Юртимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий-ижтимоий мураккабликларига қарамай, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ 183 минг ўринга эга бўлган 433 та мактаб, 41 минг ўринли 227 та болалар боғчаси қурилиб ишга туширилди. 1991–1997-йиллар мобайнида юртимизда қурилган ва таъмирланган мактаблар сони 2010 тага етиб, уларда 800 минг ўқувчи ўрни мавжуд эди⁴.

Шунингдек, таълим-тарбиядаги узвийликни таъминлаш мақсадида «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида болаларни мактабга тайёрлаш учун мактаблар қошида 256 та «Богча–мактаб» мажмуалари, 11405 та тайёрлов синфлари, тайёрлов марказлари қошида қўшимча 1392 та шанба ва якшанба гуруҳлари, саводхонлик марказлари, 12473 та қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этилди⁵.

Таълим тизимидаги ислохотларнинг энг муҳим вазифаларидан бири мактаб таълимини янги ўқув дарслик ва методик қўлланмалар билан таъминлаш эди. Изланишлар натижасида умумтаълим мактаб-

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жорий архиви. 45-фонд. 89-рўйхат, 487-иш, 46–47-варақ.

² Миллий мактаб концепцияси ва ривожланиш технологияси. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 1993. – Б. 214.

³ Бозор шароитида ёшларни ва катта ёшдаги аҳолини ҳунарга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик асослари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 1993. – Б. 91. Миллий мактаб ва уни шакллантириш муаммолари Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 1993. – Б. 152. Ёшларни умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашда халқ анъаналарининг аҳамияти. Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Ангрэн, 1994. – Б. 104.

⁴ Жўраев Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. – Тошкент: «Ўқитувчи», 2000. – Б. 18.

⁵ Йўлдошев Ж. Таълим янгиланиш йўлида. – Тошкент: «Ўқитувчи», 2000. – Б. 107.

лари учун 1992–1993-ўқув йилида 46 номда 18 242 000 нусхада, 1993–1994 ўқув йилида 60 номда 19 191 400 нусхада, 1994–1995-ўқув йилида 63 номда 22 446 900 нусхада, 1995–1996 ўқув йилида эса 70 номда 26 082 744 нусхада янги дарслик ва қўлланмалар чоп этилди. 1992–1993-ўқув йилининг ўзидагина республика умумтаълим мактабларига 100 турдаги янгиланган ўқув-режалари, 50 дан ортиқ ўқув дастурлари юборилди. 1995–1996-ўқув йилида эса 33 номдаги ўқув дастурлари Халқ таълим вазирлиги томонидан амалиётга тавсия этилди¹.

Республика Ҳукумати мактаблар қурилиши ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ўз эътиборини қаратди. Масалан, 1995–1997-йиллар мобайнида таълимни молиялашга ялпинчки маҳсулотнинг 7 %га яқини йўналтирилди².

1993–1994-ўқув йилида ўқувчиларнинг билимларини текшириш юзасидан 50 та туман ва шаҳарларнинг 250 дан ортиқ мактаблари ўқувчилари орасида ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра 9-синф ўқувчилари кимё ва география фанларидан, 11-синф ўқувчилари физика ва тарих фанлари бўйича юқори натижаларни кўрсатдилар.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутаётган ўрни ва халқаро алоқаларнинг ривожланиши ёшларимизга иқтисодий таълим беришни кучайтириш заруриятини вужудга келтирди. Ўқувчилар учун «Иқтисодий билим асослари» фани жорий этилди. Бу фанни ўқитишда ўқувчиларга «бозор қонуниятлари», «талаб ва таклиф», «тадбиркорлик» каби тушунчаларни бериш ва уларда иқтисодий маданият ҳамда иқтисодий фикрлашни янада кучайтириш, меҳнат воситаларига, улардан ҳосил бўлган самарага эътибор, тежамкорлик ва эҳтиёткорлик муносабатларини шакллантириш кўзда тутилди.

Хорижий тилларни ўрганишга ҳам муҳим эътибор қаратилиб, 2887 та мактабларда 860 мингдан ортиқ ўқувчи немис тилини, 1617 та мактабда қарийб ярим млн ўқувчи француз тилини, 4846 тасида деярли 1,5 млн ўқувчи инглиз тилини ўргана бошладилар. 1992–1997-йилларда инглиз тилини чуқурлаштириб ўрга-

¹ «Таълим тараққиёти». – Тошкент, 2006. № 6. – Б. 14–15.

² Эргашев Қ. Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиш тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998. – Б. 80.

тувчи 180 та махсус мактаблар ташкил этилди. Умумий таълим мактабларида, педагогика ўқув юртларида, мактабдан ташқари таълим марказларида 7000 га яқин, шу жумладан, 87 та катталар учун чет тилини ўрганиш тўғараклари фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги «Лицей тўғрисидаги низом»¹ ва 1995 йил 21 ноябрдаги «Гимназия тўғрисидаги низом»² қарорлари асосида ташкил қилинган кўплаб лицейларда ўқувчиларнинг илмга бўлган иштиёқи ва ҳаракатларини янада ривожлантириш мақсадида илмий тўғараклар фаолияти кенг йўлга қўйилди.

Ўрганилаётган даврда таълим мазмунининг янгилашида фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган мактаблар ҳам муҳим ўрин тутди ва уларнинг сони ортиб борди. 1991–1992 ўқув йилида 1338 та мактабда у ёки бу фан чуқурлаштирилиб ўқитилган бўлса, уларнинг сони 1992–1993-ўқув йилида 1987 тага, 1993–1994-ўқув йилида 2614 тага, 1995–1996-ўқув йилида эса 3120 тага етди³.

Мамлакат таълим тизимидаги янгилашишлар, ислохотлар самараси мактаб ўқитувчиларининг билими, маҳорати, тажрибаси ва уларни тайёрлаш сифати билан чамбарчас боғлиқ эди. 1992–1993-ўқув йилида республикадаги 9243 та умумтаълим мактабларида 430090 нафар педагог-ўқитувчи фаолият кўрсатиб, улардан 16827 таси олий тоифали ўқитувчилар бўлса, 112420 таси биринчи тоифали, 126813 таси иккинчи тоифали, қолганлари мутахассис тоифасига эга бўлган ўқитувчилар эди. Бу педагогларнинг 301 минг-таси олий, 40 минг нафари тугалланмаган олий, 89 минг нафари эса ўрта махсус маълумотга эга эди⁴.

Ўрганилаётган даврда фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш Республика Ҳукуматининг диққат эътиборида бўлди. 1995 йил Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. 1993. Май. – Б. 151–153.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1995. – №28-5. – Б. 45–58.

³ Файзиев С. Мактаб таълими мустақиллик йилларида // «Халқ таълими». 2000. №4. – Тошкент: «Ўқитувчи», – Б. 41–43.

⁴ Эргашев Қ. Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиш тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998. – Б. 80.

«Ижодкор ўқитувчи» анжумани ўтказилиб, унда ўзига хос ижодий маҳорат намунасини кўрсатган 16 нафар иштирокчи «Ижодкор ўқитувчи» кўкрак нишони билан тақдирланди. 1991–1998-йиллар мобайнида республика бўйича жами 7086 та ўқитувчи «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, 3124 та ўқитувчи ХТВнинг фахрий ёрлиғи, 34 нафар педагог Қори Ниёзий номидаги медаль билан тақдирланди. 619 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан мукофотландилар. Шунингдек, 201 нафар халқ таълими ходимига «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», 198 нафар ўқитувчига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 239 нафар мураббийга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари берилди¹.

Аммо, «ўтиш даври»нинг вақтинчалик қийинчиликлари умумтаълим мактабларини ўқитувчи-педагоглар билан таъминлашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди². Масалан, республика мактабларида мутахассисликлар кесимида асосан жисмоний тарбия, меҳнат, она тили ва адабиёти, тарих, география, математика, химия ва чет тили ўқитувчилари етишмас эди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида эса 9438 нафар турли фан ўқитувчилари ўз мутахассислиги бўйича ишламаётган эди³.

Тадқиқотлар бу даврда йилига 26–28 минг педагог кадрлар етишмаётгани ҳолда, уларнинг қўнимсизлиги 1992–1993-ўқув йилида 18 минг кишини, 1993–1994-ўқув йилида қарийб 30 минг кишини ташкил этганлигини кўрсатди. Шунингдек, русийзабон ўқитувчиларнинг бошқа республикаларга кўчиб кетиши ҳоллари ҳам бу борада сезиларли таъсир кўрсатди. Жумладан, 1993 йилда республикадан ташқарига 1027 нафар педагог, 1994 йилда эса 7181 нафар педагог кўчиб кетган эди. Ўқитувчиларнинг ёши бўйича нафақага чикиши ҳам (1994 йилда 1993 йилга нисбатан 3264 нафар

¹ Таълим мазмунини модернизациялаш босқичларида педагогик кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: «Зиё», 2006. – Б. 203.

² Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жорий архиви. 2623-фонд. 64-руйхат, 23-иш, 74–79-варақлар.

³ Йўлдошев Ж. Ўзбекистон Республикаси таълим тараққиёти йўлида. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1994. – Б. 54–55.

кўп педагог нафақага чиққан эди)¹ маълум даражада педагогларнинг камайишига сабаб бўлди.

Шунингдек, республика раҳбарияти, ўз навбатида, педагог кадрлар тайёрлашга ҳам муҳим эътибор қаратди. Педагогика йўналишидаги олий ўқув юртлирида таълим-тарбия жараёнида излаишлар ва янгиланишлар бошланди. Бу олий ўқув юртлирида мутахассислар тайёрлаш, сифатини ошириш, уларнинг илмий интеллектуал салоҳиятини ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Жумладан, 1993 йилдан бошлаб республикада фаолият кўрсатётган 6 та педагогика институтлари, 37 та педагогика билим юртлири янги такомиллашган ўқув режалари асосида таълим беришга ўтдилар ва узлуксиз таълим концепцияси талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлашда асосий эътибор сифат даражасига қаратилди².

Ўрганилаётган давр илмий таҳлиллари 90-йилларнинг ўрталарида мактаблар қурилиши ва моддий-техника базасининг яхшилаш масаласига эътибор кучайганлигини кўрсатди. 1992–1997-йиллар мобайнида республикада 24 мингдан ортиқ ўқувчи ўрнига эга бўлган 700 дан ортиқ мактаблар ва мактаблар учун қўшимча бинолар қурилди, 1000 га яқин мактаблар тўлиқ ва қисман компьютерлаштирилди³.

ЎзР Ҳукумати томонидан мактабларни замонавий техника воситалари билан таъминлашга янада жиддий эътибор қаратилди. Ўрта таълим мактаблари учун 1996 йилда энг замонавий техника воситаларидан 160 комплект «IBM» компьютерлари ажратилди. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги «2000 йилгача қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»⁴ги қарори эса қишлоқ мактаблари муаммоларини ҳам қисман ечишда ёрдам берди.

¹ Турсунов И. Илм – истиқлол чироғи // «Маърифат», 1994 йил 30 март.

² Қодиров Б. Таълим тизимидаги ислохотлар, мақсад ва йўналишлар. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1999. – Б. 78–83.

³ Умумий ўрта таълимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида таълим-тарбия жараёнида самарадорликни ошириш. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 376.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2008. 1-жилд. – Б. 67–76.

«Истикболстат» (ҳозирда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги) Давлат қўмитаси томонидан 1996 йилда қишлоқ жойларидаги 42,5 минг, шу жумладан, 24,3 минг ўқувчига мўлжалланган авария ҳолатидаги мактаблар учун бинолар қурилиб фойдаланишга топширилиш режа-дастурини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари кўриб чиқиб, ҳукуматга тақдим этди¹.

Шунингдек, ушбу мактаблар учун янги жиҳоз ва мебеллар етказиб бериш ҳамда ўқув-техника воситалари билан таъминлаш юзасидан ҳам чора-тадбирлар кўрилди. Тошкент шаҳридаги «Файз» мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти билан ХТВ ўртасида 1996–2000-йилларга мўлжалланган шартномалар тузилди. 1996 йилнинг ўзидаёқ 135 млн сўмлик мебеллар жойларга етказилиб берилган бўлса, хорижий давлатлар, шу жумладан, Россиядан 9600 дона ярим юмшоқ стуллар, 40 жамлама лингафон кабинетлари, 500 дона графопроектор, 190 дона диапроектор, 200 дона эпипроекторлар олиб келинди².

Бироқ таълим соҳасида яна ҳам юқори поғоналарга кўтарилиш, жаҳон андозалари даражасига етишишдек вазифани амалга оширишда халқ таълими тизимида ечилиши зарур бўлган муаммолар ҳали ҳам мавжуд эди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси (1997 йил)да бу муаммолар ҳақида тўхталиб: «Холисона баҳо берганда шуни тан олишимиз керакки, ўтган давр мобайнида амалга оширилган тадбирларимиз бугун ҳаёт талаб қилаётган натижаларни бераётгани йўқ. Аввало, шуни таъкидлашимиз керакки, биз эски, шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан ҳали-бери тўлиқ қутулганимиз йўқ»³, – деб ҳаққоний баҳо берди.

Дарҳақиқат, айрим умумтаълим мактабларида ҳали ҳам эски қолипдаги таълим-тарбия тизими сақланиб қолмоқда эди. Бу жойларда янгилик сари интилиш суст бўлиб, қишлоқ мактабларининг 50 %дан ортиғи тезлик билан таъмирланишга муҳтож эски

¹ «Иқтисодиёт ва таълим». Илмий ахборотнома. – Тошкент: 2003. №4. – Б. 38.

² Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жорий архиви. 2435-фонд. 31-рўйхат, 78-иш, 44-варак.

³ «Халқ сўзи», 1997 йил 30 август.

биноларда жойлашган эди. Айрим кишлок мактаблари ўқувчилари орасида тарбиявий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйишда, ўқувчиларни кенг қамровли тадбирларга жалб этиш ишларида педагогик жамоаларнинг етакчилик фаолияти анча сустр эди. Замон талабларига мос, жаҳон таълим стандартларига жавоб берувчи дарсликлар ҳали ҳам етарли эмас эди. Бунинг устига айрим жойлардаги мактаб ўқитувчиларининг изланиш ва янгиланиш жараёнларига эътиборсизлиги ўқувчиларнинг баъзи фанлардан саъз билим билан қолишига ҳам сабаб бўлаётган эди. Таҳлиллар бу даврда Янгийўл шаҳри мактабларининг 29 % ўқувчилари, Тўрткўл тумани ўқувчиларининг 26 %, Кўшкўпир тумани ўқувчиларининг 25 %, Ўрта Чирчиқ ва Навоий туманларининг 24 % ўқувчилари табиий ва аниқ фанларни тўлиқ ўзлаштира олмаганликларини кўрсатди¹.

Ўрганилган давр юзасидан хулоса қиладиган бўлсак, республика таълим тизимида ислоҳотларни амалга оширишда дастлабки қадам ташланди. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида таълим ислоҳотларининг йўналишлари ва босқичлари белгиланиб олинди. Жаҳон таълими тизимидаги тажриба ва технологиялар ўрганилди. Умумтаълим мактаблари қурилиши, таъмирланиши ва жиҳозланишига, мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам янгиланишлар бошланиб, таълим соҳаси илғор ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Истеъдодли, билимли ва интилувчан ўқувчиларимиз эса ривожланган хорижий давлатлар таълим муассасаларида таълим ола бошлади.

Бу йилларда «Ўтиш даври»нинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий мураккабликларни боис давлатимиз томонидан кучли ижтимоий ҳимоя дастури ишлаб чиқилди. Ўқитувчилар турмуш шароитини яхшилаш, уларни моддий-маънавий рағбатлантириш ишларига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилди. Бозор иқтисодиёти ва истиқлол вазифалари таълим тизимида, шу жумладан, умумтаълим мактаблари тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш заруриятини кўрсата бошлади. Дунё таълим тизими билан бўйлашиш, улар билан соғлом рақобатга киришиш

¹ Қодиров Б. Таълим тизимидаги ислоҳотлар мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 30.

учун давлатимиз томонидан жаҳон таълим андозаларига жавоб бера оладиган, халқимиз менталитетига мос, ягона концепцияга асосланган дастуриламалнинг ишлаб чиқилишини талаб этмоқда эди. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун эса «ўтиш даври»га хос бўлиб, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш ва жаҳон андозаларига мос келиши учун эса, уни янада такомиллаштириш зарур эди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш вазифалари таълимда изчиллик ва узвийликни таъминлашни, умуман юртимиз таълим тизимида миллий хусусиятларимиз, таълим-тарбиядаги тажрибаларимиз ва дунё таълим тизимининг илғор жиҳатлари янги бир қонуннинг қабул қилинишини ва таълимни давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлантириб, уни жамиятимиз ҳаётининг ажралмас қисми сифатида белгилаш зарурлигини кўрсатди. Бугунги кунда олиб борилаётган таълим ислоҳотлари ушбу йилларда тўпланган тажрибалардан тегишли хулоса қилинган ҳолда, таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш мақсадида олиб борилмоқда.

ЎТИШ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБЛАР МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИНГ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИ МИСОЛИДА)

*Ў.Қ. Хошимов,
ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти*

Бугунги кунга келиб дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасига эътибор қаратилса, бу мамлакатлар тараққиётининг бош омилларидан бири таълимга қаратилган эътибор натижаси эканлигини кўриш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларга сифатли таълим беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун илғор халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда, республика таълим тизимини мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб янада ривожлантиришга, таълим соҳаларида муҳим бўғин ҳисобланган умумий ўрта таълим тизими моддий-техник ҳолатини яхшилашга алоҳида аҳамият қаратилди. Бунинг сабаби шундаки, XX асрнинг 80-йилла-

рига келиб, республика мактабларининг моддий-техник ҳолати замон талаблари даражасида ривожланмаганлигида эди.

Шундан келиб чиқиб, республикада қайта қуриш ва мустақилликнинг дастлабки ўтиш йилларида мактаблар моддий-техник ҳолати қандай бўлганлигини тарихий нуқтаи назардан келиб чиқиб тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб, мактаблар моддий-техник ҳолатига эътибор қаратсак, республика мактабларининг моддий-техник базасининг замон талаблари даражасида ривожланмаганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, мактабларнинг аксарияти мослаштирилган биноларда жойлаштирилган эди. Мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларини мавсумий қишлоқ хўжалик ишларига доимий жалб қилиб келинди. Мактабларда меҳнат қилаётган ўқитувчи-педагогларга яратилган шароитларнинг пастлиги, мактабларда ўқитувчилар қўнимсизлигини келтириб чиқарган. Масалан, республикада 1983 йилда турли сабаблар билан 6 мингдан кўпроқ ўқитувчи мактаблардан кетиб қолди. Бу ҳол Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари учун айниқса характерли¹ бўлган.

Эҳтиёжга нисбатан мактаблар қурилиши камлиги, ўқувчилар сонининг йил сайин ортиб бориши натижасида, республикада 1983 ўқув йилида мактабларнинг 70 фоизидан кўпроғида машгулотлар икки сменада² ташкил қилинган.

Агар қайта қуриш йилларида республика мактабларининг моддий-техник базаси ҳолатига эътибор қаратсак, жумладан, 1987 йилнинг сентябрь ойи маълумотларига кўра жами 7789 мактабдан 2501 (32 %)таси тоза ичимлик суви билан, 5303 (68 %)таси канализация билан, 4587 (60 %)таси иситиш тизими билан таъминланмаган эди. Шунингдек, 6273 та қишлоқ мактабларининг бор-йўғи 977 (15,5 %)таси ўз тажриба хўжалигига эга бўлган³. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилган⁴ эди.

¹ «Наманган ҳақиқати», 1984 йил 29 июнь, №123.

² «Наманган ҳақиқати», 1984 йил 29 июнь, №123.

³ Хатамов Т. А. Ўзбекистон умумтаълим мактаблари таълим ислохотлари тизимида: муаммолар, ечими ва истиқболи (1991–2009-йй.) дис.... тарих фан. номзоди. – Тошкент, 2010. – Б. 21.

⁴ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 6.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан шуни англашимиз мумкинки, республика умумий ўрта таълим тизимида бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, умумий ўрта таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу соҳадаги йиллар давомида тўпланиб қолган мавжуд муаммоларни бир вақтнинг ўзида барчасига ечим топишга республиканинг иқтисодий имкониятлари етарли эмас эди.

Бунга сабаб мустақилликнинг дастлабки йилларида республика мактабларининг моддий-техник аҳволи ночор ҳолатда эди. Масалан, 1991 йилда Республикада 901 та¹ авария ҳолатидаги мактаблар фаолият юритаётган эди. Бундай мактаблар республиканинг барча вилоятларида бўлгани каби водий вилоятларида ҳам мавжуд эди. Масалан, Наманган вилоятида 1990–1991-ўқув йилида 564 мактабдан 60 фоиздан ортиғи мослаштирилган биноларда жойлашган² бўлса, бу мактаблардан 41³ тасини авария ҳолатидаги мактаблар ташкил этарди. Андижон вилоятида мавжуд 649⁴ та умумтаълим мактабларидан 175 таси авария ҳолатида бўлиб, бу кўрсаткич Андижон, Балиқчи, Жалолқудук, Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Хўжаобод, Булоқбоши туманларида 5 тадан 12 тагача мактаблар⁵ шундай аҳволда бўлган. Фарғона вилоятида 65 минг ўқувчи билим олаётган 160 та мактаб мослаштирилган биноларда жойлашган⁶ бўлса, вилоятда мавжуд 815 та умумтаълим мактабларида 30 мингга яқин ўғил-қиз таълим олаётган 90 га яқин мактаб биноси авария ҳолатида бўлиб, бу кўрсаткич Марғилон, Фарғона шаҳарлари, Боғдод, Бешариқ туманларининг айрим мактабларининг аҳволи жуда ёмон ҳолатда⁷ бўлганлиги билан вилоятда олдинги ўринларда турган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада жами

¹ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-руйхат, 841-йиғма жилд, 69-варақ.

² Наманган вилояти давлат архиви фонд-266, руйхат-6, йиғма жилд-681, варақ-14

³ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-руйхат, 841-йиғма жилд, 69-варақ

⁴ Андижон вилояти Президент девони архиви бўлими, 4141-фонд, 1-руйхат, 22-йиғма жилд, 71-варақ.

⁵ Андижон вилояти Президент девони архиви бўлими, 4141-фонд, 6-руйхат, 29-йиғма жилд, 52-варақ

⁶ Фарғона вилояти давлат архиви, 1220-фонд, 1-руйхат, 61-йиғма жилд, 20-варақ

⁷ Фарғона вилояти ПДА бўлими. 1220-фонд-1220, 1-руйхат, 5-йиғма жилд, 26-27-варақлар.

мактабларнинг 10 фоизи авария ҳолатида бўлган бўлса, Фарғона водийсида бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил этган.

Ёш мустақил республика ўзига мана шундай оғир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мерос қилиб олган бир даврда, бу муаммоларга мустақиллик йилларида ечим топиш, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги мактаб биноларини қуриш, қайтадан реконструкция қилиш, таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилишига қарамасдан бу соҳада баъзи муаммоларда дуч келинди.

Хусусан, Андижон вилоятида 1991–1995-йиллар мобайнида 39 та 21446 та ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар қурилди, 35 та мактаб мукамал таъмирланиб, авария ҳолатидаги рўйхатдан чиқарилди. Ўша вақтда 101 авария ҳолатидаги мактабдан 57 тасини янгилаш учун қурилиш ишлари бошланган, лекин маблағ етарли бўлмагани учун битказиш имкони бўлмаган, 44 та мактаб учун қурилиш умуман бошланмаган¹. Фарғона вилоятида ҳам шундай вазиятни кўришимиз мумкин. Масалан, Охунбобоев туманида қурилиши бошланиб ниҳоясига етмаётган 13 та мактаб² мавжуд бўлган.

Бу каби ҳолатларга Наманган вилоятида ҳам дуч келинган. Масалан, Наманган вилоятида 1995–1996-ўқув йили учун 633 та мактабнинг 53 таси капитал, 533 жорий таъмирлаш режалаштирилган. Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда айрим шаҳар ва туманларда янги ўқув йилига тайёргарлик сушт борган. Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг режасига асосан 16 та мактаб капитал, 32 таси жорий таъмирланиши кўрсатилган. Лекин 1995 йил 15 июнь ҳолатига фақатгина 5 та мактаб таъмирланган холос. Уйчи туманида 47 та мактабдан 28 таси, Тўрақўрғон туманида 56 та мактабдан 22 тасида, Чортоқ туманида 39 та мактабдан 16 тасида таъмирлаш ишлари бажарилган холос³. Жойларда ишларнинг бундай кўринишда бўлишига асосий сабаблардан бири – ёш мустақил республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида дуч келаётган иқтисодий қийинчиликлар билан бевосита

¹ Андижон вилояти ПДА бўлими, 4141-фонд, 6-рўйхат, 29-йиғма жилд, 52-варақ.

² Фарғона вилояти ПДА бўлими, 1220-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 4-варақ.

³ Наманган вилояти давлат архиви, 645-фонд, 1-рўйхат, 108-йиғма жилд, 66-варақ.

боглиқ бўлса, иккинчи томондан, жойлардаги мансабдор шахсларнинг умумий ўрта таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этишга етарлича эътибор қаратмаганлиги оқибатида юзага келган. Масалан, 1995/1996-ўқув йилида Андижон вилояти бўйича 9 ойида халқ таълимини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратилган бюджет маблағларидан 136 млн сўм сарфланмай қолган¹. Бундай вазият ўзи шундоқ ҳам маблағ етишмаслиги оқибатида, жойларда кўзланган натижаларга эришилмасдан қолаётган бир вақтда соҳа ривожига катта тўсиқ бўлди.

Шундай бўлса-да, 1996 йилга келиб республика ва водий вилоятларида авария ҳолатидаги мактаблар сони мустақилликнинг дастлабки йилларига нисбатан қисқарди. Масалан, рақамларга эътибор қаратсак, республика бўйича авария ҳолатидаги мактаблар 47,3 фоизга, водий вилоятлари Андижонда 42 фоизга, Наманганда 31 фоизга, Фарғона вилоятида 61 фоизга камайди. Бу вақтга келиб республикада мавжуд 9675² та мактабдан авария ҳолатидаги мактаблар 474³ тани ташкил қилди. Андижонда 101⁴ та, Наманганда 28⁵ та, Фарғонада 35⁶ та авария ҳолатидаги мактаблар мавжуд эди. Юқоридаги рақамлардан шуни англаш мумкинки, республикадаги мавжуд авария ҳолатидаги мактабларнинг 34,5 фоизи водий вилоятларига тўғри келган. Агар бу кўрсаткичларни водий вилоятлари кесимида солиштирсак, юқори кўрсаткич Андижон вилоятига тегишли бўлиб, водий вилоятларидаги мавжуд авария ҳолатидаги мактабларнинг 62,3 фоизи айнан шу вилоятга тўғри келган. Андижон вилояти нафақат республикада, балки Марказий Осиёда ҳам аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлигини ҳисобга олсак, бу вилоятда мактаб ўқувчиларини сифатли таълим олишларида қанчалик муаммолар мавжуд бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шу билан бирга, республика ва водий вилоятларидаги авария ҳолатидаги мактаблар сонини қисқартиришга қаратилган тадбирлар ҳам жойларда турлича амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

¹ Андижон вилояти ПДА бўлими, 4141-фонд, 6-рўйхат, 29-йиғма жилд, 52-варақ.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Йиллик статистик тўшлам. 2007 й. Б.101

³ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 69-варақ.

⁴ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 69-варақ.

⁵ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 69-варақ.

⁶ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 69-варақ.

Шундай бўлса-да, кейинги йилларда, республикада янги ва замонавий мактаблар қуришга катта эътибор қаратилди. Хусусан, 1994 йил 79296 ўринли 209 та, 1995 йил 54732 ўринли 134 та, 1996 йил 63622 ўринли 198 та, 1997 йил 63911 ўринли 192 мактаб қуриб фойдаланишга топширилди¹. Бу каби тадбирлар 1997 йилда «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан таълим соҳасидаги ислохотлар янада жонланди. Масалан, 1998 йилда республикада барча маблағлар ҳисобидан 72945 ўқувчига мўлжалланган 181 та мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди².

Мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар натижасида 2000 йилларда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, 1997–2000-йиллар давомида республика бўйича жами 188 мингдан зиёд ўқувчи ўрнига мўлжалланган 518 та умумтаълим мактаблари ва уларга қўшимча бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди, 916 мактаб табиий газ тармоғига, 217 та мактаб ичимлик суви тармоғига уланди, 405 та мактабда ошхона ва буфетлар, 90 та мактабда кутубхоналар, 64 та мактабда спорт заллари, 155 та мактабда спорт майдончалари ишга туширилди³.

Бироқ, юқорида баён этилганларга қарамасдан, таълим муассасаларини қуриб фойдаланишга топшириш бўйича манзилли режа-дастурларни бажариш, уларни куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш бўйича жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг масъулиятсизлиги, маҳаллий ҳокимиятлар олдида кескин талаблар қўймаганлиги, муросасозликка берилганлиги туфайли Андижон вилоятида 1999 йилда 2908 ўринли 8 та мактаб бинолари қурилиши лозим бўлгани ҳолда, ўтган 9 ой ичида 710 ўринли 3 та мактаб (24 %) қурилган ҳолос. Наманган вилоятида (41 %) ҳам мактаб қурилиши режалари қоникарсиз бажарилган. Ички иситиш тармоқларини капитал таъмирлаш Андижон (57 %), Фарғона вило-

¹ Каримов И. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: «Шарқ», 1999. – Б. 117.

² ЎзР МДА М-26-фонд, 1-руйхат, 841-йиғма жилд, 3-варак.

³ Халқ таълими вазирлигининг жорий архиви (Министерство народного образования, Руководство, Протоколи №1-2 заседаний коллегии Министерства и материалы к ним. Начато 26 января 2001 г. окончено 28 февраля 2001 г. – Б. 8

ятида (55 %), ташқари иситиш тармоқларини капитал таъмирлаш Андижон вилоятида (41 %) бажарилган холос¹. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 1999 йилда мактабларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги ички иситиш тармоқларини капитал таъмирлаш Андижон вилояти 25 фоизга, Фарғона вилояти 27 фоизга, ташқари иситиш тармоқларини капитал таъмирлаш бўйича Андижон вилояти 37 фоизга республика кўрсаткичидан орқада қолган. Бундай бўлишига сабаб, жойлардаги масъул шахслар томонидан ишлар яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли қарорининг бажарилиши бўйича барча маблағлар ҳисобига 1999 йил январь–сентябрь ойларида қурилиши битказилиб фойдаланишга топширилган мактаблар ҳақида 5 октябрга бўлган маълумот қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

№	Вилоятлар	1999 йил режаси		Бажарилиши		
		Мактаб сони	Ўқувчи ўрни	Мактаб сони	Ўқувчи ўрни	Фоиз
1	Республика бўйича	120	36070	72	20905	58
2	Андижон	8	2908	3	710	24
3	Наманган	7	2562	3	1047	41
4	Фарғона	13	3600	9	2584	72

Маиба: ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 56-варак маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги жадвалдан шуни англаш мумкинки, 90-йиллар охирига келиб, янги мактаблар қуриб фойдаланишга топшириш режаси республикада ҳам водий вилоятларида ҳам қониқарли аҳволда бўлмаган. Ваҳоланки, 1999 йилда ҳам республикада 275² та, водий вилоятлари: Андижонда 52³ та, Наманганда 14⁴ та, Фарғонада 14⁵ та авария ҳолатидаги мактаблар мавжуд эди. Мактаблар моддий-

¹ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 50-варак.

² ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 69-варак.

³ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 69-варак.

⁴ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 69-варак.

⁵ ЎзР МДА М-26-фонд, 1-рўйхат, 841-йиғма жилд, 69-варак.

техник ҳолатини яхшилашга қаратилган ислоҳотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаганлигига яна бир сабаб, бизнингча, мактаб таълимидаги тўпланиб қолган муаммоларга нисбатан маблағларни кам йўналтирилганлигида, деб ўйлаймиз. Масалан, ушбу даврда ўрта таълимга ҳам капитал сарф-харажатлар учун ажратилган умумий бюджет маблағларининг 8 фоизи йўналтирилган эди. Бироқ 2005 йилда янги мақсадли дастурнинг амалга оширилиши туфайли бу кўрсаткич кескин ошди (23,4 фоизгача)¹.

Хулоса қилиб, айтадиган бўлсак, республикада мустақилликнинг дастлабки ўттиш йилларида умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш учун катта эътибор қаратилди. Лекин бу соҳадаги тўпланиб қолган муаммоларга бир вақтнинг ўзида ечим топиш учун республиканинг иқтисодий имкониятлари етарли эмас эди. Шунинг учун босқичма-босқич муаммоларга ечим топиш, соҳани замон талабларига мос ҳолда ривожлантириш мақсадида бир қатор давлат дастурлари қабул қилинди. Сўнгги йилларда ҳам давлатимиз томонидан бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, баъзи таклифларни илгари сурмоқчимиз.

– Янги мактаблар, мавжуд мактабларга қўшимча бинолар қурилишини кўпайтириш мақсадга мувофиқ, чунки олдин касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олган ўқувчилар эндиликда ўқишларини мактабларда давом эттирадилар, бу эса ноқулайликлар, хоналар етишмаслиги, ўқишларнинг икки сменалиги ортишига сабаб бўлиши мумкин.

– Умумий ўрта таълимда ҳам давлат шерикчилиги асосида ҳамда хусусий мактаблар очишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Жаҳон тажрибасига қаралса, хусусий мактабларни ташкил этиш яхши самара берганлигини кўришимиз мумкин.

– Мактаб ўқитувчиларини моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

¹ Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклифнинг мутаносиблиги. Т. 2007/2008 й. Б.145

«ҚАЙТА ҚУРИШ» ДАВРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР АЙРИМ ЖИХАТЛАР

*Д. Чориева, ЎзР ФА ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик маркази таянч докторанти*

Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг бой тарихий маданий аъёнчаларига эга бўлиб, Ўрта Осиёнинг маданий ўчоғларидан бири бўлган. Қорақалпоғистоннинг тарихи мамлакатимизнинг бирча қадимий минтақаларининг тарихи каби жуда бой, хилма-хил ва қизиқарлидир. Бу заминни ўзига хос археологик топилмалар кўриқхонаси ҳам дейиш мумкин. Чунки, бу ерда кишининг диққатини тортадиган, ҳайратлантирадиган кўплаб археологик ёдгорликлар, маданият масканлари мавжудки, улар ўта ноёблиги ва мафтунокорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қорақалпоқ халқи ҳам бошқа туркий халқлар сингари ўзининг бой тарихий, интеллектуал меросига, маданий ва маърифий сарчашмаларига эга бўлган халқ ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг маданий ривожланишида Қорақалпоғистон Республикаси маданият муассасаларининг муҳим ўрни бор. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 3 та театр: Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри, Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри (1978), Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри, 3 та музей: Қорақалпоғистон Республикаси давлат Шуҳрат музейи (2018 йилда тугатилган¹), Қорақалпоғистон Республикаси Давлат ўлкашунослик музейи (1929), И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи (1966), жами 57 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари (совет даврида маданият уйлари ва клублар деб юритилган), 19 та маданият ва истироҳат боғлари² мавжуд. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ахборот-кутубхона маркази бор (кутубхона 1936

¹ <http://lex.uz/ru/docs/3451889>. 31.03.2019.

² Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви. Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ҳисоботи. — Тошкент, 2016 йил.

йили Тўрткўл (Петро Александровск)да шаҳар кутубхонаси негизда ташкил этилган. Дастлаб кутубхона фонди 30 480 нусхани ташкил этган. Шу йили кутубхона Нукус шаҳрига кўчирилган ва Республика кутубхонасига айлантирилган). Кутубхона фондида 257 минг нусхадан ортиқ китоб – адабиётлар сақланади. Кутубхона Қорақалпоғистон Республикасидаги 443 та оммавий кутубхоналарга методик раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, Республика болалар кутубхонаси фаолият юритади (1962 йилда шаҳар болалар кутубхонаси негизда ташкил этилган). Кутубхона фондида 119 049 нусхадаги адабиётлар мавжуд. Ушбу кутубхона ҳам Қорақалпоғистон Республикасидаги 45 та болалар кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади¹.

Мустақиллик арафасида ушбу маданият муассасалари қай ҳолатда эди? Қайта қуриш сиёсати улар фаолиятига қандай таъсир қилди? Қайта қуриш даврида улар фаолияти доирасида қандай ўзгаришлар рўй берди? Бу саволларга мустақиллик шароитида ечим топилди ва ҳозирги кунда маданият масалалари давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Маълумки, мамлакат сиёсий ҳаётида 1982–1985-йилларда кўплаб ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ушбу даврга келиб, совет тузуми ўз ҳаққини, инсоний шаъни ва яшаш ҳуқуқини талаб қила бошлаган одамларнинг қудратли тўлқинига дуч келган эди. Шу боисдан совет ҳукумати иш услубини ўзгартириши керак эди. Мамлакатда тўпланиб қолган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-мафкуравий соҳалардаги муаммоларни «қайта қуриш» йўли билан ҳал этиш мақсадида «қайта қуриш» сиёсати ўйлаб топилди². Ўзбекистон халқи ўша даврда мураккаб ва зиддиятли жараёнларни бошидан ўтказди. Узок йиллар мобайнида йиғилиб қолган миллий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммолар мураккаб ва кескин тус олди. Аҳолининг турмуш даражаси пастга тушиб кетди. Жон бошига даромад, озиқ-овқат ва ҳар кунлик эҳтиёж молларини истеъмол қилиш, уй-жой, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, савдо, маданий-маиший тармоқлар бўйича Иттифоқдаги мамлакатлар орасида охириги ўринларда турар эди.

¹ Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналари. Методик маълумотнома. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2004.

² Ватан туйғуси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 260.

Шунингдек, Ўзбекистонда рўй берган «қайта қуриш» сиёсати, жамиятни демократлаштириш, ошкоралик, турли хил фикрлар билдиришга имкон бериш томон ижобий қадамларни қўйишга ҳам сабаб бўлди. Матбуотда, радио ва телевидениеда турли хил фикр-мулоҳазалар эркин айтиладиган бўлди. Ўзбекистонда барча жабҳалар қатори маданият соҳасида ҳам ўзгаришларни кўриш мумкин.

Қайта қуриш шарофати туфайли маданий-маърифий муассасалар фаолиятида ҳам бир мунча ўзгаришлар, юксалишлар бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Бунга Маданият вазирлигининг муассасалар бош бошқармаси томонидан амалга оширилган ишлар ёрқин мисол бўла олади. Жумладан, Жумҳурият катта ашула маданий-маърифий ижрочиларининг ва бахши-шоирларининг ижодий беллашувлари, Ёш ижрочилар конкурслари, Дўстлик фестиваллари, III Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали доирасида иккинчи Жумҳурият фольклор ва оилавий ансамблларнинг конкурслари, миллий халқ байрамлари, анъанавий маросимлар ва бошқа ранг-баранг тадбирлар ўтказилди¹.

Бу даврда маданий-маърифий муассасалар ҳам ўз фаолиятларини «ривожланган социализм» ғоясини жамият ҳаётига татбиқ этишга қаратди. Бу муассасаларнинг иш шакли сиёсатлашган эди. Натижада ҳар бир клуб ва бошқа маданият масканларининг иш фаолияти натижалари унинг қанча даражада халқ маданий савиясини оширганлигига қараб эмас, аксинча қай йўсинда коммунистик мафкуранинг тарғиботчиси сифатида иш олиб борганлигига қараб баҳоланган. Шунга қарамасдан, мамлакатда бироз бўлса-да, маданий жараёнларда миллийлик тиклана бошланди. Маданий меросга муносабат ўзгарди, ижтимоий ҳаётда миллийлик ва байналмилаллик нисбатида, қисман бўлса-да, адолат тикланди.

Ижтимоий-гуманитар фанларда жамият ва шахс ҳамда маданий мерос, тил муаммолари каби масалаларни ҳал этишга интилиш юзага келди. «Қайта қуриш» йилларида ўзбек зиёлиларининг саъй-ҳаракатлари билан миллий маданий меросни тиклаш, тарихий маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ва сақлаш, Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилган тарихий-маданий ёдгорликларни қайтариш

¹ ЎЗР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 5978-иш, 50-варақ; Мирҳабибов Ш. Халқ ижодига муҳаббат // «Совет Ўзбекистони», 1983 йил 10 февраль.

муҳим масалалардан бирига айланди. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан Ўзбекистонда «Мерос» дастури амалга оширила бошланди. Бу ҳаракат республика бўйлаб кенг ёйилди.

Айниқса, маданият муассасалари фаолиятида маданий мерос масалалари етакчи ўринга чиққанлигини кўришимиз мумкин. Маданият уйлари қошида маданий меросни тиклаш мақсадида кўплаб ансамбллар ташкил қилинган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида, 1982 йилда Тўрткўл тумани маданият саройи қошида «Тарона» ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди. Ушбу ансамбль дастлаб тўгарак шаклида «Наврўз» номи билан фаолият олиб борди. 1987 йилда «Тарона» номини олди. 1990 йилда ушбу ансамблга «Халқ ҳаваскорлик ансамбли» унвони берилди. 1989 йилда Қўнғирот шаҳар маданият бўлими қошида «Мийрас» фольклор ансамбли ҳам ташкил қилинди¹. Ушбу ансамблнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, унинг иштирокчилари Қўнғирот шаҳрида истиқомат қилувчи шифокорлар, ўқитувчилар, қурувчилардан иборат бўлганлигида эди. Иштирокчилар бошқа касб эгалари бўлишига қарамасдан, миллий маданий меросимизни тарғиб қилишда ўзининг ҳиссасини қўшди.

Қорақалпоғистон Республикасида ушбу даврда 184 та маданият уйлари, клублар бўлиб, уларнинг 49 таси шаҳарда, 135 таси қишлоқларда жойлашган. Ушбу маданият муассасаларида бир йил мобайнида 9370 тадбирлар, маърузалар ўтказилган. Маърузалар асосан атеизм ва ишлаб чиқариш, техник, иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги мавзуларида ўқилган. Биргина табиий ва илмий атеизм мавзусида 3118 та лекция, 4 та докладлар ўқилган. Ушбу тадбирга 276,7 минг киши қатнашган бўлса, ишлаб чиқариш, техник, иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги мавзуларида, бир йил мобайнида 4408 та маъруза ва докладлар ўқилган. Бундан ташқари, маданият уйларида болалар ва ўсмирлар учун тўгараклар ишлаб турган. Ушбу тўгаракларга минглаб болалар ва ўсмирлар қатнашган².

Клубларнинг 37 таси эса автоклублар бўлган³. Ушбу автоклублар клуб муассасалари бўлмаган аҳоли пунктларида, совхоз-

¹ Ҳаваскорлик санъати – профессионал санъатнинг пойдевори (Республикадаги энг илғор бадиий жамоалар мисолида). – Тошкент, 2008. – Б. 6.

² ЎзР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 5970-иш, 241-варақ.

³ ЎзР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 5970-иш, 240-варақ.

ларда, чорвачилик фермаларида, дала шийпонларида маданий-маърифий хизмат кўрсатган. Ушбу автоклублар йиллик иш режалари ва маршрут графиклари асосида республика аҳолисига хизмат кўрсатган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида ўша даврда 14 та оммавий томоша муассасалари: 4 та халқ театри, 1 та қўғирчоқ театри ва 9 та¹ халқ ансамбллари фаолият юритган. Уларда бир йил мобайнида 6959 та спектакллар ва концертлар қўйилган. Уларда 889,8 минг киши қатнашган. Шунингдек, 770 та театр томошалари 270,8 минг киши иштирокида ўтказилган. Бундай тадбирларда, албатта, партия ва комсомол ташкилотларининг фаоллари қатнашар эди.

Ўша даврда аҳолининг 80 фоизи қишлоқларда яшар эди. Қишлоқ клубларида бир йил мобайнида 8602 та маъруза ва докладлар тингланган. Уларда қишлоқ аҳолисининг 780 минг кишиси қатнашган. Ушбу даврни ўрганиш мобайнида, республиканинг барча маданият муассасаларида: маданият уйлари, клублар, маданият ва истироҳат боғларида ўтказилган тадбирлар ичида ёшлар учун кечқурунги баллар ва мусиқий кечалар ташкил қилинганлиги² алоҳида диққатимизни тортди. Бундай кечалар, ҳаттоки қишлоқ клубларида ҳам ўтказилган. Масалан, республика маданият муассасаларида бир йил мобайнида ёшлар учун 602 та балл ва мусиқий кечалар ўтказилган ва унга 83,1 минг киши қатнашган³. Албатта, кўплаб ўтказилган бундай кечалар совет жамиятининг мақсадли сиёсатидан бўлиб, ёшларга совет мафкурасини сингдиришга қаратилган ҳаракатлардан бири деб ўйлаш мумкин. Чунки, баллар уюштириладиган кун, албатта, тематик маърузалар ўқилган.

Ўша йилларда тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза этиш, айниқса, улар фаолиятини яхшилаш муаммоси энг муҳим масалалардан бири сифатида кун тартибида турди. 1977 йил 22 февралда Ўзбекистон КП МКнинг «Республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш бўйича назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Республика Маданият вазирлигида махсус комиссия тузилди. Олиб борилган ишлар натижасида

¹ ЎзР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 5970-иш, 240-варак.

² ЎзР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 5969-иш, 89-варак.

³ ЎзР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 5970-иш, 241-варак.

қўшимча 1049 та архитектура, 2677 та тарих ва монументал санъат, 1783 та археологик ёдгорликлар аниқланиб, уларнинг 1733 тасигина рўйхатга олинди¹. Бироқ «қайта қуриш» йилларида ҳам илгариги даврда бўлгани каби республика музейлари асосий эътиборни инқилобий-сиёсий, «социализмнинг афзалликларини» тарғиб этишга қаратди.

Аммо, шундай шароитда ҳам тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш масаласига бўлган коммунистик муносабат ўзгармади, ёдгорликларни ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишдек муҳим ва мураккаб жараёнга эътиборсизлик билан қаралди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда 9310 та тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳисобга олингани ҳолда, улардан фақат 6466 тасигина давлат муҳофазасига олинган². Миллий маданий мерос асоси бўлган маданий ёдгорликларни сақлашга давлат томонидан арзимаган маблағ ажратилар, у ҳам бўлса, йилдан-йилга камайиб борар эди. Қорақалпоғистон Республикасида бу жараён 1990 йилдан эътиборан бошланди. Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган тарих ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш учун маблағларни кўпайтириш масаласи кўрилди³.

Ушбу даврда театрларда ҳам зиддиятли давр бўлди. Узоқ йиллар тақиқлаб келинган тарихий мавзуларга эътибор кучайди. Замонавий мавзуларни ишлашда, аввало ҳаётдаги кўзга ташланиб турган камчиликлар фош қилинди, кейин ҳаётий воқелик чуқурроқ тадқиқ этила бошланди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри ўтган асрнинг 80-йилларига қадар Станиславский номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали драма ва комедия театри деб юритилиб келинган. 1988 йили театрнинг мавқеи бироз ўзгартирилиб, давлат штати, имконияти, ижодининг йўналиши ўзгара борди, изланишларида театр турлари ва жанрлар рангбаранглиги кўзга ташланди. Соф драматик асарлар билан баробар опера ва балет турларига қўл урилиб, «Ажиниёз», «Ойжамол» опера ва балетлари пайдо бўлди⁴. Шунингдек, театр репертуарларида «Ўмирбек ва кал» (К. Матмуратов), «Онамнинг еттинчи

¹ ЎзР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 5580-иш, 140-варақ.

² Тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Тошкент, 2001. – Б. 352.

³ ЎзР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 6863-иш, 18-варақ.

⁴ Баяндиёв Т. Қорақалпоқ театри тарихи. – Тошкент: ЎзДСИ. 2011. – Б. 147.

ри» (Қ. Раҳмонов), «Балкондаги гўзал» (З.Д. Филиппо), «Ерназар Олакўз» (А. Алламуратов), «Хиёнат» (Исфандиёров), «Майсаранинг иши» (С. Юдаков, қайта саҳналаштирилди) каби спектакллар саҳналаштирилди¹.

Қорақалпоғистон Республикасининг иккинчи профессионал театрларидан бири С. Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри ҳисобланади. Театр 1978 йилда ташкил қилинган. Бу театрнинг уша йиллардаги репертуарларидан «Сеҳрланган ўрмон» (Заколдованный лес) (Мингалимов), «Кеча тунлари» (Ночь пресечения) (Б. Мунаев), «9 лапашанг ва бир чакқон» (9 ворчунов и писклявый) (Қ. Раҳмонов), «Ўрик дарахти» (Абрикосовое дерево) (Н. Осипова), «Суйинши» (П. Айтмуратов) каби спектакллар томошабинларга ҳавола қилинди².

Барча соҳаларда бўлгани каби маданий-маърифий муассасалар фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилган муаммолар ҳам бўлган. Жумладан, маданият масканлари ночор бўлиб, клублар, маданият уйлари мослаштирилган биноларга жойлаштирилмаган. Айниқса, қишлоқ жойларда олий ва ўрта малакали маданий-маърифий ишлар бўйича етук мутахассислар етишмаган. Иш ҳақининг озлиги маданият ходимларининг қўнимсизлигига сабаб бўлган. ЎзССЖ Вазирлар Кенгашининг 1987 йил 15 апрель «Қишлоқ жойлардаги маданий-маърифий муассасалар ходимларининг маошига қўшимча (устама) 30 фоиз тўланиши ҳақида»ги фармойиши ҳамма жойда ҳам ҳаётга татбиқ этилмаган³.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, фақат бир халққа тегишли, фақат бир халқ маданиятининг асосини шу миллат яратган бўлса-да, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний маданиятнинг улуши ва таъсири бўлганлигини кўриш мумкин. Совет даврида маданий мерос масалаларига нотўғри муносабатда бўлинганлигини ва ўтмиш маданиятини кераксиз деб, янги пролетар маданият яратишга ҳаракат қилингани ачинарли ҳол эди. Аммо бу даврда, шу даврга хос маданий кўринишлар вужудга келган бўлса-да, лекин маданий тараққиёт узилиб қолмади, илгариги маданият йўқ бўлиб

¹ ЎЗР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 6808-иш, 11-варак.

² ЎЗР МДА 2487-фонд, 3-рўйхат, 6808-иш, 9-варак.

³ Қосимова М.Х. Советларнинг маданий-маърифий муассасалар фаолиятига раҳбарлиги. // «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1991 йил, №1, 42-бет.

кетмади, маданий мерос ва анъаналар ушбу давр маданиятининг кайсидир бир қаърида сақланиб қолди. Ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий маданият бойликлари мажмуи бўлмиш маданий мерос, маданий қадриятлар сақлаб қолинди.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҚЎЛГА КИРИТИЛИШИ ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТЛАР ЮЗАСИДАН БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

*Р. М. Қаршиев, тарих фанлари номзоди,
Ш.Э. Тоштуров, И.А. Қулжонов, Навоий ДПИ ўқитувчилари,
Ф.Қ. Усмонов, Ўз РФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишларнинг асосий мақсади Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб, СССРда кучайган танглик ҳолати мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. КПССнинг кутилаётган натижаларни бермаётган иқтисодий сиёсати бутун ижтимоий-сиёсий тизимнинг инқирозига сабаб бўлди¹. Ниҳоят, 1985 йилнинг баҳорида КПСС Марказий Қўмитасининг Апрель пленуми совет жамиятини қайта қуриш, унинг барча соҳаларида туб янгиланишлар ва ўзгаришлар ясаш йўлини эълон қилди. Қайта қуриш совет жамиятини ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи сифатида баҳоланди, социалистик жамият ривожининг чуқур жараёнларидан ўсиб чиққан зарурат сифатида таърифланди. Унинг таркибий қисми жамият ҳаётини демократлаштириш эканлиги белгиланди.

Ўзбекистонда пахтани териш ва қайта ишлашдаги сунъий равишда ўйлаб топилган «талончилик», «қўшиб ёзиш» ҳолатларини тергов қилиш билан Марказий прокуратура ва ички ишлар органлари махсус шуғулланди. «Пахта иши» энг шов-шувли иш сифатида бутун Иттифоққа намоён қилинди. Бир қатор Россия газеталарининг зўр бериши туфайли «пахта иши» «ўзбеклар иши»га айлантирилди. Ўзбекистонга ва ўзбек халқига нисбатан қилинган бу адолатсизлик халқ оммасининг советлар режимига нисбатан нафратини оширди, муносабатини ўзгартирди².

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 624.

² Ўша манба. – Б. 660.

Иттифоқ таркибига кирган республикаларда ўзликни англаш, тил, маданият, тарих ва келажакка теран назар солиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар нарсадан устун қўйишга бўлган интилиш кучайиб борди. Хусусан, Ўзбекистонда кенг мунозараларга сабаб бўлган муаммолардан бири ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш масаласи бўлди. Бу муаммо юзасидан бошланган ҳаракат қудратли тус олди, унда зиёлилар, талабалар ва ёшлар фаол иштирок этди. И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият бу масалани амалий ҳал қилишга киришди. Натижада ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинди¹. Қонуннинг 1-моддасининг 1-қисмида «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир»², деб ёзиб қўйилди. «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 4-моддасининг 1-қисмини келтирамиз: «Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт». Қонуннинг 5-моддаси (1-қисм)да қуйидаги ҳуқуқий норма мустаҳкамлаб қўйилди: «Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар республиканинг давлат тилида олиб борилади ва айнан таржимаси таъминланади»³. Қонундан келтирилган ана шу моддалар (уларнинг қисмлари)да Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини давлат тилида юритишлари лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йил 19 апрелдаги Конституция-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонуни асосида «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.

² Қонуннинг мағни бўйича қаранг: Она тили – Давлат тили (Ўқув қўлланма – мажмуа). Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига оид ҳужжатлар / Тузувчилар: Н. Жумахўжа, Р. Жомонов. – Т.: «Адолат», 2004. – Б. 80.

³ Она тили – Давлат тили (Ўқув қўлланма-мажмуа). Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига оид ҳужжатлар / Тузувчилар: Н. Жумахўжа, Р. Жомонов. – Т.: «Адолат», 2004. – Б. 6–7.

сида¹ гарчи Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг бўлиниш принци-
пига мувофиқ давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи
ва суд ҳокимиятидан иборат экани очиқ-ойдин норматив асосда
белгиланиб қўйилмаган бўлса-да, Ўзбекистон ССРда қонунлар
чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари мавжуд бўлган. «Ўзбе-
кистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг тегишли модда-
ларига мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини энди-
ликда (қонун кучга кирган кундан эътиборан) давлат тилида, яъни
ўзбек тилида олиб борадиган бўлишди. Қонуннинг 6-моддасига
асосан, Ўзбекистон ССР олий давлат ҳокимияти ва бошқарув орган-
ларининг қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлари, маҳаллий ҳокимият
ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида
тайёрланадиган, қабул қилинадиган ва эълон этиладиган бўлди.

«Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинишини барча
бирдек хурсандчилик ва мамнунлик билан кутиб олди. Маълумки, бу
қонун қабул қилинган вақтда ҳали СССР мавжуд ва мустабид тузум
ўз умрини ўтаб бўлмаган эди. Халқимизнинг ўзбек тилига давлат
тили мақомини бериш борасидаги жўшқин ҳаракатини мустақиллик
йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

«Тил ҳақидаги қонун учун ҳаракат дастлаб Ўзкомпартия
Марказий Қўмитаси деб аталмиш идора томонидан қаршиликларга
учради. Раҳбарият ўзгариб, И. Каримов раҳбар бўлгач, бу ҳаракатга
муносабат ўзгарди ва ушбу қонун қабул қилинди. Шу ўринда давлат
раҳбарларининг том маънодаги жасоратларини ҳам таъкидлаш
керак. Бу ҳам тарихий воқеалар силсиласига киради»².

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул
қилиниши ўзбек халқининг ўзлигини англашининг ўсиши ва рес-
публикада миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб қолиши учун
жуда катта аҳамиятга эга бўлди, «давлат мустақиллиги йўлидаги
биринчи муваффақиятимиз, биринчи ғалабамиз бўлди»³. «Респуб-
лика Олий Советининг сессиясида Ўзбекистон ССРнинг «Давлат

¹ Ўзбекистон ССР Конституциясининг матни буйича қаранг: Конституция (Ос-
новной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики. – Ташкент:
«Ўзбекистан», 1984.

² Тоҳир Малик. Ўнинчи доvon // «Ҳуқуқ–Право–Law» илмий-назарий юридик
журнали. № 4 (8). 1999. – Б. 38–39.

³ Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида
– Тошкент: «Шарқ», 2001. – Б. 213.

тили тўғрисида»ги қонунинг қабул қилиниши республика ҳаётида муҳим тарихий воқеадир»¹.

«Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан сўнг миллий ўзликни англаш, миллий давлатчиликни тиклаш йўлида республикада яна бир тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий қадам кўйилди. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатни – Ўзбекистонда Президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 мартда Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида таъсис этилди. Ўша куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Республика Компартияси Марказий Қўмитасининг Биринчи котиби И.Каримовни Ўзбекистон ССРнинг Биринчи Президенти этиб сайладилар. Собиқ СССР таркибидаги республикалар ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви жорий этилди. Бу вақтда собиқ Иттифоқ ҳудудида фақат СССР Президенти лавозими мавжуд эди.

И.А. Каримов КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март пленумларининг яқунлари ҳамда КПСС XXVIII съездида ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездида тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, «энг муҳими шундан иборатки, Президент институтининг жорий этилиши, республикаимиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради». И. Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган биринчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам Президент бошқарувининг жорий этилиши ҳаёт тақозоси эканини уқтириб, бундай деган эди: «Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиқи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этяпти»².

1990 йил 20 июнда Республика Олий Совети томонидан қабул

¹ Каримов И. Илм – фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқдан. 1989 йил 28 ноябрь.

² Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 147–149.

қилинган «Мустақиллик декларацияси» ана шундай тадбирлардан эди. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган ва жиддий аҳамиятга молик бўлган мазкур ҳужжат депутатлар томонидан моддама-модда, бандма-банд муҳокама қилинди. Мустақиллик декларациясининг кириш қисмида Ўзбекистоннинг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган анъаналари, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга экани таъкидланди. Мустақиллик декларацияси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги муҳим одимлардан бири бўлди.

1990 йил 20 июнда «Ўзбекистон Республикасида Конституцион назорат тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мос бўлишини таъминлаш, шахснинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикаси халқларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида конституцион назорат таъсис этилди.

1990 йил 1 октябрда «Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг таркиби тўғрисида» Ўзбекистон ССР Президентининг фармони эълон қилинди. Фармон асосида Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг (14 кишидан иборат) аъзолари тайинланди.

1990 йил 31 октябрда «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

1990 йилнинг 1 ноябрида «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг қонуни қабул қилинди. Давлат бошқарувининг уйғун тизимини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини бир-биридан қатъий фарқлаб қўйиш, давлат органлари фаолиятида параллелчилик ва бир-бирининг ишини такрорлашга, бир органни бошқа органлар вазифасини бажаришига барҳам бериш мақсадида ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижроия ҳокимиятни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, давлат,

хўжалик ва ижтимоий-маданий курилишнинг ҳамма жабҳаларида интизом ва тартиб ўрнатиш айниқса муҳим эканини ҳисобга олиб, юқорида зикр этилган қонун қабул қилинди. Мазкур қонун асосида Ўзбекистон ССРнинг Конституциясига бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Ана шундай ўзгартиш ва қўшимчалар Конституциянинг «Прокуратура» деб номланган 21-бобида амалга оширилди. 1990 йилнинг 1 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССРнинг қонуни асосида кўплаб ислохотлар амалга оширилди.

1990 йилнинг ноябрида эълон қилинган Иттифоқ шартномаси лойиҳасида асосий устунлик яна собиқ Марказга берилиб, республикаларнинг ҳуқуқлари эса чекланганича қолаверди. ОАВда лойиҳадаги мақбул бўлмаган шартнома қоидалари асосли равишда танқид қилинди, яъни республикалар хорижий давлатлар билан алоқа қилишда овоз ва ҳуқуқдан яна аввалгидек маҳрум эди, Иттифоқ қонунчилигининг республика қонунчилигидан устун туриши тўғрисидаги тезис баён қилинган, республикаларнинг ерга, ер ости бойликларига ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулкчилик муносабатларини тартибга солиши СССР ваколатларининг амалга оширилишига халақит бермаслиги лозим эди¹.

Иттифоқ раҳбарларининг барча ҳаракатларига қарамасдан, СССРнинг парчаланиш жараёни бошланди: унинг таркибидан дастлаб Болтиқбўйи республикалари (Литва, Латвия ва Эстония), сўнг Грузия чиқди.

1991 йил 15 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети «Ўзбекистоннинг Давлат рамзлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Ўзбекистонда янги раҳбарият томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳаларни давлат йўли билан бошқариш органлари мустаҳкамланди. 1991 йил мартда республикалар вакиллари томонидан Иттифоқ шартномасининг бошқа лойиҳаси тайёрланди. Мазкур лойиҳа «Суверен Республикалар Иттифоқи тўғрисида» деб номланди. Бу лойиҳанинг асосий гояси – кўп миллатли Иттифоқ давлатини федерация сифатида сақлаб қолиш ва шу билан бирга, республикаларни

¹ Валиев А. Не ущемлять права республик // «Правда Востока» газетаси, 1990 йил 8 декабрь.

ликалар суверенитетини рўёбга чиқариш туфайли Марказнинг янги вазифасини ҳам белгилаш эди¹. Гарчи лойиҳа республикаларнинг суверенитет тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олган бўлса-да, бу суверен «давлатлар» эмас, балки «республикалар» Иттифоқи тўғрисидаги шартнома эди. СССР Президенти ва тўққизта иттифокдош республика раҳбарлари иштирокида Ново-Огарёвода бўлиб ўтган йигилишда принципиал низоли масалалар юзасидан томонларни қаноатлантирадиган битимга келинди – «Суверен Давлатлар Иттифоқи тўғрисида»ги шартномани тузишга келишиб олинди. Ўзбекистон делегацияси музокаралар жараёнида янгиланган Иттифокқа киришнинг ўзи учун жуда муҳим бўлган шартини – барча республикалар аҳолиси учун ягона бўлган пенсия билан таъминлаш, даромадларни индексация қилиш ва кун кечирishi учун зарур бўлган кафолатланган энг кам миқдор тартибига амал қилишини қаттиқ туриб ҳимоя қилди².

Республикада жамиятни демократлаштириш, Ўзбекистоннинг ҳақиқий суверенитетини ўрнатиш, мамлакатда яшаётган кўп сонли миллатларнинг тотувлиги ва тенглигини таъминлашга эришиш И. Каримов бошлиқ сиёсий раҳбариятнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон халқи республика раҳбариятининг юзига келган вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий ва сиёсий мустақилликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлади. Чунки Ўзбекистон раҳбарияти халқнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, унинг манфаатларини кўзлаб иш юритган эди.

1991 йил 22 июлида Ўзбекистон ССР Олий Совети «Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Иттифокқа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

СССРнинг юқори лавозимдаги раҳбарларидан бир гуруҳи 1991 йилнинг 18 августида ўзларини ГКЧП деб атаб, давлат тўнтариши қилишга уриниб кўрди. ГКЧПнинг асосий мақсади – тоталитар совет тузумини қандай қилиб бўлса-да, асло ўзгартирмасдан сақлаб қолишдан иборат эди. Лекин бу уриниш барбод бўлди. Бу СССР деб аталмиш давлатнинг умри тугаганини ва айни вақтда «қайта қуриш»

¹ «Правда». 9 марта 1991 года.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-киتاب. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 647.

сиёсати ҳам барбод бўлганини билдирарди. Бир гуруҳ сиёсий авантюристларнинг давлат тўнтаришини содир этишга уриниши муносабати билан И.А. Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўзининг қатъий позициясида тургани мамлакатимиз ва халқимизнинг мустақилликка эришишида ҳал қилувчи ўрин тутди.

1991 йил 21 августда Ўзбекистон Президентининг фармони билан ГКЧПнинг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига зид келадиган қарорлари ноқонуний деб эълон қилинди. 1991 йил 25 августда Президент фармони билан Республика ИИВ ва ДХҚ қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига олинди. 1991 йил 26 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ва 31 августда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясини чақиришга қарор қилинди. 1991 йил 28 августда Ўзбекистон ССР КП МК Марказий назорат қўмитаси билан биргаликда қўшма пленум чақириб, унда КПСС МК билан ҳар қандай алоқани тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишга, унинг марказий органларидан ўз вакиллариини чақириб олишга Ўзкомпартия қарор қилди.

Вужудга келган ўта оғир шароит, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликлар ва турли тўсиқларга қарамасдан, халқимиз И. Каримов бошчилигида ўзининг асрий орзуси – Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллиги сари дадил ва қатъият билан ҳаракат қилишда давом этди. Ниҳоят, 1991 йилнинг 31 августидан, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг олтинчи сессиясида И. Каримов тантанали равишда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди. Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг остонасидаёқ ҳуқуққа, қонунларга асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришни мўлжаллади. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган барча ишларнинг асосида қонунларга итоаткорлик ётганига алоҳида эътиборни қаратишни истардик. «Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир. Минг афсуски, бизда қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ўрганиб қолинган. Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун – халқнинг хоҳиш-иродаси! Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир. Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсунуш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади. Ана шунга эришиш учун

Президент қонунларнинг энг асосий посбони, ҳимоячиси бўлиши керак, деб ҳисоблайман», – деб таъкидлаган Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. Ўзбекистондаги Президентлик ҳокимиятини мустақамлашда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун ва унинг асосида ўтказилган умумхалқ сайлови катта аҳамият касб этди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги борасида ўтказилган референдумда овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи республика давлат мустақиллигини қўллаб-қувватлаб овоз берди ва Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан маъқуллангани ҳақида тегишли қарор қабул қилинди. 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти сайланди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри, умумий ва муқобил асосдаги сайловда президентликка номзод И.Каримов учун 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига асосан И.Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди¹.

XX аср 80-йиллари охирига келиб, СССРда бошланган беқарор вазиятдан унумли фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда мамлакат суверенитетини эълон қилиш учун аниқ олиб борилган амалий ҳаракатлар билан қадамма-қадам мустақиллик эълон қилинишига эришилди. Мустақилликка эришиш арафасида ва мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Биринчи Президентимиз бошчилигида Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилашга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишга кири-

¹ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши / Қ.А. Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида / – Тошкент: «Ўзбекистон», 1992. – Б. 52.

шилди, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан суверенитетимиз ҳар томонлама мустаҳкамланиб борилди.

ПРИНЯТИЕ ДЕКЛАРАЦИИ О ГОСУДАРСТВЕННОМ СУВЕРЕНИТЕТЕ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

*А.М. Джумашев, старший научный сотрудник
Каракалпакского научно-исследовательского института
гуманитарных наук ККО АН РУз,
кандидат исторический наук*

Провозглашение национальной независимости Республики Узбекистан стало новой вехой в истории узбекского и каракалпакского народов. Суверенная Республика Каракалпакстан становится составной частью независимого Узбекистана с административным центром в городе Нукусе. Национальная независимость дала широкий простор для подлинного демократического развития, творческой деятельности во всех отраслях экономики, социальной сферы, науки и культуры каракалпакского общества. Благодаря независимости каракалпакский народ обрел возможность заново возродить многие духовные ценности. Осуществились мечты и чаяния мужественных, пламенных сынов каракалпакского народа, боровшихся за справедливость и равенство, свободу и независимость¹.

По сути новейшая история Каракалпакстана – это огромная по своим масштабам и качеству осуществленных реформ эпоха в истории нашего народа. За короткий по историческим меркам период развития в республике произошли серьезные изменения в системе управления, экономике и социальной жизни, в сфере культуры и искусства. В данной работе мы хотим остановиться на вопросе принятия Каракалпакстаном Декларации о Суверенитете.

Итак, в конце 1980-х – начале 1990-х гг. в Каракалпакстане сложилась тяжелая социально-экономическая ситуация. Односторонняя сырьевая направленность экономики, основанная на сельскохозяйственном производстве в силу губительных последствий Аральской экологической катастрофы привела к кризисным

¹ Каримов И. Новое мышление – требование времени // «Вести Каракалпакстана», 1997 год 19 июля.

явлениям во всех сферах жизнедеятельности человека в этом регионе. В конце 1980-х гг. Каракалпакстан, экономика которого была ориентирована в основном на хлопководство и рисоводство, вошел в сложную фазу кризиса: ухудшились условия жизни и быта, особенно в сельской местности, обветшала и без того несовершенная социально-культурная инфраструктура, усугубилось мелиоративное состояние сельскохозяйственных угодий и плодородие почвы. Нерешенность ряда других проблем общехозяйственного характера, таких, как неравномерное размещение трудовых ресурсов, неудовлетворительный уровень организации труда, усиление миграции сельского населения еще более усугубляла ситуацию в регионе. Например, к 1990 г. более одной пятой части всех трудовых резервов республики (121,6 тысячи человек) не были заняты в общественном производстве. А в 1986–1990-годы внутренняя миграция из сельской местности в город составила 15 тысяч человек, а за пределы республики только в 1990 году выехали 30435 человек, подобная тенденция усиливалась из года в год.

В связи с бесконтрольным отбором вод Амударьи и Сырдарьи на орошение земель Арал полностью потерял свое народнохозяйственное значение и превратился в негативный экологический фактор, а экосистема оказалась разрушенной. Произошел крах рыбодобывающей и обрабатывающей отрасли промышленности с её квалифицированными трудовыми ресурсами, а сельскохозяйственное производство пришло в упадок в силу сильной засоленности почвы и высокой концентрации в ней пестицидов и химикатов. Так, в Каракалпакстане в начале 1990-х годов почти 90 % из 495 тысяч га орошаемых земель имели разную степень засоленности, площадь солончаков превысила около 200 тыс. га, пастбищно-сенокосные площади снизили свою продуктивность почти вдвое, а в северных районах республики еще больше.

По развитию промышленность республики, тесно привязанная к сельскохозяйственному производству, занимала одно из последних мест в Узбекистане. По производству продукции промышленности на душу населения республика отставала от Узбекистана в два раза, особенно в сфере производства товаров народного потребления, а по производству непродовольственных промышленных товаров на душу населения отставала почти в 7 раз. В результате 80 %

продукции народнохозяйственного значения и товаров народного потребления завозились из других регионов¹.

Между тем Каракалпакстан располагал огромными возможностями для социально-экономического развития и улучшения жизни населения. Республика ежегодно производила свыше 360 тысяч тонн хлопка-сырца, около 100 тысяч хлопка-волокна, более 300 тысяч тонн риса и других товаров сельского хозяйства. Она имела огромные запасы сырья, например, исследования показали, что в недрах имеются довольно приличные запасы нефти и газа, натриевой и магниевой соли. Султануиздаг располагал запасами титано-магнетитовых железных руд, имеются залежи цветного и ценных пород металла, талька, гипса и других строительных материалов.

Накопленные долгими годами проблемы экономического и социально-культурного характера наложили отпечаток на общественное развитие каракалпакского общества. К 1990 г. события и процессы в общественно-политической жизни бывшего СССР привели к параличу центральной власти и распространению идей национального возрождения, росту национального самосознания и усилению демократических сил в национальных республиках. Постепенно ослабевал диктат центра, ведомственной системы контроля и управления как по вертикали, так и по горизонтали. Сложная социально-экономическая ситуация, порожденная советской плановой экономикой, а также годами насаждавшаяся советская идеология с его догматами и рамками привела к кризису в духовно-нравственной сфере, усилению узконационалистических тенденций, поставив общество на грань духовного обнищания и деградации.

Политизация общества в конце 1980-х г. в Узбекистане достигла апогея, только с приходом к руководству республикой И.А. Каримова в июне 1989 г. начали создаваться условия для нормализации ситуации; в ноябре того же года он побывал и в Каракалпакстане, ознакомился с ситуацией в республике, посетил Муйнакский район. Одной из важнейших задач, на которую обратил внимание И.А. Каримов, был вопрос возрождения духовно-нравственных ценностей и национального культурного наследия.

¹ Ризаев К. Республикалык социал-экономикалык раўажланыўының перспективасы. // Вестник ККО АН РУз, 1993, №1. – Б. 125.

Данный вопрос тесно сопряжен со статусом национального языка, дискуссия по которому получила развитие с принятием Закона о статусе узбекского языка в октябре 1989 г. Рост национального самосознания общества обусловил инициацию группой депутатов и общественностью Закона о статусе каракалпакского языка, который был принят 1 декабря 1989 года на XII сессии Верховного Совета Республики.

В конце 1980-х гг. вопрос провозглашения государственного суверенитета Каракалпакстана имел свой дискурс в определенных кругах каракалпакского общества. В середине 1990 г. по инициативе ряда народных депутатов автономной республики в Верховном Совете ККАССР начал разрабатываться проект Декларации о государственном суверенитете Республики Каракалпакстан, который был обсужден на заседаниях соответствующих постоянных комиссий Верховного Совета. Этот вопрос был вынесен на всенародное обсуждение и вызвал огромный общественный резонанс, а созданный документ обсуждали тщательно и всесторонне, даже обком партии распространил письмо К вопросу о суверенитете Каракалпакии, которое обсуждалось на всех районных собраниях советско-партийного актива.

Впервые этот вопрос получил всеобщую огласку в связи с принятием Декларации о государственном суверенитете Республики Узбекистан, принятой на II сессии Верховного Совета УзССР в июне 1990 г. Здесь впервые получили освещение вопросы правового регулирования взаимоотношений между Узбекистаном и Каракалпакстаном, при этом особо упоминается вопрос суверенности. В частности, в п. 9 Декларации указывалось, что Суверенитет Каракалпакской Автономной Советской Социалистической Республики обеспечивается Конституцией Автономной Республики. Узбекская ССР защищает интересы Каракалпакской АССР в соответствии с её Основным Законом и Конституцией Узбекской ССР¹.

В конце ноября 1990 г. в столице и районах Каракалпакстана состоялся ряд стихийных митингов, были организованы собрания по обсуждению вопроса о суверенитете Каракалпакстана. На собраниях приняли участие около трех тысяч человек из числа партийных,

¹ Ниетуллаев С. Перестройка и изменение статуса Каракалпакской АССР. // Вестник ККФ АН УзССР, 1991, №1. – С. 76.

советских работников, народных депутатов всех уровней, ветеранов войны и труда, представителей трудовых коллективов и интеллигенции. В прениях выступили 157 человек, из которых 138 высказались за суверенитет Каракалпакстана в составе Узбекской ССР. Практически во всех районах участники собраний одобрили и поддержали основные положения о суверенитете Каракалпакстана.

1 декабря 1990 года в Нукусе состоялось совещание актива республики по вопросу о государственном суверенитете Каракалпакстана с участием Президента Узбекистана И.А. Каримова. В своем выступлении И.А. Каримов поддержал идею государственного суверенитета Каракалпакстана. При этом он особо подчеркнул, что провозглашение суверенитета должно способствовать дальнейшему развитию социального и экономического благосостояния всего многонационального населения республики. Президент призвал и дальше строить отношения между Узбекистаном и Каракалпакстаном с учетом исторически сложившихся обстоятельств, тесных экономических и культурных связей, добрых традиций дружбы и братства¹.

11 декабря 1990 года состоялось заседание Президиума Верховного Совета Каракалпакской АССР, на котором были рассмотрены итоги обсуждения проекта Декларации о суверенитете Каракалпакстана. Работа над проектом Декларации велась постоянными комиссиями парламента, существовали два варианта документа. На следующий день проект Декларации был опубликован на страницах республиканской печати для всеобщего обсуждения, указывалось разногласие в вопросе статуса республики. В варианте А проекта Декларации было записано, что Верховный Совет Каракалпакской АССР провозглашает государственный суверенитет Каракалпакстана как субъекта федерации Союза ССР и преобразует ее в суверенную Советскую Республику Каракалпакстан, входящую в Узбекскую ССР. Вариант Б отличался тем, что в нем не предусматривалось вхождение Каракалпакстана в состав Узбекистана. Согласительная комиссия Верховного Совета, предварительно рассмотрев доработанный вариант проекта, высказалась за суверенитет Республики Каракалпакстан как субъекта Союза ССР, входящей в Узбекскую ССР.

¹ Ниетуллаев С. Перестройка и изменение статуса Каракалпакской АССР. // Вестник ККФ АН УзССР, 1991, №1. – С. 77.

В результате долгих дискуссий общественностью республики было выражено мнение о стремлении к государственному суверенитету Каракалпакстана в составе Узбекистана. 14 декабря 1990 года в Нукусе состоялась IV сессия Верховного Совета Каракалпакской АССР, где была принята Декларация о государственном суверенитете Республики Каракалпакстан. Она состояла из преамбулы и двенадцати пунктов¹.

Одновременно с принятием вышеуказанной Декларации о суверенитете была начата работа над государственными символами суверенной Республики Каракалпакстан: флага, герба и гимна. Согласно постановлению Верховного Совета Республики Каракалпакстан от 25 июня 1991 года О государственном гербе, флаге и гимне Советской Республики Каракалпакстан в течение 1991 года они должны быть приняты на основе конкурсного отбора. Однако реальное осуществление этой работы стало возможным только после провозглашения национальной независимости Республики Узбекистан. Так, согласно Закону Республики Каракалпакстан от 9 января 1992 года республика стала официально называться Республикой Каракалпакстан, а 2 декабря 1992 г. на II сессии Верховного Совета Республики Каракалпакстан был утвержден флаг республики, Закон О государственном флаге Республики Каракалпакстан был принят 14 декабря 1992 г. А 9 апреля 1993 г. на XII сессии Верховного Совета Республики Каракалпакстан был утвержден государственный герб. 24 декабря 1993 года на XIV сессии Верховного Совета Республики Каракалпакстан был принят Закон О государственном гимне Республики Каракалпакстан на слова И. Юсупова и музыку Н. Мухамеддинова.

Впоследствии основные положения Декларации получили правовую основу в Законе Об основах государственной независимости Республики Узбекистан, принятом 31 августа 1991 года. Тем самым Узбекистан законодательно признал территориальную целостность и суверенитет Республики Каракалпакстан. Как и в Декларации, в законе предусматривалось построение взаимоотношений между ними на основе равноправия посредством двухсторонних договоров и соглашений. Все эти важные законодательные

¹ Декларация о государственном суверенитете Советской Республики Каракалпакстан // «Советская Каракалпакия», 1990 год 20 декабря.

положения были закреплены Конституцией Республики Узбекистан от 8 декабря 1992 года (ст. 70–75), что является проявлением уважения к праву каракалпакского народа на самоопределение, на самостоятельное развитие и признание его роли в создании своей национальной государственности¹. Кроме того, в Конституции Республики Узбекистан (ст. 70) написано, что суверенитет Республики Каракалпакстан охраняется Республикой Узбекистан². Согласно (ст. 21) Конституции гражданин Республики Каракалпакстан является одновременно гражданином Республики Узбекистан.

Таким образом, с принятием Декларации о Суверенитете Республики Каракалпакстан исполнилась мечта каракалпакского народа о свободе, о светлой и мирной жизни, народ получил возможность возродить свою историю, культурное наследие, национальные традиции и ценности, национальное самосознание.

ПРОБЛЕМЫ РОСТА ПЕРИОДИЧЕСКОЙ ПЕЧАТИ КАРАКАЛПАКСТАНА НА РУБЕЖЕ 1990-Х ГОДОВ

*С.У. Нуржанов, старший научный сотрудник,
Каракалпакского научно-исследовательского института
гуманитарных наук Каракалпакского отделения АН РУз,
кандидат исторических наук*

Провозглашение национальной независимости Республики Узбекистан и переход к рыночным отношениям обусловил ряд важных факторов государственного и национально-культурного возрождения Узбекистана и Каракалпакстана как составной его части. Важное значение уделялось проблемам духовного развития общества, гармонично развитой личности, обогащения духовной культуры и особое внимание уделялось формированию новой сети массовой коммуникации. Естественно, данный процесс не был однообразным и не всегда отвечал требованиям новой реальности, сложившейся после провозглашения национальной независимости.

¹ Камалов С. Статус Республики Каракалпакстан в Конституции Республики Узбекистан. // Вестник ККО АН РУз. №1, 1994 г. – С. 103.

² Конституция Республики Узбекистан. – Ташкент: «Узбекистан», 1992. – С. 22.

В конце 1980-х гг. процесс национального возрождения в стране избрал качественные тенденции пробуждения самосознания и ясно определил и обусловил необходимость формирования совершенно новой концепции национального возрождения на основе полной национальной независимости и государственного суверенитета, создания идеологического, методологического фундамента на основе глубокого изучения и использования позитивного национально-культурного своеобразия и духовного наследия народов республики¹.

Несмотря на значительные трудности на протяжении всего советского периода истории власти удавалось сохранить информационную монополию в стране, что привело к закрытому типу культурного развития. Только в период перестройки и гласности СМИ получили незначительную возможность выйти за идеологические рамки предшествующего этапа.

Известно, важная роль СМИ в современном обществе определяется их способностью к быстрому реагированию на происходящие актуальные события и процессы. В средствах массовой информации Каракалпакстана в первые дни независимости Республики Узбекистан наблюдалась некоторая растерянность и нерешительность, события освещались достаточно противоречиво и не было каких-либо аналитических публикаций. Например, 30 августа 1991 г. газета «Совет Каракалпакстаны» опубликовала материалы вновь образованного Комитета по чрезвычайному управлению народного хозяйства СССР и Указы Президента СССР М.С.Горбачёва. 1 сентября 1991 г. газета Совет Каракалпакстаны – орган Каракалпакского республиканского комитета КП Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Советской Республики Каракалпакстан – опубликовала речь И.А.Каримова на внеочередной VI сессий Верховного Совета Узбекистана, где он объявил 1 сентября – Днем Независимости. Здесь же было опубликовано информационное сообщение об этой сессии. 3 сентября эта же газета выходит большим заголовком о независимой, демократической Республике Узбекистан на первой странице и тут же помещает информацию об открытии съезда народных депутатов СССР в Москве. Такая ситуация в целом продолжается в публикациях до конца 1991 г.

¹ Каримов И. *Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида*. – Тошкент, 2011.

С 10 сентября газета вышла уже с новым названием – «Еркин Каракалпакстан» как общенародная общественно-политическая газета под лозунгом За процветание и единство народа! и уже в следующем номере главный редактор газеты Ш. Уснатдинов выступил с обращением Сегодняшнему и будущему читателю Еркин Каракалпакстан, где в частности, он указывал: До сих пор газета не изменила своей священной миссии – быть связующим между обществом и государством, служить великим целям народа¹.

20 июня 1990 г. принимается Декларация о государственном суверенитете Узбекистана. Подчеркнуто, что суверенитет Каракалпакстана обеспечивается Конституцией самой республики. Узбекистан защищает интересы Каракалпакстана³.

Концепция суверенитета Каракалпакстана в составе Узбекистана, хоть и медленно, но пробивала себе дорогу и находила признание. По инициативе ряда депутатов Каракалпакстана начал разрабатываться проект Декларации. Документ обсуждали тщательно и всесторонне. Он нуждался в серьезной доработке, особенно в части

¹ Заседание Верховного Совета Каракалпакской АССР. Двенадцатого созыва. Первая сессия. Стенографический отчет. – Нукус: «Каракалпакстан», 1991. – С. 101.

² Каримов И. Узбекистан на пороге достижения независимости. Ташкент: «Узбекистан», 2011. – С. 121.

³ Каримов И. Узбекистан на пороге достижения независимости. – Ташкент: «Узбекистан», 2011. – С. 193.

социально-экономического обоснования. Руководители Каракалпакстана не спешили выносить такой документ на обсуждение в печати. В ноябре 1990 г. в столице и районах были проведены собрания партийно-советского актива по обсуждению этого письма обкома партии направил письмо К вопросу о суверенитете Каракалпакии. В них приняло участие более 3 тыс. человек, выступило 157 человек¹.

Передовой интеллигенцией были проведены несанкционированные митинги 16 и 21 ноября в Нукусе. После этого были проведены санкционированные митинги 20, 22, 23 ноября в столице².

1 декабря 1990 г. в Нукусе с участием Первого Президента Узбекистана И.А.Каримова состоялось совещание партийно-советского актива и интеллигенции республики по вопросу о государственном суверенитете Каракалпакстана³.

Первый Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов поддержал идею о государственном суверенитете Каракалпакстана на новой правовой основе. При этом Глава государства подчеркнул, что провозглашение Республики Каракалпакстан суверенным, политически и экономически самостоятельным государством должно способствовать дальнейшему развитию социального и экономического благосостояния всего проживающего в ней многонационального населения. Учитывая исторически сложившиеся обстоятельства, тесные экономические и культурные связи, традиционные узы дружбы и братства народов, Каракалпакстан должен оставаться в составе Узбекистана⁴.

Была перенесена дата IV сессии Верховного Совета Каракалпакстана XII созыва, где должен был рассматриваться проект Декларации, с 6 декабря 1990 г. на 14 декабря 1990 г.⁵. Важно было все

¹ Ниетуллаев С. Перестройка и изменение статуса Каракалпакской АССР // Вестник ККФАН УзССР. – Нукус, 1991. №1. – С.75–80.

² Джумашев А., Нуржанов С., Уразова Л., Таджиева Р. Қарақалпақстан тарийхы (1991–2015-жыллар). – Нөкис: «Илим», 2018. – Б. 22.

³ Уснатдинов Ш. Отыз еки тистен шыққан сөз. Қарақалпақстанның мәмлекетлик суверенитети туўралы пикир жүргизиўдиң бөгети ашылды! // «Совет Қарақалпақстаны», 1990-жыл 4-декабрь. – №228. – Б. 4.

⁴ УзТАГ Каракалпакское отделение. Состоялось совещание // «Советская Каракалпакия», 4 декабря 1990 г. – №228–229. – С. 1.

⁵ Қарақалпақстан АССР Жоқарғы Советиниң мәжлислери. Он екинши шақырық төртинши сессия. 1990-жыл 14–15 декабрь. Стенографиялық есап. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1996. –7–34-б.б.

основательно взвесить, не будоражить понапрасну общественное мнение. Ведь вопрос – поистине исторической важности!

Были подготовлены варианты проекта Декларации. Варианты были опубликованы в средствах массовой информации республики¹.

В Верховном Совете Каракалпакской АССР была образована редакционная комиссия по доработке проекта Декларации о государственном суверенитете Советской Республики Каракалпакстан в составе 17 человек².

14 декабря 1990 г. начала свою работу четвертая сессия двенадцатого созыва Верховного Совета Каракалпакской Автономной Советской Социалистической Республики. Открыла и вела работу сессии председатель Верховного Совета Каракалпакской АССР Т.А. Ешимбетова. На данной сессии участвовали 130 депутатов³. Работа сессии требовала с депутатов большого терпения, сдержанности, толерантности и гражданской позиции. Депутаты Верховного Совета Республики Каракалпакстан приступали к обсуждению проекта Декларации о государственном суверенитете Каракалпакстана, и для этого они избирали редакционную комиссию по выработке и редактированию данного проекта, а также счётную комиссию.

На сессии участвовал Вице-президент Республики Узбекистан Ш.Р. Мирсаидов⁴. По первому вопросу повестки дня выступали народные депутаты Каракалпакстана⁵.

Согласительная комиссия подготовила окончательный проект и он с разрешения Президиума Верховного Совета был опубликован на страницах республиканских газет «Совет Қарақалпақстаны» и «Советская Каракалпакия».

Таким образом, Декларация о государственном суверенитете Советской Республики Каракалпакстан была принята 14 декабря

¹ Йўлдашев Р. Праздник свободы // «Советская Каракалпакия», 31 августа 1992 г. – №131. – С. 1.

² Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан. ф.1., оп. 23. д. 4.

³ Камалов С. Қарақалпақлардын халық болып қәлиплесиўи хәм оның мәмлекетшилигиниң тарийхынан. – Нөкис, 2001. – Б. 63.

⁴ Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан ф.1., оп. 14., д.18., л. 33.

⁵ ӨзТАГ тың Қарақалпақстан бөлими. Қарақалпақстан АССР Жокаргы Советиниң мәжлислиери хәккында мәлимлеме // «Совет Қарақалпақстаны», 1990-жыл 15-декабрь. – № 238. – Б. 1.

1990 года на четвертой сессии двенадцатого созыва¹. На сессии с поздравительными словами выступил вице-президент Республики Узбекистан Ш.Р. Мирсаидов. Он в своем докладе отметил, что, когда мы принимали независимую Декларацию о суверенитете Республики Узбекистан на второй сессии Верховного Совета Узбекистана в её девятом пункте писали так: Суверенитет Каракалпакстана обеспечивается Конституцией Республики. Узбекистан защищает интересы Каракалпакстана в соответствии с её Основным Законом и Конституцией Узбекистана.

В связи с принятием Декларации о государственном суверенитете Советской Республикой Каракалпакстан Верховный Совет Автономной Советской Социалистической Республики (ККАССР) переименовали в Верховный Совет Советской Республики Каракалпакстан (СРК)².

Согласно, Декларации необходимо было узаконить официальное наименование Республики Каракалпакстан. В связи этот вопрос рассмотрен на шестой сессии двенадцатого созыва Верховного Совета Советской Республики Каракалпакстан³. В сессии депутаты Верховного Совета предлагали свои мнения и предложения. В отношении наименования республики они должны были прийти к единому мнению. Были разные предложения. Выступившие депутаты предлагали убрать слово Советская в наименовании республики. Депутаты согласились с принятием данного наименования республики и подали свои голоса за. Против и воздержавшихся не оказалось. С этого дня официальное наименование республики получило Советская Республика Каракалпакстан⁴.

Почти ровно через год, на VII сессии XII созыва Верховного Совета Советской Республики Каракалпакстан от 9–10 января 1992 г. был поставлен вопрос Об изменении официального наименования Республики. На сессии присутствовали 144 человек: депу-

¹ Кошанов Б., Аметов Т. О развитии политическо-правовых процессов Каракалпакстана (на примере 1989-1993 гг.) // «Общественные науки в Узбекистане». – Ташкент, 2014. – №3–4. – С. 30–35.

² Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, ф. 1., оп. 23., д. 4.

³ Заседания Верховного Совета Советской Республики Каракалпакстан. Двенадцатого созыва. Шестая сессия. Стенографический отчет. – Нукус: «Каракалпакстан», 1993. – С. 118.

⁴ Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, ф. 1., оп. 14., д. 57.

таты Верховного Совета Республики Каракалпакстан и народные депутаты. Депутатам был предложен проект Закона об отмене слова Советская в официальном наименовании Советская Республика Каракалпакстан и это предложение было единогласно принято¹. Был принят Закон Верховного Совета Республики Каракалпакстан от 9 января 1992 г. Об официальном наименовании Қарақалпақстан Республикасы – Республика Каракалпакстан². С этого дня утвердилось официальное название Республика Каракалпакстан.

В целом принятие Декларации о государственном суверенитете Республики Каракалпакстан стала фундаментальной основой для самостоятельного определения каракалпакским народом своей судьбы, для построения правового демократического государства, равноправного общества для защиты, для разностороннего развития его гражданских позиций, для защиты своих прав и интересов.

Следует отметить, что исторические фрагменты и высказывания известных ученых, экспертов и аналитиков о бурных событиях 1989–1992-гг. дополняют с исторической и общественно-политической точки зрения вопросы, и служат дальнейшему расширению представлений читателя.

¹ Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, ф. 1., оп. 14., д. 92.

² Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, ф. 1., оп. 23., д. 7., л. 16.

V БОБ. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ҲАМДА РИВОЖЛАНИШИ

*М.А. Раҳимов, тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ директори
О.Б. Абдимўминов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
(PhD), ЎзР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари
бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ бўлим мудири*

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш сиёсатини олиб борди. Бу сиёсат моҳиятан ўзаро ҳурмат ва миллий манфаатдорликка асослангандир. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътиборининг, нуфузининг орғиб боришини бир қанча тарихий, ижтимоий омиллари, манбалари ва асослари мавжуд. Улар миллий мустақиллик, қулай геосиёсий жойлашиш, эркин иқтисодий имкониятлар, янги технология ва барқарор инвестициянинг миллий иқтисодиётга жалб қилиниши, туризм индустрияси, халқаро савдо муносабатлари, тарихий-маънавий факторлар кабиларда намоён бўлади.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон кўплаб йирик халқаро ташкилотлар, илмий-маданий муассасаларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида уларнинг фаолиятида иштирок этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланиши мамлакат ташқи сиёсатининг ўта муҳим йўналиши сифатида Ўзбекистоннинг энг янги тарихидан жой олди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлик алоқалари, кўп томонлама муносабатлари фақатгина мустақиллик шароитида, истиқлол йилларида халқаро аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланиши бу – мустақиллик даври тарихининг муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масаласидир. Чунки

Ўзбекистон айнан мустақиллик йилларидаёқ БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бу ташкилот фаолиятида фаол иштирок эта бошлади.

1992 йил 29 январда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош Ассамблеяга мустақил Ўзбекистонни БМТга аъзоликка тавсия қилди. 1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида БМТга аъзо бўлган 179-давлат¹ бўлиб қабул қилинди. Ўзбекистонни БМТга қабул қилиш тўғрисидаги қарор БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида яқдиллик билан маъқуллаш асосида, овозга қўйилмаган ҳолда қабул қилинди². Бу мустақил Ўзбекистон учун ўта муҳим тарихий воқеа эди. Ўша вақтдаги Хавфсизлик Кенгаши раиси Дэвид Хенней Ўзбекистоннинг БМТга аъзолиги ва ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида тўхталиб, «Ўзбекистон БМТ фаолиятига ўзининг катта ҳиссасини қўшади. Биз Ўзбекистон вакиллари ва ҳамкасбларимиз сафида кўришни истаймиз ва БМТнинг кўп қиррали фаолиятида биргаликда ишлаймиз»³, деб таъкидлади.

Бу тарихий воқеа нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳим аҳамият касб этди, чунки унинг сафига янги мустақил давлат қўшилди. Бу давлат ўз олдида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ва Марказий Осиёда муҳим минтақавий сиёсий аҳамият касб этувчи демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйган эди⁴. Шу боис, Ўзбекистон Олий Кенгаши Ҳайъати мазкур воқеа муносабати билан «Бизнинг авлодлар 1992 йил 2 март баҳор кунини тарихий кун деб атайдилар. Ўзбекистон БМТга аъзо қилинди ва БМТ биноси олдида ёш мустақил республиканинг байроғи кўтарилди»⁵, деб баёнот берди. Ҳамкорлик фаолияти давомида эса Ўзбекистон БМТга минтақавий муаммолар билан бирга глобал муаммоларни ҳам

¹ Basic Facts about the United Nations. United Nations Department of Public Information. – New York. 2011. P. 278.

² «Халқ сўзи». 1992 йил 4 март.

³ Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 32.

⁴ Раҳимов М. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан кўп томонлама ҳамкорлиги // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. Даврий тўплам. № 3. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 186.

⁵ Буюк тарихий кун бўлиб қолгай // «Халқ сўзи», 1992 йил 4 март.

кўтариб чиқди. Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиши мамлакатда катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Шу муносабат билан 1992 йил 6 апрель куни «Жаҳон Миллатлар Ҳамжамиятига¹ аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида»ги² фармони ҳам эълон қилинди.

Мамлакатнинг БМТга аъзо бўлиши нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам қизғин нишонланди. 1992 йил 2 март куни Нью-Йоркдаги БМТ штаб-квартираси олдида мустақил Ўзбекистон байроғи кўтарилганда ушбу байроқни кўриш учун АҚШдаги ўнлаб шаҳар ва штатлардан минг-минглаб ўзбеклар (туркистонликлар) Нью-Йоркка келдилар. БМТ биноси олдида Ўзбекистон байроғига таъзим бажо келтириш учун эркаклар ўзбек миллий кийимларида, яъни чопон ва дўппиларда, аёллар атлас кўйлақларда марказий кўчаларда манифестация ва митинглар қилиб боришган³.

Шундан сўнг, 1993 йил 24 октябрда Тошкентда Холид Малик бошчилигида БМТнинг ваколатхонаси иш бошлади⁴. Мазкур ваколатхона Ўзбекистондаги БМТ тизимининг ихтисослашган муассасалари ва дастурлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва мамлакатдаги ислохотларга кўмаклашади. Ўзбекистонда ташкилотнинг доимий ваколатхонаси ташкил топган 1993 йилдан ҳозирга қадар қўйидаги кишилар БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили сифатида фаолият олиб борганлар:

Холид Малик – 1993–1997-йй.

Ричард Конрой – 1998–2004-йй.

Фикрет Акчура – 2004–2008-йй.

Анита Нироди – 2008–2013-йй.

Стефан Приснер – 2013–2017-йй.

Хелена Фрейзер – 2017 йил августдан буён.

Шунингдек, Ўзбекистонда БМТнинг бир қанча тузилмалари ихтисослашган муассасалари, дастурлари, агентликлари фаолият юритмоқда. Ўзбекистон БМТ билан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий

¹ Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти назарда тутилган.

² http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=166913&twolang=true (22.12.2016)

³ Хайитов Ш., Аҳмадов Ш. Ўзбекистон миллий байроғи – ғурур ва мустақиллик тэмсили // Ўзбекистон мустақиллиги: маънавият, жамият, шахс. – Навоий, 2011. – Б. 72–73.

⁴ Ўзр МДА. М-37-фонд, 1-руйхат, 55-ийғма жилд, 17–18-варақлар.

ва маданий соҳаларда кўплаб маҳаллий доирадаги лойиҳаларни ҳам амалга оширди. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорликдаги амалга оширган лойиҳаларини глобал, минтақавий ва маҳаллий даражадаги лойиҳалар сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистоннинг БМТ доирасида илгари сурган ташкилотни ислоҳ қилиш, терроризм, наркобизнес, диний экстремизм, дунёда ялпи тинчликни қарор топтириш каби ташаббусларини глобал тадбирлар сифатида эътиборга молик бўлса, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик борасидаги ташаббуслари минтақавий ташаббуслардир. Таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, иқтисодий, маданий каби соҳаларда республика миқёсида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган тадбирларни эса маҳаллий лойиҳалар сифатида баҳолаш мумкин. БМТ охириги 22 йил ичида Ўзбекистонга иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, бошқарув, таълим соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 434 млн доллар миқдорда техник ёрдам кўрсатди¹.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ўзаро кўп томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бу – хавфсизлик, таҳдидларга қарши курашиш, оммавий қирғин қуроолларини тарқатмаслик, Афғонистон масаласини тинч йўл билан ҳал этиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, минтақавий хавфсизлик ва минтақани ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш, Орол фожiasi оқибатларини бартараф этиш, таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш, миллий анъаналар, тарихий шахслар ва меъморий ёдгорликларни асраш, қайта тиклаш, уларни умумбашарий обидалар сифатида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини эътироф этиш ва бошқалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг халқаро терроризмга қарши курашиш бўйича барча 13 конвенцияларини ратификация қилиб, жаҳон ҳамжамиятининг ушбу хавфга қарши кураши борасидаги ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан кўплаб амалий ташаббусларни илгари сурди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабати халқаро жамоатчиликдан ёрдам ва мадад олиш эмас, балки ташкилот фаолиятида тўла асосда иштирок этиб, халқаро ҳамжамият билан тенг ҳамкорликдан иборатдир.

¹ <http://uzdaily.uz/articles-id-26059.htm> (03.09.2015)

Ўзбекистон БМТнинг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш ҳамда бошқа йирик муаммоларни ҳал этиш борасидаги иштирокини кенгайтиришдан манфаатдор. Ўзбекистон БМТ минбаридан туриб дунёда ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ҳамда қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашишга оид бир қатор ташаббусларни илгари сурганлигини таъкидлаш жоиз.

БМТ Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатлардан барқарор ривожланиб бораётган, жаҳон сиёсатида ўз ўрни ҳамда нуфузига эга мамлакат сифатида қараб, бу мамлакат билан кўп томонлама ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. Шу боисдан ҳам, БМТ Бош котиблари бир неча бор Ўзбекистонда бўлиб ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Масалан, 2002 йил 18 октябрда БМТ Бош котиби Кофи Аннан¹, 2010 йил 4 апрелда² ва 2015 йил 11 июнда Пан Ги Мун³, 2017 йил 10 июнда Антониу Гутерриш Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бу – инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиш масаласидир. Шу маънода, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартномаларни ратификация қилган. БМТнинг 6 та асосий шартномаси ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт, «Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро конвенция кабилар шулар жумласидандир. 1991 йилдан 2017 йилга қадар Ўзбекистон томонидан БМТнинг шартномавий кўмиталарига мазкур халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича 30 га яқин Миллий маъруза тақдим этилди ва улар ижобий баҳоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» (Universal Declara-

¹ Рахимов М. Современная история взаимоотношений Узбекистана и Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Ташкент: «Адабиёт учкунлари», 2016. – С. 135.

² UN Secretary-General visits Uzbekistan // Newsletter of UN in Uzbekistan. – Tashkent: 2010 January-April. P.3.

³ Глава ООН посетил Узбекистан. // Информационный бюллетень Программы развития ООН в Узбекистане. – Ташкент: «ПРООН», 2015. – С. 2.

tion of Human Rights)¹га Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрдаги 366-ХII қарори² билан қўшилган ва миллий қонунчилик БМТнинг халқаро нормалари асосида ишлаб чиқилган³.

Ўзбекистон БМТнинг ихтисослашган муассасалари билан кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ўзбекистонда БМТТД, ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЮНИСЕФ, ЖССТ, ЮНДОК, ЮНАИДС, БМТнинг Ахборот ва ижтимоий алоқалар бўйича бўлими, ЮНИДО, БМТ Кўнгиллилар дастури, БМТ Жаҳон Банки каби ихтисослашган муассаса, дастур ва агентликлари фаолият олиб боради⁴. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳам Нью-Йорк шаҳридаги БМТ бош қароргоҳи⁵ ва Женева шаҳридаги БМТ бўлимида⁶ доимий ваколатхоналари фаолият юритади.

Ўзбекистон ва БМТ ўртасида минтақавий хавфсизлик, тинчлик ва барқарор тараққиёт, Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш, экологик барқарорликни таъминлаш масалаларида кенг ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси – (Universal Declaration of Human Rights. United Nations General Assembly in Paris on 10 December 1948 General Assembly resolution 217 A) Ушбу универсал ҳужжат преамбула ва 30 моддадан иборат. Ҳужжат ливиялик Чарлз Малик, СССРдан Александр Богомолов, хитойлик Пен-чун Чанг, франциялик Рене Сассин, АҚШдан Эленор Рузвельт, Буюк Британиядан Чарлз Дукес, австралиялик Уильям Ходгсон, чилилик Хернан Санта Круз, канадалик Жон П. Хампрейлар томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳондаги 350 дан ортиқ тилларга таржима қилинган.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил, №11, 275-модда.

³ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 368 б.

⁴ Anita Nirody. The UN has long-standing partnership with Uzbekistan. // UN in Uzbekistan. – Tashkent: Published by the UN office in Uzbekistan. April. 2009. – P. 2.

⁵ <https://www.un.int/uzbekistan/> – Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги Доимий ваколатхонаси расмий сайти. 2017 йил 12 майдан Бахтиёр Ибрагимов Ўзбекистоннинг БМТдаги Доимий вакили сифатида фаолият олиб бормоқда.

⁶ <http://www.uzbekistan-geneva.ch> – Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлини маси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси расмий сайти. 2016 йил 4 январдан Улуғбек Лапасов Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлини маси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий вакили сифатида фаолият олиб бормоқда.

Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизлик, минтақавий муаммоларни БМТ доирасида тинч йўл билан ҳал этиш бўйича дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташкилотнинг 1993 йил 48-, 1995 йил 50-сессияларида бир қатор аниқ йўналтирилган таклифлар ва ташаббусларни илгари сурди.

XX асрнинг 90-йилларида Марказий Осиё минтақасидаги «оловли муаммолар»дан бири бу – Тожикистондаги фуқаролар уруши эди. Ўзбекистон Тожикистон масаласига жиддий эътибор қаратиб, можарони ва вазиятни синчиклаб ўрганиш ҳамда уни БМТ доирасида бартараф этилиши учун ташкилотнинг ўша вақтдаги Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий эътиборини 1993 йилгача икки маротаба жалб этди. Шундан сўнг, Ўзбекистон 1993 йил сентябрь ойида БМТнинг 48-сессиясида халқаро ҳамжамият эътиборини Тожикистон масаласига қаратди. 1993 йил март ойида Ўзбекистон ҳукумати Бош котиб Бутрос Бутрос Ғолийга юборган иккинчи мактубида тожик қочоқларини ватанига қайтаришга БМТнинг ёрдами зарурлиги масаласини кўйди¹. Ўзбекистон Тожикистонга озиқ-овқат, энг зарур моллар етказиб беришда, БМТнинг Қочоқлар масаласи бўйича Олий Комиссари билан ҳамкорликда тожикистонлик қочоқларнинг қайтишига бевосита ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистоннинг бевосита саъй-ҳаракатлари сабабли 1994 йилда БМТнинг Тожикистондаги кузатувчилар миссияси таъсис этилди.

Ўзбекистоннинг Тожикистон масаласидаги БМТ билан ҳамкорлиги, саъй-ҳаракатлари натижасида 1995 йил сентябрда БМТ раҳбарлигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича махсус семинар ва кенгаш ташкил этилди. Унда энг муҳим ва устувор масалалардан бири сифатида Тожикистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири бу – Афғонистон муаммосидир. Бу муаммо минтақа халқларининг XX аср сўнгги ва XXI аср бошидаги улкан йўқотишни ва оловли нуқтаси бўлиб қолди. Афғонистондаги уруш нафақат Марказий Осиё минтақасига, балки халқаро хавфсизликка, дунё тинчлигига жиддий хавф туғдирадиган йирик муаммодир.

¹ Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1993. – Б. 6.

Афғонистондаги можароларнинг ҳанузга қадар ижобий томонга ҳал қилинмаганлиги минтақавий ва халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илк мартаба мустақил Ўзбекистон номидан нутқ сўзлаб, Афғонистон муаммосининг долзарблигига жаҳон эътиборини қаратди. Шундан сўнг, орадан икки йил ўтгач, 1995 йил 24 октябрда Ўзбекистон ташкилот Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғон можароси бўйича ўз фикрларини билдирди ва бир қатор аниқ таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Улар:

биринчидан, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити, энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш;

иккинчидан, БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томонидан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш¹ каби таклифлардир.

Афғонистондаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бу нафақат мазкур мамлакатнинг, балки бутун минтақанинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти янада ривожланиб боришини таъминлайди. Чунки, Афғонистон географик нуқтаи назардан ва геостратегик жиҳатдан ўзи ва қўшни давлатларнинг халқаро бозорларга ҳамда денгиз портларига чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналиши бу – Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш масаласидир.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш ғояси илк бор Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. Каримов томонидан 1993 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини минтақадаги Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон Республикалари ҳам қўллаб-қувватлади. Бу борадаги дастлабки амалий қадамлардан бири Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг 1997 йил 28 сентябрда Алмати шаҳрида имзоланган қўшма баёноти ва «Алмати Декларация»сида намоён бўлди.

¹ Президент Ислоҳ Каримов: Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун. – Тошкент: Ислоҳ университети, 2002. – Б. 160.

Алмати Декларацияси 1997 йил 14 мартда БМТ Бош котибига тақдим этилди ҳамда ташкилот Бош Ассамблеясининг А52/122-рақамли расмий ҳужжати¹ сифатида эълон қилинди ва тарқатилди. Ушбу Декларацияси Марказий Осиё бешта давлатининг минтақани ядросиз ҳудуд деб эълон қилиш масаласи бўйича сиёсий бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида баҳоланди². Шундан сўнг, 1997 йил 14–16 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида минтақа давлатлари раҳбарлари ва халқаро экспертлар иштирокидаги «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусидаги халқаро конференция ташкил этилди³. Ушбу конференциянинг амалий якуни сифатида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари томонидан «Ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш ҳақида Баёноти» қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг халқаро амалдоши сифатида 1997 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш тўғрисида» 52/38-сонли резолюциясини⁴ қабул қилди. Мазкур конференция ишини халқаро ҳамжамият катта қизиқиш билан кузатиб борди ҳамда минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича Ўзбекистон ташаббусларини ва бу борадаги амалий қадамларни кўпгина давлатлар расмий нашрлари ёритиб борди⁵.

Марказий Осиёдаги нафақат минтақавий, балки глобал муаммолардан бири бу – Орол муаммосидир. Бу муаммонинг умумбашарий характерда эканлигини, уни бартараф этиш жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши лозимлигини инобатга олиб Ўзбекистон 1993 йил сентябрда БМТнинг 48-сессиясида жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга ва биргаликда курашишга дивоят этди.

¹ <http://www.un.org/documents/ga/docs/52/plenary/a52-112.htm> (26.04.2016)

² Комилжонов А. Ўзбекистон ташқи сиёсатида ядровий хавфсизлик масалалари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2007. №2, – Б. 46.

³ Filippo Costa-Buranelli. May we have a say? Central Asian states in the UN General Assembly // Journal of Eurasian Studies. 2014. № 5. P. 137.

⁴ United Nations General Assembly 52nd session's Resolution 52/38, Establishment of a nuclear weapon-free zone in Central Asia. 1997. December 9.

⁵ Касымов А., Неклесса Г. Международно-правовые аспекты создания зон, свободных от ядерного оружия. – Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – С. 55–57.

Ўзбекистон Орол фалокатининг ҳақиқатан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, БМТнинг Орол бўйича махсус комиссиясини ташкил этишни таклиф қилди. 1993 йил Қизил Ўрдада «Оролни кутқариш халқаро жамғармаси» ташкил этилди. Шундан сўнг, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг БМТ, Жаҳон Банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида 1994 йил январда Нукусда, 1994 йил март ойида Тошховузда, 1995 йил 20 сентябрда яна Нукусда, 1997 йил февралда Алмати шаҳрида учрашувлари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг мустақилликнинг илк йилларида халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ билан муносабатларининг йўлга қўйилиши ва ривожланиб бориши мамлакат ташқи сиёсатининг катта ютуғи эди. Бироқ, 1991–1995-йилларда Ўзбекистон ва БМТ ўзаро ҳамкорлиги жадал ривожланди деб, айта олмаймиз. Чунки, мустақил давлатнинг ташқи сиёсатини йўлга қўйиш осон бўлмайди, албатта. Шунингдек, ташқи сиёсат борасида ҳам малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси долзарб масалалар қаторида эди. Шунга қарамай, Ўзбекистон БМТ билан муносабатларини йўлга қўйган илк йиллардаёқ ушбу ташкилот минбаридан туриб, ўзининг мустақил позицияларини жаҳон ҳамжамиятига маълум қилди. Бу янги суверен давлатнинг мустақкам ташқи сиёсати борасидаги дастлабки дадил ҳаракатлари эди. Шундан сўнг, ўз навбатида, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар Ўзбекистонга қизиқиш билан қарай бошлади. Ўзаро ҳамкорлик йиллар давомида динамик равишда ривожланиб, борди. Таъкидлаш керакки, айрим вақтларда Ўзбекистон ва БМТ муносабатларида ўзаро тушунмовчиликлар ва муаммолар ҳам юзага келган. Бироқ улар ўзаро муносабатларнинг ривожланишига жиддий таъсир ўтказмаган. Бугунги кунда Ўзбекистон ва БМТ муносабатлари янада ривожланиб, янги босқичга кўтарилиб бормоқда.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ДАВЛАТЛАРИ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ

(даврий нашрлар асосида)

*Г.Р. Мирзаев, Тошкент давлат педагогика университети,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар асрлар оша сайқал топиб, мустақиллик туфайли янги замон руҳида ривожланиб бормоқда. Бу эса мазкур халқларни тарихи умумий, маданият ва қадриятлари муштарак эканлигидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида шакллана бошлаган иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари 1991 йил 19–21 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов бошчилигидаги давлат делегациясининг Туркманистонга ташриф буюрганида яратилган эди. Аниқроғи, ушбу ташрифдан аввал 1989 йил август ойида Хоразм вилоятининг Қўшқўпир тумани ва Тошҳовуз вилоятининг Тахта туманлари чегарасида И.Каримов ва С.Ниёзов бошлиқ икки қардош республика вакиллари икки туманни туташтирувчи кўприк устида учрашиб, Тошҳовуз туманида янги ўзбек мактаби очган эдилар ва икки мамлакат раҳбарлари томонидан бундан кейинги даврда совет Иттифоқи даврида унутила бошлаган миллий қадриятларни тиклаш, қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш ғоялари илгари сурилган эди. Бу ғоя 1990 йил март ойида амалга ошди ва Наврўз байрами Қўшқўпир туманида дўстлик, эзгулик ва санъат байрами сифатида қардош халқлар томонидан кутиб олинди¹. Бугунги кунда ушбу кўприк ўзбек ва туркман халқларининг дўстлик ва қардошлик ришталари рамзи сифатида тилга олинади.

1990 йил май ойида Туркманистонда илк марта бўлиб ўтган Маҳтумқули кунлари Хоразм вилоятининг Хива шаҳридаги Шергозихон мадрасаси ва Урганч туманидаги Маҳтумқули боғида ҳам кенг нишонланган. Тошҳовузлик меҳмонлар Хоразмга келиб Маҳтумқули таҳсил кўрган мадраса ва шоир музейини зиёрат

¹ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 24 март.

қилишди. Шоирнинг шеърлари туркман ва ўзбек тилларида янгради¹.

1990 йил 23 июнда Олмаотада Марказий Осиё Республикалари раҳбарлари томонидан имзоланган Баёнот ва ушбу давлатларнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битими Марказий Осиёнинг бошқа республикалари каби Ўзбекистон ва Туркменистон Республикалари ўртасида келгуси йилларда турли соҳаларда амалга оширилиши мўлжалланган тadbирлар ва лойиҳаларни белгилаб берди².

1991 йилга келиб Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари билан Чоржўй вилояти ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари, Қарши шаҳри билан Керки шаҳри ўртасида расмий дўстлик алоқалари, Хоразм вилояти ва Тошҳовуз вилояти туманлари ўртасида иқтисодий қардошлик алоқалари ўрнатилганлиги ушбу икки халқнинг мустақиллик арафаси ва бугунги кундаги маданий алоқалар шаклланиши ва ривожини учун тамал тоши вазифасини ўтамоқда³. Таъкидлаш жоизки, шундай даврда, яъни Совет Иттифоқининг турли ҳудудларида ҳар хил можаролар, миллий муносабатлар кескинлашган, қон тўкиш ва хунрезликлар авж олган бир паллада ўзбек ва туркман халқи азалий дўстлик ва қардошлик алоқаларига содиқлигини яна бир бор исботлади.

Ўзбекистон билан Туркменистон ҳукумат делегациясининг 1991 йил 15 март куни Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларга бағишланиши билан биргаликда ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларни ҳам ривожлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган⁴.

1991 йил 19 апрель куни Ўзбекистон давлат делегациясининг Туркменистонга навбатдаги ташрифи икки мамлакат иқтисодий ва маданий алоқаларида янги саҳифа очди⁵.

Учрашувда томонлар халқларнинг дўстлик ва тотувликда яшашга, ўзбек халқи ва туркман халқининг тарихий яқинлиги ҳамда қардошлик алоқаларига асосланиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларга таянган ҳолда битимга келдилар.

¹ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 27 май; «Халқ сўзи», 1992 йил 1 декабрь.

² «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 24 июнь.

³ Қаранг: «Совет Ўзбекистони», 1991 йил 12 март; 1991 йил 18 апрель.

⁴ «Совет Ўзбекистони», 1991 йил 19 март.

⁵ «Совет Ўзбекистони», 1991 йил 20 апрель.

Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг биринчи раҳбарлари И. Каримов ва С. Ниёзов Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани (17 моддадан иборат) имзолашди. Мазкур шартноманинг икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни тартибга солувчи тўртинчи, бешинчи ва олтинчи моддаларида бевосита мамлакатлардаги турли миллат вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиш, маданият ва фан-таълим соҳасидаги алоқаларни йўлга қўйиш масалалари ҳақида сўз юритилади. Жумладан, шартноманинг тўртинчи моддасида БМТ умумий декларацияси ва халқаро битимларда эълон қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги эътирофи этилиб, барча халқлар қатори Туркменистон Республикасида яшовчи ўзбекларнинг ва Ўзбекистон Республикасида яшовчи туркманларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жихатдан ҳар томонлама ривожланиш имкониятларини, виждон эркинлиги ва бошқа сиёсий ҳамда шахсий эркинликларини кафолатлаш кўзда тутилади.

Шунингдек, шартномани имзоловчи томонлар миллий маданият марказлари, ижодий ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг турли шаклларида, оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш, Туркменистонда яшаётган ўзбеклар ва Ўзбекистонда яшаётган туркманлар учун телекўрсатувлар ва радиоэшиштиришларни кенгайтириш орқали иккала республика халқларининг турмуш тарзи, маданияти ва анъаналарини тарғиб этишнинг савиясини оширишда республикаларда маданият кунлари, декадалар ўтказиш, ижодий жамоаларнинг ўзаро алоқаларини кенгроқ йўлга қўйиш керак, деб ҳисоблайдилар.

Шартноманинг бешинчи моддаси томонлар ўз ҳудудларида яшовчи миллий гуруҳларнинг этник, маданий ва тил жихатидан ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда равнақ топишини таъминлашга бағишланган бўлса, олтинчи моддасида эса икки мамлакат эҳтиёжига қараб фан-таълим тизимида кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга эътибор қаратилган¹.

¹ «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркменистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартнома. // «Совет Ўзбекистони», 1991 йил 21 апрель.

Шунингдек, иккала республиканинг ҳукуматлари ўртасида 1992–1995-йилларга мўлжалланган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақида 15 моддадан иборат битим имзоланган бўлиб, унинг 10 ва 12-моддалари маданий соҳалардаги ҳамкорликка оиддир¹.

Шартномалар имзоланиб бўлинганидан сўнг, давлатлар раҳбарларига сўз берилар экан И. Каримов Республикалар ўртасида имзоланган ушбу ҳужжатлар бебаҳо тарихий аҳамиятга бўлиб, ҳам Ўзбекистоннинг ҳам Туркменистоннинг истиқболлини кўзловчи асл манфаатларига мос бўлиб тушишини таъкидлаб, жумладан – «барча республикалар бизга эргашишини таклиф қиламиз. Бу чуқур маънавий аҳамиятга эга. Шундай йўл билангина мамлакатимизда миллий тотувликни таъминлашимиз мумкин», – деган эди². Чунки собиқ Иттифоқ республикаларининг барчасида бу вақтга келиб миллатлараро муносабатлар ва иқтисодий аҳвол оғир тангликни бошидан кечириб, қирғин-барот уруш арафасида эди. Бу масала моҳияти, оқибати ва ечими Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг нафақат Ашхободдаги учрашувда, балки ўша даврда сўзлаган барча нутқларида ҳам ўз аксини топган³.

Шунингдек, Туркменистон раҳбари С. Ниёзов ҳам ушбу учрашувдаги нутқида ҳар бир халқ ўз она тилларини, миллий маданиятларини сақлаш ва ривожлантириш, тарихий қадриятларни ва маданият ёдгорликларини сақлаш тўғрисида бир фикрга келишиб олганликларини эътироф этиб ўтди⁴.

Ташриф чоғида Туркменистонда Алишер Навоий кунлари тантанали очилиши олдида икки Республика Президентлари И. Каримов ва С. Ниёзов туркман адабиётининг мумтоз шоири Маҳтумқули ҳайкали пойига гуллар қўйишиб, Алишер Навоий кунлари тантаналарида иштирок этишди. Таъкидлаш жоизки, ўзбек шоирининг адабий мероси кўплаб туркман шоирларининг ижодига катта таъсир кўрсатган. Навоий билан Маҳтумқули номлари ва бебаҳо адабий мероси икки халққа бирдек азиз бўлиб, бугунги

¹ «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркменистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида 1992–1995-йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисида» Битим. // «Совет Ўзбекистони». 1991 йил 23 апрель.

² «Совет Ўзбекистони», 1991 йил 24 апрель.

³ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. – Б. 440.

⁴ «Совет Ўзбекистони», 1991 йил 24 апрель.

люод ҳам ушбу анъанани давом эттираётганлиги бунинг яққол далилидир.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси таниқли туркман бахшиси Ораз Салар таваллудининг 115 йиллигига бағишланган тадбирда ҳам қатнашиб, бахшининг набираси ва шогирдлари ижодидан бахраманд бўлдилар. Ислон Каримов Ўзбекистон делегацияси номидан қардош эл вакиллариغا Алишер Навоий сиймоси туширилган чинни лаган ва бошқа совғаларни топширган бўлса, туркманистонликлар ҳам қадимги удумларга амал қилиб дўст ва қардош юрт раҳбарига миллий тўн, қордай оппоқ папах кийдириб, Ораз Салар таваллуди тантаналаридан эсдалик сифатида туркман дуторини тақдим этдилар¹.

Дарҳақиқат, туркманистонлик маданият ходимлари ҳам Ўзбекистонда ўтказилиб келинадиган турли хил маданий-маърифий тадбирларининг доимий иштирокчиларидир. 1992 йил 26 март – 4 апрель кунлари Тошкентда Марказий Осиё театрлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида «Наврўз–92» Халқаро анжуман ўтказилди. Унда Туркманистон Давлат ёшлар тажриба театри «Далли Думбул» спектаклини намойиш этдилар. 4 апрелда ғолиблар эълон қилиниб, олий мукофот (Гран-При) Туркманистон Давлат ёшлар тажриба театри «Далли Думбул» спектаклига берилди².

1992 йил 27 ноябрда Ашхобод шаҳрида 10 моддадан иборат Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Туркманистон Республикаси Маданият ва сайёҳлик вазирлиги ўртасида 1992–1995-йилларга мўлжалланган келишув қайдномаси битими имзоланди.

Битимнинг биринчи моддасига кўра томонлар театр, мусиқа, эстрада ва цирк санъатлари, шунингдек, тасвирий санъат, кутубхона ва музей ишлари, ёдгорликлар ҳамда маданий-тарихий мероснинг бошқа намуналари, халқ ижоди, амалий санъат ва ҳунармандчилиги, умуман маданий фаолиятнинг барча кўринишлари бўйича ҳамкорлик қилишнинг турли шакллари ривожлантириш учун етарли шароит яратиш мажбуриятини оладилар³.

¹ «Совет Ўзбекистони», 1991 йил 24 апрель.

² Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистон тарихи (Миллий истиклол даври). – Тошкент: «Шарк», 2000. – Б. 272–273.

³ Ўз.РМДА М-7-фонд, 1-рўйхат, 330-йиғма жилд, 152-варақ.

Битимнинг иккинчи моддасида эса томонлар ўртасида маданият кунлари, халқ ижодиёти кунлари ҳамда Ўзбекистон ва Туркменистон Дўстлиги фестиваллари ўтказишга келишилган бўлса, учинчи моддасида ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри Туркменистон Республикаси Дошховуз (Тошховуз) ва Чоржўй (Лебап) вилоятларига ижодий сафарга чиқиб, бу ерда яшаётган ўзбекларга, Дошховуз (Тошховуз) ва Чоржўй (Лебап) вилоятлари театрлари Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилоятига ижодий сафарга чиқиб, бу ерда яшаётган туркманларга маданий хизмат кўрсатиши белгилаб берилган эди¹.

1993 йил 14–15 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Туркменистонга расмий ташриф буюрди. Туркман диёрида ўтган икки кунлик ташриф Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида мустаҳкам дўстона алоқалар вужудга келганини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик савияси муттасил ошиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади².

Маълумки, адабиёт ва санъат мухлиси ҳисобланган ўзбек ва туркман халқи тўй-ҳашами бахши ва полвонсиз ўтмаслиги барчамизга аёндыр. Ана шундай кўшиқ ва мусиқа санъатининг пири ҳисобланган Ошиқ Ад-дин Шаҳобиддин ибн Умар (Ошиқ Ойдин Пир) нафақат Туркменистон, балки Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистондаги барча бахшилар пири ҳисобланган. Унинг хотирасига бағишлаб 1993 йил август ойида Туркменистонда ўтказилган соз ва кўшиқ сайлида бир қанча хорижий мамлакатлар қатори Ўзбекистондан ҳам бахшилар ташриф буюриб, ўз санъат ва маҳоратларини намойиш этишдилар³. Хулоса ўрнида, шуни айтиш мумкинки, икки давлат асрлар давомидаги яқин кўшничилик, маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарга асосланган мустаҳкам алоқани ўрнатган. Ва мазкур жараёнлар мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистонда нашр қилинган даврий нашрларда кенг тарзда, фактларга таянилган ҳолда акс этиб

¹ ЎЗРМДА М-7-фонд, 1-руйхат, 330 йиғма жилд, 152–153-варақлар.

² «Халқ сўзи», 1993 йил 17 апрель.

³ «Халқ сўзи», 1993 йил 9 сентябрь.

борган. Ушбу манбаларни тадқиқ қилиш натижасида Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари алоқалари тарихини ёритиш масаласига доир қимматли маълумотларни қўлга киритиш мумкин. Икки давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда Ўзбекистондаги туркманлар ва Туркманистондаги ўзбекларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари ҳамда ўзларининг миллий урф-одат ва қадриятларини қарор топтириш ҳамда мустаҳкамлашида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

МНОГОСТОРОННЕЕ ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В РАМКАХ СНГ И ФОРМИРОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ АРМИИ УЗБЕКИСТАНА В 1990-Е ГОДЫ

*С.А. Рахимов,
докторант Института истории АН РУз*

С развалом Советского Союза на основе сложившихся десятилетиями между республиками этой огромной страны тесных военно-политических, социально-экономических, культурно-гуманитарных и иных связей 21 декабря 1991 г. в Алма-Ате, на специальной встрече, организованной лидерами 11 из 15¹ бывших союзных республик, в числе которых был и Узбекистан, образовано² Содружество Независимых Государств (СНГ).

В отличие от СССР, Содружество не является ни государством, ни наднациональным объединением, а взаимодействие участников нового интеграционного объединения осуществляется на основе указанной еще в его основополагающих документах³ принципов суверенного равенства всех членов интеграционного объединения

¹ Из бывших союзных республик 21 декабря 1991 г. на встрече в Алма-Ате отсутствовали Латвия, Литва, Эстония и Грузия. Вступление в СНГ Грузии было оформлено решением Совета глав государств от 3 декабря 1993 г., принятым в связи с обращением главы этой страны Эдуарда Шеварднадзе от 8 октября 1993 г.

² Первоначально об образовании СНГ было заявлено 8 декабря 1991 г. на встрече руководителей России, Украины и Белоруссии в Вискулях (резиденции Белорусского правительства в Беловежской пуще).

³ Соглашение о создании Содружества Независимых Государств (г. Минск, 8 декабря 1991 г.); Алма-Атинская Декларация (г. Алма-Ата, 21 декабря 1991 г.), Устав СНГ (г. Минск, 22 января 1993 г.).

через формируемые на паритетной основе общие координирующие институты. При этом, следует отметить, что создание подобной формы сотрудничества новых постсоветских государств во вновь созданном интеграционном объединении – СНГ, прежде всего, способствовало формированию механизма безболезненного перехода от единого Советского Союза к системе межгосударственных отношений нового типа, в котором все страны-участницы являются самостоятельными субъектами.

Предотвращение угрозы распространения ядерного вооружения бывшего Советского Союза. В начальный период становления СНГ одним из главнейших вопросов Содружества было разрешение военно-политических проблем. Так, в период Советского Союза на территории Средней Азии и Казахстана дислоцировались войска Туркестанского военного округа, а вопросами обеспечения военной безопасности советских республик занималось Министерство обороны СССР. После распада СССР, учитывая происходящие геополитические процессы в мире и регионе, требования к обеспечению военной безопасности изменились. На смену противостоянию двух систем периода холодной войны, в начале 1990-х гг. на поверхности оказались факторы другого порядка. Накопившиеся за десятилетия внутрирегиональные, межрегиональные и двусторонние политические, экономические, этнические проблемы, а также возникавшие на этой почве различные конфликты угрожали перерасти, а в отдельных случаях, например в Таджикистане, переросли в открытые вооруженные столкновения.

В такой ситуации новым независимым государствам постсоветского пространства предстояла большая работа по определению дальнейшей судьбы Вооруженных Сил СССР. При этом важнейшими проблемами являлись вопросы обеспечения контроля над ядерным вооружением, которая после распада Союза оказалась на территории четырех новых независимых государств – России, Украины, Белоруссии и Казахстана.

Для Центральноазиатского региона актуальность данной проблемы заключалась в том, что к началу 90-х гг. двадцатого столетия на территории Казахстана сосредоточился огромный арсенал оружия массового уничтожения: 1040 ядерных боеголовок для межконтинентальных баллистических ракет и 370 боеголовок

для крылатых ракет воздушного базирования¹. Важнейшим стратегическим объектом являлся Семипалатинский полигон, где в течение полувека были проведены сотни ядерных и термоядерных взрывов. А опыт единственного в истории применения ядерного оружия² показал всему миру, что данное оружие несет с собой угрозу безопасности и даже существованию всего человечества.

Страны-участницы нового интеграционного объединения, объективно оценивая складывающуюся военно-политическую обстановку, в начальный период образования СНГ, в целях обеспечения международной стратегической стабильности и безопасности, договорились сохранять и поддерживать под объединенным командованием общее военно-стратегическое пространство, включая единый контроль над ядерным оружием³.

Данный Институт проводит ежегодные конференции, презентации книг и фильмов, а также предлагает ряд программ для ведущих специалистов Центральноазиатского региона. Таким образом, Центральноазиатские исследования в Колумбийском университете направлены на подготовку нового поколения региональных специалистов, которые будут продолжать формировать политику, занимать ведущие академические позиции, а также подвергать критике устоявшиеся мнения....².

Не менее значимым среди американских университетов, предлагающих программу по Центральной Азии является Гарвардский университет. Он традиционно являлся наиболее крупным центром по изучению СССР, в особенности вопросов межэтнических отношений. Так, известно, что именно организованный при университете *Русский исследовательский центр* являлся опорным звеном американского советоведения³.

¹ <http://harriman.columbia.edu/programs/central-asian-studies>

² <http://harriman.columbia.edu/programs/central-asian-studies>

³ Есмагамбетов К. Действительность и фальсификация. Англо-американская историография о Казахстане. – Алма-Ата: Изд-во Казахстан, 1976. – С. 59.

Крупнейший Центр Русских и Центральноазиатских исследований при Гарвардском университете был образован на базе финансовых субсидий корпорации Карнеги. Будучи лидирующим центром, разработавшим региональную программу по изучению центральноазиатских республик, он впоследствии получал миллионные дотации и от фонда Форда.

При Гарвардском университете функционирует Центр по Русским и Евразийским Исследованиям (Davis Center for Russian and Eurasian Studies) в рамках которого сегодня проводятся Центральноазиатские исследования.

Необходимо отметить деятельность в настоящий момент двух крупных программ, имеющих непосредственное отношение к Центральноазиатскому региону: Программа по Центральной Азии и Кавказу (Program on Central Asia and Caucasus) и Проект по Исламу в Евразии (Project on Islam in Eurasia).

Программа по Центральной Азии и Кавказу была основана в 1993 году с целью усиления исследования региона, а также преподавательских программ в Гарварде по данной тематике. Основной фокус программы – это бывшие советские республики, в частности, предлагается ряд курсов, общественных семинаров, мини-проектов, информационных платформ и возможностей научных стажировок.

Также, среди современных американских университетов, занимающихся центральноазиатскими исследованиями и предлагающими программы в данном направлении, следует отметить и Индианский университет, который на сегодняшний день входит в список наиболее престижных центров по изучению Центральной Азии. При университете функционирует Отдел по Центрально Евразийским Исследованиям, который получил свое нынешнее название в 1993 году. Так, к примеру, в рамках Отдела по Центрально Евразийским Исследованиям действует Центр Языков Центральноазиатского региона (CeLCAR)), миссией которого является повышение интереса к центральноазиатскими языкам и знания о регионе, его культуре, на благо стратегических национальных нужд¹. Данный Центр не только предлагает различные языковые курсы, но также участвует

¹ <http://www.indiana.edu/~ceus/>

в подготовке и написании учебных пособий для иностранных студентов, изучающих центральноазиатские языки.

Особо хотелось бы отметить библиотеку университета Индианы, которая традиционно выделялась своей коллекцией. К примеру, в библиотеке отдела Восточных, Исламских и Центрально-евразийских хранятся многочисленные ресурсы по истории края, представленные не только новейшими работами и периодикой, но и ценными источниками по истории региона. Также, в стенах данного университета ведут работу знаменитые специалисты по Центральной Азии – Ю.Брегель, Д. Де Виз, Н. Шахрани и др.

Другим не менее важным исследовательским академическим учреждением, специализирующимся на Центральной Азии и имеющим долгие традиции в изучение региона является *Центр Восточно-Европейских и русско-евразийских исследований* при университете Чикаго (Center for East European and Russian Eurasian Studies). Начало деятельности данного центра было заложено в 1903 году с открытия курсов русского языка. Центр окончательно сформировался и получил нынешнее название в 1965 г. и с тех пор он продолжает координировать и стимулировать исследования по Восточной и Центральной Европе, включая государства Балтии, Балкан, Кавказа, а также Центральной Азии¹.

Примечательно, что данный центр также как и ряд других проводит Центральноазиатские исследования на базе существовавших так называемых Русских институтов, но уже в рамках Евразийских исследований. Примечательно, что на базе данного Центра ежегодно организовываются летние курсы узбекского языка.

Среди других центров США на базе университетов проводящих частичные исследования по изучению Центральной Азии можно назвать центры в Иллинойском, Сиракузском, Канзаском, Миннесотском, Нью-Йоркском, Мичиганском, Пенсильванском, Питтсбургском, Корнельском, Висконсинском и других университетах.

Объединяющим фактором вышеназванных центров является то, что они в значительной степени являются продолжением советологической традиции, в частности, так называемого советологического изучения региона, сформировавшегося в рамках советологических или славяноведческих исследований. Интересно, что

¹ <http://ceeres.uchicago.edu/>

со временем данная дисциплина сумела трансформироваться в отдельное направление.

Далее следует отметить Международный Институт Центрально-азиатских исследований, учрежденный в 1995 году в Самарканде. Идея создания института возникла во время работы международной научной экспедиции по степному маршруту Центральной Азии, организованной в рамках проекта Комплексное Изучение Шелкового Пути – Пути Диалога – главного проекта десятилетия по культурному развитию (1987–1997).

Основная цель МИЦАИ – привлечь внимание мирового сообщества к решению проблем историко-культурного развития Центральной Азии и укрепить сотрудничество местных ученых и их коллег за рубежом посредством многодисциплинарного изучения региона. Институты (общественные и частные институты или негосударственные организации в сфере науки и культуры) связаны с МИЦАИ через систему Ассоциированных членов, а ученые в индивидуальном порядке – посредством избрания в члены-корреспонденты¹. В журналах данной организации ежегодно публикуются научные статьи, отражающие различные этапы истории региона.

Немаловажный объектом является также Центральноазиатский институт стратегических исследований Central Asia Institute for Strategic Studies (CAISS), основная задача, которой заключается в проведении междисциплинарных, прикладных и многосторонних исследований по широкому спектру проблем безопасности, политических, экономических вопросов и вопросов развития. Центр оказывает консультационные услуги и специализируется на организации научных мероприятий, фокусируясь на странах Центральной Азии и более широком евразийском пространстве. Научно-исследовательский институт является независимым и беспартийным.

Опираясь на знания и опыт молодых выдающихся ученых и экспертов из стран Центральной Азии, CAISS стремится внести новые идеи и предложения, новые подходы для изучения Центральной Азии. CAISS привлекает политологов, экспертов, общественных деятелей и представителей научных кругов с инновационными идеями и предложениями в целях повлиять на нацио-

¹ <http://www.unesco-iicas.org/>

нальные и региональные дискуссии. CAISS находится в г. Алматы, Казахстан, и был создан в мае 2016 года¹.

Еще один Центр изучения Центральной Азии, Кавказа и Урало-Поволжья (ЦИЦАКУП) является одним из самых молодых научных подразделений Института востоковедения. Он появился в марте 2010 г. в результате преобразования Отдела Центральной Азии и Кавказа (который, в свою очередь, был создан в октябре 2009 г. путем слияния Отдела стран СНГ и Группы сравнительного изучения Северного Кавказа ИВ РАН). Английское название Центра: Central Eurasia Research Center (CERC).

Изучение Центральной Азии, Кавказа и Волго-Уральского региона, или Центральной Евразии, относится к числу наиболее важных, актуальных и перспективных направлений научных исследований в области зарубежного востоковедения. Не менее важным представляется это направление гуманитарных исследований и в мировой науке: оно активно развивается в США, Европе, Японии, странах Центральной Азии и Кавказа. Центр ставит перед собой задачи изучить проблемы развития местных обществ необходимо не фрагментарно, от случая к случаю, а на постоянной основе, отслеживая их динамику и тенденции. Центр акцентирует внимание и усилия специалистов на наиболее важных, прорывных направлениях научных исследований, а также осуществляет собственные полевые исследования, выездные эпиграфические, археографические и другие экспедиции.

Основные направления работы сотрудников ЦИЦАК включают как классические сюжеты академической исторической ориенталистики и источниковедения, основанные на текстологическом изучении архивных первоисточников на восточных, западных и русском языках, так и современные прикладные исследования, прежде всего, в области регионоведения, новейшей истории, религиоведения, социологии, экономики, политологии, геополитики и международных отношений².

Таким образом, несмотря на то, что изначально возникновение и дальнейшее стимулирование интереса к Центральной Азии во многом определялись политической повесткой дня, со временем,

¹ www.caiss.expert

² info@ivran.ru

данная научная дисциплина в процессе своей эволюции смогли трансформироваться в фундаментальные научные разработки. Сегодня центры по изучению Центральной Азии имеют за своими плечами долгую академическую традицию и представлены многопрофильными специалистами по региону и все публикации выше-названных центров дают обзор современных международных тенденций с глубокими экскурсами в историю и историографию, ориенталистику, геополитику.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯҚИН ТАРИХДАГИ ТАҲЛИЛИ

Ю.Б. Кушанова,

*ЎзР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ таянч докторанти*

Ўзбекистон ва Франция мамлакатларининг муштарак алоқалари узоқ йиллик тарихга эга. Хусусан, илк муносабатлар Ўзбекистон худуди бўйлаб ўтган Буюк Ипак йўли карвонлари Европага қатнаган даврларга бориб тақалади. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темурнинг Франция давлати билан бошлаб берган дўстлик алоқалари ҳозирги кундаги муносабатларнинг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан келган Европадаги биринчи мамлакат Франция эканини қайд этиб, икки мамлакатни буюк аждодимиз Амир Темур ва Франция қироли Карл VI давридан буён ўрнатилган ўзаро ҳурмат ва савдо алоқалари боғлаб турганига алоҳида эътибор қаратди¹.

Таъкидлаш керакки, икки томонлама маданий-гуманитар муносабатлар тарихини кўздан кечириш жараёнида айнан Франция Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришишидан олдинги даврларда ҳам алоҳида ўринга эга бўлгани намоён бўлади. Худди шундай муносабатлар замирини 1978 йилда Ўзбекистонда Франция кунлари ўтказилди. Унда таниқли француз вакиллари Ги Дессон, Раймон Маркье, Макс Поль Фуше, Роз Герен, Поль Девилет, Раймон Русса, рассом Поль Гиранман ва бошқалар қатнаш-

¹ Ўзбекистон ва Франция Президентларининг музокаралари самарали бўлди. <https://press-service.uz/uz/lists/view/2080>

дилар. 1979 йилда Францияда Ўзбекистон кунлари Парижнинг «Франция–СССР» жамият уйи биносида Ўзбекистоннинг миллий-амалий санъатининг кўргазмалари ва ўзбек рассомларининг ижоди намойиш этилди. «Баҳор» ансамблининг Амьен, Сартрвиль, Лион, Ницца, Клермон-Ферран, Нант, Ажан, Бордо ва бошқа шаҳарларда 20 та концерт дастурлари катта муваффақият билан ўтказилиши билан изоҳлаш мумкин. Халқлар орасида бу каби дўстлик кунларининг нишонланиши муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим ўринга эга бўлди. Ўша даврда республикалар ўртасида ташқи алоқалар ривожланиб, Ўзбекистон саноат корхоналари Францияга тўқимачилик машиналари, экскаваторлар, ипак матолари, қорақўл мўйнаси ва бошқа маҳсулотларни етказиб берган. Париж кўчаларининг бирида «Бухоро» дўкони очилган бўлиб, у ерда ўзбек миллий маҳсулотларининг кенг танлови мавжуд бўлган. Шу билан бирга, Франциядан Ўзбекистонга ҳам товарларни етказиб бериш ҳажми ҳам ошиб бормоқда эди. Франция компаниялари томонидан Тошкентдаги уйсозлик комбинатига, парфюмерия фабрикасига, Республика телемарказига ва бир қанча бошқа завод ва саноат корхоналари учун комплекс ускуналарни етказиб беришда катта ҳисса қўшган.

1986 йилда Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетида Франция университетлари Тарих факультети талабалари Ўрта Осиё маданияти ва тарихини ўрганиш бўйича таҳсил олгани, 1987 йилда Франциянинг маданий ишлар бўйича атташеси Ш. Кантен раҳбарлигида ташкил этилган конкурсда Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети талабалари томонидан иштирокчиларга тақдим этилган «Антигона» спектакли биринчи ўринни олгани ҳамда 8 нафар ўқитувчиларнинг француз тилини ўрганиш курсларида иштирок этиш учун Францияга боргани хусусида бир қатор тарихий маълумотларда ёзиб қолдирилган¹. Мазкур йилларда Ўзбекистон Республикасининг маданий-маърифий алоқалари миллий ассоциацияси томонидан фан, таълим ва маданият соҳасидаги алоқаларини мустаҳкамлашда турли хил анжуманлар ва йирик тадбирлар ўтказиб келинди².

1991 йилда жамоатчилик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи алоқалар миллий Ассоциацияси Ўзбекистон ва

¹ ЎЗР МДА Фонд М-2, рўйхат -1, иш 92. 46 варақ.

² ЎЗР МДА Фонд М-2, рўйхат -1, иш 9.2 48 варақ.

тида нафақат Францияда, балки бутун жаҳонда таникли олиманинг «Мовий Самарқанд», «Сехрли Самарқанд» номли суратли китоблари юксак қадрланади¹. Расмий ташрифнинг яна бир асосий қисми сифатида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш фонди ва Франциянинг Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик бўйича Англашув Меморандуми имзоланди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур Англашув Меморандумига кўра, 2021 йил куз ойида «*Буюк Ипак йўлида маданият ва цивилизация*» мавзусида кўргазма ўтказиш режалаштирилган. Халқаро кўргазмада Буюк Ипак йўлидаги халқларнинг тарихий, сиёсий, маданий ва диний тараққиётида Ўзбекистоннинг кенг ва аҳамиятли роли намойиш қилинади².

Илмий ҳамкорлик ҳақида сўз борганда, ўтган йили пойтахтимизда ташкил этилган «Илмий мунозара: муаммо, ечим ва ютуқ» мавзусидаги халқаро анжуман ва унинг самараларини ёдга олиш мақсадга мувофиқ. Ушбу анжуман ўзбек таржимашунослик мактаби асосчиси, адабиётшунос олим Ғайбулла ас-Салом таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан ўтказилди. Унда иштирокчилар мамлакатимизда таржима соҳасини янада ривожлантириш, тил ўрганишининг осон ва инновацион усулларида фойдаланиш, маданий алоқаларни яхшилаш борасида фикр алмашдилар. Дўстлик жамияти Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда икки мамлакат миллий байрамларини ўтказиш, урф-одат ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам самарали иш олиб бормоқда. Жумладан, ҳар йили 14 июлда Франция миллий байрами – Бастилия қалъаси ишғол қилинган кун муносабати билан Тошкентда тантанали маросим ва бадиий кечалар ташкил этилади.

«Ўзбекистон–Франция» дўстлик жамияти пойтахтимизда фаолият юритаётган «Тошкент Француз альянси» билан ҳамкорликда ҳар ойда бир марта «Француз адиблари асарлари билимдони» танловини ўтказиб келади. Шу орқали маданий-адабий ҳамкорликни давом эттириш ва француз бадиий адабиётининг нодир намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш учун қулай

¹ <http://uza.uz/uz/politics/taniqli-fransuz-yozuvchisi-amin-maalufga-samarqand-shahar-fa-08-10-2018>

² Art and Culture Development Foundation and Louvre Museum sign memorandum. <https://www.uzdaily.uz/en/post/46062>

ижодий муҳит яратилади. «Ўзбекистон–Франция» дўстлик жамиятининг фаол аъзолари Тур шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиладиган «Тил ва маданият» фестивалида мунтазам қатнашади. Бу мамлакатларимиз дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланиши ва халқ дипломатияси ривожига муҳим ўрин тутди¹.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Франциянинг маданий-гуманитар соҳадаги дўстлик алоқалари тарихий даврлардан бугунги кунгача юксак мақомда ривож топиб келмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Франция давлат раҳбарлари ўртасида келишилган натижалар, шубҳасиз, янги тарихий саҳифани очиб, эзгу мақсад йўлидаги хайрли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уни амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилади.

XX АСРНИНГ 80–90-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ

С.Р. Толибова,

Навоий ДКИ ўқитувчиси

Ш. Н. Хайтбаева,

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси

Буюк Ипак йўли нафақат Хитой, балки Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг бевосита иштироки ва аралашуви жараёнида ривожланиб борган. Ўрта асрларда Сингапур, Индонезия, Малайзия, Вьетнам, Филиппин ва бошқа Шарқий Осиё давлатлари билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик давом этган. Бугунда шу анъанани давом эттириш мақсадида Таиланд, Бруней, Шарқий Тимор каби давлатлар билан ҳам дипломатик алоқаларни ўрнатиш ва ҳамкорлик алоқаларни давом эттиришга ҳаракат бошланган.

Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан собиқ Совет Иттифоқи даврида ҳам бир томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Хусусан, 1982 йил Ўзбекистонда Вьетнам Социалистик Республикаси маданият кунлари ўтказилди, 1985 йил Вьетнам Социалистик Республикаси маданият кунлари доирасида Тошкентда

¹ Мараҳимов А. Ўзбекистон ва Франция: асрий ҳамкорлик изидан. <http://uza.uz/oz/society/-zbekiston-frantsiya-asriy-amkorlik-izidan-08-10-2018>

вьетнам тилидаги китоблар кўрғазмаси, кинофильмлар декадаси каби тадбирлар ташкил этилди. 1986 йил Вьетнам Социалистик Республикаси делегацияси Фарғона шаҳрига ташриф буюриб, Фарғона ва Тхуанхай шаҳарлари ўртасида 1987–1988-йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди¹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви маълумотларига кўра, собиқ Совет Иттифоқи даврида Тошкент ва Куала-Лумпур шаҳарлари ўртасида биродар шаҳарлар алоқалари ўрнатилган. Ва шу доирада Ўзбекистонга 1987 йил Малайзия Премьер-министри Махатхира бен Муҳаммад биринчи маротаба ташриф буюрган² (Махатхира бен Муҳаммад иккинчи маротаба ҳукумат раҳбари сифатида 1993 йил ташриф буюрган).

Ўзбекистон Республикаси Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан мустақиллик йилларида муносабатлар ўрнатган бўлиб, ўзаро сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар турли йилларда динамик равишда ўсиб борди.

1996 йилда Навоий номидаги ДАКТ бош дирижёри Хамида Шамсутдинова бошчилигида саҳна усталари 7 кун давомида Малайзия Республикасида гастролда бўлдилар. Ўзбек мусиқаси билан биргаликда Малайзия оркестри томонидан мусиқалар янгради³.

Мустақиллик йилларида қадимий ва навқирон Самарқанд халқаро мусиқа фестивали ўтказиладиган марказга айланди. Вазирлар Маҳкамасининг 11 март 1997 йилда қабул қилинган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори бунга асос бўлди⁴. 1997 йил 25 августдан 2 сентябргача биринчи мусиқа фестивалида дунёнинг кўплаб мамлакатлари қаторида АСЕАН давлатларининг санъат усталари ҳам ўз санъатларини намойиш этишди. Биргина 2017 йилда Индонезиядан 7 та, Малайзиядан 7 та, Сингапурдан 11 та, Филиппиндан 8 та, Вьетнамдан 7 нафар санъаткорлар иштирок этдилар⁵.

¹ ЎЗР МДА Фонд-М-2, рўйхат-1, йиғма жилд-137, 10-варақ.

² ЎЗР МДА Фонд-М-2, рўйхат-1, йиғма жилд-106, 44-варақ.

³ УМС МК РУз иш. 5-3-10: Малайзия ва бошқа мамлакатлар.

⁴ «Шарқ тароналари халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 11.03.1997. «Халқ сўзи», 12 март 1997 йил.

⁵ Маданият вазирлигининг жорий архиви. Фонд-8, рўйхат-1, йиғма жилд-1358, 7–9-варақлар.

**Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари»
халқаро мусиқа фестивалида иштирок этган
Жануби-Шарқий Осиё давлатлари**

Давлатлар	1997	1999	2001	2003	2005	2007	2009	2011	2013	2015	2017
Бруней								+		+	+
Вьетнам	+	+				+	+		+		
Индонезия	+	+	+			+	+	+	+	+	+
Камбоджа	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Лаос	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Малайзия	+	+			+	+	+		+		
Мьянма	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+
Сингапур							+	+	+	+	+
Таиланд	+	+				+	+		+		
Филиппин					+		+		+		
Шарқий Тимор	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Мауба: «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали матбуот хизмати маълумотлари асосида тузилган.

Бу эса дунёда тинчлик ва эзгуликни, барқарорлик ва ўзаро бир-бирини тушунишни кўшиқ орқали амалга оширишни кўрсатади. Бугунда анъанавий «Шарқ тароналари» фестивали беш қитъа санъат шўхлигининг диққатини ўзига тортмоқда. Ушбу нуфузли тадбирда ҳозирга қадар Шарқий Тимор ва Камбоджа мамлакатлари вакиллари иштирок этмаган. Ваҳоланки, ушбу давлатлар хусусан, Камбоджада қадимий фольклор ва миллий кўшиқ ҳамда оҳанглари мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари (*Folk and Ceremonial Music, Royal Music*) ЮНЕСКОнинг «Анъанавий мусиқа тўплами» (*UNESCO Collection of Traditional Music*)¹ рўйхатига киритилган. Шарқий Тимор халқларида ҳам ўзига хос миллий ва анъанавий мусиқа, рақслар ҳамда кўшиқлар мавжуд. Бизнингча, ушбу халқаро фести-

¹ [Электрон ресурс:] <https://folkways.si.edu/unesco>

валга Камбоджа ва Шарқий Тимор мамлакатлари вакиллари хам жалб этиш, мазкур фестивалнинг халқаро нуфузи ва кўлами янада ошишига, шунингдек, Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий муносабатларининг янада кенгайишига хизмат қилади.

2-жадвал

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ғолиблари бўлган Жануби-Шарқий Осиё давлатлари

Мукофот	Номи	Давлат	Хажми (АҚШ доллари)
«Шарқ тароналари» 6-Халқаро мусиқа фестивали 2007 йил			
3-ўрин	«Seri Maharani Gazal» гуруҳи	Малайзия	3000
«Шарқ тароналари» 9-Халқаро мусиқа фестивали 2013 йил			
Ҳакамлар хайъати мукофоти	«Nadi Singapur» жамоаси	Сингапур	
«Шарқ тароналари» 11-Халқаро мусиқа фестивали 2017 йил			
3-ўрин	INO ансамбли	Индонезия	

Манба: «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали расмий сайти маълумотлари асосида тузилган.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, истиқлол йилларида амалга оширилган халқаро маданий алоқалар кенг миқёсда тарғибот вазифасини, Ўзбекистонни жаҳонга таништиришни бошлаб берди.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон театр ижодий гуруҳларининг хорижга сафарлари, семинар ва фестиваллар ўтказилмоқда. Давлатлараро шартномаларга мувофиқ хорижий мамлакатлардаги ижодий ташкилотлар, халқаро бирлашмалар билан алоқалар ўрнатилмоқда. Ўзбек театри жамоалари дунёдаги бир қатор мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, ўзбек театр санъати ютуқларини намойиш этишди. Ушбу ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, такомиллашиб бораётганлигини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг жорий архиви ҳужжатлари тасдиқлайди. Хусусан,

1994 йил ёзида А.Навоий номидаги Катта давлат опера ва балет театри санъаткорлари Малайзия ва Таиландда¹ ижодий гастролда бўлдилар. Бу ерда ўзбекистонлик артистлар ўзларининг энг яхши «Золушка» ва «Дон-Кихот», «Спящая красавица» («Уйқудаги гўзал»)² каби спектакллари намоиш этдилар.

Шунингдек, 1996 йил ёзида А.Навоий номидаги балет труппаси бир неча Жануби-Шарқий Осиё давлатларида гастролда бўлиб қайтдилар. Улар Гонконг ва Сингапурда бўлиб, ўз репертуарларида «Раймонда», «Ромео и Жульетта» ва «Спящая красавица»³ каби балет спектакллари намоиш қилдилар. Айти пайтда Тошкентда театр соҳасида халқаро фестивалларнинг ўтказилиб турилиши ҳам анъанага айланди. 1993 йил 29–30 октябрда «Театр: Шарқ–Ғарб» мавзуида ташкил этилган фестивалда жаҳоннинг 25 давлатининг ижодий бирлашмалари, жумладан, Малайзия, Таиланд, Сингапур ва Индонезия давлатларидан ҳам вакиллар қатнашдилар⁴.

Ўзбекистон тарихан маданият ва маърифат маркази сифатида кўплаб халқаро тадбирларга мезбонлик қилган. Хусусан, 1968–1988-йиллар мобайнида Тошкентда ўндан ортиқ Осиё ва Африка мамлакатларининг Халқаро кинофестиваллари бўлиб ўтган⁵. Бу анъаналар айти пайтда янада ривожланиб, Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг Кино ҳафталиги кунларини ўтказиш анъаналари давом эттирилмоқда. Жумладан, Тошкентда 1992 йил октябрь ойида Малайзия кино ҳафталиги кунлари бўлиб, унда малайзиялик 60 та кино санъати усталари иштирок этдилар. 1992 йил 23–29 декабрь кунлари эса II «Кино ҳафталиги кунлари бўлиб, унда Ўзбекистон ва Куала-Лумпурда Малайзия кино-санъаткорлари биргаликда Малайзиянинг хусусий кинокомпанияси «Сага Фортуна» билан ҳамкорлик қилиш, янги бадиий фильмлар яратиш, қўшма киностудиялар барпо этиш ҳақида Келишув шартномаси имзоланди⁶. Келишув замирида Имом Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида хужокагли, шунингдек, илмий-оммабоп, диний мавзуга бағиш-

¹ Маданият вакирлигининг жорий архиви. иш-5-3-10: Малайзия ва бошқа мамлакатлар.

² Тюрников В., Шагулямов Р. По пути независимости. – Ташкент, 2000. – С. 246.

³ Тюрников В., Шагулямов Р. По пути независимости. – Ташкент, 2000. – С. 265.

⁴ Тюрников В., Шагулямов Р. По пути независимости. – Ташкент, 2000. – С. 241.

⁵ ЎЗР МДА Ф. М-2564, 1-рўйхат, 826-иш, 2–4 -варақ.

⁶ Тюрников В., Шагулямов Р. По пути независимости. – Ташкент, 2000. – С. 237.

ланган фильмлар яратилди. 1994 йил июнь ойида Куала-Лумпурда (Малайзия) ислом маданиятига бағишланган фестиваль бўлди. Айни вақтда Малайзияда ҳам Ўзбекистон куни ўтказилди¹. Бу борада Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳам ўзига хос ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Жумладан, 1997 йил 2 апрелда Самарқандда рассомларнинг «Гўзаллик оламини кутқаради» мавзуидаги III Халқаро конференцияси ўтказилиб, унда жаҳоннинг 20 давлати рассомлари иштирок этди². 1997 йил Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказилган рассомлик кўргазмада ўзбекистонлик Николай Шиннинг 75 та асари намойиш этилди. У XV асрда Қирол Седжон томонидан жорий этган «Олтин Юлдуз» ордени билан тақдирланди³. Маданий ҳамкорлик йўналишида дунёнинг кўплаб мамлакатларида Ўзбекистон маданияти кунлари декадаларини ўтказиш, Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналари ва Ўзбекистондаги чет эл элчихоналарини бу ишларга жалб этиш орқали Ўзбекистон ва ўзбек халқини жаҳонга танитиш, унинг маданиятини тарғиб қилиш анъанага айланди. Вьетнам Социалистик Республикасининг мустақиллиги (2 сентябрь 1945 й.) эълон қилинган кун муносабати билан 1995 йил 22 август куни ушбу мамлакат элчиси Нгуен Ван Лак бошчилигида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбати охирида Тошкент маданият ўқув юрти (техникум) талабалари ва ўқитувчилари ҳамда Тошкентда таълим олаётган вьетнамлик аспирантлар Ланг Суан Хоа, Ланг Лин Конг, Ау Бао Чан иштирокида концерт дастури ташкил этилди⁴. 1995 йил 12 декабрда Индонезиянинг Ява оролида жойлашган Суракарта (норасмий номи Соло) шаҳрида «Агахан» халқаро хайрия фонди тарихий меъморий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш йўналишида ўтказилган танловда ўзбекистонлик санъат усталарининг «Бухоро ва бухороликлар»⁵ мавзуидаги реставрация чизма нусхалари ва тархи ҳамда нақшлардаги нафислиги учун муносиб тақдирланди.

Халқаро маданий муносабатлар тизимида Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари алоқалари йилдан-йилга ривож-

¹ ТА УМС МКС РУз, д. 5-1-14: Юго-Восточная Азия.

² Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. – Ташкент, 2000. – С. 270.

³ Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. – Ташкент, 2000. – С. 274.

⁴ ЎзР МДА Ф. М-2, 1-рўйхат, 137-иш, 20-варак.

⁵ Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. – Ташкент, 2000. – С. 254.

ланиб бормоқда. Айниқса, илм-фан, таълим, спорт, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши ва истиқболли жиҳатлари юксак натижалар бераётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг айрим Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқалари сусти йўлга қўйилган ва ушбу соҳада ўзаро муносабатлар талаб даражасида эмас. Бизнингча, Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари маданий-гуманитар ҳамкорликнинг турли соҳаларида ўзаро алоқаларни ривожлантириши зарур. Жумладан, Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг қадимий ва замонавий шаҳарлари ўртасида биродарлашган шаҳарлар алоқаларини ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, ўзаро ҳамкорликда дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашининг миллатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстлик алоқаларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари мисолида янада жонлантириш лозим.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОСИЁ–ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА

*С.Р. Усаров,
СамДУ таянч докторанти*

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ичида Осиё–Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан ҳам икки томонлама иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва уни ривожлантиришга интилди. Маълумки, минтақадаги қатор давлатлар мустамлақачиликнинг оғир тузумини ўз бошидан ўтказган, лекин танланган тараққиёт йўли эвазига қисқа муддатларда ривожланиш йўлига кириб олган эдилар. Бошқа томондан бўлса, минтақада жойлашган бир қанча давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик, биринчи навбатда, дунёнинг ривожланган ва иқтисодий қудратли давлатлар билан ҳамкорликда содир бўлиши мумкин бўлган «таъсир доира» таҳдидидан ёки уларга қайтадан иқтисодий «боғлиқ» бўлиб қолиш

хавфидан сақлар эди. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 1992 йил июнда Осиё–Тинч океани минтақасига бўлган расмий ташрифлари давомида Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезияда бўлиб, мазкур давлатлар билан сиёсий муносабатлар билан бирга иқтисодий алоқаларга ҳам устувор даражада аҳамият қаратилди.

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритишдан кейин мамлакатга дунёнинг бошқа давлатлари қаторида Осиё–Тинч океанининг бир қатор давлатларининг савдо ва инвестиция алоқалари муносабатларида «кириб келиши» кузатилди. Тўғри, шу ўринда бир ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Эндигина мустақилликка эришган, дунё ҳамжамияти учун Ўзбекистон номидан кўра кўпроқ собиқ совет давлатидаги иқтисодий таназзулнинг акс-садоси намоён бўлиб турган бир шароитда бу мамлакат билан жаҳоннинг аксар мамлакатлари фақатгина ўз маҳсулотларини ўтказиш учун янги бозор тимсолини кўра бошлади.

Шундай бўлса-да, мустақилликнинг илк даврларида хорижий инвестициялар фаолиятининг ҳуқуқий меъёрлари ҳали шаклланиш жараёнида бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон хорижий инвестиция иштирок этган қўшма ва хорижий корхоналар сони салмоқли бўлган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо вазирлигида 1992 йил май ҳолатига кўра республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган жами 130 та қўшма корхона, 2 та халқаро бирлашма ва ташкилотлар ваколатхоналари, 17 та қўшма корхоналар филиаллари ва шўъба корхоналари рўйхатга олинган. Ана шу қўшма корхоналар 1992 йилнинг 1 чорагида 2 млн 159 849 рубль ҳажмида экспорт ва 966 580 АҚШ доллари миқдорида импорт операцияларини амалга оширган¹.

Улар орасида Осиё–Тинч океани минтақасининг Малайзия ва Сингапур инвестицияси иштирокида бир қанча қўшма корхоналар фаолият кўрсатган. Масалан, 1992 йилдаёқ малайзиялик ишбилармонлар томонидан капитал киритиш йўли билан «Тинг» қўшма корхонаси ташкил этилган бўлиб, у ўша вақтларда республикада эҳтиёж қатта бўлган электр жиҳозларини ишлаб чиқишга йўналтирилган эди². Умуман олганда, 1993 йил 1 январь ҳолатига

¹ ЎзР МДА. М-37 фонди, 1-рўйхат, 549-йиғма жилд, 74-варақ.

² ЎзРМДА М-37 фонди, 1-рўйхат, 549-йиғма жилд, 16-варақ.

кўра Ўзбекистонда Малайзия капитали иштирокида расмий рўйхатга олинган кўшма корхоналар сони 2 тани ташкил қилган. Булар ҳисоблаш техникалари, электрон техникалар, видеотехникалар, телефонлар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи «Asia Software Systems International» кўшма корхонаси ва хизматлар соҳасида фаолият кўрсатувчи «Abda Airfrech Sid» кўшма корхоналаридир¹.

1993 йилда фаолият бошлаган яна бир ўзбек–малайзия «UzMal Industrial cooperation» кўшма корхонаси бўлса совун маҳсулотларини ишлаб чиқиш билан шуғулланган. Кўшма корхонанинг устав фонди ўша вақт учун нисбатан катта суммани – 600 минг АҚШ долларини ташкил этган ва бунда икки томон таъсисчиларининг улуши 50 %лик нисбатда бўлган².

Сингапур ишбилармонлари иштирокида «Damkent» ўзбек–сингапур кўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу корхона «Ал-Галайни» фирмаси билан Сингапурдан телефон аппаратларини йиғиш учун зарурий бутловчи ускуналарни келтириш бўйича 300 минг АҚШ долларига тенг шартнома имзолаган. Ўша даврда ҳали эски типдаги (совет давридаги) телефон ускуналаридан фойдаланиш давом этаётганлиги сабаб келтириладиган бу эҳтиёт қисмлар Алоқа вазирлигининг талабларига жавоб бермаган. Шунинг учун кўшма корхона ушбу шартномани бекор қилган. Бу эса Тошкентда замонавий телефон аппаратларини ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаслигига олиб келди³. Шу сабабли ҳам «Damkent» ўзбек–сингапур кўшма корхонаси фаолиятини мавжуд шароитлар туфайли эртароқ тугатди.

Умуман олганда, Ўзбекистон–Сингапур ўртасида расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилгунга қадар (1997 йил) Ўзбекистонда жами 3 та корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг иккитаси хорижий корхоналар ҳисобланган.

Шундай қилиб, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларни шакллантириш жараёнида хорижий давлатлар, жумладан, Осиё–Тинч океанининг қатор давлатлари иштирокида ташкил этилган кўшма ёки

¹ ЎзРМДА М-37 фонди, 1-рўйхат, 450– йиғма жилд, 44-варақ.

² ЎзРМДА М-37 фонди, 1-рўйхат, 894– йиғма жилд, 26–27-варақлар.

³ ЎзМДА М-37 фонди, 1-рўйхат, 549-йиғма жилд, 75–76-варақлар.

хорижий корхоналар фаолияти ўша давр учун йирик инвестицион лойиҳалар ҳисобланмаса-да, аммо республикада бизнес юритиш йўлидаги илк қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Буни мазкур қўшма корхоналарнинг республикада эҳтиёж катта бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги билан изоҳлаш мумкин. Иккинчидан, ташкил этилган ҳамкорликдаги қўшма корхоналарнинг аксарияти ишбилармон доира вакилларининг саъй-ҳаракатларининг маҳсули ҳисобланган. Шунинг учун ҳам уларнинг аксарияти кейинги иқтисодий ҳамда бозор муносабатлари талабларидаги ўзгаришлар туфайли ўз фаолиятини эртaroқ тугатишга мажбур бўлди. Лекин қўшма корхоналар тузилиши йўлидаги дастлабки ишлар маълум маънода Малайзия ва Сингапур ишбилармонлари учун Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳият ва имкониятлари билан яқиндан танишиши йўлидаги илк қадамлардан бири бўлиб хизмат қилди.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИГИ

*С.Я. Умаров,
СамДУ ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Европанинг етакчи давлатлари билан, энг аввало, Германия, Франция ва Буюк Британия билан, шунингдек, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратди. Мазкур ҳудуд давлатлари билан савдо, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш, юксак технологиялар трансфери, илм-фан, техника, таълим, экология, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан қадам қўйилди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларида яқин қўшнилари билан бирга Европа Иттифоқи таркибидаги Германия, Буюк Британия ва Франциянинг ўрни ҳам муҳим бўлди. Буни Ўзбекистон-

нинг ташқи сиёсий фаолият концепциясида Европа йўналишини алоҳида кўрсатилиши исботлаб беради.

Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда давлатларимиз ўртасида икки томонлама солиқдан қочиш, капитал киритишга кўмаклашиш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо бўйича энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар анъаналари чуқур илдизларга эга. XX аср бошидаёқ «Siemens» фирмаси Тошкентдаги биринчи телефон станциясини барпо қилишда иштирок этган эди. Афсуски, ўшанда бошланган алоқалар кейинчалик ривожланмай қолди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши янги уфқлар очиб берди¹.

1991 йил 31 декабрда «Ўн иккиларнинг қўшма декларацияси» билан Европа ҳамжамияти Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эътироф этди. 1992 йил 15 апрелда «Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамияти Комиссияси ўртасида ўзаро Англашув Меморандуми» имзоланди². Ўзбекистоннинг мазкур минтақа мамлакатлари орасида Германия Федератив Республикаси билан муносабатлари нисбатан кенг қамровлиги билан ажралиб туради.

1991 йилнинг 31 декабрь куни Германия Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини расман тан олди. 1992 йилнинг 6 мартига келиб эса, икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди³. Икки томон ҳам алоқалардан манфаатдор эди. Эндигина бирлашган Германия учун ҳам, мустақилликка эришган Ўзбекистон учун ҳам ишончли ва манфаатли ҳамкор лозим эди.

¹ Каримов И. Ваган саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 71–72.

² Юнусов Ҳ. Европа иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўзаро алоқаларининг ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008. – Б. 53.

³ Туракулов Б., Якубова М. Узбекско–германские отношения / История международных отношений Республики Узбекистан: коллективная монография. – Ташкент: УМЭД, 2017. С. 108.

Шу боисдан ҳам, ҳамкорлик алоқалари жадаллик билан олиб борилди. Ўзбекистоннинг Гарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1994 йил сентябрда айнан Германияда, Бонн шаҳрида очилганлиги (элчихона 2001 йил 3 апрелда Берлин шаҳрига кўчирилган¹) ҳам бунинг ўзига хос исботидир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1993, 1995 ва 2001 йиллардаги Германияга, Германия Президенти Р.Герцогнинг 1995 йилда, канцлер Г.Шрёдернинг 2002 йил ҳамда 2004 йилдаги Ўзбекистонга қилган олий даражадаги ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Ўзбекистонда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт-шароитлар сабаб Германиянинг йирик фирма ва компаниялари мамлакатимизга тобора кўпроқ сармоя олиб кирмоқда. Бугун Ўзбекистонда озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда савдо-сотик соҳаларида Германия билан ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳам муттасил равишда ўсиб бормоқда.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий соҳадаги ҳамкорликда асосий ўринлардан бирини инвестицион тармоқ эгаллайди. Германия Федератив Республикаси Ўзбекистонга сармоя киритиб келаётган етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Германия Ўзбекистон мустақиллигини Европа мамлакатлари ичида нафақат биринчилардан бўлиб тан олди, балким амалий жиҳатдан ҳам сармоявий ёрдамни амалга оширди. Германия томонидан йиллар давомида субсидия, ссуда, кредит ва инвестицияларнинг киритилиши мамлакат иқтисодининг ривожланишига ҳисса қўшди.

Мустақилликнинг илк давриданок Германия Федератив Республикаси ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги келишувга кўра Германия ҳукумати Ўзбекистон Республикасига 70 млн немис маркасидан зиёд молиявий ёрдам кўрсатди².

¹ О здании Посольства // Посольство Республики Узбекистан в Федеративной Республике Германия // <https://www.uzbekistan.de/ru/botschaft>. Сайтга 11.12.2018 йилда мурожаат қилинди.

² ЎЗР МДА Фонд М-37, 1-рўйхат, 2711-йиғма жилд, 112–113-варақлар.

1994 йил май ва июнь ойларида имзоланган ҳукуматлараро молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномадан келиб чиққан ҳолда, ГФР Федерал ҳукумати Ўзбекистонга йиллик 0,75–2 %гача ўн йиллик имтиёзли давр билан 30–40 йилга мўлжалланган 66 млн немис маркаси имтиёзли кредит берди. Бу кредитнинг 25 млн немис маркаси республика телекоммуникация тизимини ривожлантиришга, 20 млн маркаси Тошкент аэропорти реконструкциясига, 11 млн немис маркаси сут ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, 4,5 млн немис маркаси гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 5,5 млн немис маркаси қишлоқ хўжалиги учун зарур техникаларни сотиб олишга сарфланди¹.

Германия билан ҳамкорлик алоқаларининг дастлабки йили ҳисобланган 1992 йилда 94,022 млн АҚШ долларлик экспорт ва 216,307 млн АҚШ долларлик импорт амалга оширилди².

1993 йил апрелда Ўзбекистон ва «Даймлер-Бенц» концерни ўртасида «Мерседес-Бенц» русумидаги юк автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича Меморандум имзоланди. Хоразмдаги «Ўзавтопром» ассоциацияси негизида йилига 600 дона «Мерседес-Бенц» русумидаги юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган заводнинг қурилиши бошланди³. 1994 йилга келиб Хоразмда Германиянинг «Даймлер-Бенц» концерни билан ҳамкорликда қурилган заводда дастлабки юк машиналари йиғилди⁴. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг «Ўрта Осиё Транс» компанияси билан Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси ўртасида имзоланган шартномага кўра умумий қиймати 82 млн немис маркаси миқдорида бўлган 213 та шаҳар автобуси Ўзбекистонга олиб келинди⁵.

Умуман олганда, ҳуқуқий жиҳатдан тенглик ва ўзаро шериклик асосида қарор топган алоқалар ўтган йиллар давомида ривожланиб борди. Ўзбекистон ва Германия ишончли шерикларга айланди.

Улкан иқтисодий имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси немис ишбилармон доираларини доимо қизиқтириб келган. Шу боисдан ҳам, немис ишбилармонлари келгуси истиқболда ҳам

¹ ЎзР МДА Фонд М-37, 1-рўйхат, 1279-йиғма жилд, 18–19-варақлар.

² ЎзР МДА Фонд М-62, 1-рўйхат, 72-йиғма жилд, 8-варақ.

³ ЎзР МДА Фонд М-37, 1-рўйхат, 1279-йиғма жилд, 20-варақ.

⁴ Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 126.

⁵ ЎзР МДА Фонд М-37, 1-рўйхат, 1279-йиғма жилд, 20-варақ.

Ўзбекистон ва ундаги тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Бу борада Ўзбекистон ҳам манфаатдор бўлиб, келгусида икки давлатнинг савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиши юзасидан ўзининг истиқболли таклифлари – немис эркин иқтисодий зонасини очиш, Германия–Ўзбекистон ташқи савдо палатасини тузишни таклиф қилди. Бу таклифларнинг амалга ошиши икки давлатнинг савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлигини янада ривожлантириб, немис инвестициясини юртимизга кенг кўламда кириб келишига олиб келади.

Хулоса қисмида айтиш мумкинки, улкан иқтисодий ва техник имкониятларга эга бўлган Германия Федератив Республикаси билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон учун мустақилликдан кейин кенг имкониятлар бериб, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишига кўмаклашди.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон–Германия муносабатлари икки томон учун манфаатли кечиб, келгуси истиқболда ҳам бу ҳол сақланиб қолишидан икки давлат манфаатдор.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИККА
ЭРИШИШ ТАРИХИ:
1980–1990-йиллардаги ижтимоий-сиёсий,
иқтисодий ва маданий омиллар**

Илмий тўплам

Тошкент — «TURON-IQBOL» – 2019
100011. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-а уй.
Телефон/факс: (71) 244-25-58.

Муҳаррир: *Ҳ. Закирова*
Бадий муҳаррир: *А. Муҳаммадиев*
Мусахҳиҳ: *С. Алимбоева*
Саҳифаловчи: *А. Тиллахўжаев*

Нашриёт лицензияси № 223, 16.11.2012.
Босишга 18.09.2019 йилда рухсат этилди. Бичими 60×84^{1/16}.
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма усулида
босилди. Шартли босма табоғи 20,92. Нашр табоғи 22,5.
Адади 100 нусха. 55-сонли буюртма.

